74.00
Я-61

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

-61

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УЛУҒБЕК» ЖАМҒАРМАСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

Илмий ишлар тўплами

Иккинчи китоб

2

JIZZAX DPI
INV № 1410-765
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«TA'LIM NASHRIYOTI»
2021

УЎК 371.10
КБК 74.00
Я 61

Я 61 **Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари:** илмий ишлар тўплами. Иккинчи китоб / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Тузувчи ва нашр учун масъуллар: О. Салимов, У. Бегимқулов, М. Бекмуродов, К. Қуронбоев, Н. Халилов. – Т.: «Ta'lim nashriyoti», 2021. 368 б.

ISBN 978-9943-368-05-7

«Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари» тўпламининг иккинчи жилдига республикадаги олий таълим муассасаларининг магистратура, бакалавриат босқичларида таълим олаётган истеъдодли ёшлар, докторантлар, шунингдек, вазирлик ва идораларда ўз фаолияти билан бир қаторда изланишлар олиб бораётган ёш олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари жамланган. Илмий мақолалар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларига инновацион ғоялар ва илмий ишланмаларни жорий қилишга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Тўплам ёш олимлар, тадқиқотчи-изланувчилар, талабалар кенг аудиториясига мўлжалланган.

УЎК 371.10
КБК 74.00

ISBN 978-9943-368-05-7

© «TA'LIM NASHRIYOTI» МЧЖ, 2021

Сизларни ***Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси*** *сифатида юксак қадрлайман.*

Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда ***Учинчи Ренессанс*** *пойдеворини яратишга киришдик.*

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни ***бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари*** *деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни изчил амалга оширмоқдамиз.*

Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: ***илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин!***

Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БИРИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли ёшлар, азиз тенгдошлар!

Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – юртимизда биринчи бор ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форуми ғоят кўтаринки ва амалий руҳда бўлиб ўтди.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг анжуманда сўзлаган сермазмун нутки барчамизда қизгин таассурот қолдирди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни Ватанимизнинг энг катта бойлиги ва бебаҳо хазинасига қиёслагани, мард ва фидойи тенгдошларимизнинг синовли кунларда кўрсатган мардлиги ва жасоратини юксак эътироф этгани бизни ниҳоятда руҳлантирди.

Айни пайтда, Юртбошимизнинг ёш авлодга улкан ишончи, эътибор ва ғамхўрлиги зиммамизга жуда катта масъулият юклади.

Барчангиз гувоҳсиз, сўнгги йилларда мамлакатимизда – янги Ўзбекистонда ёшларга муносабат бутунлай ўзгарди.

Ёшларга доир давлат сиёсати асосида ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, кобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислоҳотлар изчил ва самарали амалга оширилмоқда.

Бизнинг илғор билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, етук мутахассис, чинакам ватанпарвар инсонлар бўлиб камол топишимиз учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда.

Кўплаб тенгдошларимиз парламентда, ҳукумат аъзолари сафида, давлат бошқаруви органларининг масъул лавозимларида, замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва спорт соҳаларида – ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жўшқин фаолият олиб бормоқда.

Бугун Ватанимизнинг келажагини белгилаб берадиган, янги Уйғониш даврининг асосини ташкил этадиган ҳал қилувчи соҳа – таълим-тарбия тизими жадал ривожланмоқда.

Ҳаётда синовдан ўтган миллий ва хорижий тажрибалар асосида янги-янги билим, санъат ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ҳамда ижод мактабларида юзлаб истеъдодли ўғил-қизлар замонавий таълим-тарбия олмоқда, маҳорат сирларини эгалламоқда.

Бугунги учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган муҳим фикрлар, хусусан, иқтидорли талабалар учун Президент гранти таъсис этилиши, республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалавриат босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендияларининг жорий қилиниши, икки ва ундан ортиқ фарзандини шартнома асосида ўқитаётган оилаларга имтиёзли таълим кредити берилиши ва бошқа янгиликлар бизни жуда қувонтириб юборди.

Президентимиз ўз нутқида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш бўйича илгари сурган ғоялар айни бизнинг кўнглимиздаги иш бўлди.

Хусусан, «Ёшлар: 1+1», «Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор», «Ёшлар кичик саноат зоналари», «Лойиҳалар фабрикаси», «Ёшлар технопарклари», «Ёшлар мурожаати» электрон платформаси сингари янги-янги ташаббуслар ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан ёшларни уй-жой билан таъминлаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда, Юртбошимиз беш муҳим ташаббусни изчил амалга ошириш, истеъдодли болаларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича олдимизда турган энг долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата айтган қуйидаги сўзлари ҳаммамизни чексиз тўлқинлантирди:

«Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!».

Тарих ҳақиқати ва катта ҳаёт тажрибаси билан йўғрилган бу сўзлар биз учун бир умрлик ҳаёт дастури бўлиб қолади.

Халқимиз, давлатимиз, муҳтарам Президентимизнинг биз ёшларга юксак эътибори ва ишончини оқлаш, бу ғамхўрликка ҳар томонлама муносиб

бўлиш учун ўз устимизда жиддий ишлашимиз, қаттиқ меҳнат қилишимиз лозимлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан англаб турибмиз.

Азиз дўстлар, азму шижоатли тенгдошлар!

Бугун она халқимиз, жонажон Ватанимиз, азиз Президентимиз онгу тафаккури озод авлоддан буюк ишларни кутмоқда. Мамлакатимиз олдида турган юксак мақсадлар йўлида ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида қаралмоқда.

Барчамиз зиммамиздаги улкан масъулият ва жавобгарликни ҳис қилиб, Ватан манфаатлари йўлида янада бирлашиб, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этайлик!

Эл-юртимизнинг, Президентимизнинг, ота-оналаримиз, устоз-мураббийларимизнинг бизга билдираётган юксак умид ва ишончларини амалий ишлар билан – аъло ўқиш, аъло меҳнат, аъло хулқу одобимиз билан оқлайлик!

Биз бунга қодирмиз. Чунки, биз – Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодимиз.

Ишонтириб айтамизки, биз ана шундай буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб бўламиз.

Ҳозирги нотинч ва мураккаб даврда, глобаллашув ва рақобат муҳитида доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга сиз, азиз дўстларимизни даъват этамиз.

Ҳаётдаги ҳар қандай синов ва қийинчиликларни шижоат ва қатъият билан енгиб ўтиб, она Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳаётий мақсад ва маслагимизга айлансин!

Азиз Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиб, юртимизда янги Ўзбекистонни, янги Ренессансни яратишга муносиб ҳисса қўшайлик!

Дунёдаги энг улуғ бахт – эл-юрт ишончига сазовор бўлиш барчамизга насиб этсин!

Биз – Ўзбекистон ёшларига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги учун ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

ОБРАЩЕНИЕ УЧАСТНИКОВ ПЕРВОГО ФОРУМА МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА К МОЛОДЕЖИ СТРАНЫ

Уважаемая молодежь, дорогие сверстники!

Незабываемое историческое событие в жизни нашей страны – впервые организованный Форум молодежи Узбекистана прошел конструктивно и на высоком душевном подъеме.

Содержательное выступление уважаемого Президента Шавката Миромоновича Мирзиёва произвело на всех нас яркое впечатление.

Нас безмерно воодушевило то, что глава государства, назвав молодежь самым большим богатством и бесценным достоянием нашей Родины, высоко оценил мужество и самоотверженность, проявленные нашими отважными сверстниками в дни испытаний.

Огромное доверие, внимание главы государства к молодому поколению возлагает на нас большую ответственность.

Все вы являетесь свидетелями того, как в нашей стране – новом Узбекистане за последние годы кардинально изменилось отношение к молодежи.

На основе государственной молодежной политики последовательно и эффективно осуществляются реформы, направленные на обеспечение жизненных интересов молодежи, реализацию ее благих устремлений, потенциала и таланта.

Создаются все условия для того, чтобы мы могли глубоко осваивать передовые знания и профессии, стать высококвалифицированными специалистами и истинными патриотами страны.

Многие наши сверстники активно трудятся во всех сферах жизни, в том числе в правительстве, на ответственных постах органов государственного управления, на современных предприятиях, в сферах малого бизнеса и предпринимательства, науки, здравоохранения, культуры, искусства и спорта.

Сегодня динамично развивается ключевая сфера, определяющая будущее нашей Родины и составляющая основу нового Возрождения, – образование и воспитание.

На основе внедрения в жизнь передового национального и зарубежного опыта возводятся все новые и новые учебные заведения, объекты культу-

ры и спорта. В Президентских, специализированных и творческих школах сотни одаренных юношей и девушек получают современное образование, постигают секреты мастерства.

На сегодняшней встрече мы были очень рады услышать важные идеи главы нашего государства, в частности, новость об учреждении Президентского гранта для одаренных студентов, Президентских и государственных стипендий для студентов бакалавриата действующих в республике зарубежных высших учебных заведений, предоставлении льготных образовательных кредитов для семей, в которых трое и более детей обучаются на контрактной основе.

Президент страны в своем выступлении инициировал множество проектов, направленных на поддержку молодежи, в том числе, по обеспечению ее занятости, развитию предпринимательских навыков и деловых качеств.

В частности, важное значение в нашей жизни будут иметь такие новые инициативы, как «Молодежь: 1+1», «Предприниматель – опора молодежи», «Малые промышленные зоны молодежи», «Фабрика проектов», «Молодежные технопарки», электронная платформа «Обращение молодежи».

Президент страны уделил особое внимание таким актуальным вопросам, как обеспечение молодежи жильем, подготовка к самостоятельной жизни, укрепление семей и предупреждение разводов.

Глава нашего государства определил наиболее актуальные задачи по последовательному претворению в жизнь пяти важных инициатив, реализации талантов одаренных детей, физическому и духовному развитию молодого поколения, утверждению здорового образа жизни, военно-патриотическому воспитанию.

Всех нас особенно воодушевили слова главы нашего государства, адресованные молодежи: «Цените знания, стремитесь к знаниям! Не тратьте напрасно ни секунды! Помните, молодость — самая бесценная пора жизни, а наука и знания — это уникальное богатство, которое в воде не тонет, в огне не горит, и никто не в силах его отнять!».

Эти слова, основанные на исторической правде и богатом опыте, всегда будут для нас жизненным кредо.

Уважаемые друзья, дорогая молодежь!

Сегодня наш народ, наша любимая Родина и уважаемый Президент ждут от нас, молодого поколения, великих свершений. Молодежь является решающей силой на пути к достижению поставленных высоких целей.

Давайте же все мы, глубоко осознавая глубину такой ответственности, еще крепче сплотимся во имя интересов Родины и с честью выполним поистине историческую миссию.

Мы должны оправдать большие надежды и доверие нашего народа, Президента, родителей и учителей практическими делами – отличной учебой, добросовестным трудом и достойным примером.

Мы, несомненно, справимся с этой задачей. Ибо мы – потомки Хорезми, Фергани, Беруни и Ибн Сины, Улугбека, Навои и Бабура, Бухари, Термизи.

Мы можем с уверенностью сказать, что будем достойны наших великих предков.

В нынешнее неспокойное и непростое время, в условиях глобализации и конкуренции, призываем вас, дорогие друзья, к бдительности.

Пусть беззаветное служение Родине, стойкость в преодолении любых испытаний и трудностей будут целью нашей жизни.

Станем же настоящей опорой нашей Родины и внесем достойный вклад в формирование нового Узбекистана, нового Ренессанса!

Мы должны быть достойны доверия народа – самого великого счастья на земле!

Мы, молодежь Узбекистана, выражаем огромную благодарность нашему уважаемому Президенту Шавкату Миромоновичу Мирзиёеву за отеческую заботу.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ином МАДЖИДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети ректори

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **«Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас»,** деб таъкидлаб ўтган эди.

Учинчи Ренессанс пойдевори таълим тизимининг қуйи бўғини – мактабгача таълим муассасасида ва умумтаълим мактабида қўйилиб, профессионал ва олий таълимда янада мустаҳкамланади. Шунинг учун мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар яхлит, таълимнинг барча босқичларини қамраб олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида амалга ошираётган ишларнинг мазмун-моҳияти ва истиқболлари ҳам айнан инсон камолотини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Республикамизда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 725 та мутлақо янги профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда республикамизда 52 та янги олий таълим муассасалари, жумладан, 18 та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари, 9 та нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, олий таълим муассасалари сони 129 тага етди.

Иқтисодиёт тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш соҳасини янада кенгайтириш мақсадида янги 117 та таълим йўналишлари ҳамда 133 та мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, сиртқи ва кечки таълим шакллари жорий этилди.

2020 йилда қабул параметрлари 2017 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошди, жумладан, ишлаб чиқариш-техник соҳасида 73%, соғликни сақлаш

соҳасида 77%, педагогика соҳасида 89%, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида 52%га оширилди. Натижада, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. Олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда шаффоф, очиқ тизим жорий этилди.

Магистратурада қабул кўрсаткичлари табиий ва муҳандис-техник, шунингдек, математика соҳалари мутахассисликлари бўйича тўлиқ давлат гранти асосида белгиланди ҳамда қабул параметрлари 2 баробарга оширилди.

Республика олий таълим муассасаларида 22 та хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Россия, Беларусь, Голландия, Исроил, Италия, Финляндия, Франция, Чехия, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва б.) нинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари доирасида 83 та таълим йўналишлари ва 64 та мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Олий таълим муассасаларида 29 998 нафар профессор-ўқитувчилар, улардан илмий даражалилар 11 334 (37,8%) нафарни ташкил қилади. Шундан, 2307 нафар фан доктори, 9027 нафар фан номзоди. Охирги уч йилда 2990 та диссертация ҳимоя қилинди, илмий даражалилар улуши 6,7 фоизга ортди. Ҳимоя кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан 2,2 мартага оширилди.

Халқаро стандартларга жавоб берадиган «Ўзбекистон илмий журналлари» онлайн портали (https://uzjournals.edu.uz) яратилди.

Халқаро тан олинган илмий журналларда эълон қилинган мақолалар сони охирги 3 йилда тўрт баробарга ошди.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича янги табақалаштирилган ва муқобил малака ошириш тизими амалиётга жорий этилди. Сўнгги уч йилда олий таълим муассасаларининг 15301 нафар раҳбар ва педагог кадрлари малака ошириш курсларидан ўтди. Уларнинг 11 754 нафари бевосита малака ошириш марказларида, 3547 нафари масофадан туриб малака оширишди.

Охирги уч йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 397 нафар, олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 4847 нафар, жами 5244 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди.

Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида охирги уч йилда 2909 нафар хорижлик мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинган бўлиб, уларнинг 651 нафари Европа, 164

нафари Америка, 785 нафари Осиё, 1309 нафари МДҲ мамлакатлари профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари ҳисобланади.

Олий таълим массасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилмоқда, бу эса, ўз навбатида, таълим сифатини ошириш билан бир қаторда битирувчиларда амалий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий таълим тизимининг ривожланиш босқичларида **«учинчи авлод» университетлари** (тадбиркорлик экотизимлари, истиқболли технологиялар бозорлари ва миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини халқаро даражада таъминлаш)га бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу мақсадда олий таълим муассасаларида **таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш** фаолиятининг ўзаро узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **«Университет 3.0»** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарорида математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида математика фани бўйича машғулотларни кўпайтириш хамда таълим бериш сифатини ошириш билан боғлиқ қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори билан 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кимё ва биология йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида кўп босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – олий таълим муассасаси) кимё ва биология фани бўйича ўзининг олимпиадасини ўтказиш ва 1–3 ўринларни эгаллаган ўқувчиларни олий таълим муассасасининг маблағлари ҳисобидан имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш белгиланди.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб кимё ва биология фанлари бўйича халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларга бир маротаба ойлик маошининг 100 фоизи миқдорида, кимё ва биология фанлари бўйича талабалар учун тўгараклар олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга ўқув йили давомида олий таълим муасса-

саларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маошларига 25 фоиз миқдорида устама ҳақ белгилаш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»**ги Фармонида мамлакатимиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифаси белгилаб берилди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **Quacquarelli Symonds** (QS) ҳамда **Times Higher Eduducation** (THE) рейтинг агентликлари билан республика олий таълим муассасаларини халқаро рейтингларга киришга тайёрлаш бўйича ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, улар билан доимий маслаҳатлар, таҳлилий семинарлар, ҳар бир олий таълим муассасасига методик ёрдам, илмий фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** Нидерландиянинг **«Elsevier» компанияси** билан ҳамкорликда **«Илм-фан – 2020»** миллий ривожланиш дастурини амалга оширмоқда. Дастурнинг мақсади профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборат.

Юқоридаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик натижасида **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Quacquarelli Symonds (QS) агентлигининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё университетлари 2019 йилги рейтингида қайд этилган илк Ўзбекистон олий таълим муассасаси сифатида эътироф этилди.**

Шунингдек, жаҳон университетларининг **Times Higher Education – Impact Rankings – 2020** рейтингида республика олий таълим муассасаларидан учтаси: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Миллий университети** илк маротаба қайд этилди.

2020 йил 16 декабрь куни дунё университетлари рейтингини белгиловчи **Quacquarelli Symonds (QS)** рейтинг агентлиги 2021 йил учун Ривожланувчи Европа ва Марказий Осиё университетлари рейтингини эълон қилди. Унда Ўзбекистоннинг бир йўла 4 та олий таълим муассасаси: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат техника университети қайд этилди.**

Пандемия Ўзбекистон таълим тизимига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларидаги дарс жараёнлари 1 апрелдан бошлаб масофавий таълим шаклига ўтказилди.

Масофавий таълим сифатини таъминлаш учун, ҳам олий таълим муассасалари, ҳам профессор-ўқитувчилар, ҳам талабалар, ҳам алоқа каналлари бирдек тайёр бўлишлари лозим. Лекин, аввалдан таълим соҳасига масофавий ўқитиш элементларини киритиб боришга йўналтирилган мақсадли фаолият пандемия туфайли ушбу ишларни тезлаштиришни тақозо этди. Муҳими, йўналиш тўғри белгиланган, олий таълим муассасаларида хато қилишдан қўрқмаслик маълум даражада янги форматдаги ўқув жараёнини бошлашни таъминлади.

Бунинг учун, *биринчи навбатда,* таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ўқув режалари асосида жорий семестрдаги фанларнинг дастурлари бўйича **ўқув ресурсларини яратишга** эътибор қаратилди, олий таълимда ўқитилаётган **7200** дан зиёд фандан масофавий таълим ресурслари яратилди ва платформаларга жойлаштирилди.

Иккинчидан, барча олий таълим муассасаларининг масофавий ўқитиш платформалари ягона порталга бирлаштирилди. Бу эса олий таълим муассасаларида ўқув ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш имкониятини берди.

Учинчидан, барча талабалар учун очиқ таълим ресурсларини яратиш мақсадида маърузалар видеопортали ишга туширилди ва барча учун умумий бўлган фанлардан видеомаърузалар жойлаштириб борилди.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари 85 та замонавий сервер қурилмалари билан таъминланди, Интернет тезлигини ошириш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда 3 та, шунингдек, вилоятлар телеканаллари орқали фанлар бўйича теледарслар ўтказиш тизимли йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларга виртуал муҳитда ишлашни ўргатиш учун «**Масофавий таълимни таш-**

кил этиш технологиялари» курслари ташкил қилинди. Жорий этилган масофавий таълим ахборот тизимларидан 417816 нафар талаба ва 29030 нафар профессор-ўқитувчилар фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Хулоса қилиб айтганда, қисқа муддатда ҳам техник жиҳатдан, ҳам дастурий таъминот ва ресурсларни шакллантириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда таълим парадигмаси ўзгармоқда, етакчи хорижий университетлар ҳам вариатив (гибрид шакл) таълим шаклларини, масофавий курсларни, рақамли ўқитиш технологияларини тобора кенг жорий этишмоқда. Пандемия шароитларида бизнинг олий таълим муассасалари ҳам маълум маънода дастлабки тажрибани тўплашди.

Эндиликда талабаларимизда ҳам, профессор-ўқитувчиларимизда ҳам масофадан таълим олиш ва таълим бериш маданиятини юксалтиришимиз устида ишлашимиз лозим.

Муҳтарам Президентимизнинг **«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади»** деган ғояларини амалга ошириш мақсадида барча олий таълим муассасалари мактаблар билан ҳамкорликларини кенгайтириш йўналишида фаолият олиб боришмоқда. Бунинг учун мактабларда 4 та йўналишда қилинадиган ишлар белгилаб олинди: ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув-услубий ишларга ёрдам кўрсатиш, ёш ўқитувчиларни илмий фаолиятга жалб этиш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва селекция масаласи. Мактаблар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш мақсадида:

Биринчидан, Тошкент шаҳридаги 32 та олий ўқув юрти Тошкент шаҳридаги 318 та мактабнинг 21 891 нафар мактаб ўқитувчиларига 22 та фан бўйича доимий равишда услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда доимий малакасини ошириб бориш мақсадида бириктирилди.

Шунингдек, 4 та ҳудуддаги (Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари) **158 минг** нафар мактаб ўқитувчиларини 2021 йил давомида масофавий малакасини оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Иккинчидан, ўқувчилари олий таълим муассасаларига кира олмаётган республика ҳудудларидаги 643 та умумтаълим мактаблари 95 та олий таълим муассасасига бириктирилди.

Бириктирилган умумтаълим мактабларида талабаларнинг педагогик амалиётларини ташкил этиш, фанлар кесимида электрон ўқув материалларини ишлаб чиқиш, методик ишланмалар тайёрлаш, доимий равишда ўқитувчиларга фан янгиликларини бериб бориш йўлга қўйилади.

Учинчидан, мактаблардаги ёш ўқитувчилар олий ўқув юртларининг профессорларига «устоз-шогирд» тизими асосида бириктирилади, кафедраларнинг илмий-методик ишларига ёш ўқитувчилар жалб қилинади, мактабларнинг илмий муаммолари базаси шакллантирилади, илмий анжуманлар ўтказилади, фанлар бўйича тўгараклар ташкил этилади.

Тўртинчидан, мактаб ўқувчилари учун ОТМ, факультет, кафедра кунлари ўтказилади, олий ўқув юртидаги касб ва мутахассисликлар тарғибот қилинади, фан олимпиадалари ўтказилади, мактабдан ташқари машғулотлар, тайёрлов курслари ташкил этилади.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ёш авлодни баркамол, Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиётини таъминлашга қодир инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган. Шундай экан, ҳар бир юртдошимизга Учинчи Ренессанс даври пойдеворига ўз ғиштини қўйиш, яъни юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш насиб этсин.

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИ: ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор

Мозийга назар солар эканмиз, ҳар бир даврнинг ўз киёфаси, ўзига хос хусусият ва характери борлигини кўрамиз. Булар ўша давр кишиларининг интеллектуал даражаси, давлат ва жамиятнинг ўз олдига қўйган уйғун мақсадлари ҳамда умуммиллий стратегияларида акс этади. Тарих китобларига зарҳал ҳарфлар билан битилган, асрлар оша кейинги авлодлар ҳайратига сабаб бўлиб келган, инсоният тараққиётида муҳим из қолдирган тамаддун (цивилизация)лар ҳам аслида инсон фаолиятининг меваси ҳисобланади.

Неча минг йилликларки, инсоният ўз ақл-заковати, иқтидори, меҳнати ва кураши билан кўплаб довонларни босиб ўтди, давр учун олис туюлган марраларни забт этди, башариятнинг ҳаёт тарзи борган сари такомиллашиб борди ҳамда «тараққиёт даражаси» деган тушунча ҳам даврлар оша босқичма-босқич ўсди.

Кўриниб турибдики, инсоният шундай ижтимоий мавжудот, у турғунликни истамайди, доимо ривожланиш ва юксалиш ҳаракатида бўлади. Шунинг учун ҳар қанақа жамиятда демагог ғояларга параллел равишда янгича дунёқараш, янгича фикрлаш, илғор ва инновацион қарашлар ҳам бўлиши табиий ҳолдир. Демагог ғоялар таъсирида мудраётган инсон онги уйғониши ҳамда ўзини ўзи инқилобий тадқиқ этиши ва ривожлантириши натижасида дунё ёки бирон минтақа халқлари ҳаётида Ренессанс – Уйғониш даврлари юз беради. Бундай юксак ўзгаришлар мингйилликлар давомида ўша халқлар ҳаёти, яшаш шароити юқори даражада бўлишини таъминлаб келади.

Тарихдан маълумки, ёшлар буюк ўзгаришларни амалга оширувчи ҳамда ташувчи куч сифатида намоён бўлади. Ўз даврининг илғорлари, жаҳолатга қарши илм-маърифат ила курашувчилари бўлган буюк алломалар – Форобий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, Амир

JIZZAX DPI
INV № 140765
AXBOROT RESURS MARKAZI

Темур, Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур ҳаёти ва фаолияти мисолида миллий қаҳрамонликларни кузатишимиз мумкин. Яқин ўтмиш, яъни ўтган аср бошларида «жадидлар» номи остида улкан ўзгаришлар, янгиланишларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган маърифатпарварлар, миллий истиқлол курашчилари орасида «Ёш бухоролик», «Ёш хиваликлар» каби фирқалар борлиги бу ҳаракатларда ёшлар муҳим куч бўлганлигини кўрсатади. Халқимиз тарихида муҳим давр – Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги кунда ҳам ёшлар асосий ислоҳотчилар сифатида майдонга чиқиши шубҳасиздир.

Бугунги кун, бугунги давр – инқилобий ўзгаришлар даври, десак, муболаға бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида биз инсонпарварлик, халқпарварлик характерига эга бўлган Давлат, юксак ахлоқли фуқаролик Жамияти яратмоқдамиз. Бунда ҳар бир жабҳада иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда, маънавий-ижтимоий кўрсаткичлар ҳам тенгма-тенг ривожланиши асосий тамойиллардан ҳисобланади. Энг аввало, индивид, яъни Инсон ривожланиши, кейин у жамият ва давлат ривожини таъминлаши кўзда тутилади. Бугунги сиёсатнинг энг муҳим талаби шундаки, ёшидан, жинсидан, ижтимоий кечиб чиқишидан қатъи назар, ҳеч бир инсон, ҳеч бир фуқаро ислоҳотлар оқимидан четда қолмаслиги, ислоҳотлар тўлқини ҳар бир фуқаро ҳаётига бирдай етиб бориши ва таъсир кўрсатиши лозим. Шу боис, ҳар бир аҳоли қатламини уйғотиш, ҳаракатга келтириш ва ривожлантириш учун ислоҳотлар тармоқларга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатнинг ёшлар сиёсати ҳам алоҳида тармоқ сифатида шаклланмоқда.

Бугунги ёшлар сиёсати ҳам ўзига хос янги қиёфага кириб бормоқда. Тарихдан биламизки, барча даврларда болалар ва ёшларга аҳолининг тарбияланувчи қатлами сифатида қараб келинган. Бугунги кунга келиб ёшларга аҳолининг фақатгина тарбияланувчи қатлами эмас, балки ўзининг мустақил фикри, фуқаролик позициясига эга бўлган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган ижтимоий қатлам сифатида қаралмоқда.

Бу жиҳат ёшларнинг улкан мақсадлар йўлида бирлашаётгани, ўз ташкилотларини тузаётгани, ўзини ўзи тарбия қилаётгани, қобилиятларини ривожлантираётгани, шунингдек, аҳолининг бошқа қатламлари ҳаётини кўтаришда ҳам кўмак бераётганида кўришимиз мумкин.

Мамлакатда 34 млн дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 18 млн га яқини (60%) ёшлар ҳисобига тўғри келади, ўсиш кўрсаткичлари эса йилига 500 минг нафардан ортиқни ташкил этади.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қаторда, уларнинг олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўймоқда.

Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2017–2020 йилларда 5 та қонун ва 50 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, мамлакатда 30 июнь – «Ёшлар куни» деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижасида тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йилдаги 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат «Ёшлар парламент»лари ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Ҳудудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 ташаббус илгари сурилди.

Ўтган йиллар давомида 42 та туман (шаҳар)ларнинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳаллаларида бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди.

Ҳудудларда 50 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, «Маърифат карвони» тадбирлари доирасида 3 млн дан ортиқ китоблар

ёшларга етказиб берилди ҳамда «Ёш китобхон» танлови, «Бир миллион дастурчи» каби ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатда олий таълим муассасалари сони 50 фоиз (43 та янги ОТМ)га оширилиб, уларнинг сони 121 тага, ёшларни олий таълим муассасаларига қамрови 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. 4 та Президент мактаблари ва 9 та ижод мактаблари барпо этилиб, «Замонавий мактаб» дастури жорий этилмоқда.

Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 22,9 фоизи (106 минг 574 таси) 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини (71 минг 467 тани) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда 3,4 мингга яқин ёш фермерлар, 7,8 мингга яқин ёш ҳунармандлар фаолият юритади.

Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 860 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари тузилган, хусусан, ёшларнинг 995 мингга яқини сиёсий партияларга аъзо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2019 йилда ўтказилган сайловларда 9 нафар (6 фоиз) ёшлар депутат этиб сайланган бўлса, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

«Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилиб, жами 129 нафар ёшлар мукофотланди.

Сўнгги уч йил ичида нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда мамлакат ёшлари томонидан 5 299 маротаба совринли ўринлар қўлга киритилган, хусусан, маданият ва санъат соҳасида 446 та, спорт соҳасида 4 838 та, фан-таълим соҳасида 15 та.

Республикада ёшлар ва уларнинг оилалари учун давлат томонидан турли шаклдаги моддий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2018–2020 йиллар давомида 3 300 та фаол ёш оилаларга «Ёшлар уйлари» ажратилиб, 150 млрд сўм миқдордаги бошланғич тўлов маблағлари тўлаб берилди.

«Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди ҳамда 41 500 та янги иш ўринлари яратилди.

Ёшлар сиёсати бўйича хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш, ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 13 та хорижий

ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистон 2018 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ёшлар масалалари бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий индекси қабул қилинади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, истеъдодли ва салоҳиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, истиқболли ёш кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилади.

Зеро, далатимиз раҳбари айтганидек, «Замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ёшларимиз майдонга дадил чиқиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга қодирлар».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўктам УМУРЗОҚОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректори,
Республика олий таълим кенгаши раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ва ривожланиши олимлар ва ёшларнинг илмий ижодкорлигига боғлиқ. Бугун Республикамизда ёшларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча зарурий шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг муаммолари давлат сиёсати даражасида қаралмоқда.

Шунинг учун ҳам мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган нуфузи унинг интеллектуал камолоти билан белгиланиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида истеъдодли, ижодкор ёшлар муҳим ўрин тутади. Шуларни англаган ҳолда ОТМларда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун ҳозирги кунда эътибор қаратилиши зарур бўлган кўпгина омиллар мавжуд, жумладан:

– ёшларнинг эркин фикрлашига аҳамият бериш, уларни қизиққан фан соҳаларига илмий-ижодий йўналтириш;

– ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, илмий салоҳиятли ёшларни турли танлов, олимпиада, кўрик-танловларда қатнашишларига кўмаклашиш;

– ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни халқаро меҳнат бозорларига чиқишига кўмаклашиш мақсадида барча ҳудудлардаги олий таълим муассасалари базасида бизнес акселераторлар ташкил этиш;

– ёшларда бизнесни йўлга қўйишдан даромад олишгача бўлган масалаларни ўргатишга қаратилган масофавий таълим платформасини яратиш;

– ёшларни фаол яратувчанлик фаолиятига кенг жалб этиш, турли танловларда долзарб илмий-инновацион лойиҳалар билан иштирок этишларига кўмаклашиш;

– истеъдодли ва иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш;

– 1–2 курслардан бошлаб иқтидорли талабаларни саралаш ва уларни мутахассисликка доир материаллар билан таништириш, илмий тадқиқот ишларига жалб этиш.

Бу, ўз навбатида, ёшларнинг мустаҳкам билим олишлари, етук мутахассис ва олим бўлиб етишишларига замин тайёрлаб, бугунги ва эртанги мамлакатимизнинг тақдирини ҳал этувчи мақсадли кучга айланади.

Бугунги кунда университетларнинг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қиляпти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқи ҳам ана шундан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистон-

да янги уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Ҳозирда Ўзбекистон олий таълим соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортяпти. Инновация йўналишидаги алоҳида давлат тузилмалари ташкил этилиб, олий ўқув юртларида ҳам янги бўлинмалар очилмоқда.

Таълимнинг асосий вазифаларини, мавжуд илмий салоҳият ва алоҳида шахсларнинг истеъдодини намоён қилиш учун барча шароитларни яратиш жуда муҳим.

Бу борада:

– олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;

– олимларнинг юқори аниқликдаги илмий тадқиқотларини ўтказишга шарт-шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий лаборатория асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

– олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш лозим.

Бугунги давр талаб этаётган инновацияларни амалга ошириш учун эса илмий-таълимий соҳанинг ўзи ҳам энг замонавий инновацион технологияларни ўз фаолиятига татбиқ қилиши лозим. Бу иш илмий-таълимий соҳанинг инновацион ривожланишини бошқаришга мўлжалланган технологиялар, механизмлар ва усулларни такомиллаштиришни тақозо қилади. Бизнинг институтимиз ушбу йўналишда муайян тажриба тўплади, аниқроғи, ўзини инновацион ривожланиш векторига эга олий ўқув юрти сифатида танитадиган кўрсаткичларга эришди. Булар:

– инновацион инфратузилмани шакллантириш, унинг асосий элементлари бўлган технопарклар, кластерлар, технополислар ва бизнес-инкубаторлар;

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг макроиқтисодий интеграцияси – у институт атрофида кластер тузилмалари билан тўлдириладиган, ихтисослаштирилган илмий-техник ва иқтисодий майдончани шакллантиришга олиб келади;

– қулай таълим жараёнини ташкил этиш – бунда илмий тадқиқотлар, таълим ҳамда фаннинг инновацион фаоллигини оширишга хизмат қилувчи шароитлар, яъни ўқитувчилар, докторантлар, магистрант ва талабаларни илмий ишланмаларга жалб этиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади;

– илмий-техник ҳамда иқтисодиётнинг инновацион соҳасида ишлашга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари.

Юқорида келтирилган, институтнинг замонавий илмий-таълимий фаолиятига тегишли кўрсаткичларнинг аксарияти ушбу соҳадаги интилишларимиз ва салоҳиятимиздан дарак бериб турибди. Улар босиб ўтилган ривожланиш босқичига холис баҳо бериш билан бирга, келгусида тадқиқотлар университетига айланиш учун йўл очиб беради.

Экспертларнинг башоратига кўра, 2021–2023 йилларга бориб, жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизи рақамлаштирилган технологияларни жорий этишга ўтади. Бу жараён эса давлат, бизнес, таълим ва, умуман, жамият самарали фаолият юритишига имкон яратади.

Бундай шароитда истиқболли таълим технологиялари, янги ахборот-коммуникация воситалари, инновацион педагогик ечимлар ва ижтимоий технологиялардан кенг фойдаланаётган smart-таълим тизими бугунги кун талабларига, давлат ҳамда жамиятнинг интилишларига тўла жавоб беради.

Биз янгиланишу кашфиётлар остонасига жуда яқин келдик. Мақсадни белгилаб олганмиз ва биздан аввалги устозлар ўз ҳаётини таълимга, Ватанга багишлагани сингари фидойилик талаб этилади, шунда, албатта, мақсадга етамиз.

КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ

Отабек ХАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари

Аннотация. маколада ёш кадрларни асраб-авайлаш, ишонч ва тўғри йўналиш бериш, қобилият ва истеъдодини тўлақонли намоён этишлари учун имконият яратиш, уларнинг етакчилик қобилиятларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, инсон ресурслари, замонавий кўникмалар, ёшлар билан ишлаш, шаффофлик, меритократия.

Аннотация. В статье рассматриваются меры бережного отношения к молодым кадром, оказанию им доверия и правильного направления, создания условий для полноценного раскрытия их возможностей и способностей, укреплению их лидерских качеств.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, человеческие ресурсы, современные навыки, работа с молодежью, прозрачность, меритократия.

Abstract. The article discusses measures for reverent attitude towards the issues of upbringing youngsters, giving them confidence and right directions, creating conditions for the full disclosure of their capabilities and abilities, strengthening their leadership qualities.

Key words: civil service, human resources, modern skills, working with youth, transparency, meritocracy.

Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда ҳодиса ва жараёнлар кутилмаган тарзда ривожланиб бормоқда. Коронавирус пандемияси оқибатида қисқа давр ичида вужудга келган қалтис вазият ҳар бир давлат учун чинакам синов бўлди. Юзага келган шароитнинг давлат хизматчилари учун мураккаблиги шундаки, улардан турли соҳа ва жабҳаларда кўплаб ўзаро боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган муаммоларга ечим топа олиш талаб этилмоқда.

шуни исботлайди, инновация ва янгилик, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, шунингдек, рақобатбардошликни таъминлашга кучли туртки берадиган омил бу давлат секторига энг иқтидорли ёшларни жалб қилинишидир.

Шуни англаган ҳолда Агентлик инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшларни фаол жалб қилиш масаласига стратегик аҳамият қаратади.

Ёш кадрларни асраб-авайлаш, ишонч ва тўғри йўналиш бериш, кобилият ва истеъдодини тўлақонли намоён этишлари учун имконият яратиш Агентлик олдида турган муҳим вазифалардан бири. Бугунги ёшлар – ислоҳотларнинг ҳал қилувчи кучи ва фаол иштирокчисидир, айнан улар янги Ўзбекистонни намоён ятади, янги Ренессанс пойдеворини яратади.

Фидойи, ватанпарвар ва салоҳиятли ёшларни давлат фуқаролик хизматига жалб қилиш, уларнинг профессионал ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш мақсадида Агентлик томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йил август ойида Агентликнинг «Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали» (vacancy.argos.uz) ишга туширилди. Мазкур портал давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант лавозимларга шаффофлик ва меритократия тамойиллари асосида очиқ танлов йўли билан энг муносиб номзодларни саралаб олиш ва ишга қабул қилиш имконини беради.

Ушбу тизим олий таълим муассасалари битирувчилари ва кўплаб ёшларда катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Эълон қилинган 500 дан ортиқ вакант лавозимларга жами 11 мингга яқин талабгор ҳужжат топширгани бунинг ёрқин исботи. Мазкур тизим «ягона дарча» тамойили асосида фаолият кўрсатади ва муҳими электрон тарзда ҳужжат топширилгани учун портал номзодларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда инсон омилини минималлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тизимнинг жорий этилиши ёшлар учун қулай имкониятларни яратиш билан бир қаторда, уларнинг билим ва кўникмаларига қўйилган талабларни бир мунча оширади ва қўшимча масъулият юклайди. Ёш кадрлар замонавий технологияларни эгаллаган бўлиши, таҳлилий фикрлаш, креатив ёндашув, ғояларни шакллантириш, самарали қарор қабул қилиш, фаол ижтимоий муносабатлар, мослашувчанлик, ўз устида ишлаш каби кўникмаларга эга бўлиши бугунги кун талабига айланган.

Шунингдек, ёшларнинг давлат фуқаролик хизматига қизиқишини янада ошириш, уларнинг овозига қулоқ тутиш ва таклифларини инобатга олиш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мунтазам равишда улар

билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этилади. Бунга қўшимча тарзда, Агентлик томонидан ёшларнинг етакчилик қобилиятларини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш учун «Ёш лидерлар клуби» тузилади.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматидаги ёш кадрлар билан ишлаш, уларни энг нуфузли, шу жумладан, хорижий университетларда ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича алоҳида фаолият олиб бормоқда. Мисол учун, ҳозирда Агентлик томонидан иқтидорли ёш кадрларнинг минг нафарини дунёнинг ривожланган мамлакатларида стажировкага босқичма-босқич юбориш бўйича беш йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилмоқда. Бу борада «Эл-юрт умиди» жамғармаси имкониятларидан кенг фойдаланилади.

Албатта, мазкур йўналишдаги ишлар муваффақиятли амалга оширилиши давлат органлари ва ташкилотларидан саъй-ҳаракатларни бир мақсадга йўналтиришни тақозо этади. Бунда ҳар бир ташкилот ушбу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим.

Ҳозирда Агентлик томонидан «Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси» ишлаб чиқилмоқда. Ушбу Стратегияда давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшларни жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда ва ушбу йўналиш бўйича Стратегияга алоҳида бўлим киритилмоқда. Мақсадимиз 2030 йилга келиб, давлат фуқаролик хизматида ёш кадрларнинг нафақат сонини, балки уларнинг билим ва салоҳиятини сезиларли даражада оширишдир. Мазкур йўналишда Агентлик барча давлат органлари ва ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик олиб бормоқда.

Abstract. By using of the cyclotron based biomarker generator equipment BG-75 ABT (Louisville, TN, USA) including proton accelerator, chemical production module which combined with quality control system (HPLC, pH-meter), and general controlling center (Human-machine interface) the process of routine production of [^{18}F]FDG for aim of PET-CT is adapted. Single run of equipment intended as personal dose («dose-on-demand») allow to accumulate 18-22 mCi [^{18}F]FDG, that at usual application enough for PET-scanning of the 3 patients. Equipment adapted for synthesis up to 15 doses of radiopharmaceutical per working day. For case of fail, of some quality control parameters (e.g. kryptofix impurity, inorganic [^{18}F]-) from automatic quality control system, the appropriate fast manual methods used as alternative and it forward to prevent decay of target radiopharmaceutical.

Key words: medical cyclotron, ultra-short-life tracer, radiotracers, PET-CT, [^{18}F]FDG, quality control of radiotracers.

Позитронно-эмиссионная томография (ПЭТ), совмещенная с компьютерной томографией (ПЭТ-КТ), с применением сканера Ingenity TF фирмы (Philips, США) позволяет соотносить ПЭТ-изображение с анатомической структурой (КТ) с использованием одного и того же математического аппарата для реконструкции изображения [1]. В медицинских диагностических целях нашли применение следующие ультракоротко живущие изотопы, вырабатываемые в циклотронах: ^{15}O (время полураспада 2,04 мин), ^{13}W (9,96 мин), ^{11}C (20,4 мин) и ^{18}F (109,8 мин). Наиболее широкое применение нашел ^{18}F с оптимальным временем полураспада [2]. ^{18}F может быть получен в циклотронах бомбардировкой ^{20}We ядрами дейтерия по реакции: ^{20}Ne(d, α)^{18}F, или газообразного ^{18}O протонами по реакции: ^{18}O(p, n)^{18}F. Изотоп фтора-18 в этих случаях образуется в виде газа и неудобен для дальнейшего использования в радиохимическом синтезе. В настоящее время большинство изготовителей модулей синтеза радиотрейсеров, содержащих ^{18}F ориенти-

рованы на его получение бомбардировкой протонами [^{18}O]H_2O по реакции: $^{18}O(p,n)^{18}F$. Продукт реакции в данном случае – фторид анион. Для фторид аниона разработаны эффективные способы введение в различные биологически активные молекулы. В том числе 2-фтор производное глюкозы стало применяться широко как биомаркер гликолиза [3].

Перспективной модификацией нуклеофильного замещения 2-гидроксильной группы глюкозы на фтор стал метод прямого введения фтора в молекулу активированной маннозы на поверхности анионита, данный метод использован в создании автоматизированной системы синтеза [^{18}F]ФДГ для персонализированной медицины [4,5].

Целью настоящей работы является оптимизация работы оборудования «доза по необходимости» BG-75 ABT для рутинного синтеза [^{18}F]ФДГ и адаптация к цели системы автоматического контроля качества.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ЧАСТЬ

В работе использовали наборы реагентов, прекурсоры производства ABT Molecular Imaging Inc. (США), [^{18}O]H_2O 97% чистоты, производства Cambridge Isotope Lab., Inc. (США), растворители для ВЭЖХ производства Sigma-Aldrich (США), вода для определения эндотоксина Charles River (США), все эксперименты выполнены с использованием радиозащитного бокса и контроля радиоактивного фона Enviro-Rad фирмы Tema-Sinergie (Италия). Измерение радиоактивности проводили с помощью доз-калибратора Atomlab 500 производства Biodex (США), гамма-спектр радиотрейсера снимали многоканальным анализатором Wiper производства LTI Laboratory Technologies (США).

Оптимизация работы циклотрона. Водород высокой чистоты (о.с.ч. 10-6) использован в качестве газа ионного источника (поток 6 мл/сек), энергия ускорения частиц 7,5 МэВ, вакуум не менее 1•104 Торг, ток магнита 75–80 А, параметры RF 71,6 МГц при 15 кВ, ток ионного источника до 0.2 А. При оптимальных режимах номинальная выработка изотопа 1 мКи/мин.

Контроль качества радиотрейсера автоматической интегрированной системой. Следующие параметры качества определялись интегрированной системой контроля качества:

1. Радиохимическая идентичность и радиохимическая чистота проводились интегрированным с химическим модулем жидкостным хроматогра-

фом Knauer (Германия), укомплектованным УФ и рефрактометрическим, а также радиометрическим детекторами.

2. pH препарата определялся встроенным проточным электродом.

3. Остаточные растворители (ацетонитрил, этанол) определялись системной ВЭЖХ по рефрактометрическому сигналу.

4. Тест целостности фильтра (фильтр-насадка 0,22 ммк) испытывались встроенными датчиками давления.

5. Химическая чистота – остаточное количество катализатора нуклеофильного замещения (криптофикс) – определялась по данным УФ сигнала ВЭЖХ системы.

Контроль качества радиотрейсера внешними средствами анализа и альтернативные мануальные испытания. Следующие параметры качества определялись внешней системой контроля качества:

1. Радионуклидную идентичность и радионуклидную чистоту определяли по характерному пику в гамма-спектре (511 кэВ) и соответствия периода полураспада (109,8 мин), определяемого с помощью дозкалибратора.

2. Определение эндотоксина с использованием одноразовых тест-картриджей проводили с помощью портативного ридера Endosafe PTS (Charles River, Германия), пробы перед анализом разводили не менее 10 раз водой категории «LAL reagent».

3. Отобранные аликвоты препарата, после полного распада радиоактивности испытывали на стерильность путем посева на селективные среды.

Нижеуказанные методы использованы как альтернативные к автоматическим:

4. Тест целостности фильтра испытывали внешним барометром по давлению на пробивание воздуха через увлажненный фильтр.

5. pH определяли визуально по цвету индикаторной бумаги производства Экросхим (Россия).

6. Радиохимическая идентичность и чистота в качестве альтернативы встроенной ВЭЖХ определялись методом тонкослойной хроматографии (ТСХ) с применением силикагель импрегнированной микроволоконной бумаги – iTLC-SG производства Agilent technologies (США). Подвижной фазой служила смесь ацетонитрил – вода. Выявление пиков и количественные расчеты проводили с помощью радиосканера ТСХ пластинок MiniScanPRO производства Eckert & Ziegler Radiopharma (Германия).

7. Остаточные растворители определяли газовой хроматографией на хроматографе Clarus 580 фирмы PerkinElmer (США) с ПИД-детектором. Колонка 60 м х 0,32 мм Stabilwax, газ-носитель азот 15 мл/мин, температура колонки 100°С, изократический режим, время анализа – 5 мин.

8. Химическую чистоту определяли по остаточному содержанию криптофикса [6] визуальной оценкой согласно требованиям Американской фармакопеи (USP). В качестве подложки для нанесения калиброванных пятен и испытуемого раствора использовали iTLC пластины, описанные выше.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Опыт эксплуатации оборудования BG-75 ABT Molecular Imaging Inc. рассчитанный на использование в режиме «доза по требованию» в течение более чем 1 года показал, что технические ресурсы циклотрона и кассет синтеза (одноразового применения) позволяют 5–6 запусков за рабочий день с интервалом между стартами 1–2 часа. В указанных условиях нагрузки параметры качества радиотрейсера и, следовательно, безопасность препарата соответствовали нормативным показателям изготовителя и соответствующих фармакопейных требований. Технические параметры системы в процессе синтеза и очистки препарата также соответствовали лимитам изготовителя (рис. 1).



Рис. 1.
График контроля состояния системы химического модуля в процессе синтеза и очистки [^{18}F]ФДГ.

Таблица 1

Показатели контроля качества [18F]ФДГ, изготовленные с применением оборудования BG-75 АВТ

Испытуемый параметр	Результат		Примечание
	интегрированной системы	внешней системы контроля качества	
Радиохимическая идентичность	RT 395–400 сек.	Rf по ТСХ соответствует стандарту	должно быть 380–420 сек.
Радиохимическая чистота	пик ФДГ 97%	≥99%	должно быть ≥ 95%
pH препарата	6,5–7,5	Визуально 6–8	должно быть 4,5–8,5
Остаточные растворители	ацетонитрил ≤250 ppm		
Этанол ≤ 500 ppm	ацетонитрил ≤250 ppm		
Этанол ≤ 500 ppm	должно быть		
Ацетонитрил ≤ 400 ppm			
Этанол ≤ 5000 ppm			
Тест целостности фильтра	Δ 2 psi	Δ 2–3 psi	должно быть ≤ Δ 10 psi
Химическая чистота	криптофикс ≤ 200 μg/ml	ТСХ: криптофикс 100–200 μg/ml	должно быть ≤ 600 μg/ml
Радионуклидная идентичность	–	T1/2 =108–110 мин	T1/2 =105–115 мин
Радионуклидная чистота	–	МСА – 505–515 кэВ	
Пик 511 кэВ ≥ 99%	Должно быть ≥ 90%		
Эндотоксин	–	содержание ≤30 Единиц	должно быть ≤ 175 в полной дозе (целиком за один запуск)
Стерильность	–	нет роста	испытание после использования

Выход препарата с соответствующими показателями качества при указанных в экспериментальной части нагрузках составлял 18–22 мКи в объеме 3,4 мл. При применении оптимально рекомендуемой дозы 2,5 МБк на кг массы данное количество препарата достаточно для трех пациентов средней массой 80 кг и с интервалом между инъекциями 30–40 мин. В течение рабочего времени удается произвести до 5–6 запусков системы, что обеспечит достаточным количеством радиотрейсера для ПЭТ/КТ исследований 15 пациентов.

Как свидетельствуют данные табл. 1, регламентируемые параметры качества препарата соответствовали требованиям нормативов, указанных изготовителем, а также фармакопейным требованиям.

Заключение. Наши результаты показали возможность применения оборудования BG-75 ABT Molecular Imaging Inc. для обеспечения бесперебойной работы ПЭТ/КТ сканера Ingenity TF производства Philips (США) и проведения позитронно-эмиссионного исследования 15 пациентов за рабочий день.

ЛИТЕРАТУРА

1. Im KC, Choi IS, Ryu JS, Eo GS, Kim JS, Moon DH. PET/CT fusion viewing software for use with picture archiving and communication systems // J Digit Imaging. 2010, – V. 23(6), P. 732-43. doi: 10.1007/s10278-009-9227-3.

2. *Omami G., Tamimi D., Branstetter B.* Basic principles and applications of 18F-FDG-PET/CT in oral and maxillofacial imaging: A pictorial essay // Imaging Science in Dentistry. 2014, – V. 44(4), P. 325-332. doi: 10.5624/isd.2014.44.4.325

3. *Kuwabara S., Kuwabara Y., Inoue K., Sakamoto S., Shimosegawa E., Takeoka K., Takeda Y., Toyama H., Niio Y., Nishiyama Y., Yoshinaga K., Yoshimura M.* Nuclear medicine practice in Japan: a report of the seventh nationwide survey in 2012 // Ann.Nucl.Med. 2009, – V.23, P. 209-215.

4. *Mulholland G.K., Mangner T.J., Jewett D.M, Kilbourn M.R.* Polymer-supported nucleophilic radiolabeling reactions with [18F]fluoride and [11C] cyanide ion on quarernary ammonium resins // J. Label. Compound. Radiopharm. 1989, – V. 26, P. 378-380.

5. *Toorongian S.A., Mulholland G.K., Jewett D.M., Bachelor M.A., Kilbourn M.R.* Routine production of 2-deoxy-2-[18F]-fluoro-d-glucose by direct nucleophilic exchange on a quaternary 4-aminopyridinium resin //Int.J. Rad. Appl. Instrum. B. 1990, – V. 17, P. 273-279.

6. *Kuntzsch M., Lamparter D., Brüggener N., Müller M., Kienzle GJ., Reischl G.* Development and Successful Validation of Simple and Fast TLC Spot Tests for Determination of Kryptofix® 2.2.2 and Tetrabutylammonium in 18F-Labeled Radiopharmaceuticals // Pharmaceuticals (Basel). 2014, – V. 14; no 7(5), P. 621-33. doi: 10.3390/ph7050621.

БАЗДАВИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Фаррух ТУРСУНОВ,
Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси,
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби

Аннотация. Мақолада Мотуридия таълимоти ривожига муносиб ҳисса қўшган Баздавийлар сулоласининг илмий мероси таҳлил қилинган. Шунингдек, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби ривожида алломаларимизнинг тутган ўрни кўрсатилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, Ренессанс, фиқҳ мактаби, «исломнинг фахри», Паздавий усули.

Аннотация. В статье анализируется научное наследие династии Баздави, которая внесла значительный вклад в развитие доктрины Мотуридов. Это также показывает роль наших ученых в развитии школы Мавераннаҳра школы фикха.

Ключевые слова: право, Ренессанс, школа фикха, «Честь ислама», метод Паздави.

Abstract. The article is analyzed the scientific heritage of the Bazdavi dynasty that has made a significant contribution to the development of the Moturidian doctrine. It also shows the role of our scholars in the development of the Maverounnahr School of Fiqh.

Key words: Law, Renaissance, School of Fiqh, «The Honor of Islam», Pazdavi Method.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихида Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясида «халқимизнинг ҳуқуқий ёдгорликлари ва ҳуқуқ йўналишидаги олимлари ва арбоблари фаолиятини чуқур ўрганиш ва уларни кенг оммага тарғиб қилиш» [1] масаласи алоҳида эътироф этилган. Бундан кўриниб турибдики, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган ҳуқуқий меросни ўрганиш ва тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

48 йилда вафот этган); 5) Бурҳониддин Муҳаммад бин Аҳмад ал-Бухорий (1174–75 йилда вафот этган); 6) Фахриддин Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ўзгандий (1196 йилда вафот этган)лардир. Уларнинг қанчалик йирик фақиҳ олим бўлганликлари «исломнинг фахри», «диннинг далили», «диннинг ифтихори» каби унвонларидан ҳам кўриниб турибди [2].

Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби вакиллари тўғрисида қимматли маълумот Абу Саъд ас-Самонийнинг Шарқда машҳур бўлган «Китоб ал-Ансоб» асарида берилган. Асар муаллифи 1113 йилда Марвда тугилган ва ёшлигида шу ерда таҳсил кўрган. Кейинчалик ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида жуда кўп мамлакатларга сафар қилган. Жумладан, у Ўрта Осиёнинг Бухоро, Насаф, Самарқанд, Термиз [10] шаҳарларида ҳам бўлган. Араб манбаларида келтирилишича, Самонийлар авлодининг 8 аъзоси илм аҳллари бўлишган. Ана шу 8 алломадан бири Абу Съад ас-Самоний Насаф вилоятидаги устози машҳур аллома фахрул ислом Паздавий ҳақида ўзининг «Китоб ал-ансоб» асарида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирди. Бизнинг изланишларимиз натижасида фахрул ислом Паздавий Насаф яқинидаги Кўҳна Фазли (Базда) да туғилганлиги маълум бўлди. «Фахрул Ислом ҳижрий 493 йил Бухорода ҳаётдан кўз юмган» [4]. Х асрда Мовароуннаҳрда яшаб ўтган машҳур олимнинг тўлиқ исм-шарифи Абу ал-Ҳасан Али бин Муҳаммад бин ал-Ҳусайн бин Абул Карим бин Мусо бин Исо бин Мужоҳид ал-Паздавийдир. Унга «Ислом фахри» деган ном ҳам берилган. Асарларини тушуниш қийин бўлгани учун у кишига «қийинчилик отаси» лақаби берилган. Паздавий сўзи Бухоро йўлидаги «Пазда» қўрғонига нисбат қилиб берилган исмдир. Ўрта аср тарихчиси Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг «Муъжам ул-Булдан» асарида шундай ёзади: «Бу кичик жой Насафдан 6 фарсах узоқ бўлиб, унга Абул Ҳасан Али бин Муҳаммад нисбат қилинади. Фахр ал Ислом Паздавий 1010 йилда туғилиб, 1089 йилда Самарқанд яқинида вафот этган». Шунингдек, унинг ҳанафий мазҳабида ҳам ўзига яраша йўли бўлган ва шу билан танилган. Ҳаттоки уни Абу Ҳанифа мазҳабидаги тариқат соҳиби дейишган. Бу ҳақида ал-Ҳофиз аз-Заҳабий «Сийар-аълом ан-нубало» китобида зикр килган.

Самонийнинг ёзишича, Паздавий Мовароуннаҳрдаги имомлардан бўлиб, унинг бир қанча нодир асарлари бор.

Паздавийнинг усул китоблари фиқҳ илми ҳақида энг катта аҳамиятга эга бўлган китоблардан ҳисобланади. У кишидан кейин ўтган усул уламоларидан кўпчилиги у кишининг тутган йўлларидан юрганликлари, у алломанинг усули афзаллигининг яна бир исботидир.

аниқлади. Аввало шуни айтиш керакки, уларнинг суннатга муносабатида ҳамфикрлик йўқ. Чунки Ашъарий бошда, муътазилий олими эди, кейинчалик намойишкорона, Ульрих Рудольф ифодасича, балки итоаткорона, ҳанбалийлар томонига ўтди. Мотуридий эса шарқий ҳанафийликнинг намояндаси эди ва умрининг охиригача шундай бўлиб қолди. Ашъарий ўз назариясини далиллаш учун радикал таърифлар келтиришдан қайтмаган. Мотуридий эса, аксинча, радикалликдан қочган. У кўпроқ барчани қониқтирувчи, шу билан бирга, ислом асосларига мувофиқ келувчи синтезлаш йўлини афзал кўрган [7].

Биз биламизки, таниқли Абулйуср ал-Паздавийнинг катта бобоси Абдулкарим бин Мусо ал- Паздавий (ваф. 390/999) Мотуридий қўлида таълим олган. Абулйуср ал-Паздавий Мотуридий тўғрисидаги айрим тафсилотларни ўзининг катта бобоси Абдулкаримдан шахсан отаси Муҳаммад орқали билган. Мотуридий ҳақида энг қимматли маълумотларни берган Абулйуср ал-Паздавийнинг таъкидлашича, Мотуридий зоҳид бўлган, бинобарин, ундан кўп кароматлар зоҳир бўлгани Паздавийлар уруғида узоқ вақт ҳикоя қилиб юрилган. Қашқадарё вилоятидаги Кўҳна Фазли қўрғонида яшаган Баздавийлар сулоласи вакиллари орасида ислом фиқҳи (ҳуқуқшунослиги) тўғрисидаги изланишлар давомийлиги бир неча асрлар давомида сақланган.

Абул ал-Йуср ал-Паздавий қолдирган гувоҳлик ўзининг маъно ва ифодаларининг анча аниқлиги билан диққатга сазовор. Паздавий ўз назариясини нафақат бидъатлардан, балки ўз номига эга бошқа мактаблардан алоҳида ажратишни истар эди. Паздавий уларнинг айрим фикрларини сўзма-сўз келтирган. Бу ҳол, айниқса, «Китоб ал-олим»га нисбатан очиқ кўринади. «Китоб ал-олим»ни Паздавий «Усул»да тилга олган. Китобнинг тўлиқ номи «Китоб ал-олим ва-л-мутааллим» («Устоз ва шогирд») бўлиб, у Абу Муқотил Ас-Самақандий (ваф. 208/823) қаламига мансублиги баҳсли мунозарадан сўнг аниқланган [9].

Қарийб бир вақтнинг ўзида ал-Насафийнинг замондоши Абу ал-Йусир ал-Паздавий (вафоти милодий 1100 йил) ўзининг «Усул ад-дин» асарида ал-Мотуридий ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Унда кўпроқ мақтовлар ва Мотуридийнинг калом борасидаги фикрлари баён этилган [5].

Абу ал-Йусир ал-Паздавий «Усул ад-дин» китобида келтирилишича, «Таъвилот» – шу соҳада тенги йўқ китоб... Бу соҳада илгари асар ёзган муаллифларнинг бирортаси ҳам бунинг даражасига етиша олмагандир [5].

Абу Тоҳирхожа «Самария» номли асарида қуйидагиларни келтириб ўтади: – Ушбу имом отасининг оти Ҳусайндир. Али Паздавий 10 жилдлик

9. Ульрих Рудольф «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти». – Т.: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2001. 47-бет. – Pazawi. Abu 1-Yusr Muhammad: K. Usul ad-din, ed. Hans Peter Linss, Kairo 1383/1963. (Усул, 2, 2; 190, 9; 358-15 ва кейинги сатрлар).

10. «Шарқшунослик» тўплами. – Т., 1992. 3-сон.

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАСАЛАЛАРИ

Жалолиддин ЮСУБОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақолада Абу Наср Форобийнинг жамиятнинг келиб чиқиши, унинг моҳият ва мақсад-вазифалари, руҳ бирламчи моҳият эканлиги ҳақидаги фикрлари, жамиятда шахснинг роли, дин ва унинг шахс маънавиятидаги аҳамияти, адолатли жамият қуришда нималарга эътибор бериш кераклиги юзасидан фикр-мулоҳазалар фалсафий таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: шахс, дин, жамият, илм, фиқҳ, ахлоқ, шахс камолоти, «Фозил одамлар шахри», калом, илоҳиёт, Вожиб ул-вужуд.

Аннотация. В этой статье дается философский анализ взглядов Абу Насра Фароби на происхождение общества, его сущность и цели, идею о том, что душа является первичной сущностью, о роли человека в обществе, религии и ее значении в духовности личности, на что следует обращать внимание при построении справедливого общества.

Ключевые слова: человек, религия, общество, наука, юриспруденция, мораль, личное совершенствование, «город благородных людей», ваджибул-вуджуд.

Abstract. This article is provideds a philosophical analysis of the views of Abu Nasr Farobi on the origin of society, its essence and goals, the idea that the soul is the primary essence, the role of human in society, religion and its significance in the spirituality of the individual, what should be paid attention to when building fair society.

Key words: man, religion, society, science, jurisprudence, morality, personal improvement, «city of noble people», theology, theology, wajibul-wujud.

Мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг асосий йўналишларидан бири – эркин фикрловчи, маънавий юксак, мустақил ва фаол кадрлар тайёрлаш билан бирга, уларнинг миллий мафкурани ўз дунёқа-

рашларига сингдириш муҳим вазифа сифатида кўрсатилган. Бу борада миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий мероснинг аҳамияти беқиёсдир. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: «Халқимизнинг улуғвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас»[1].

Шу маънода адолатли жамият қуриш, ҳуқуқий давлат қуриш учун илғор хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга, ўзимизнинг миллий меросимиз дарғалари яратган илму ҳикматлар «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» концептуал гояни амалга оширишга руҳ ва интилиш бағишловчи омил ҳисобланади. Шарқнинг беқиёс мутафаккири Абу Наср Форобийнинг фикр ва ғоялари ҳам ўзига хос бўлиб, шу маънода дин жамиятни идора қилиш учун зарур бўлиб, асосий вазифаси жамият учун, инсон бахт-саодати учун хизмат қилишдан иборатдир.

Форобий илмий меросида шахс камолоти, жамият ва шахс масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асарлари тасниф этилганда, сиёсат илми «шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми», яъни «илми ал-маданий» юриспруденция (фиқҳ) ва мусулмон теологияси (илми калом) хусусида билдирган фикрлари ҳам ўз даврига нисбатан илғор қарашлардан иборат эди.

«Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжи туғилади», деб ёзади у «Фозил одамлар шаҳри» асарида[2].

Аввало, Форобий шаҳар жамиятини ижтимоий уюшишнинг олий шакли деб ҳисоблайди (олим асарларида «шаҳар» сўзи «жамият», баъзан «давлат» сўзлари маъносида талқин этилади). Бахт-саодатга эришиш учун инсон камолот касб этмоғи, жамият унга бу борада ҳар жиҳатдан кўмак бермоғи, бошқача айтганда, жамиятда инсоннинг энг олий ва охирги мақсадига эришмоқ учун етарли шарт-шароит яратиб берилган бўлмоғи лозим.

---

[1] Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 31 август.

[2] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 186-бет.

Ана шу олийжаноб мавқе-даражага қадар юксалмоқ учун инсон билимли, яхши тарбияланган бўлиши, бошқаларни ҳам ҳурмат қиладиган, инсонпарвар ва адолатпарвар бўлмоғи лозим. Форобий шу тариқа жамият ва шахс камолоти ва унинг аҳамияти, илғор жамият масалаларига доир ғоят қимматли фикрларни олға суради. Жумладан, у «Бахт-саодатга етишув йўллари ҳақида рисола»сида бундай мулоҳазаларни ўртага ташлайди: «Шаҳар-давлатларнинг аҳолиси икки дунё саодатига етишуви учун уч турдаги фазилатларни ва амалий санъатларни (ҳунарларни) эгаллаши керак. Жумладан, назарий фазилатлар (Фазоили назария); тафаккурдаги, яъни фикрлаш фазилатлари (Фазоили фикрия)»; ахлоқий фазилатлар (Фазоили хулқия); амалий санъатлар (Синоати амалия).

Назарий фазилатлар мавжуд нарсаларнинг нималигини билдирувчи билимлар бўлиб, булар қуйидагилардан иборат: Инсонга қаердан келгани номаълум бўлган бошланғич билимлар ва инсонлар фикрлаш, таълим, таҳсил ва тадқиқ орқали олинадиган билимлар[1].

Форобий назарида, жамиятда таъсир ва акс таъсир инсонлараро муносабатларни белгиловчи энг кучли омиллардандир. Бошқача айтганда, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар бошқаларга кучли таъсир этади.

Форобий «Масалаларнинг асослари» асарида ёзишича, руҳ бирламчи моҳият – жавҳар бўлиб, у инсоннинг ҳақиқий табиатидир. Лекин жон жисмларнинг (таналарнинг) аъзоларига тарқалган бўлиб, жонзотларга шакл бергувчи – Яратгувчи уни (жонни) шаклланган жисмларга ато қилади. Жонни қабул қилувчи шакл – жисм бўлиб, у моддий моҳият – субстанциядир. Уни тана дейдилар. Тананинг жуъзларидан бирида, аниқроғи, юрак ичида жойлашган нафс (жон) руҳнинг биринчи қабул қилувчисидир. Руҳ танадан аввал ҳам, кейин ҳам мавжуд, жон эса танадан аввал мавжуд эмаслигини Афлотун ҳам тасдиқлайди. Нафс (жон) баъзилар (яъни, таносуҳ таълимоти тарафдорлари) айтганидай, бир танадан бошқасига кўчиб юрмайди...

Вожиб ул-вужуднинг асл моҳияти жисмларнинг моҳиятига ўхшаш эмасдир. Уни мавжудиятга ўхшатиб бўлмайди, чунки мавжудиятнинг таърифи нарса билан боғлиқ, нарсаэса жиемнинг таърифи билан боғлиқ. Вожиб ул-вужуд ҳақида фақат шуни айтиш мумкинки, унинг мавжудлиги – вожиблиги – зарурийлигидандир. Вожиб ул-вужуднинг жинси, тур фарқла-

[1] *Фараби.* О достижении счастья // Социально-этические трактаты. – Алма-Ата: «Наука». 1973. С. 277.

ри, таърифи, исботи йўқ. Аксинча, у барча борлиқнинг исботидир. У ўз аслича абадий ва азалийдир, у бўлмасликдан холидир, у билқуввa эмас. Унинг бўлмаслиги мумкин эмас, унинг абадий мавжудлигида бирор нарсага муҳтожлиги йўқ, унда бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш эҳтиёжи ҳам йўқ[1].

Унинг ҳақиқий мавжудлиги бирор-бир нарса билан боғлиқ эмас, У бўлинмасдир, У ягонадир. Моддага хос бўлган миқдор ва сон белгиларини, замон ва маконни ҳам Унга нисбатан қўллаб бўлмайди, чунки У жисмдан иборат эмас. У шу маънода ягонаки, унинг борлиғи, мавжудлиги ўзидан бошқа бирор нарсага боғлиқлиги йўқ. Унинг асл моҳияти, модда, шакл, жинс, нав ва турлар тушунчасидан холидир. Унинг зидди йўқ. Унинг ўзи софлик, покликдир. У соф ақл-идрок билан билинувчидир, буларнинг барчаси унда мужассам бўлгани жиҳатидан У ягонадир. У ҳикматлар соҳибидир, барҳаётдир, боқийдир. У битмас-туганмас қудрат ва ирода соҳибидир. У олий даражада гўзаллик, улуғворлик ва камолот эгасидир. Битмас-туганмас шодлик ва қувонч унинг асл зотидадир. У илк севгувчи (ошиқ) ва илк севилувчи (маҳбуб)дир[2].

Вожиб ул-вужуднинг мавжуд нарсалар ҳақидаги билими, вақтинча, ўткинчи бўлмай, азалийдир. Оламдаги барча мавжудотларнинг мавжудлиги У сабаблидир. У сабабли барча мавжудотлар номавжуд бўлолмайдилар. У биринчи мусаббиб – Яратувчи, Сабабчи, бошқа сабабларнинг ҳам сабабчисидир. У яратган нарсаларнинг мавжудлиги сабаби уларнинг ўзида эмасдир, лекин Унинг мавжудлигига Ўзи сабабчидир. Унинг Ўзи билан яратганлари ўртасида воситачи ҳам йўқдир. У биринчи яратган нарса бошқа нарсаларнинг мавжудлигига сабаб бўлиши мумкин. У ўз феъл-ҳаракатига ўзи фоил-сабабчидир ва феълида ҳеч бир нуқсон йўқдир. Барча ҳаракатларнинг манбаи ҳам Унинг ўзидадир.

Бирламчи ақл – вожиб ул-вужуддан эканлиги сабабли ва азалиятни билганлиги сабабли – бошқа, фаол ақл содир бўлади ва унда ҳам кўплик мавжуддир, юқорида айтилганидек. Бирламчи ақлдан – мумкин ул-вужуд бўлганлиги ва у аслини билганлиги туфайли ўзига хос модда ва шаклга, жонга эга бўлган юқори фалак содир бўлган. Юқори фалак ва унинг шакли яна икки нарсани – яна бир фалакни ва ундаги жонзотларни пайдо қилади. Форобий «Ароу аҳли мадинат ул-фозила» («Фозиллар шаҳри аҳолисининг

[1] *Форобий.* Уйун-ул-масоил. («Масалалар моҳияти») // Существо вопросов. Фараби. Естественно-научные трактаты. – Алма-Ата: «Наука», 1987. С. 231.

[2] *Ўша манба.* – 232-бет.

фикрлари») асарида бу орзудаги (утопиядаги) шаҳарда маънавий камолотга эришув йўллари ҳақида фикр юритади.

«Фозиллар яна фазилатли одамлар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур. Улар яна фазилатсиз шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўлганидан сўнг руҳлари охиратда не кечишини, баъзилари бахтсизлик, фалокатга учраб, баъзилари йўқ бўлиб кетишини, фозиллар шаҳри аҳолиси охиратда неларга эришувини ва нелардан сақланишини билишлари зарур.

Шуларнинг ҳаммасини икки йўл билан билиб олиш мумкин: биринчидан, юқоридаги ҳодисалар аслида қандай мавжуд бўлса, инсон қалбига, кўнглига ўшандай ўрнашиб қолса, бошқаларнинг кўнглида бу билимлар қиёс ёхуд тақлид асосида вужудга келади, баъзи одамлар ўша нарсаларни ўзлари хис этиш туфайли кўнгилларида шу билимлар вужудга келади»[1].

Форобий фикрича, диний эътиқод фақат диний ибодатлардан ва диний ақидаларни билишдан иборат бўлиб қолмай (аслида булар ҳам чуқур билимларни талаб қилади), балки фозил, яъни маънавий камолотга интилувчи инсонлар моддийликдан ташқарида мавжуд нарсаларни (руҳий мавжудотларни, фаришталарни, адолат, виждон, маърифат ва маънавиятга доир тушунчаларни), уларнинг сифатларини, шунингдек, уларнинг фаол ақлга қадар бўлган даражаларини ҳамда улардан ҳар бирининг сифатларини билиши зарур. Фозил (маънавий баркамол) одамлар яна одамзод қандай яралганлигини (унинг жисмига кирган), руҳнинг хусусиятларини, фаол ақл инсон руҳини қандай қилиб нурлантирганлигини, шу нурланган нур туфайли инсонда (адолат, меҳр-мурувват, виждон, ор-номус, ҳалол, пок яшаш каби) дастлабки тушунчалар (яъни, ҳайвонлардан инсонларни фарқловчи асосий тушунчалар) пайдо бўлганлигини, у Аллоҳнинг иродасига бўйсуниш ва нималарда эканлигини билишлари зарур[2]. Бу ерда Форобий илоҳиёт, метафизика илмларида муътазила уламоларига хос фикрлаётганлигини кўрамиз. Яъни, барча инсонлар Аллоҳ томонидан яхшиликка буюрилган. Аммо, гуноҳ ишларни қилиш ёки ёмон ишлардан ўзини тортиш, илм эгаллаш ва ё порахўр, ўғри, зинокор бўлиш инсон ихтиёрига, истагига боғлиқ, эркин ҳаракат қилса-да, Форобий бошқа ўринларда адашганлар, фойдапарастлар, жаҳолатга ботганлар шаҳарлари аҳолисига хос хато қарашлар ана шу эркинликдан қандай фойдаланишга боғлиқ эканлигини кўрсатади. Форобий

[1] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 167-бет.

[2] *Ўша манба.* – 167-бет.

даврида, кейинчалик ҳам шариат илми – фиқҳда ва калом, илоҳиёт илмида Қуръон ва ҳадислар асосида ҳақиқий бахт-саодатга элтувчи иш-амаллар ва адашганларнинг гуноҳларни ҳам бахт-саодат деб ўйлаб янглишувлари ҳақида дин аҳкомлари аниқлаб берилган.

Фозиллар шаҳридаги донишмандлар бу нарсаларни исботлаш йўли билан ёки дил сезгиси билан билиб оладилар. Донишмандларга ишониб (ихлос қўйиб), уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни донишмандлар билганидай билиб олишади. Баъзилар эса бу нарсаларни бошқаларнинг тасаввурларига тақлид орқали билишади. Бундай одамлар табиатан ёки одатларига кўра руҳий билимларни аслида қандай мавжуд бўлса, шундай тушуниш қобилиятига эга эмаслар. Мана шу икки хил тасаввурлар ҳам билим манбаидир, аммо донишмандларнинг билимлари, албатта, энг яхши билимлардир. Нарса, ҳодисаларни бировларнинг тасаввурлари орқали тақлидан билувчи одамлар ҳам турлича даражада билади. Шулардан баъзиларининг нарса-ҳодиса ҳақидаги билимлари ўша нарса ёки ҳодисанинг ўзига ўхшаш ёки яқин бўлади. Бошқа баъзиларнинг билимлари ўша нарса, ҳодисадан узокроқ бўлади. Яна баъзиларнинг билимлари ўша нарса, ҳодисадан анча узоқ, яна баъзиларники ўша нарсадан (ёки ҳодиса ёхуд сифатдан) жуда узоқ, яна баъзиларнинг билими нарса, ҳодиса (ё сифат)дан бениҳоя узоқ бўлади.

Ҳар бир халқнинг ёки ҳар бир шаҳар аҳолисининг нарса, ҳодисаларга доир тасаввурлари ўзларига таниш тасаввурлардир. Айрим халқларнинг муайян хилқат ҳақидаги энг машҳур (кенг тарқалган) тасаввурларида ҳам озми-кўпми тафовут, фарқлар бор. Чунки ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзича акс эттиради. Шу туфайли фазилатли шаҳарларнинг турли халқлари ягона (Ҳақ таоло)га ишониб, ягона саодатга ва ягона мақсадга (масалан, охиратда жаннатга муносиб бўлишга) интилсалар-да, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин.

Мана шу (турли халқлар учун умумий) хилқатлар тегишли далиллар билан билиб олингач, бу хилқатлар ҳақида ҳеч қандай баҳслар, сохта доноликка асосланган баҳсларга ҳам, нарсанинг асл табиатини тушунмай, у ҳақда сохта тушунчага эга бўлишдан келиб чиқувчи баҳсларга ҳам ўрин қолмайди[1].

Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида яна жаҳолатдаги ва адашган шаҳарлар аҳлларининг хато, янглиш қарашларини танқид қилади. Фуқаро-

[1] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 168-бет.

ларнинг эътиқодлари хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги ёки адашган шаҳарлар деймиз. Бундай адашганлар шаҳри аҳолисидан баъзилари қуйидагича фикрлашади: баъзи мавжудотлар бир-бирига қаршидир ва бир-бирларини йўқ қилишга интиладилар. Мазкур мавжудотларнинг ҳар бири яшаш шароитида шундай қувваи маҳфузага эгаки, шу нарса воситасида у қарама-қарши мавжудотдан ўзини ҳимоя қилади ва ўз зотини йўқолишдан асраб қолади. У яшаш шароитида яна шундай қувватга эгаки, шу нарса воситасида у ўзига қарши нарсани йўқотиб, ўрнида ўзига ўхшаш мавжудотни пайдо қилади. Ва ниҳоят, унга шундай бир қобилият бериладики, шунинг ёрдамида у турли нарсалардан фойдаланиб, яшаш учун доимий яхши шароит вужудга келтиришга интилади.

Форобий бу асарида («Ароу аҳли мадинат ул-фозила») ўтмишдаги, ўз давридаги ва келгусидаги салбий хусусиятлардан бири – индивидуализмнинг моҳиятини чуқур очиб беради.

Биз ҳаётда жуда кўп ҳайвонларга ташланиб, ўзларига тузукроқ фойда чиқмаса ҳам уларга зарар етказиш ва йўқ қилиш учун ҳамла қиладиган жуда кўп ҳайвонларни кўрамиз. Гўё уларнинг ҳар бири дунёда фақат ўзи яшаши учун бошқа мавжудотларнинг яшаши унга зарар келтирадигандай, шу ҳайвон борлигининг ўзи унинг учун зарардай, табиатан бошқаларни йўқ қилишга интилувчи ҳайвонларни учратамиз. Мабодо, бирор мавжудот бошқа мавжудотларни йўқ қилишни кўзламаганида ҳам, ўз фойдаси учун уларни қийнаб ишлатишга интилади. Баъзи навдаги мавжудотлар бошқа навдаги мавжудотлар билан худди шундай муносабатдадир. Ҳатто бир навдаги мавжудотлар ўзаро ҳам шундай муносабатдадир. Бу мавжудотлар шундай яралганки, доимо бир-бирига қарши курашиб, бир-бирларига душманлик қиладилар. Энг кучлилари бошқаларига нисбатан мукаммалроқ тузилган бўлади. Ғолиб келганлар ҳам бир-бирини йўқотишга уринадилар, гўё бошқа мавжудотлар номукаммалдай, уларнинг борлиги буларга зарар келтирадигандай, ёхуд бошқалар уларга фақат (қулдай) хизмат қилиш учун яралгандай, барчаси бир-бирини эзиб ишлатишга интиладилар[1].

Форобий ёзадики, кўпчилик одамлар мана шу ҳодисотларда ҳеч бир тартиб, изчиллик йўқ, деб ўйлашади, мавжудотларнинг (шу феъл-атворларида) турли даражалари йўқ деб ўйлашади; бу мавжудотларнинг турли

[1] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 170-бет.

хусусиятлари тартибсиз намоён бўлади, улар ўз билганларича яшамайди, деб ўйлайдилар.

Форобий инсон камолотини вужуд майл-истакларида эмас, ҳайвонларда ҳам бўлган сезгилар согломлигида эмас, балки инсонийликнинг асли, жавҳари бўлган ақлий ва руҳий қувватларида деб билади.

«Ҳар бир ҳайвоннинг ҳам танаси, ҳис-сезгиси, (моддий нарсаларни) фарқлаш қобилияти бор ва шулар туфайли (ҳайвонлар) ўзининг танасини, ҳис-сезгисининг соғломлигини сақлаб колишга интилади, – дейди Форобий, – аммо инсонда ҳиссий идрок этиладиган нарсаларнинг (нима учун, қандай мақсадда) мавжудлигининг сабабларини билишга ва ер юзидаги барча нарса-ҳодисаларнинг сабабларини билишга бўлган интилиш бор. Ҳайвонда эса бундай интилиш йўқ»[1].

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Форобийнинг дунёқараши диний хурофотдан холи бўлиб, дин эркинлигига асосланган. У ислом динига, Қуръонга катта хурмат билан қаради. Уни кишиларни хулқ-одобга ўргатувчи манба деб билди. Айни вақтда ундан ўз ғаразли ва шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчи, жаҳолатга ундовчиларнинг фикрига қўшилмади. Инсон билимларга интилиши сабабли қобилиятларини ўстириб боради ёки инсон ўз қобилиятларини ўстириш учун билимларга интилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 31 август.

2. *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. Б. 186.

3. *Фараби.* О достижении счастья // Социально-этические трактаты. – Алма-Ата. «Наука». 1973. С. 277.

4. *Фороби.* Уйун-ул-масоил. («Масалалар моҳияти») // Существо вопросов. Фараби. Естественно-научные трактаты. – Алма-Ата: «Наука», 1987, С. 231.

[1] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри // масъул муҳаррир М. Хайруллаев, тузувчи М. Маҳмудов. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 57-бет.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ – БЕБАҲО ХАЗИНА. НУРОТА КОРИЗЛАРИ

Н. ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Навоий давлат кончилик институти талабаси

Аннотация. Мақолада аждодлар мероси сифатида қадимий ирригация иншоотлари (коризлар) тарихи, уларнинг халқ хўжалигидаги муҳим аҳамияти, шунингдек, қазиш технологияси ёритиб берилган.

Таянч иборалар: қовға, кориз, Нурота, Искандар Зулқарнайн, Зарафшон водийси, устурлоб, Мастон кориз, 64-кориз, Тошлоқ кориз, Қизил канда, Хайробод, Ямон туркман, Қум кориз, Зулм кориз, Дангал кориз, Кулол кориз.

Аннотация. В статье описывается история древних ирригационных сооружений (коризов) как наследие предков, их значение в народном хозяйстве, а также технология земляных работ в коризах.

Ключевые слова: Ковга, Кориз, Нурата, Искандар Зулкарнайн, Зарафшанская долина, устурлоб, Мастон кориз, 64-кориз, Тошлок кориз, Кызыл канда, Хайрабад, Ямон Туркмен, Кум кориз, Зулм кориз, Дангал кориз, Кулол кориз.

Abstract. The article is illuminated the history of ancient irrigation structures (corizas) as a heritage of ancestors, their importance in the national economy, as well as the technology of earthworks in corizas.

Key words: Kovga, Koriz, Nurata, Iskandar Zulkarnain, Zarafshan Valley, Usturlob, Maston koriz, 64-koriz, Toshlok koriz, Kyzyl Kanda, Hayrabad, Yamon Turkmen, Kum koriz, Zulmkoriz, Dangal koriz, Kulol koriz.

Навоий вилояти ёш ва навқирон вилоят бўлса-да, унинг инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бой тарихи бор. Вилоятнинг энг қадимий тарихини акс эттирувчи ёзма манбалар нисбатан кам бўлса-да, бугунги кунгача сақланиб қолган моддий манбалар қадим тарихнинг жонли гувоҳи сифатида хизмат қилади. Қадим замонлардан буён аждодларимиз нишабсиз текис ерларда қудуқлар қазиб, қовға (мол терисига ишлов бериш

йўли орқали тайёрланган идиш) билан сув тортиб ўз эҳтиёжини қондирган бўлса, паст-баланд адирлардан иборат тоғ этакларида эса юзлаб қудуқларни бир-бирига туташтирган антиқа ирригация иншооти – коризлар воситаси билан ер ости сувларини ер юзига чиқариб, деҳқончиликда фойдаланганлар.

Ўзбекистонда мана шундай ирригация иншоотларидан кенг фойдаланиладиган ҳудудлардан бири Нурота туманидир.

Нурота туманида оқар сув таъминоти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, бу ерда коризлар қадим замонлардаёқ барпо этилган бўлиб, улардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб келинади. Нуроталиклар коризлар ковлаб, ер ости сувларини юзага чиқариш тарихини эрамиздан олдинги 329–327 йилларда Ўрта Осиёга бостириб кирган македониялик Искандар номи билан боғлайдилар. Нуроталикларнинг афсонасига кўра, Искандар Зулқарнайн Зарафшон водийсига қўшин тортиб келганда Нурота тизмасининг жанубий қаноти Оқтоғнинг энг юқори чўққисига чиққан эмиш. У тоғдан жануб томонга қараса, Зарафшон дарёси ва обод водийни, шимол томонида эса дарахтсиз кенг майсазор яйловни кўрган экан. Ўшанда ям-яшил поёнсиз кенг даштга қараб Искандар: «Бу воҳанинг дарёси ер остидан оқар экан», – деган эмиш. Сўнгра Искандар ўз қўшинини Нуротага олиб келиб, 366 та ҳарбий қисм саркардаларига ўз отрядлари билан ҳар бири биттадан кориз қазиши ҳақида буйруқ берган. Натижада, 366 та кориз ковланиб, Оқтоғ этакларига сув чиқарилган ва Нурота атрофи обод бўлган.

Шубҳасиз, бу фақат афсонагина бўлмай, балки Нуротанинг табиий шароити, жумладан, унинг гидрогеологияси устида маҳаллий аҳолининг узоқ вақт олиб борган кузатишларидан тўпланган билимларнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам Нурота тумани остидаги оқар дарё тўғрисидаги халқ оғзаки ривояти Искандар тилидан ҳикоя қилиниб, ер ости сувларидан фойдаланиш учун ковланган коризлар унинг номи билан боғлаб кўрсатилса-да, лекин у сувга танқис бўлган Нур халқининг сув манбаларини излаб топиш ва жуда катта машаққатлар билан барпо этилган сув иншоотлари – коризлар орқали ер ости сувларини ер устига чиқариш йўлида олиб борган кураш тарихини ифодалайди.

Кориз чиқаришда тажрибакор коризчи ирригаторлар, даставвал, қияликнинг баландрок еридан ер ости сувигача шахмат усулида бир неча қудуқ қазишган. Қудуқлардаги сув вақти-вақти билан белгиланиб турилган. Ер ости сувлари тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган февраль ойида кориз қазишга киришилган. Иш ер нишабини белгилаш, яъни

нивелировка қилишдан бошланган. Чунки ер нишабини аниқ ва тўғри белгилаш кориз йўналишини ўтказишда ва ер ости сувларининг кориз орқали ер юзига оқиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Нивелировка қилиб кориз йўналишини белгилашда икки ёки уч киши қатнашган. Биринчи киши қудуқ тепасида устурлоб орқали кузатиб турган. Иккинчи киши бўйи қудуқ чуқурлигига тенг узун хода ёки ёғочни олиб, сув чиқариладиган томонда уни тикка ушлаб турган. Устурлоб изодасининг диоптрларидан қараб, ёғочнинг тиклиги аниқланган. Ёғочнинг учи қудуқ оғзи билан бир хил горизонтал йўналишда бўлганда, қудуқдаги ер ости суви ўша нуқтада ер юзига оқиб чиққан.

Ер нишабини олишда ватерпас асбоби ҳам ишлатилган. Тарози – ватерпас ёрдамида ер сатҳини белгилашда уч киши қатнашган. Икки киши ёғоч ходаларни тик ўрнатиб, режа ипини таранг тортиб турган. Учинчи киши тарозини режа ўртасига осиб, шокулга караб ер нишабини белгилаган. Текширилаётган текислик горизонтал вазиятда бўлса, у мувозанатни сақлаган, аксинча бўлса, шокулнинг бир томони оғиб кетган. Шокул оғган томонда ип учини ёғоч ходадан пастга тушириб, шокулни тарозининг тилига келтириш билан ернинг қанчалик қиялиги аниқланган. Шу тариқа бутун кориз йўналиши белгилаб чиқилган. Демак, ер ости сув иншоотлари – коризлар қазишда устурлоб (астролябия) ва шокулли тарози (ватерпас) каби махсус асбоблардан фойдаланилган. Бу асбоблар ёрдамида ер сатҳидаги нишабликнинг аниқ ҳисоби олинган. Бу маълумотлар маҳаллий ўлкашунос Р. Аҳмедов томонидан ўрганилган.

Нивелировка ўтказилиб, кориз йўналиши аниқлангач, у бўйлаб ҳар 10 метрда қатор қудуқлар ковланган. Ер ости сувларининг тўпланган қатламига қараб сув чиқадиган бош қудуқларнинг чуқурлиги 18–20 метр, баъзан ундан ҳам ортиқроқ бўлган. Қудуқлар туннель орқали бир-бирига туташтирилган. Бош қудуқлардан йиғилган ер ости сувлари мана шу туннель орқали оқиб чиққан. Туннель «лаҳм» деб аталган. Унинг баландлиги 1,25–1,5 метр, эни 1 метр бўлиб, узунлиги жой нишабига қараб бир неча километрга чўзилган. Масалан, Нуротадаги Мастон деб аталган коризнинг 280 та қудуғи бўлиб, бош қудуқнинг чуқурлиги 14 метр ва лаҳмнинг узунлиги 3 километрга тенг бўлган. Коризнинг қудуқлар орасидаги устки қисми «пушта» деб аталган.

Коризни ковлашда лаҳм ўтказиш энг масъулиятли иш бўлиб, ер ости сувларининг ер устига оқиб чиқиши лаҳмнинг тўғри ковланишига боғлиқ бўл-

ган. Бунинг учун, биринчидан, қудуқларни бирлаштиришда, қарама-қарши томонлардан ковланадиган лаҳмнинг бирор ёққа қийшайиб кетишига йўл қўймай, қудуқларни бир-бирига тўғри туташтира олиш, иккинчидан, кориз орқали ер ости сувларини ер устига оқиб чиқишини таъминлаш лозим бўлган. Шунинг учун ҳам лаҳмлар одатда, 0,005 метр нишабликда ковланган.

Ушбу коризлар билан боғлиқ қишлоқ номлари ҳам белгиланган. Масалан, «64» қишлоғини мисол келтиришимиз мумкин. Бу қишлоқ туман ҳудудининг анча қуйи қисмида жойлашган бўлиб, 64-кориз асосий кориз ҳисобланган. Ушбу асосий кориздан ер ости сувлари ер ости сувларининг босими ҳисобидан ҳеч қандай сув тортиш жиҳозлари қўлланилмасдан ўзи оқиб чиққан. Бу кориз атрофида аҳоли вакилларининг ўтроқ ҳолда яшаб келиши натижасида «64» қишлоғи номи юзага келган бўлса ажаб эмас. Кориз сувлари эса қишлоқ хўжалигида суғориш манбаи сифатида фойдаланилган. Кейинчалик ер ости сувларининг сатҳи камайиши ҳисобидан ушбу сувлар оқиб чиқиши тўхтаб қолган ва кориздаги сувлар сув тортиш иншоотлари орқали юзага чиқарилиши амалга оширилган. Кориз ковлашда бир канча коризчи жамоалар ойлаб ва йиллаб лаҳм хамда қудуқлар казиб, минглаб кубометр тупроқ ва шағалларни қазиб чиқаришган. Масалан, узунлиги 3 километр бўлган 250–300 қудуқдан иборат ўрта ҳажмдаги кориздан тахминан 7–8 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилган. Нуротадаги коризлардан бирининг «Зулм кориз» деб аталишига сабаб, Искандар бу коризни зулм билан қаздиргани ва ер ости сувларини ер устига чиқаришдаги меҳнат жараёнининг ниҳоятда оғирлигидан бўлса керак.

Маълумки, коризлардан бир меъёрда сув оқиб туриши учун улар ҳар йили тозаланиб турилган, таъмир этилган. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир ишлардан ҳисобланади. Чунки кориздор деҳқонлар ҳар йили эрта баҳорда 20–30 кун коризнинг туннели ичида сув кечиб, лаҳм ва қудуқлар ичига чўккан лойқаларни қазиб чиқаришган. Кўпинча коризнинг пуштаси чўкиб, лаҳмнинг каттагина қисмини босиб қолган. Бундай ҳолларда лаҳмнинг босиб қолган қисми қайта қазилиб, ўпирилган жойларига ёғоч ёки тошлар қўйилиб мустаҳкамланган.

«Кориз» атамаси форс-тожикча бўлиб, «ках» – сомон, «рез» – тўк деган сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлган. Боболаримиз кориз суви тўғри оқаётганлигини текшириш учун биринчи қудуққа ках (сомон) ташлаб, сомонни охирги қудуқдан чиқаётган сувда кўриб, сувнинг равон оқаётганлигини, сув миқдорини текширганлар. Ривоят қилишларича, Искандар Нур-

га келганида охирги қудуқда бир тўда одам қудуқ бошидагиларга қараб ках рез! (сомонни тўк!) деб бақираётганлигини эшитиб: «булар нима деб қичқиришаяпти?» – деб сўраган экан.

Ўзбекистоннинг тоғолди туманларида қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача коризлардан фойдаланиб келинмоқда. Ирригация техникасининг бу қадимги тури кенг тарқалган туманлардан бири Нуротадир. Унинг қадимги коризларидан жуда кўпи кўмилиб кетган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда фақат Калта-коризда қишин-ёзин сув оқиб туради. Маҳаллий халқ туманда мавжуд бўлган коризларнинг бир қисмини Искандарий коризлар деб Искандар Зулқарнайн номи билан боғлайди. Улар: Товбой, Қайнар, Бошкориз, Мазор, Қувондиқ, Кўнчи, Ал-Бухорий, (Алпухори) Сатилгон, Мири, Ялоқ, Тайлоқ, Султон, Мастон, Мастак, Комбой, Зулфиқор, Калта-кориз бўлиб, уларнинг номлари йиллар ўтиши мобайнида эҳтимол ўзгарган. Ушбу коризларда 1950-60 йилларда деҳқончилик қилган арбоб Муҳаммад Ҳакимов, Бақобой бобо Қодиров, Узоқ бобо Назаровлар билан суҳбатлашиб улардан қимматли фикрлар олдик. Биз қуйида яна Нурота коризларининг номларини келтирамиз: Тошлоқ, Гажобод, Савробод, Қизил канда, Сатторобод, Тошкудуқ, Хайробод, Ямон туркман, Қум кориз, Зулмкориз, Дангал кориз, Жанжалобод, Нуробод, Саҳти, Шеробод, Гўробод, Кулол, Коризи калон, Коризча ва бошқалар. Нурота коризларининг ҳар биридан ўрта ҳисобда секундига 40–50 литр сув оқиб чиқиб, 40–50 гектаргача ер майдонини суғорган.

Нурота коризларининг кўпи охирги марта XVI–XVIII асрларда қурилган бўлиб, ҳатто, айрим коризларнинг номларидан уларнинг қазилиш тарихи, йили чиқади. Масалан, «Зулм» коризининг номидаги ҳарфларнинг йиғиндисидан 970 рақами ва «Зулфикор» кориз номидаги ҳарфлардан 1118 рақамлари чиқади. Ҳижрий йил ҳисобида олинган бу рақамларни мелодий йилга айлантирсак, «Зулм» кориз 1533–1534 йилларда ва «Зулфиқор» кориз эса 1706–1707 йилларда қурилганлиги маълум бўлади. Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда охирги марта қазилган кўпгина коризларнинг ёнида, уларга параллел равишда баъзан икки, баъзан уч қатор кўмилиб, суви қуриб қолган кўҳна коризларнинг ўзанлари жойлашган.

Кориздан оқиб чиқадиган сув миқдори айтарлик кўп бўлмасди. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамоадаги кориз сувидан фойдаланувчи деҳқонларнинг сони қатъий белгили бўлган. Масалан, кичикроқ коризларда кориздор жамоа 24 кишидан ва каттароқ коризларда 36 кишидан ошмаган. Ҳар бир кориз 24 ёки 36 деҳқондан иборат жамоанинг кучи ёки маблағига қурилгани

учун у шу жамоанинг мулки ҳисобланган. Шунга асосан, кориздан фойдаланишда бу жамоа аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, кориз суви ҳам, ундан суғориладиган ер майдони ҳам улар ўртасида баб-баравар тақсимланган.

Кориз суви билан деҳқончилик қилишда ҳар бир кориздор жамоа 10 ёки 12 та майда гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ майда коризларда икки деҳқондан ва катта коризларда уч деҳқондан иборат бўлиб, нуроталиклар бундай гуруҳларни «ҳамбоз» яъни шерик деб атаган. Кориз суви билан суғориладиган ер майдони ҳам ҳамбозларнинг сонига қараб бўлинган. Ҳар бир ер бўлаги «тахта» деб юритилган. Катта коризларда тахта 16 таноб (4 гектар) ва кичик коризларда 6–8 таноб (1,5–2 гектар)га тенг бўлган.

Ҳар йили баҳорда ҳамбозлар ўртасида чек ташлаш йўли билан тахталар тақсимланиб суғориш навбатли белгиланган. Навбат эса ҳафтада бир марта айланган. Ўлкашунос Р. Аҳмедов қуйидаги фикрларни келтиради.

Одатда, кориз суви сутка билан ўлчаниб, нуратоликлар уни «Шаби-рўз», яъни кеча-кундуз деб аташган. «Шаби-рўз» 96 қорага (оби қаройи) тенг бўлиб, вақт билан ҳисобланганда кориздан оққан 15 дақиқалик сув бир қора ҳисобланган. Ҳар бир тахтанинг ҳақобаси, яъни тегишли суви 48 қора бўлиб, навбат келганда бир кун ёки бир кеча кориз сувининг ҳаммаси шу тахтанинг ҳамбозларига берилган. Кориздан фойдаланувчи ҳар бир деҳқон эса 16 қора сувга ёки коризнинг 4 соатлик сувига эга бўлган. Бу сув наслдан наслга мерос тарзида ўтиши туфайли ҳар бир деҳқон ўз сувини сотиш ҳуқуқига эга бўлган. Коризнинг суви ниҳоятда қимматбаҳо бўлиб, унинг ҳар қораси ботмон ғалла ёки бош қўй ҳисобида сотилган. Нуротанинг кекса соҳибкор деҳқонларидан Ҳамро бобо Хўжаевнинг айтишича, Мастон коризининг бир қора суви 20–25 бош қўй баҳосида бўлган. Сувнинг ниҳоятда танқислиги ва қимматлигидан Нуротада кимда ким сув сотиб олса ёки отаси вафот этиб отасининг сувига эга бўлса, кориздан сув ичадиган барча деҳқонларни чақириб катта зиёфат берган ва арбоб ҳамда оқсоқолларга тўн кийдирган. Сув сотиб олинганидан сўнг бериладиган зиёфат «ниммарди», отасининг вафотидан сўнг унинг ҳақобасига (отасига тегишли сувга) эга бўлган ўғил томонидан қилиб бериладиган зиёфат эса «падари мурд» деб аталган. «Ниммарди» ва «Падари мурд» каби зиёфатлардан сўнг кориздор жамоага қабул қилинган кишилар – ҳамбозлар қаторидан жой олган.

Нурота коризлари ҳозирги кунда ташландиқ ҳолга келиб қолган. Фақат Калта-кориздан сув шариллаб оқиб ётади. Ҳозир ҳам коризларни тозалаб сув чиқарса бўлади, аммо бу иш жуда оғир меҳнатни талаб этади. Нурота

коризлари ҳақида сўз юритар эканмиз, Нур атрофидаги булоқлар ҳақида ҳам икки оғиз фикр юритишни лозим кўрдик. Яқин кунларгача шаҳар атрофидаги мармар булоқлардан ҳам аҳоли яхши фойдаланган. Нурота атрофида Хўжаи Жаҳон, Боумар сўфи, булоқи Чўли, булоқи Каромўла, Оби Савз, булоқи Бегоб, булоқи эшони Содиқхўжа, булоқи Обако, булоқи Жайдоқ каби кўплаб булоқлар қир-адирлар бағрида кўм-кўк бўлиб кўзга ташланиб турган. Ҳозирги кунларда бу булоқлардан чўпонлар фойдаланишади.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат Нурота тарихида, балки бутун Марказий Осиё ҳудуди текисликларида милоддан аввалги даврлардан бошлаб суғорма деҳқончиликнинг манбаи бўлиб келган ушбу сув иншоотлари – коризлар, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, юрт ободлиги мўл-кўллигига катта хизмат қилиб келган. Бундай ер ости сув иншоотларини барпо этишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Бу ўша давр кишисидан ўзига хос қобилият ва ақлий маҳорат талаб этган. Машаққатларга қарамай, ер остидаги сувни ернинг устики қисмига, ҳозирги давр тили билан айтганда ҳеч қандай техника ва ёрдам кучисиз, босим ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда олиб чиқиш ва ундан турмуш маданиятида кенг кўламда фойдаланиш, кишилардан тинимсиз йиллаб меҳнат қилиш ва ирода талаб этган. Шунинг учун ҳам коризлар бугунги кунда инсоният тарихидаги, аниқроғи, инсон қўли билан яратилган ўзига хос бой тарихий манбалардан бири десак муболаға бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Навои – древний край со светлым будущим. – Тошкент, «Маънавият» 2011.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1–2-жилд. Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2001.

3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 2003.

ЗАДАЧА ВОССТАНОВЛЕНИЯ ПОВЕРХНОСТИ ПО ВНЕШНЕЙ КРИВИЗНЕ И РЕШЕНИЕ УРАВНЕНИЯ МОНЖА–АМПЕРА

Нафиса ИБОДУЛЛАЕВА,
докторант Навоийского государственного педагогического института
Обладательница Государственной Президентской стипендии
Республики Узбекистан, магистратура

Аннотация. Ушбу мақолада Евклид фазосидаги сиртни сферик акслантириш тушунчаси умумлаштирилган. Фанга И.Я. Бакельман томонидан киритилган сиртни нормал акслантириш тушунчаси умумлашган эгриликнинг хусусий ҳоли бўлади. Умумлашган эгриликнинг умумий хоссалари исботи билан келтириб ўтилган, шунингдек, гиперболик цилиндрга ўтказилган умумлашган эгриликнинг махсус хоссалари ҳам исботи билан келтириб ўтилган. Ундан фойдаланиб Монжа–Ампер тенгламасининг кўп богламли соҳадаги ечими мавжуд ва ягоналигини исботланган.

Калит сўзлар: кўпёқ, сирт, таянч текислик, сферик акслантириш, ташқи эгрилик, нормал акслантириш, шартли эгрилик, умумлашган шартли эгрилик, гиперболик цилиндр, кўп боғламли соҳа.

Аннотация. В работе обобщается понятие сферического отображения поверхности евклидова пространства. Нормальное отображение поверхности, введенной И.Я. Бакельманом, будет частным случаем обобщенной кривизны. Доказаны общие свойства обобщенной кривизны и особые свойства обобщенной кривизны, перенесенной на гиперболический цилиндр. Используя его, доказано существование и единственность решения уравнения Монжа–Ампера в многосвязной области.

Ключевые слова: многогранник, поверхность, опорная плоскость, сферическое отображение, внешняя кривизна, нормальное отображение, условная кривизна, обобщенная условная кривизна, гиперболический цилиндр, многосвязная область.

1. **Теорема 1.** Если $\alpha_i > 0$ и $\sum_{i=1}^{n} \alpha_i < 2\pi$, то существует единственный выпуклый многогранник $F \subset W$, с внешними кривизнами в вершине A_i^*, равными α_i.

А.В. Погорелов в 1956 году эту задачу решил методом, основанным на экстремальном свойстве внешней кривизны. Этот метод назван экстремальным приемом Погорелова [4].

Задача А.Д. Александрова в классе регулярных поверхностей ставится таким образом:

Пусть D, выпуклая область с границей $\partial D = \Gamma$, и пространственная кривая L однозначно проектируется на границу области D. Дано $\mu(M)$ – вполне аддитивная неотрицательная функция борелевских множеств $M \subset D$, причем $\overline{M} \subset D$.

Задача. Существует ли поверхность F, у которой внешняя кривизна $\omega_F(M)$ (площадь сферического отображения) равна $\mu(M)$, то есть

$\omega_F(M) = \mu(M)$?

Когда $z=f(x, y)$ и $z \in C^2(D)$, то внешняя кривизна множества $M \subset D$ вычисляется по формуле

$$\omega(M) = \iint_M \frac{z_{xx}z_{yy} - z_{xy}^2}{(1+z_x^2+z_y^2)^{\frac{3}{2}}} dxdy.$$

Рассмотрим дифференциальное уравнение 2-го порядка с частными производными, то есть уравнение Монжа–Ампера $z_{xx}z_{yy} - z_{xy}^2 = \varphi(x, y, z, z_x, z_y)$. (1)

Интегрирование уравнения (1) сводится к геометрической задаче о восстановлении выпуклой поверхности по внешней кривизне, заданной на борелевских множествах на области D. Такой подход к решению уравнения (1) позволяет использовать при решении краевых задач для уравнения Монжа–Ампера методы, развитые А.Д. Александровым для решения задачи восстановления поверхности с заданной внешней кривизной.

Эта теория изложена в работах И.Я. Бакельмана [9].

Поясним, каким образом аналитическая задача (1) сводится к геометрической задаче в евклидовом пространстве.

Рассмотрим тот случай, когда функция φ имеет следующий вид:

$$\varphi(x, y, z, z_x, z_y) = \psi(x, y)(1+z_x^2+z_y^2)^{\frac{3}{2}}. \qquad (2)$$

Пусть $\psi(x, y) > 0$ определена для всех (x, y) из ограниченной открытой области D, что обеспечивает эллиптичность уравнения (1). Будем предполагать, что функция $z(x, y) \in C^2(D)$ является решением уравнения, тогда $z(x, y)$ – выпуклая функция. Рассмотрим поверхность Φ, заданную уравнением $z = z(x, y)$, и ее сферическое отображение ω в области D.

Обозначим через M произвольное борелевское множество, содержащееся в D вместе с замыканием $\bar{M}$. Тогда площадь сферического отображения $\omega(M)$ вычисляется по формуле

$$\omega(M) = \iint_M \psi(x, y)dxdy = \iint_M \frac{z_{xx}z_{yy} - z_{xy}^2}{(1 + z_x^2 + z_y^2)^{\frac{3}{2}}} dxdy.$$

Таким образом, интегрирование уравнения (1) в этом случае сводится к геометрической задаче о восстановлении выпуклой поверхности по площади сферического отображения (внешней кривизны), заданной на борелевских множествах области D.

А. Артикбаевым понятие сферического отображения выпуклых поверхностей обобщено для всех пространств с проективными метриками, частным случаем которых является галилеево пространство [5].

Задача Дирихле для уравнения Монжа–Ампера в ранее известных работах А.Д. Александрова [1], А.В. Погорелова [4], И.Я. Бакельмана [9] и А.Л. Вернера [8] решена только для выпуклых областей на плоскости. А. Артикбаев исследовал задачу Дирихле для невыпуклых и неодносвязных областей [5].

Цель данной статьи – доказать аналог задачи А.Д. Александрова для многосвязных областей и обобщить его задачу, когда многогранник проектируется на сферу.

Для этого определим функцию, названную нами обобщенной условной кривизной выпуклой поверхности.

2. **Теорема А.В. Погорелова о существовании многогранников с данной монотонной функцией на вершинах.**

Пусть V – выпуклый многогранный угол и A – его вершина. Если из точки A можно провести полупрямую внутрь угла V, параллельную оси z в направлении $z > 0$, то будем говорить, что угол V обращен выпуклостью в сторону $z < 0$ [4].

На выпуклых многогранных углах, обращенных выпуклостью в сторону $z < 0$, мы будем рассматривать функции ν, удовлетворяющие условиям:

Функция v непрерывна, неотрицательна и равна нулю тогда и только тогда, когда угол вырождается (в двугранный угол или плоскость);

Если углы V_1 и V_2 имеют общую вершину и угол V_1 содержится в V_2, то $v(V_1) \geq v(V_2)$, причем равенство имеет место только тогда, когда углы совпадают;

Если угол V_2 получается из V_1 сдвигом в направлении $z<0$, то $v(V_1) \leq v(V_2)$.

Примером функции v является кривизна угла – площадь сферического отображения. В дальнейшем всякая функция v, удовлетворяющая условиям 1, 2, 3, называется просто монотонной функцией угла.

Теорема 2.1. Пусть γ – замкнутая ломаная в пространстве, которая прямыми, параллельными оси z, однозначно проектируется на плоскость $Ox\gamma$ в выпуклую ломаную $\overline{\gamma}$, ограничивающую многоугольник G, причем вершинам ломаной γ соответствуют вершины $\overline{\gamma}$. Пусть $g_1, g_2, \ldots, g_n$ – любая конечная система прямых, параллельных оси z и пересекающих многоугольник G; $v_1, v_2, \ldots, v_n$ – любые положительные числа; v – монотонная функция, заданная на многогранных углах, обращенных выпуклостью в сторону $z<0$ и с вершинами на прямых g_k.

Обозначим Ω_p совокупность многогранников P с краем γ, однозначно проектирующихся на плоскость $Ox\gamma$, обращенных выпуклостью в сторону $z<0$ и с вершинами на прямых g_k.

Тогда, если в Ω_p найдется многогранник P_0 такой, что для его многогранных углов с вершинами в точках A_k $v(A_k) \leq v_k$, и для каждого многогранника из Ω_p, пересекающего плоскость $z = const$ $\sum_k v(A_k) \geq \sum_k v_k$, то в Ω_p существует многогранник, на многогранных углах которого функция v принимает заданные значения v_i, т.е. $v(A_k) = v_k$, $k = \overline{1,n}$.

3. Обобщение внешней кривизны выпуклых поверхностей.

Внешняя кривизна поверхности, определенная как площадь сферического отображения, является функцией, обладающей замечательными свойствами. По аналогии, внешней кривизной И.Я. Бакельмана построена условная кривизна поверхности [8]. Условная кривизна обладает свойствами внешней кривизны [8]. Выясним геометрическую конструкцию определения условной кривизны с введенной И.Я. Бакельманом.

Пусть $F: z = f(x,y)$, $(x,y) \in D$ и $z \in C^2(D)$. Тогда уравнение касательной плоскости в точке $M(x_0, y_0)$ имеет вид:

$$z - z_0 = f_x(x_0, y_0)(x - x_0) + f_y(x_0, y_0)(y - y_0). \quad (3)$$

Обозначим через $p = f_x(x_0, y_0)$ и $q = f_y(x_0, y_0)$.

Каждой касательной плоскости (3) сопоставляется точка

$$M^*\left\{\frac{p}{\sqrt{1+p^2+q^2}}; \frac{q}{\sqrt{1+p^2+q^2}}; -\frac{1}{\sqrt{1+p^2+q^2}}\right\}$$

на единичной сфере, которая называется сферическим отображением точки $M(x_0, y_0)$ относительно поверхности F.

При нормальном отображении, определенном И.Я. Бакельманом, каждой касательной плоскости, заданной уравнением (3), сопоставляется точка $M^*\{p, q\}$ на плоскости π с декартовой координатой $\{0, p, q\}$.

Рассмотрим единичную сферу S:

$$x^2 + y^2 + z^2 = 1 \quad (4)$$

и проведем касательную плоскость T в точке (0, 0, 1) на сферу, она задается уравнением $z = 1$.

Пусть точка M^* – сферическое отображение точки $M(x_0, y_0)$ относительно поверхности F на сфере, заданной уравнением (4). Проектируем точку M^* с начала координат на касательную плоскость T. Если M^+ проекция точки M^*, то легко доказать, что она имеет координаты $\{p, q\}$.

Справедливо следующее утверждение:

Лемма 3.1. Нормальное отображение является центральной проекцией сферического отображения на касательную плоскость.

Данная связь между сферическим и нормальным отображениями поверхности приведет к мысли обобщения свойства сферического отображения, относительно поверхностей, однозначно проектирующихся на сферу или его части.

Рассмотрим поверхность Φ.

Определение 3.1. Поверхность Φ называется звездно расположенной относительно сферы S, если любой луч, выходящий из начала координат пересекает Φ не более чем в одной точке.

Например, любой выпуклый овалоид, содержащий начало координат, будет звездно расположенным поверхности.

Введем понятие обобщенного отображения поверхности F и дадим определение обобщенной кривизны поверхности.

Пусть Φ – звездно расположенная поверхность относительно сферы S. Тогда луч, выходящий из центра сферы и пересекающий S в точке X, пересекает поверхность Φ в точке $X(\Phi)$ или не пересекает. Точку $X(\Phi)$ – назовем проекцией точки $X \in S$ на поверхности F, если оно существует.

Определение 3.2. Если точка $X \in S$ – сферическое отображение точки $M(x_0, y_0)$ относительно поверхности F, то точку $X(\Phi)$ назовем обобщенным отображением точки $M(x_0, y_0)$ относительно поверхности F на поверхность F [6]. Известно [2], что любая плоскость, проходящая через центр сферы, пересекает его по большой окружности, которая является кратчайшей для точек, лежащих на этом сечении (когда точки не являются диаметрально противоположными). По аналогии, кривую, образованную пересечением поверхности F с плоскостью α, проходящую через начало координат, назовем кратчайшей на F.

Пусть M^* – некоторое множество точек на S. Тогда центральная проекция этого множества на F образует множество M^+.

С учетом вышеприведенных определений кратчайшей и опираясь на свойство центральной проекции, можно доказать следующие свойства обобщенного отображение.

Свойство 1. Если $M = \sum_{i=1}^{k} M_i$, то $M^+ = \sum_{i=1}^{k} M_i^+$.

Свойство 2. Если M – выпуклое множество на S, то M^+ – выпуклая на F.

Свойство 3. Если M – измеримо, то M^+ – также измеримо.

Пусть M множество в области D, где определена поверхность F и $\overline{M}$, множество точек на поверхности F, проекцией которого является $M \subset D$. Рассмотрим точки $\overline{M} \in F$ проекцией $M \subset D$, обозначим через M^+ обобщенное отображение точки $\overline{M} \in F$. Когда точка M меняется на множестве $M \subset D$, его обобщенное отображение составляет, в общем случае, некоторое множество $M^+ \subset \Phi$. Множество M^+ назовем обобщенным отображением множества $M \subset D$, относительно поверхности F на поверхности Φ.

Определение 3.3. Площадь множества $M^+ \subset \Phi$ назовем обобщенной внешней кривизной множества M относительно поверхности F и обозначим как

$$\omega_F(M) = S_\Phi(M^+).$$

Используя свойства центральной проекции и сферического отображение, можно доказать следующие свойства обобщенной внешней кривизны:

1⁰. $\omega_F(M) \geq 0$ для любой $M \subset D$;

Решение задачи. Обозначим через V_L – многогранный угол, образованный лучами, выходящими из точки O и проходящими через точки ломаной L. Очевидно, край ∂G сферического многоугольника G также лежит на V.

Пусть $\omega(V_L)$ – полный угол вокруг вершины многогранного угла V_L. Когда V_L не вырождается в плоскую область или на луч, $\omega(V_L) > 0$.

Теорема 4.1. Если заданы числа $\alpha_1, \alpha_2, \ldots, \alpha_n$ и

$$\sum_{i=1}^{n} \alpha_i < \omega(V_L)$$

и существует единственный многогранник $W_0 \in W_0(G)$ внешней кривизной вершин на лучах OA_1, равной α_1.

Доказательство. Сначала докажем, что существуют многогранники, принадлежащие классу $W_0(G)$. Для этого рассмотрим выпуклую оболочку пространственной ломаной L. В общем случае выпуклая оболочка L является замкнутым выпуклым многогранником с вершинами, совпадающими вершинами ломаной L. Так как лучи l_i содержатся внутри V_L, то они пересекаются с выпуклой оболочкой пространственной ломаной L. Если считать также пересечение l_i с выпуклой оболочкой L плоскими вершинами, то часть выпуклой оболочки L принадлежит к классу многогранников $W_0(L)$ – он не имеет внутренних вершин, отличных от плоских вершин. Отметим через A_i^0 точки пересечения луча l_i с выпуклой оболочкой пространственной ломаной L и e_i^0 – длина отрезка OA_i^0.

Приведем некоторые свойства многогранников $W \in W_0(L)$.

Лемма 4.1. Внешняя кривизна многогранника $W \in W_0(L)$ является монотонной функцией относительно $e_i = OA_i$ – расстояние от вершины до точки O.

Сначала лемму докажем, когда вершина многогранника единственная, то есть W_1. Выпуклая оболочка края L и точка A_1, лежащая на отрезке OA_i^0, является многогранником с вершиной A_1 и краем L. Когда вершину A_1 двигаем по отрезку OA_i^0 в точку A_1', образуется новый многогранник с вершиной в точке A_1' и краем L. Причем, следующий многогранник содержит предыдущую, так как у них край общий и вершина A_1 находится внутри многогранника с вершиной A_1'.

Из свойства внешней кривизны, то есть из свойства монотонности $W(A_1) \geq W(A_1')$. Следовательно, является монотонной функцией от l_i. Когда количество вершин две и больше, лемма доказывается, также с использованием монотонности сферического отображения.

Пусть $\omega(A_i)$ – внешняя кривизна вершины A_i принадлежащая отрезку OA_i^0, и сумма внешних кривизны всех вершин $W \in W(L)$ будет $\sum_{i=1}^{n} \omega(A_i)$. Тогда справедливо следующая лемма.

Лемма 4.2. Когда произвольный $l_i \to 0$, $\sum_{i=1}^{n} \omega(A_i)$ стремится к $\omega(V_L)$, то есть

$$\lim_{l_i \to 0} \sum_{i=1}^{n} \omega(A_i) = \omega(V_L).$$

Для доказательства леммы возьмем произвольную вершину $A_k \in \{A_i\}$, где $k \in [1, n]$. Предположим $l_k \to 0$. Так как многогранник $W \subset W(K)$ является выпуклой оболочкой ломаной L и всех вершин A_1, лежащих на отрезках OA_i^0, то он содержится внутри многогранника V_L. Тогда хотя бы одна вершина A_k совпадает с вершиной O многоугольника V_L, выпуклая оболочка W совпадает с V_L. Причем все остальные $(n-1)$ вершины также совпадают с вершиной O. Следовательно, совпадение одной вершины многогранника $W \in W(L)$ с вершиной многогранного угла V влечет за собой совпадение всех вершин W с точкой O.

Когда какая-нибудь вершина A_k стремится к точке O, то расстояние $OA_k = l_k \to 0$. Отсюда следует справедливость леммы 4.2.

5. Существование и единственность решения уравнения Монжа–Ампера в различных областях с новыми краевыми условиями.

Заметим, что в качестве функции Φ можно выбрать любую звездно расположенную относительно сферы S поверхность. Если Φ – замкнутый выпуклый овалоид, то определенная обобщенная внешняя кривизна мало отличается от обычной внешней кривизны поверхности.

Представляет наибольший интерес, когда поверхность не ограничена или не регулярна. Например, когда Φ – цилиндр, определенная обобщенная кривизна совпадает с внешней кривизной выпуклой поверхности галилеева пространства [5].

Рассмотрим случай, когда Φ является частью поверхности, заданной уравнением

$$z^2 - x^2 = 1, \; z > 0. \tag{5}$$

Это гиперболический цилиндр, асимптотический конус которого двугранный угол, ребром цилиндра является ось Oy.

Заметим, что поверхность Φ звездно расположена относительно единичной сферы S.

Обозначим через $\Phi: z = |x|$ (6) асимптотический конус Φ, также обозначим через G область на сфере S, являющуюся внутренней частью пересечения поверхности $\overline{\Phi}$ и S.

Легко доказать, когда X – внутренняя точка области G, вектор $\overrightarrow{OX}$ пересекается с поверхностью Φ в одной точке. Также, когда точка X стремится к краю области G, образ точки X на Φ стремится к бесконечности.

Следующая лемма отвечает на вопрос, существует ли поверхность F, имеющая обобщенное отображение на поверхности Φ, заданной уравнением (5).

Касательно плоскости, заданной уравнением (6), поставим в соответствие точку Φ с координатами

$$\left\{-\frac{p}{\sqrt{1-p^2}}; -\frac{q}{\sqrt{1-p^2}}; \frac{1}{\sqrt{1-p^2}}\right\}.$$

Тогда обобщенная кривизна поверхности F вычисляется по формуле

$$\omega_F(M) = \iint\limits_M \frac{z_{xx}z_{yy} - z_{xy}^2}{(1-z_x^2)^{\frac{3}{2}}}\,dxdy.$$

Заметим, мы рассматриваем выпуклые поверхности, однозначно проектирующиеся в ограниченную область D, для которых выполняется условие $|p| < 1$.

Пусть нам задана кривая L – однозначно проектирующаяся на границу ∂D области D, тогда рассмотрим плоскости $z = \pm x + a$ (7), касающиеся к кривой L так, чтобы кривая L была на одном полупространстве, образованном этими плоскостями. Рассмотрим выпуклое тело $W(L)$, образованное выпуклой оболочкой L и этими плоскостями. Любая выпуклая поверхность с краем L, однозначно проектирующаяся в область D и содержащаяся внутри $W(L)$, удовлетворяют условию $|p| < 1$.

Следовательно, поверхности, обладающие обобщенной кривизной, не пусты.

В теле $W(L)$ рассмотрим конус с краем L и вершиной в точке X_n и его отмечаем через K_n. Предположим, что последовательность точек $x_1, x_2, \ldots, x_n, \ldots$ стремится к точке x. Причем конусы K_n не имеют опорных плоскостей, параллельных плоскостям (7), а конус $K=K(x)$ имеет опорную плоскость, параллельную к плоскостям (7).

Тогда справедлива следующая теорема.

Теорема 5.1. Если последовательность конусов K_n, не имеющих опорных плоскостей, параллельных плоскостям (7), стремится к конусу $K(x)$, то обобщенная внешняя кривизна $\omega(K_n)$ не ограничена.

Доказательство теоремы следует из свойства обобщенного отображения, так как когда конусы стремятся к конусу с опорной плоскостью параллельной к плоскости (6), обобщенное отображение превращается к бесконечную полосу на гиперболическом цилиндре.

6. Решение задачи в многосвязных областях.

Пользуясь обобщенной внешней кривизной выпуклой поверхности, определенной выше, докажем существование и единственность аналога задачи А.Д. Александрова, когда заданное значение кривизны равно обобщенной кривизне.

Пусть на плоскости Oxy заданы выпуклые замкнутые ломанные G, G_1 и G_2. Причем, G_1, G_2 содержится внутри G, и области, ограниченные G_1, G_2 не имеют общих точек. Рассмотрим цилиндрические поверхности $H(G_1)$ и $H(G_2)$ с соответствующими направляющими G_1, G_2 и образующими параллельными оси Oz. Обозначим через L_1 многоугольник, образованный пересечением плоскости $z = |x| + a_i$ с цилиндром $H(G_1)$. Пространственная ломаная L, однозначно проектирующаяся на G, причем вершина L проектируется в вершину G. Обозначим через $W(L, L_1, L_2)$ – выпуклые многогранники с краями L, L_1 и L_2, не имеющие опорные плоскости, параллельные к плоскостям $z = |x|$ и однозначно проектирующиеся на область $M = G / G_1 \cup G_2$.

Область $M = G / G_1 \cup G_2$ – это трехсвязная область на плоскости Oxy.

Пусть в области M отмечены точки $A_i\ (i = \overline{1,n})$, заданы числа $\omega_i > 0\ (i = \overline{1,n})$ и l_1 лучи, выходящие из точек A_1 параллельные оси Oz.

Теорема 6.1. Если

$$\sum_{i=1}^{n} \omega_i < \infty,$$

то существует единственный многогранник из класса $W(L, L_1, L_2)$ с вершинами на лучах l_i, обобщенной внешней кривизной ω_i.

Доказательство. Рассмотрим многогранники $N \in W(L, L_1, L_2)$ обобщенными внешними кривизнами вершин A_i, не большими $\overline{\omega}_i \le \omega_i$. Этот класс многогранников обозначим через $T\{N\}$.

Докажем, что класс $T\{N\}$ не пустой. Действительно, этому классу выпуклых многогранников принадлежит часть выпуклой оболочки ломаных

L, L_1, и L_2. Этот многогранник является многогранником с краями L, L_1, L_2 и без вершин, то есть обобщенная внешняя кривизна вершин на луче l_i $\omega_i = 0$.

Расстояние от точки A_i до вершины A_i многогранника, проектирующееся в точку A_i, обозначим через h_i. Рассмотрим линейную функцию

$$f(h_i) = \sum_{i=1}^{n} h_i.$$

Эта функция линейна относительно h_i и определена на замкнутой области $W(L, L_1, L_2)$. Следовательно, она имеет свое экстремальное значение.

Пусть при h_i^0 $(i = \overline{1,n})$ функция $f(hi)$ достигает своего минимума, для многогранника $N_0 \in W(L, L_1, L_2)$.

Докажем, что многогранник N_0 является решением теоремы. Для этого мы должны показать, что обобщенная внешняя кривизна во всех вершинах A_i равна ω_i.

Предположим, существует вершина A_k, где обобщенная внешняя кривизна $\omega_k \le \omega_k$. Тогда вершину A_k сдвинем по лучу l_k в сторону плоскости Oxy. При этом обобщенная внешняя кривизна вершины A_k увеличивается, а расстояние h_k уменьшается. Причем обобщенная внешняя кривизна других вершин не увеличивается. Полученный новый многогранник также находится в классе $T\{N\}$. Но это противоречит тому, что многогранник N_0 – многогранник, соответствующий минимуму функции $f(h_i)$. Это противоречие доказывает, что обобщенная внешняя кривизна ω_i во всех вершинах A_i равна ω_i. Теорема доказана.

Аналог теоремы 6.1 можно доказать и в классе регулярных поверхностей. Доказательство осуществляется методами, развитыми А.Д. Александровым [1], которые мало отличаются от существующих методов, использованных для выпуклых областей.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

[1] *A.D. Aleksandrov.* Existence and uniqueness of a convex surface with a given integral curvature, Dokl. AN AN USSR. – 1942 – V. 35, № 5. – P. 143-147.

[2] *А.Д. Александров.* Внутренняя геометрия выпуклых поверхностей. – Москва, Ленинград: Государственное издательство технико-теоретической литературы. 1948. – С. 388.

[3] *А.Д. Александров.* Выпуклые многогранники. – Москва, Ленинград: Государственное издательство технико-теоретической литературы, 1950. С.428.

[4] *А.В. Погорелов.* Внешняя геометрия выпуклых поверхностей. – М.: Наука, 1969. С.760.

[5] *A. Artykbaev.* Recovering convex surfaces from the extrinsic curvature in Galilean space, Mat. Sb. (N.S.), 1982, Volume 119 (161), Number 2 (10). – P. 204-224.

[6] *А. Артыкбаев, А.Л. Вернер.* Неодносвязные выпуклые поверхности, заданные интегральной условной внешней кривизной // Вопросы дифференциальной геометрии «в целом». Л., 1983. – С.3–8.

[7] *А. Артыкбаев, Д.Д. Соколов.* Геометрия в целом в плоском пространстве – времени. Т.: «ФАН», 1991. – С.180.

[8] *И.Я. Бакельман, А.Л. Вернер, Б.Е. Кантор.* Введение в дифференциальную геометрию «в целом». – М.: Наука, 1973. – С.440.

[9] *Ilya J.Bakelman.* Convex Analysis and Nonlinear Geometric Elliptic Equations. Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 1994. – P.495.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ХАЛҚ МЕНТАЛИТЕТИ ИФОДАСИ СИФАТИДА

Шохиста СУЛТОНОВА,
ЎзДЖТУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада фразеологик бирликларнинг (ўзбек ва рус тиллари материалида) халқ миллий-маданий қадриятларидан бири сифатидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, диний фразеологизмлар миллий маданиятнинг рамзлар, эталонлар, стереотиплар каби ассоциатив асослари орқали миллатнинг диний тафаккури, дунёқараши тўғрисидаги маданий ахборотни ифодалаши масаласи ёритилади.

Калит сўзлар: миллий-маданий қадрият, менталитет, фразеологизм, рамз, эталон, стереотип, диний фразеологизм.

Аннотация. В статье рассматривается значение фразеологизмов (на материале узбекского и русского языков) как одной из национально-культурных ценностей народа. Также затрагиваются вопросы выражения культурной информации о религиозном мышлении, мировоззрении нации через ассоциативные основы национальной культуры, такие как символы, эталоны, стереотипы в религиозной фразеологии.

Ключевые слова: национально-культурная ценность, менталитет, фразеология, символ, эталон, стереотип, религиозный фразеологизм.

Abstract. The article presents the meaning of phraseological units (based on the Uzbek and Russian languages) as one of the national and cultural values of the people. It alsoilluminated the issues of expressing cultural information about religious thinking, the worldview of the nation through the associative foundations of national culture, such as symbols, standards, stereotypes in religious phraseology.

Key words: national and cultural value, mentality, phraseology, symbol, standard, stereotype, religious phraseological unit.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун

ҳам у кудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этади [1].

Аждодлардан мерос бўлиб қолган бебаҳо қадриятлардан бири тил ҳисобланади. «Тил – маданият кўзгуси, унда нафақат инсонни ўраб турган олам, балки халқнинг ижтимоий идроки, миллий феъл-атвори, анъаналари, қадриятлари тизими, менталитет акс этади» [6]. Тил инсоннинг дунёсини ва унинг маданиятини шунчаки акс эттирмайди, балки маданиятни ўзида сақлаб, авлоддан авлодга етказиб беради. Айнан шунинг учун тил шахснинг, миллий характернинг, этник умумийликнинг, халқнинг, миллатнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Менталитет – бу халқ менталлигининг ички ташкилланиши, онги ва қалбини акс эттирувчи категория. Менталитет деганда онгнинг ижтимоий-маданий, лисоний, географик ва бошқа омиллар билан боғлиқ қандайдир чуқур структураси тушунилади. Миллий менталитетнинг ўзига хосликлари оламнинг лисоний, содда, бироқ концептуал бўлмаган манзарасида намоён бўдади. Уларнинг ҳар бири борлиқнинг уникал субъектив тасаввури бўлиб, унга маданиятни ташкил қилувчилар ҳисобланган мифлар, ривоятлар, афсоналар, диний қарашлар ва ҳ.к. лардан иборат воқеликнинг бевосита ва билвосита объектлари киради [3]. Жумладан, тилнинг фразеологик фонди халқнинг маданияти ва менталитети тўғрисидаги маълумотларнинг қимматли манбаси ҳисобланади, унда халқнинг мифлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, одатлар, ахлоқ, хулқ-атвор ва ҳ.к. лар тўғрисидаги тасаввурлари йиғилган ҳисобланади.

Б.А. Ларин фразеологизмлар доим маълум даражада халқнинг дунёқарашини, ижтимоий тузумни, тегишли давр мафкурасини акс эттириши тўғрисидаги фикрни бежиз билдирмаган [3]. Фразеологик бирликлар ўз семантикасида халқ маданияти тараққиётининг давомли жараёнини акс эттирган ҳолда, маданий меъёрлар ва стереотиплар, эталонлар ва архетипларни қайд қилиб, авлодлардан авлодларга етказиб беради. Ф.И. Буслаев фразеологизмларни ўзига хос микрооламлар сифатида таърифлаб, улар ўзида «қисқа иборада авлодларга аждодлардан раҳнамолик сифатида ҳам ахлоқий қонун, ҳам мантиқли мазмунга эга бўлишини» таъкидлайди. Ай-

тиш мумкинки, фразеологизмларни ҳар қандай миллий тилнинг қалби сифатида англаш мумкин ва унда миллатнинг қалби ва ўзига хослиги бетакрор тарзда ифодаланади.

В.Н. Телия таъкидлашича, тилнинг фразеологик таркиби шундай ойнаки, унда лингвомаданий умумийлик ўз миллий дунёқарашини мужассамлаштиради, айнан фразеологизмлар тил эгаларига оламга, вазиятга ўзига хос назар ташлашни намоён қилади [3, 82]. Бу эса халқнинг анъана ва урф-одатлари билан боғлиқ фразеологизмларида ёрқин ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида дўпписини осмонга отмоқ ибораси «жуда хурсанд бўлмоқ» маъносида қўлланади. Мазкур фразеологик бирликдаги дўппи сўзи ўзбек халқининг миллий бош кийими ҳисобланади ҳамда ушбу иборага миллий-маданий руҳни сингдиришга хизмат қилади. Рус тилида перемывать косточки – «кимнидир ғийбат қилмоқ, ёмонламоқ, муҳокама қилмоқ» маъноларини англатувчи ибора славянларда қадимдан мавжуд бўлган ўлган кишининг гуноҳларини тозалаш ва ундан дуоибадни олиб ташлаш учун бир неча йилдан сўнг ўтказилган қайта кўмиш маросими билан боғлиқ. Қайта кўмиш олдидан кавлаб олинган қолдиқлар ювилар ва бу пайтда марҳумнинг феъл-атвори, қилган ишлари ва ҳ.к. ёдга олинар ва баҳо берилар эди [2]. Кўриб турганимиздек, фразеологик бирликнинг ички шакли мотивлаштирилганликка эга бўлган ҳолда миллий-маданий элементларни ўзида жамлайди, чунки фразеологизмлар «асосан лисоний жамоанинг унинг маданий анъаналари билан боғлиқ маиший-эмпирик, тарихий ва маънавий тажрибасини акс эттирувчи борлиқ тўғрисидаги образли тасаввури» асосида пайдо бўлади.

Маданиятнинг тилда, хусусан, фразеологик бирликларда қай тарзда акс этиши кўпчилик тадқиқотчиларни қизиқтирган. В.Н. Телия илгари сурган назарияга кўра, «агар тил бирликлари миллий-маданий хусусиятларга эга бўлса, унда маданият уни акс эттиришнинг ўз усулларига ва у билан мувофиқлашиш воситаларига эга бўлиши керак, яъни, бир томондан, «белги асоси» нинг ягона тармоғини бирлаштирувчи ўзига хос «звено» бўлиб хизмат қилиши лозим (белгилар учун эса иккиламчи номинация – бу ифодаловчининг «асл маъноси»), бошқа томондан – концептлар, стереотиплар, эталонлар, рамзлар, мифологемалар ва ҳ.к. халқнинг, яъни миллатнинг белгилари, кенгроқ маънода эса – тил эгалари томонидан ўзлаштирилган умуминсоний маданиятнинг белгиларидир». Фразеологик бирликларга келсак, уларда миллий-маданий хусусиятни мужассамлаштириш воситаси образли асос, фразеологизмнинг ички шакли, образли гештальт-структура

(кўпинча маданий реалияларни ифодаловчи маданий маркерланган компонентлардан ташкил топган) ҳисобланади. Миллий-маданий хусусиятни кўрсатиш усули эса «тегишли лисоний ҳамжамиятнинг белгили миллий-маданий маконидаги образли асоснинг талқини» ҳисобланади [4].

Шундай қилиб, диний фразеологизмлар миллий-маданий коннотацияларининг мазмуни тегишли лисоний ҳамжамиятнинг белгили миллий-маданий «маконида»ги образли асос (фразеологизмнинг ички шакли) талқини ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, қуйидагича методологик жиҳатдан муҳим бўлган хулосани билдириш мумкин: маданий маънони иборанинг ички шаклидан билиб олиш мумкин: унда ҳозирги кундаги урф-одат ва анъаналар, тарихий воқеалар ва турмуш элементларининг аввалги ҳолати акс этувчи маданиятларнинг «излари» мавжуд; маданиятни маълум миллий (лисоний) социумда анъанавий шаклланган меъёрлар, эталонлар, стереотиплар, рамзлар, мифологемалар ва ҳ.к. миллий маданият белгилари асосида субъектнинг эмпирик, маданий, маънавий ҳаётдаги ориентацияси усули сифатида тушуниш мумкин. Маданиятни бундай тушунишда маданий коннотацияни тушунишни ҳам бошқача номлаш мумкин: эталонга тегишлилик – маданий коннотация ҳисобланади.

Маълумки, қатор фразеологизмларнинг келиб чиқиши мифлар билан ҳам боғлиқ. Мифларда оламнинг ташкил топиши, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар тўғрисидаги халқ ривоятлари орқали ифодаланадиган қадимги инсоннинг оламни идрок қилиши ва тушуниши акс этади. Мифнинг энг муҳим компоненти ҳисобланган мифологема, яни мифологик персонаж ёки вазият бошқа мифларда ҳам такрорланиши мумкин. Маълум лисоний жамият вакили онгида пайдо бўладиган ва маданиятда кенг тарқалган барқарор образ – архетип диний фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятини намоён қилишга хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилидаги нони бутун; нон топмоқ каби ибораларда нон архетипи ҳаётлик, фаровонлик, тўқлик рамзи сифатида намоён бўлади. Баъзи диний фразеологизмларда эса ўтган аждодлар дунёқарашининг қолдиқлари ҳисобланган афсона, ривоят ёки хурофотларини кўриш мумкин: рус тилидаги чертова дюжина – ўн уч сонини англатади. Рус халқ хурофотида ушбу сон бахтсизлик келтирувчи сон ҳисобланган.

Шундай қилиб, диний фразеологизмлар денотатив (асл) маъноси ёки миллий маданиятнинг рамзлар, эталонлар, стереотиплар каби ассоциатив асослари орқали миллатнинг диний тафаккури, дунёқараши тўғрисидаги маданий ахборотни ифодалайди. Бежиз фразеологизмларни халқнинг доно

фикрлари хазинаси сифатида таърифлашмайди, зеро ушбу бирликлар халқ маданияти ва қадриятлари тизимини авлоддан авлодга етказиб беришга хизмат қилувчи муҳим восита ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // «Халқ сўзи», 2016, 19 октябрь.

2. *Белая Е.Н.* Теория и практика межкультурной коммуникации: Учеб. пособие. – М.: ФОРУМ, 2011.

3. *Маслова В.А.* Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Академия, 2010. С. 49.

4. *Потапушкин Н.А.* Фразеологические единицы русского языка в лингвокультурологическом аспекте. – М.: Изд-во УМУ РУДН, 2000. – URL: http//www.web-local.rudn.ru/ web-local/uem/gumsoc/1/Html/.../potapushkin.doc.

5. *Тер-Минасова С.Г.* Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Изд-во МГУ, 2008. С. 100.

6. URL: lomonosov-msu.ru/archive/Lomonosov_2007/10/Simonova.pdf.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зулфия ХАМИДОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф Амир Темур ва унинг ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида олиб борган иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини бугунги кун нуқтаи-назаридан баҳолаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Бунда ушбу мавзу доирасидаги мавжуд манбаларни давр ва макон жиҳатдан мазмуни ва ёзилиш услубига, яъни илмий-тарихий ҳамда ишончлилигига қараб ажратиб, гуруҳлаб олган, шунингдек, таҳлил ва синтез ҳамда тарихийлик усулларига мурожаат қилган.

Калит сўзлар: XIV–XV асрлар, Мовароуннаҳр, Амир Темур, Самарқанд, ҳунарманд, ҳунармандчилик турлари, ишлаб чиқариш, савдо муносабатлари.

Аннотация. В данном исследовании автор проанализировал особенности экономической политики по развитию ремесел Амира Темура с сегодняшней точки зрения. В то же время он разделил и сгруппировал доступные источники по этой теме с точки зрения времени и пространства, содержания и способа написания, т.е. научно-исторического и достоверного, а также использования методов анализа и синтеза.

Ключевые слова: XIV–XV вв., Мавераннахр, Амир Темур, Самарканд, ремесленник, виды ремесел, производство, торговые отношения.

Abstract. In this article, the author analyzed the features of economic policy for the development of Amir Temur's crafts from today's point of view. At the same time, he divided and grouped the available sources on this topic in terms of time and space, content and way of writing scientific and historical and reliable, as well as the use of methods of analysis and synthesis.

Key words: XIV–XV centuries, Movarounnahr, Amir Temur, Samarkand, craftsman, types of handicrafts, production, trade relations.

Бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар даврида ҳунармандчиликка шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида қарамай, унинг тарихий асосларини ўрганиш, давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, халқаро доирада бу масалага назарий ва амалий жиҳатдан ёндашув тубдан ўзгармоқда. Жаҳон ҳунармандлар кенгаши (World Craft Council) ҳамда унинг Европа, Осиё, Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Африка минтақалари бўйича кенгашлари, дунё бўйлаб ҳунармандлар ва ташкилотларни ўзаро бирлаштириб, уларда ҳунармандчилик ва ҳунармандчилик қадриятларини тиклаш ва тарғиб қилишда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда [1].

Мамлакатимиз ҳам миллий ҳунармандчилик ва уни ривожлантириш бўйича юксак салоҳиятга эга бўлиб, миллий-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчилик турларини сақлаш, қайта тиклаш, шунингдек, салоҳиятли ёшларни кўпроқ жалб қилиб, нафақат бу соҳанинг давомчиларини шакллантириш балки, аҳоли бандлигини ҳам таъминлашда ўзини оқлаган бой тарихий тажрибалардан фойдаланишни давр тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек... «Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат» [2]. Бугунги кунга қадар иқтисодчи олимлар томонидан юртимизда турли тарихий босқичларда давлатни бошқарган ҳукмронлар, хусусан, Амир Темурнинг ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш борасидаги олиб борган иқтисодий сиёсати алоҳида тадқиқот сифатида кўриб чиқиш, унинг ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги олиб борган ислоҳотларининг ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш зарурияти долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки дунё бўйлаб машҳур бўлган ҳамда сайёҳлар эътиборини тортаётган ҳунармандчилик фаолиятининг турли хил ўзига хос йўналишларининг шаклланиши ва ривож топи-

шида бой тарихимизнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон халқлари ўзларининг ҳунармандчилик санъати тарихида йирик босқичларни босиб ўтган бўлиб, ҳар бир босқич ўзининг минтақавий хусусиятлари билан фарқланади. Шу билан бирга, маҳаллий анъаналарнинг янги асосларда, қўшилиш ва уйғунлашув услубларида тараққий этганлиги кузатилади [3]. Хусусан, XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимиятнинг маълум даражада барқарорлиги, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳунармандчилик муносабатларининг ривожланиши учун кенг йўл очиб берган. **Унинг давлат бошлиги сифатида салтанатнинг иқтисодий тараққиётида тутган ўрни, айниқса, ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришда олиб борган иқтисодий сиёсати шу кунгача алоҳида мавзу сифатида иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилмаган. Лекин мазкур масалада, унинг замондошлари билан бирга ижтимоий фанлар доирасида дунёнинг етакчи хорижий ва маҳаллий ёзувчи ҳамда олимлари ўз асарларида қисман бўлса-да тўхталиб ўтганлар [4].** (1-расм).

Ўз ўрнида даврий жиҳатдан гуруҳланган илмий-тарихий асарлар, тадқиқотларни макон ва ёзилиш услуби ҳамда жанр жиҳатдан гуруҳлаб, таҳлил қилиш, турли хил қарашларни фарқлаш ҳамда тадқиқот учун ёрдам берувчи манбаларни ажратиб олишга ҳамда бу доирада тадқиқот олиб борувчиларга аҳамиятли даражада ёрдам беради.

Амир Темур давлатнинг иқтисодий жиҳатдан равнақ топишини ғалаба келтирувчи ҳарбий юришлар билангина таъминлаб бўлмаслигини унгача Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизхон ва унинг ворисларидан фарқли ўлароқ яхши тушунган. Шу боис ҳукмдор шаҳарнинг узоқ вақт оёқ ости бўлган анъаналарини қайта тиклаш орқали юқорида кўзлаган мақсадига эришишга қарор қилди.

«Темур тузуклари» да таъкидланишича: «Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим. ...Ўн биринчи тоифа – касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва турғунликда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа жиҳозларни ҳозирладилар» [5].



1-расм.
Мавзуга доир илмий-тарихий манбалар муаллифларининг давр ва макон жиҳатдан гуруҳланиши[1].

Шуниси эътиборга сазоворки, Самарқанднинг қўлга олинишини Темурийлар ҳукмронлигининг бошланиши деб ҳисобланиши мумкин. Бу йилномага кўра, ҳижрий 771 йил, мелодий 1370 йилга тўғри келади. Темур ўттиз беш ёшда бўлган. Гап шундаки, турк ҳукмдори тахтга эгалик қилиши Александр Македонский билан қиёслаганда, унинг қиролликдаги фаолияти тугаб, вафот этган ёшдаги даврларига тўғри келади. Лекин у қироллик оиласи ва унга тегишли мол-мулкнинг вориси бўлган, Темур эса ҳаммасига ўз қобилияти билан эришди [6].

XIV асрнинг 60 йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий ва иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб кетади. Феодал тарқоқликнинг кучайиши, ички феодал урушларнинг узлуксиз давом этиши, ташқи душман ҳужумларининг авж олишидан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари

[1] Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

таназзулга учраб, аҳоли оғир тангликни бошдан кечирган. Мўғуллар қўл остидаги ҳунармандларнинг мавқеининг ёмонлашиши, улар ўртасида ярим қуллик муносабатлари пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бу ҳақда 1264 йилда Плано Карпини [7] ўзининг эслатмаларида жуда аниқ таъкидлаган. Мўғуллар босқинида бутунлай вайрон этилган ва аксари аҳолиси қириб ташланган ва қисман қул қилинган Самарқанд шаҳри Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилади [8].

Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, «Подшоҳ шаҳарнинг шуҳратини ошириш ниятида шу қадар кўп саъй-ҳаракатлар қилдики, у қайси мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан (ҳунарманд) одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг теварак-атрофидаги ерларга жойлаштирди» [9]. Темур биринчи навбатда эътибор қаратган нарса – бу ерда ҳунармандчилик маҳсулотларини кўпайтириш эди. Бироқ Самарқаднинг ишлаб чиқариш захирасини фақатгина сунъий йўл билан тез фурсатда кўтариш мумкин эди. Бунда, ишғол қилинган ҳудудлардан ишчи кучларини мажбурий кўчириб келтириш энг қулай восита бўлди [10].

Амир Темур яшаган давр мураккаб ва зиддиятларга тўла бўлиб, ўз олдига тўсиқларни енгиб ўтиш учун у халқаро майдонда фаол ва аниқ режаларга асосланган ташқи сиёсат олиб бориши ҳамда қуйидаги бир қатор тадбирларни тўғри ҳал этиши ва амалга ошириши лозим эди [11]. Бу эса мамлакатда ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлашга хизмат қилган.

Мовароуннаҳрда бу каби мутахассислар етишмагани учун эмас, балки қанчалик маданий кучлар кўпайиб борса, шунчалик ҳунармандчилик фаолияти бойишига ҳамда санъат ва фаннинг юқори даражада ривожланишига ишонгани учун олиб келган [12]. Жан-Пол Ру ҳам ўз ватани, дўстларига садоқати, адолати, камбағал ва заифларга меҳр-мурувватли ва бошқа сифатлари Амир Темурни муваффақиятларига сабаб бўлган омиллардан эканлигини таъкидлаб ўтган [13]. Темур ўзини Чингизхоннинг вориси, Ўрта Осиё аҳолиси назарида янги Чингизхонни кўрсатишга интилган деган маълумотлар бор, амалда эса бунинг тескариси бўлган. Амир Темур Чингизхондан фарқли ўлароқ бошқа давлатлар билан муносабатда энг аввало музокара йўлини танлаган, вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилган [14].

Ибн Арабшоҳ амирлар ва сарой амалдорлари «Фақиҳлар, илоҳиётшунослар, Қуръони каримни ёддан биладиган қорилар, алломалар, усталар, ишчилар, қуллар, ўғил ва қиз болалар оммасини йиғиб олгунларига қадар



2-расм.
Амир Темурнинг халқаро вазиятда ташқи сиёсати.

шаҳарни талон-торож этиш ман қилинганини, бундай қоидани бузганларга ўлим жазоси қўлланган» ини таъкидлайди [15]. Унинг ёзишича, «Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шафоат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди» [16]. Шунингдек, Ҳарольд Ламб Амир Темур ва унинг фаолиятига қуйидагича таъриф беради: «Темурни тушуниш учун унинг ҳаёт тарзини кўз олдимизга келтириш зарур. Бунинг учун ўз ғояларини кўр кўрона илгари сурилган Европадаги замонавий тарихий ёндашувлардан қочиш керак [17]. У бирон бир сулоланинг авлоди эмас эди, балки ўзи сулолага асос солди. У ваҳшийлар етакчиси Аттиладек Рим қидирмади, балки чўлу биёбонда Рим бунёд этди [18].

Кўплаб тадқиқотларда Амир Темур шахсини ва унинг фаолиятини ҳамда турли давлатларга сабабсиз юриш қилиб, ерлик аҳолига зулм қилишга, улардан қул сифатида фойдаланишга ҳаракат қилган, дея танқидий таҳлил қилинади. Лекин рақиб ҳукмдорларнинг Амир Темур билан боғлиқ масалаларга аралашиши, унинг душманларига паноҳ бериб, писанд қилмасликлари, атайлаб топташга, буткул синдиришга интилишлари юришлар сарҳадларини кенгайтиришга сабаб бўлди [19].

ХУЛОСА

Тарихий манбалар ҳамда илмий-тарихий манбалар ҳамда тадқиқотларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш асосида қуйидаги шарт-шароитлар Амир Темурнинг ҳунармандчилик фаолиятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди дейиш мумкин:

Маълумки, ўрта асрлар тарихи икки даврга бўлинади. Унинг биринчи даври V–XI асрларни ўз ичига олади. Бунда янги жамият – феодал ер-мулк эгалиги жамияти қарор топган бўлса, иккинчи даври (XI–XV асрлар)да ер-мулк эгалигига асосланган жамият узил-кесил шаклланиб, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ хўжаликнинг муҳим тармоқларига айлана борди [20]. Амир Темур ҳукмронлиги айнан шу даврга тўғри келади.

Чингизхон (Тимучин (1155–1227)) ва Чингизийларнинг 1219–1370 йиллар оралиғидаги ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жуда оғирлашган эди [21].

Мунтазам давом этган урушлар, аҳолининг талон-торож қилиниши ва асоссиз равишда солиқ турларининг кўпайиб ва кўтарилиб бориши оқибатида мамлакат моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб қолган эди.

Мамлакат сарҳадларини қайта тиклаш билан бирга шаҳарларни обод қилиш масаласи билан бирга ҳарбий юришлар учун керакли қурол-аслаҳа ва жиҳозларни ишлаб чиқариш бош мақсадга айланган, бунинг учун, табиийки, ҳунармандлар керак бўлган.

Ўрта асрларда аҳолининг моддий ва номоддий неъматларга бўлган деярли барча эҳтиёжлари ҳунармандчилик ишлаб чиқариши орқали кондирилган бўлиб, табиийки, бу ҳунармандчилик турларини кўпайишига туртки берган.

Аҳолининг бандлигини ошириш орқали, даромадларини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий бозорда товар ва хизматларга нисбатан нархлар даражасини барқарорлаштириш долзарб масалага айланган.

Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши ҳамда савдо карвонларининг хавфсизлиги таъминланиши халқаро савдо муносабатларининг ривожланишига шароит яратади, бу эса ҳунармандчилик маҳсулотлари яратиш ҳамда уларни маҳаллий ва хорижий мамлакатлар бозорларида айирбошлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Mignosa A., Kotipalli P.* 2019. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 3-p.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. www.gov.uz.

3. *Пугаченкова Г.А.* Рempель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. – М.: Искусство. 1982. С. 4–5; Искусство зодчих Узбекистана / Под. ред. Г.А. Пугаченковой. – Т.: «Фан». 1972. – С. 6; Пугаченкова Г.А. Из истории античной культуры Узбекистана. – Ташкент: Издательство им. Гафура Гуляма. 1973. С. 19–20

4. *Gafurov U., Khamidova Z.* Theoretical and methodological basis of research on the development of handicraft activity in the economic policy of Amir Temur. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 11, Issue-07, 2019. 951-965 pp. https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85088055641&partnerID=40&md5= bc63f6e655319c1948fbf53f132a7af.

5. Халқаро Амир Темур жамғармаси. Темур тузуклари. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 181, 94-бетлар.

6. *Niccolao Manucci.* History of the Mogul Dynasty in India: From Its Foundation by Tamerlane, in the Year 1399, to the Accession of Aurengzebe, in the Year 1657. – London. J.M. Richardson. 1825. 324 p. 7-p.

7. *Jean du Plan de Çarpjn.* Relation des Mongols ou Tartares. – Paris. Arthus-Bertrand, Dondey-Dupré. 1837.

8. *Муҳаммаджонов А.* Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1994. 13, 47-бетлар.

9. *Ruy Gonza'lez de Clavijo.* Historia del gran Tamorlan: e itinerario y enarracion del viage, y relacion de la embajada que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso señor rey Don Henrique el Tercero de Castilla. Yun breve discurso. En Madrid. En la imprenta de Don Antonio de Sancha. 1782. P. 190.

10. *Якубовский А.Ю.* Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Ленинград. 1933. С. 19.

11. *Ўлжаева Ш.* Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТКТИ. 2008. 184–185-бетлар.

12. *Якубовский А.Ю.* Тамерлан, эпоха, личность, деяния. – М.: «Гураш» 1992. P. 23.

13. *Ру Ж.П.* Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия. 2012. С. 153. https://avidreaders.ru/book/tamerlan.html.

14. The Cambridje history of Iran. The Timurid and Safavid periods. Cambridge University Press. 1986. № 6 – P. 55-56.

15. *Ibn Arabshoh.* Amir Temur tarixi (ajoyib al-maqdur fi tarixi Taymur) I kitob. – T.: Mehnat. 1992. 245-bet.

16. *Ibn Arabshoh.* Amir Temur tarixi(ajoyib al-maqdur fi tarixi Taymur) II kitob. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi. –T.: Fan. 2018. 144-bet.

17. *Lamb H.* Tamerlane The Earth Shaker. Great Britain. The Burlhigh Press. 1929. P. 16.

18. *Lamb H.* Tamerlane The Earth Shaker. Great Britain. The Burlhigh Press. 1929. PP. 13-14.

19. *Низомиддин Шомий.* Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 300-бет.

20. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ф ҳарфи. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. – Т.: 2002. 227-бет.

21. *Муҳаммаджонов А.* Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача) – Т.: «Шарқ». 104–106-бетлар.

ECOSYSTEM SERVICE ANALYSIS AND MAPPING OF PROTECTED AREAS IN THE LOWER AMU-DARYA OF UZBEKISTAN

Mamanbek REIMOV,
Researcher at Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, holder of the scholarship of the President of the Republic of Uzbekistan

Аннотация. Бу мақола Қуйи Амударё давлат биосфера резервати мисолида экотизим таҳлилига йўналтирилган. Бу биосферик резерват ландшафтларни, ўрмон флора ва фаунаси, ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўриқлаш, қайта тиклаш, экологик аҳвол, ресурслардан барқарор фойдаланишга ва экологик таълимни ривожлантиришга йўналтирилган. Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида бир қанча турдаги экотизим хизматлари мавжуд. Ҳозирги кунда Қуйи Амударё давлат биосфера резерватидаги мавжуд зоналарда экотизим хизматлари тўлиқ ўрганилмаган ҳолатда бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири Амударёнинг қуйи қисмида сув танқислиги ошиб бориши билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида ўрмон ва био хилма-хилликнинг деградациясига ва ерларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Ушбу мақолада Қуйи Амударё давлат биосфера резервати турли зоналарида мавжуд бўлган жами тўрт турдаги экотизим хизматлари аниқланган, мавжуд зоналарга ажратилиб таҳлил қилинган ва карталаштирилган.

Калит сўзлар: Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, ГИС, карталар, кўриқланадиган зона, буфер зона, аҳоли пунктлари ва иқтисодий зоналар, экотизими хизматлари: таъминлаш, тартибга солиш, яшаш жойлари, маданий, зонавий карталар.

Аннотация. Проанализированы экосистемные услуги, оказываемые биосферными резерватами на примере Нижне-амударьинского государственного биосферного резервата (БР). Целевое назначение пока единственного в Узбекистане БР – охрана и восстановление ландшафтов, флоры и фауны тугайных лесов, развитие природных процессов и устойчивого использования природных ресурсов, а также для осуществления экологи-

ческого образования, подготовки и повышения информированности населения. При создании БР не была изучена и разработана проблема видов экологических услуг, которые могут оказывать его зоны обществу, различным заинтересованным сторонам. Вопросы оказания экологических услуг в настоящее время находятся в неизученном состоянии, что объясняется в первую очередь увеличением дефицита воды в нижней части реки Амударьи и деградацией тугайных лесов и биоразнообразия, а также недостаточностью проведения научно-исследовательских работ в этой области. В статье исследованы сущность и особенности четырех различных видов экосистемных услуг, предоставляемых различными зонами БР.

Ключевые слова: Нижнеамударьинский государственный биосферный резерват, ГИС, картографирование, охраняемая зона, буферная зона, населенный пункт и экономическая зона, экосистемные услуги: обеспечение, регулирование, среда обитания, культурные, зональные карты.

Abstract. This research is focused on analyzing ecosystem services in Lower Amu-darya State Biosphere Reserve. This Biosphere Reserve presents to protect and restore landscapes, flora and fauna of tugai forests, including their rare species, to improve ecological condition and sustainably use natural resources and to study natural processes, and promote environmental education, training and awareness. The ecosystems in the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve provide different ecosystem services to different stakeholders. Nowadays the ecosystem services of the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve is not fully studied and no information exist on zones. This primarily is due to the increase of water scarcity in the lower part of Amu-darya river leads to degradation of tugai forests and biodiversity, increase of desertification and salinity of the territory. In this article there are four different types of ecosystem services are identified, analyzed and mapped by existing different zones of the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve.

Key words: Lower Amu-darya State Biosphere Reserve, GIS, mapping, protected zone, buffer zone, settlement and economic zone, ecosystem services: provisioning, regulating, habitat, cultural, zonal maps.

By the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No5863 dated 10.30.2019, the Concept of Environmental Protection of the Republic of Uzbekistan by 2030 was approved. The Concept, which is the fundamental document defining the priority directions of state policy in the field of environmental protection for the specified period, the implementation of which

will ensure the sustainable development of the state in the interests of future generations, indicates the need to implement measures to increase the area of protected natural areas of category IV by adequate coverage of all types ecosystems and ensuring environmental connectivity of the entire network of protected natural areas. For the successful implementation of these measures, research and mapping of ecosystems throughout the region is necessary, taking into account the mutual influence of various natural and technogenic ecosystems. The creation of a network of protected and conditionally natural ecotopes can significantly increase the effectiveness of protecting the biodiversity of both the plant and animal worlds and improve the long-term sustainability of protected natural areas. Given the complexity of the task, combining survey geoecological mapping, inventory mapping of specially protected natural areas, monitoring the current state of the natural environment, to solve this problem, it is necessary to use modern geoinformation technologies and methods of spatial analysis;

This article, to a certain extent, serves the implementation of the above measures and tasks, as well as the implementation of other regulatory documents adopted in this area.

The Badai-Tugai nature reserve was founded in 1971 in the Karakalpak Autonomous Republic, Uzbekistan. The area is 6462 ha. The reserve is located in the lower Amu-darya River, on the territory of Beruni and Amu-darya districts, on the right shore of the river. The aim of the reserve is to conserve tugai ecosystems and protect Bukharian deer. The deer population in the reserve and its adjoining territories increased to more than 300 individuals since its creation (Baxiev, 2008). In 2011 the Cabinet Ministers of the Republic of Uzbekistan decided to accept the proposal of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstanand the Ministry of Agriculture and Water Resources to transform the Badai-Tugai nature reserve into Lower Amu-darya State Biosphere Reserve (LASBR) by increasing its territory from 6462 till 68718 hectares .The new aim of Lower Amu-darya Biosphere Reserve is to preserve and restore landscapes, flora and fauna of tugai forests, including their rare and extinction species, improve ecological condition and provide sustainable use of natural resources and study of natural processes, and promote environmental education, training and awareness.

In order to realize the aims and tasks of the biosphere reserve, the territory is divided into three zones: protection, buffer and transitional (economic) zones. The protection zone is composed of 11568 hectare (17%) and it is under strict protection regime. This zone is for protecting natural objects and complexes,

for conducting monitoring and scientific research. The Buffer zone consists of 6734 hectare (10%) and is for protection and restoration of natural objects and complexes. The regime is set according to the law. The land of Buffer Zone is in possession of renters. The Transitional (Economic) zone consists of 50418 hectare (73%) and is formed for realization of household and other activities without damaging the natural objects and complex. Transitional reserves land is also in possession of land users and renters (Resolution, N212-2008).

Current existing Zonal Map of Lower Amu-darya State Biosphere Reserve

Ecosystem services are the benefits people receive from ecosystems (MA 2005). The identifying and quantifying ecosystem services is highly recognized as an important tool of resourceful provision of environmental resources (Heal., 2005). The ecosystem in Lower Amu-darya State Biosphere Reserve provides different ecosystem services to different stakeholders. There are main four types of Ecosystem services which exist in the area. Provisioning services aremore important for adjacent areas near the protected territory (buffer and economic zone) of the studied area for human consumption, such as: agricultural products and food (cotton and wheat) and building products (small building stones and building limestone). Regulating services relate to the capacity of natural and semi-natural ecosystems to regulate essential ecological processes and life support systems through biogeochemical cycles and other biosphere processes. These regulation services have direct and indirect benefits to humans (such as clean air and biological control services). While the provisioning and regulation services are valuable, but for the Badai-Tugai forest and other riparian forest areas more important are the habitat services, when natural ecosystems provide reproduction habitat to plants and wild animals, due to its geo ecological uniqueness as a site for the biodiversity conservation. Moreover, besides all above mentioned ecosystem services, this area provide cultural services. To quantify and identify these services, the role of ecosystem mapping is very important and useful for spatially explicit prioritization and problem identification especially in relation to tradeoffs between ecosystem and its services (Maes J., 2013). Furthermore, ecosystem maps can be used as tool of communication to settle down discussions with stakeholders, envisioning the places where valuable ecosystem services produced. Also they can assist decision makers in classifying priority zones and developing relevant policy measures and recommendations including the improvement of directing measure and demonstrating their benefit (Maes J., 2013).

Problem statement

Nowadays the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve is on the verge of disaster. This primarily is due to two main issues. First, increase of water scarcity in the lower part of Amu-darya river, which leads to termination of tugai forests and biodiversity, increase of desertification and salinity of the territory. The second huge negative impact comes from human activities: farming and production of building materials, which leads to degradation of the soil and landscape of the reserve. The key point of these problems is that even though the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve was established to protect the unique tugai environment, it is not able to fulfill these functions because of the absence of effective control and regulations. Quantification and mapping ecosystem services are going to construct a base for the control over the existing services by identifying where high level of services need protection or management in order to reduce the negative impact on the ecosystem of the Lower Amu-darya State Biosphere reserve (Petter, 2012).

METHODOLOGY

Mapping Ecosystem Services

Mapping Ecosystem services is a viable method for ecosystem service presentation in maps by dividing into existing zones (economic zone, buffer zone, protected zone and Amu Darya River) and new (Settlement and economic zone, buffer zone, protected zone, farming zone and Amu Darya River) in the example of the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve. Considering the above, the use of the Geographic Information System (GIS) play an important role in developing a zonal map for Lower Amu-darya State Biosphere Reserve with the help of ecosystem service analysis (See chapter 4). With the help of ArcGIS, existing zonal map and aero photo images, first the total area and exact territory of biosphere reserve were determined and five new main polygons for every zone were created. Second, with the help of existing zonal map and aero photo images of Lower Amu-darya State Biosphere Reserve, the new created farming zone was created by splitting up economic and buffer zones and dividing existing massives and every farm in the territory of the farming zone (See table 1).

Table 1Summary Mapping Ecosystem Services Method

Type of Map	Data	Method, scale and period of time
Ecosystem Service Mars of Lower Amudarya State Biosphere Reserve: Provisioning service map, Regulating service map, Habital service map, Cultural service map	Information of ecosystem services, types of cervices, its annual extracted harvest and located zone of ecosystem services.	Mapping ecosystem services (ArcGIS) with the scale 1:500 000 for the year 2013
Economic value map of Lower Amydarya State Biosphere reserve	Information of existing ecosystem annual economic value.	Mapping ecosystem services (ArcGIS) with the scale 1:500 000 for the year 2013
Proposed zonal map of Lower Amudarya State Biosphere reserve	Information of ecosystem services, types of cervices, its annual extracted harvest and located zone of ecosystem services.	Mapping ecosystem services (ArcGIS) with the scale 1:500 000 for the year 2013

RESULTS

Ecosystem Service Maps

As it stated before, the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve provides main four services compiled for TEEB assessment (the Economics of Ecosystems and Biodiversity). In this case TEEB proposes a typology of 10 ecosystem services by dividing into 4 (four) main types of categories: such as provisioning, regulating, habitat and cultural services in five different zones: Farming zone (yellow), Protected zone (green), Buffer zone (light green), Settlement and Economic zone (red) and Amu-darya river (blue) of the Lower Amu-darya State Biosphere Reserve. Furthermore, during the data collection there are important spatial explicit data for 7 (seven) ecosystem services were collected and with the help of Ecosystem Service Analysis for each ecosystem service, there were identified indicators for service capacity, service flow, monetary value and service located zone in order to map in Lower Amu-darya State Biosphere Reserve.

Table 2

Final Ecosystem Services and merited zones

Cervices:	Provisioning Services				Regulating Services		Habitat Services			Cultural Services
Zones:	Cotton	Wheat	Building Limestone	Small rock Stones	Carbon Sequestration	Pest Control	Nurseri	Gene Pool Protection		Ecotourism
								Flora	Fauna	
Farming Zone (30722 ha)	+ (0.6t/ha/y)	+ (0.09t/ha/y)	–	–	–	0	?	?	?	–
Cettltmtnt and Economic Zone (50418 ha)	–	–	+ (0.02t/ha/y)	+ (1.22m3/ha/y)	–	–	?	?	?	*
Buffer Zone (6734 ha)	–	–	–	–	?	–	+	+	+	*
Protected Zone (11568 ha)	–	–	–	–	(14.7t/ha/y)	–	+	+	+	*
Amu Darya River	–	–	–	–	–	–	?	+	+	–

Legend:

+ Provided services by Lower Amu-darya State Biosphere Reserve,

– Did not provide services by Lower Amu-darya State Biosphere Reserve,

? Not determined yet,

* Services provided previously (not providing at present time),

0 Using the services.

Mapping Provisioning Services

The capacity, flow and benefit of Lower Amu-darya State Biosphere Reserve to produce agriculture, food and building products were based agricultural and industrial land, annual harvest and located zone of above mentioned provisioning services. Furthermore, in order to map provisioning services: Building products (red with black dots), agricultural products and foods (yellow with black dots), first of all the located zone, the exact location and area of every massives including farms with names and exact location and area of building product quarries with names have taken into account and created to data base of Provisioning Service Map.

Mapping Regulating Services

The capacity, flow and benefit of Lower Amudarya State Biosphere Reserve to produce carbon and absorb carbon dioxide were based on the total territory of forest area (protected zone) of the Lower Amudarya State Biosphere Reserve. In

order to map Regulating Services: Carbon sequestration (green with black dots) and pest control (yellow with black dots), first the services' located zone, annual index of carbon dioxide absorption have taken into account and created to data base of Regulating Service Map.

Moreover, it should be mentioned that, the main uncertainty of constructing Regulating Service (pest control) map was absence of exact data availability about pest control service during the data collection. As a result of this, there were only location of the pest control service indicated in the Regulating Service (pest control) map.

Mapping Habitat Services

As a result of Ecosystem Service Analysis and in case of Lower Amudarya State Biosphere Reserve the main data for Habitat service mapping are Gene Pool protection including flora and fauna of Lower Amudarya State Biosphere Reserve and Nursery service. In order to map these above mentioned habitat services: Gene Pool protection (light green, green and blue with black dots) and Nursery (white with black dots) first services' located zone, exact area where flora and fauna located and aviary for Bukharan deer created to database of Habitat Service Map.

Mapping Cultural services

It should be mentioned that, at present time in Lower Amudarya State Biosphere Reserve has no sufficient capacity to support its own tourism business because of some appropriate standard conditions, such as tourist path ways, set places to visit tourists and etcetera. Considering this, the mapping of ecosystem (cultural) services are under construction and will be continued after receiving exact data about ecotourism service.

Proposed Zonal Map of the Lower Amudarya State Biosphere Reserve

During the construction this developed zonal map, the first process was creating some polygons (shape files) with the help of aero photo images for the territory Lower Amudarya State Biosphere Reserve and Arc Map 10.1 program. After creating shape file the total territory divided into zones. With the help of aero photo images and existing agricultural map for every massive, there new polygon for farming zone created and every massive illustrated with all farms. For this constructed map, the UTM 40 projection and WGS 1984 coordinate system with the scale 1:500 000 were chosen. Moreover, the new developed zonal map generally based as a result of Ecosystem Service Analysis. In new proposed zonal map, the territory of Lower Amudarya State Biosphere Reserve was divided into four zones such as: settlement and economic zone, buffer zone,

protected zone, farming zone (added by splitting up the economic and buffer zone) and Amu Darya River (See Map 6). Second, as it stated before new zonal map based on ecosystem service analysis and considering this all exact data (types of services, annual extracted harvest and zone of location) about services: provisioning, regulating, habitat and cultural were created in database of new zonal map. Third, the existing zonal map of Lower Amudarya State Biosphere Reserve were constructed in 1:10 000 scale and for new zonal map 1:500 000 scale were chosen.

DISCUSSION

Mapping Ecosystem Services

There was only one map of Lower Amudarya State Biosphere Reserve was constructed by the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre in 2012. This map divided in to three zones, such as Economic, Buffer and Protected zone and including Amu Darya River. The main difference between new constructed (developed zonal map) is farming zone was added with exact distribution of located massives in order to distribute where main provisioning services come from in the Lower Amudarya State Biosphere Sphere Reserve and additional ecosystem maps for every ecosystem services. These added values to the new proposed zonal map gives opportunity to construct a base for the control over existing services by identifying where high level of services need protection or management in order to reduce the negative on the ecosystem of the Lower Amudarya State Biosphere Reserve.

CONCLUSION

Mapping ecosystem services

Mapping and distribution of ecosystem services were mainly based on field observation results, ecosystem service analysis, satellite images and literature review. In order to illustrate ecosystem services in the ecosystem map, first geo information system (GIS) software Arc Map 10.1 was used. With the help GIS, aero photo images and existing zonal map of LASBR, the total area was divided into four zones (instead of 3 zones in previous map of LASBR) such as: settlement and economic zone, buffer zone, protected zone, farming zone (added by splitting up the economic and buffer zone) and Amu Darya River (See

7. *Kumar, R.* (2012). Research Methodology. A Step-By-Step Guide for Beginners. *Sage Publications Ltd, London.*

8. *Lim, V., An. E.* (2007). *Reserves and national parks* (Alikhanov Ed.). Tashkent: Chinor.

9. MA. (2005). Ecosystems and human well-being. *Synthesis. Washington, DC: Island Press.*

10. *Maes J.* (2013). Mapping and Assessment of Ecosystem Services. An analytical framework for ecosystem assessments under action 5 of the EU biodiversity strategy to 2020. Luxembourg: Publications office of the European Union.

11. *Pascual, U., Muradian, R., Brander, L.* (2010). The economics of valuing ecosystem services and biodiversity.

12. *Petter, M., S. Mooney, S.M. Maynard, A. Davidson, M. Cox, and I. Horosak* (2012). A methodology to map ecosystem functions to support ecosystem services assessments. *Ecology and Society 18(1)*, 31.

13. *Reed, M., Graves, A.* (2009). Who's in and why? A typology of stakeholder analysis methods for natural resource managment. *Journal of environmental management, 90*, 1933-1949.

14. Resolution (N483-2004). On the organization of the State Committee of Uzbekistan on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre.

15. Resolution. (N35-36-2011). About responsabilities of Forestry Department of the Ministry of Agriculture and Water Resources of Uzbekistan.

16. Resolution. (N212-2008). On program of actions on Environment Protection of the Republic of Uzbekistan for 2008-2012.

17. Resolution. (N405-2002). About responsabillities of the State Committee for Nature Protection of the Republic of Uzbekistan in LASBR territory.

18. *Samper.* (2003). The millenium ecosystem assessment: Science and Policy for sustainable development. *Bioscience, 53* (12), 1148.

19. *Schmeer, K.* (2000). Stakeholder analysis guidelines. Washington, DC: Partners for Health Reform.

20. UNDP. (2010). *Baday-Tugai reserve and preservation of tugai forests of Karakalpakstan.*

21. UNDP. (2012). Terminal Evaluation Report. Retrieved Uzbekistan, from http: // www.thegef.org/gef / sites / thegef.org / files / gef_prj_docs / GEFProjectDocuments / M&E / TE / FY2012 / UNDP / G001036 / 1036_2109_ Uzbekistan_BD_TE.pdf

22. UZGEOKADASTR. (2011). Lower Amudarya State Biosphere Reserve.

MILLIY G‘OYANING ILMIY ILDIZLARINI YORITISHDA O‘RTA ASR SHARQ MUTAFAKKIRLARI ILMIY MEROSINING O‘RNI

Shohruh BOBONOROV,
Toshkent davlat pedagogika universiteti magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘rta asr sharq mutafakkirlari ilmiy merosi tadqiq qilingan hamda milliy g‘oyaning ilmiy ildizlarini yoritish jarayonida ularning ahamiyati masalasiga alohida e’tibor qaratilgan.

Tayanch so‘z va tushunchalar: milliy g‘oya, milliy g‘oyaning ilmiy izdizlari, Sharq mutafakkirlari, buyuk davlat arboblari, Sharq mutafakkirlari merosi, uyg‘onish davri, ilm-fan, ma’naviyat va ma’rifat.

Аннотация. В статье исследуется научное наследие средневековых мыслителей Востока и акцентируется внимание на их значении в процессе выявления научных корней национальной идеи.

Ключевые слова и понятия: национальная идея, научные следы национальной идеи, восточные мыслители, великие государственные деятели, наследие восточных мыслителей, возрождение, наука, духовность и просвещение.

Abstract. This article investigates the scientific heritage of medieval Eastern speculators and focuses on their importance in the process of shedding light on the scientific roots of the national idea.

Key words and concepts: national idea, scientific traces of national idea, Eastern thinkers, great statesmen, legacy of Eastern thinkers, Renaissance, science, spirituality and enlightenment.

Ma’lumki, IX–XV asrlar Yaqin va O‘rta Sharq mamlakatlarida shartli tarzda «Renessans» (uyg‘onish) davri deb ataladi. Ilm va ma’rifatning g‘oyat gullab-yashnashi bu davr uchun xarakterlidir. Bu davrda qomusiy ilm egalari, ajoyib shoirlar, buyuk davlat arboblari yetishib chiqdi. Dunyoviy fanlarning tez sur’atlarda taraqqiy etishi keng tarjimonlik faoliyatiga ta’sir etdi. Bu jarayon, ayniqsa, xalifa Ma’mun davrida (813–833-y.) Bag‘dodda «Bayt ul-hikma»

(Donolar uyi) tashkil etilgan paytda tezlashdi. Yunon falsafasi va tabobati, hind hisobi, al-kimyo va ilmi nujumga oid asarlar arab tiliga tarjima qilindi. Bunda Markaziy Osiyodan yetishib chiqqan – al-Xorazmiy, al-Farg'oniy, al-Forobiy, Ibn Sino, al-Beruniy kabi mutafakkirlar ham katta rol o'ynadilar.

O'z o'rnida Yaqin va O'rta Sharq mamlakatlari uyg'onish davri quyidagi umumiy xususiyatlarga ega bo'ldi:

– madaniyat, dunyoviy fanlar va islom aqidashunosligining taraqqiyoti;

– yunon, rum, fors, hind va boshqa madaniyatlar yutuqlariga suyanish;

– astronomiya, matematika, minerologiya, jug'rofiya, kimyo va boshqa tabiiy fanlar rivoji;

– uslub (metodologiya) da – ratsionalizm, mantiqning ustunligi;

– insoniy do'stlik, yuksak axloqiylikning targ'ib etilishi;

– falsafaning keng darajada rivoj topishi;

– adabiyot, she'riyat, ritorikaning keng miqyosda rivojlanishi;

– bilimdonlikning qomusiy xarakterda ekanligi.

Bu davrga kelib, avvalo, O'rta Osiyo, Eron, Iroq va Suriya ilm-u fan va madaniyatning yirik o'chog'iga aylandi. Xorazm, Buxoro, Hirotda yirik ilmiy markazlar tashkil topib, Xorazmiy, Forobiy, Ibn Sino, Farg'oniy, Beruniy, Imom al-Buxoriy, Imom Iso at-Termiziy, Hakim at-Termiziy kabi o'rta osiyolik olimlarning, ulamolarning dong'i yetti iqlimga taralgan edi.

O'rta Osiyoning qadimiy, ko'hna va hamisha navqiron Buxoro, Xiva, Samarqand kabi shaharlari, qadimdan fan, madaniyat va ma'naviyatning markazi bo'lib kelganligi bilan ajralib turadi.

Shu o'rinda alohida qayd etib o'tish joizki, O'rta Osiyo tabiiy-ilmiy tafakkuri rivojining boshlanishi buyuk allomalar Ahmad al-Farg'oniy va Muso Muhammad al-Xorazmiylarning nomi bilan bog'liqdir. Ularning har ikkisi ham Bag'doddagi «Bayt ul-hikma»ning yetakchi ilm sohiblaridan sanalgan[1]. Ayniqsa, Ahmad al-Farg'oniyning «Astronomiya asoslari» kitobi o'sha davrdagi astronomiya sohasidagi bilimlarning qomusi bo'lgan. Unda qadimgi falakiyotshunoslik bilimlari, uning qoidalari, usullari bayon qilingan. Asar XII asrdayoq lotin tiliga tarjima etilib, ko'p asrlar davomida Yevropada astronomiya bo'yicha qo'llanma, darslik sifatida xizmat qilib kelgan. Ahmad al-Farg'oniyning o'zi esa Al-Fraganus nomi bilan butun Yevropada mashhur bo'lgan.

Shuningdek, Sharqning buyuk mutafakkiri, qomusiy olimi – Muhammad Muso al-Xorazmiy (780–850) ning ilmi nujum, geodeziya, jug'rofiya, ayniqsa,

[1] *Абдуҳалимов Б.* Байт ул-ҳикма ва таржимонлик мактаби. – Т.: «Маънавият», 2002, 34-бет.

riyoziyot sohasidagi xizmatlari beqiyosdir. U arab, hind, lotin, yunon, fors tillarini bilgan[1].

Xorazmiy bir qancha kitob va risolalar muallifidir. Bulardan eng mashhuri al jabr faniga oid «Kitob al jabr va al-muqobala» asaridir. Bu asar riyoziyotda yangi mustaqil fan – algebraning vujudga kelishiga zamin bo‘ldi. U tenglamalarni yechishning ikki usulini – al-jabr, ya’ni qarama-qarshi ishoralarni yagona musbat ishoraga keltirish va al-muqobala, ya’ni bir xil hadlarni qarama-qarshi qo‘yishni kashf etdi.

Bundan tashqari, Sharq falsafiy, ijtimoiy, axloqiy fikri rivojini Abu Nasr Forobiysiz (873–950) tasavvur etish qiyin. U «Sharq Aristoteli», «Ikkinchi muallim» degan unvonga sazovor bo‘lgan mashhur mutafakkirdir. Sharqda qadim Yunonistonning eng mashhur faylasufi Aristotel «Birinchi muallim» deb yuritilgan. Farobiy ko‘p tillarni bilgan qomusiy olim. U yaratgan asarlarning umumiy soni 160 ta bo‘lib, uni ikki guruhga ajratish mumkin:

a) qadimgi Yunon faylasuflari va tabiatshunoslari – Aristotel, Platon, Yevklid, Galen va boshqalarning ilmiy meroslarini tarjima qilish, sharhlash, targ‘ib qilish va o‘rganishga bag‘ishlangan asarlar;

b) o‘rta asr fanining tabiiy, ijtimoiy-falsafiy sohalariga oid risolalar. Jumladan, «Aristotelning «Metafizika» asariga izoh», «Aristotelning «Osmon sistemasi» kitobiga izoh», «Aristotelning «Etika» kitobiga sharh», «Substansiya haqida so‘z», «Masalalar manbai», «Qonunlar haqida kitob», «Bo‘shliq haqida kitob», «Musiqa haqida so‘z», «Fozil shahar ahlining qarashlari» va boshqalarni ko‘rsatish mumkin[2]. Forobiyning fikricha, insonning va jamoatning g‘alabaga erishuvi, yaxshilikni qo‘lga kiritishi, axloqiy va aqliy mukammallikka ko‘tarilishi inson va jamoatning o‘z qo‘lidadir.

U davlatni fozil va johil davlatlarga bo‘ladi. Fazilatli shaharlarda ilm, falsafa, axloq-ma’rifat birinchi o‘rinda bo‘lmog‘i lozim, deb biladi. Shunda jamiyat yetuklikka erishadi, deydi. Fozil shahar boshlig‘i bilimni, haqiqatni sevuvchi, yolg‘on va yolg‘onchilarga nafrat bilan qarashi, adolatni yaxshi ko‘ruvchi va adolat uchun kurashuvchi bo‘lishi kerak deb aytadi. Forobiy insonni kamoloti uchun xizmat qilgan, xayr-ehsonli ishlar, go‘zal insoniy fazilatlarni yaxshilik deb hisoblaydi. Insonning kamolotiga to‘sqinlik qiluvchi dangasalik, bekorchilik kabi yomon odatlar, bilimsizlik, ongsizlik, kasb-hunarga ega bo‘lmaslik kabi nuqsonlarni yomonlik deb, kishilarni undan ogohlantiradi.

---

[1] *Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.* Танланган асарлар. – Т.: «Фан», 1983, 34-бет.

[2] *Хайруллаев М.* Уйғониш даври мутафаккирлари. – Т.: «Фан», 1971, 39-бет.

Forobiy hayotning oliy maqsadi baxt-saodatga erishuvdan iborat, kishilar bunga olamni o‘rganish, kasb-hunar va ilmlarni o‘zlashtirish – ma’rifatli bo‘lish orqali erishadi deb qaraydi.

Insonning abadiyligini belgilovchi omillardan biri ilmdir, deydi mutafakkir. Inson umrining boqiyligi, abadiyligi haqidagi bunday qarashlar tahsinga sazovor. Zero tarixda abadiy nomi qolgan ma’naviy tirik siymolar faqat ilm-ma’rifat va o‘zlarining yaxshi ishlari bilan o‘z nomlarini abadiyatga muhrlab ketganlar. Ular yoqqan ilm-ma’rifat shamlari necha asrlar bo‘yi insoniyat yo‘lini yoritib kelmoqda va yana necha asrlar yoritgusidir.

Bunday siymolar qatoriga dunyoviy va diniy ilmlar sohiblari kiradi. Xorazmlik buyuk olim Abu Rayhon Beruniy (973–1048) jahon fani tarixida eng mashhur siymolar qatoridan joy olgan, o‘z davridagi deyarli hamma fanlarga katta hissa qo‘shgan, mashhur qomusiy ilm sohibi, yirik tabiatshunos va faylasufdir. U o‘z umri davomida 150 dan ortiq asarlar yaratgan. Shulardan eng mashhurlari «Qadimgi avlodlardan qolgan yodgorliklar», «Ma’sud qonuni», «Hindiston», «Geodeziya», «Mineralogiya», «Saydana» va boshqalardir. Garchi Beruniy falsafiy-axloqiy masalalarga oid alohida asar yozmagan bo‘lsa-da, ko‘plab asarlarida bu masala haqida fikrlarini bayon etgan.

Beruniy xalqlar o‘rtasidagi do‘stlikni va ilmiy hamkorlikni yuksak qadrlaydi. Uni eng insoniy axloqiy sifat deb maqtab, amalda o‘zi ko‘rsatadi. Bir necha yil Hindistonda yashagan 45 yoshli olim qadimgi hind-sanskrit tilini o‘rganib, bu tilga Evklidning «Elementlar», Ptolomeyning «Almajistiy» asarlarini tarjima qildi va hind olimlarini yunon ilmi va falsafasi bilan tanishtirdi. O‘zi esa hindlarning ilmi, adabiyoti, falsafasi va axloqini o‘rgandi. Bu haqda Beruniyning o‘zi shunday deb yozadi: «O‘zimni... ularning munajjimlari huzurida, ustoz huzurida turgan shogirddek ta’zim bilan tutar edim... So‘ng hisob ilmining haqiqiy yo‘llarini ularga ravshanlantiradigan bo‘ldim... ularning kattalari meni o‘z tillari bilan «Daryo» deb maqtar edilar»[1].

Beruniy fikricha, kishilar uchun dunyoda turli hollar bor. Bu maqtaluvchi – yaxshilik va qoralanuvchi – yomonlikdir. Maqtaluvchi yaxshi hollar bo‘lib, ularning tayanchini poklik va tozalik deb ko‘rsatadi. Beruniy o‘z davrining eng ko‘zga ko‘ringan ilm-fan homiysi edi. U mamlakat ravnaqini fan, ma’rifat ravnaqida ko‘rgan. Ilm-fan, ma’rifat sahovatli xizmatni o‘tashi mumkin deb hisobladi. U shunday yozadi: «Mening butun fikri-yodim, qalbim – bilimlarni

[1] *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // А.Р. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: «Фан», 1968, 35-бет.

targ'ib qilishga qaratilgan, chunki men bilim orttirish lazzatidan bahramand bo'ldim. Buni men o'zim uchun katta baxt deb hisoblayman»[1].

Insonning oliy fazilati boshqalar haqida, ayniqsa, kambag'allar haqida g'amxo'rlik qilishdan iboratdir. Beruniy doimo xalqlarning do'st, inoq, ittifoq bo'lib yashashi uchun kurashib keldi. U insoniyatga, u yaratgan madaniyatga qirg'in keltiruvchi urushlarni qoraladi. Beruniy madaniy hamkorlik va ilm-ma'rifatning keng tarqalishiga katta e'tibor bergan allomadir.

Jahon madaniyati va ma'rifatiga katta hissa qo'shgan, Sharq va Yevropada «Shayx-ur rais» – olimlar boshlig'i unvoniga ega bo'lgan alloma Abu Ali ibn Sino (980–1037) ning ilmiy merosi biz uchun bebaho xazinadir. U o'z umri davomida 450 dan ortiq asarlar yaratgan. Uning «Tib qonunlari» nomli 5 jilddan iborat kitobi asrlar davomida Sharq va Yevropada meditsina bo'yicha asosiy qo'llanma bo'lib xizmat qilib kelmoqda[2].

Ibn Sino yoshligida zo'r mehnat, izlanish, g'ayrat bilan ilm egallashga kirishgan. U bu haqda shunday yozadi: «Uyquga ketgan vaqtimda ham o'ngimdagi masalalarni ko'rardim. Shu holatda ko'p masalalar tushimda menga ayon bo'lardi... shu zaylda hamma ilmlarni mustahkam egalladim. Insonning imkoniyat darajasidagi barcha bilimni oldim. Aristotelning «Metafizika»sini «qirq bir marta qayta o'qidim». U menga hatto yod bo'lib ham qoldi. Lekin shunday bo'lishiga qaramay, men uni va uning maqsadlarini tushuna olmasdim», – deb yozadi u tarjimai holida. Ibn Sino bu muammoni Forobiyning Aristotel «Metafizika»siga yozgan sharxini o'qib hal etadi.

Ibn Sino umrining ko'p qismini sarsonlikda o'tkazishiga qaramay – matematika, astronomiya, fizika, kimyo, biologiya, farmakologiya, psixologiya, filologiya, falsafa va tabobat sohasida barakali ijod qilgan mutafakkirdir. Uning asarlaridan 100 tachasi bizgacha yetib kelgan, xolos. Ular qatoriga o'rta asr ilmining barcha muhim sohalarini o'z ichiga olgan, xususan – mantiq, fizika, matematika, metafizikani to'liq qamrab olgan «Kitob ash-shifo», 20 tomdan iborat «Kitob ul-insof», «Donishnoma», «Lison ut-tayr (Qushlar tili)», «Solomon va Ibsol», «Hayy ibn Yaqzon» kabi asarlari kiradi. U o'zining falsafiy-axloqiy asarlarida hukmdorlarni qonunsizliklarga qarshi kurashishga, xalqning talablariga quloq solishga, adolat yuzasidan ish yuritishga chaqiradi. Adolatni inson xatti-harakatining eng yaxshi bezagi deb ko'rsatadi.

---

[1] *Беруний, Абу Райҳон.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: «Фан», 1968, 35-бет.

[2] *Абу Али ибн Сино.* Тиб қонунлари. 1–3-жилдлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992 йил.

IX–XII asrlar ma'naviyati va ma'rifati rivojida XI asrning ko'zga ko'ringan shoiri Yusuf Xos Hojib ham katta o'rin tutadi. Yusuf Xos Hojibning «Qutadg'u bilig» («Saodatga yo'llovchi bilim», 1069–70) asari islomiy-turkiy adabiyotni boshlabgina bermay, uni yangi taraqqiyot bosqichiga ham ko'tardi. U nafaqat turkiy xalqlar adabiyoti an'analari, balki qardosh xalqlar, jumladan, forsiy adabiyot tajribalarini ham ijodiy o'zlashtirgan holda yaratilgan. Asar «Shohnoma» kabi mutaqorib vaznida yozilgan va «Turkiy Shohnoma» nomi bilan shuhrat qozongan (73 bob, 6520 bayt va to'rtliklardan iborat).

«Qutadg'u bilig» – XI asr so'z san'atining nodir namunasi bo'lib, unda o'z davrining ilg'or ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy masalalari badiiy talqin qilingan, turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, ilm-fani, urf-odat va an'analari, turmush tarzi, qadriyatlari xususida batafsil ma'lumot berilgan.

Yusuf Xos Hojib uni Bolosog'unda boshlab, Qashqarda yozib tugatgan va qoraxoniy hukmdor Tavg'och Bug'roxonga taqdim etgan. Bug'roxon muallifni taqdirlab, unga «Xos Hojib» («Eshik og'asi») unvonini bergan. Shundan keyin shoir «Yusuf Xos Hojib» nomi bilan mashhur bo'lgan. Lekin dostonning oxiridagi shikoyat ohanglariga qaraganda, shoir umrining oxiri bu davlatning tanazzuli davriga to'g'ri kelgan, shunga muvofiq hayoti ham og'ir kechgan. Shoirning Qashqardagi maqbarasi ziyoratgohga aylangan. Doston qahramonlari – hokim Kuntug'di adolat ramzi, vazir Oyto'ldi baxt ramzi sifatida, vazirning o'g'li O'gdulmish aql ramzi sifatida tasvirlanadi[1].

Yusuf Xos Hojib ilm va ma'rifatni jamiyatning taraqqiyotiga, gullab-yashnashiga olib keluvchi kuch deb bilib, ularni egallashga da'vat etadi. U kishini zulmat ichidagi uyga, bilimni esa ana shu uyni nurafshon etuvchi mash'alga o'xshatadi. Shoir kishilarni so'zlaganda o'ylab gapirishga chaqiradi. So'zingga ehtiyot bo'l, boshing ketmasin. Tilingga ehtiyot bo'l, tishing sinmasin. Ma'nodor so'z donolik alomati, bema'ni so'z mahmadonagarchilik, ahmoqlik alomatidir. Shu boisdan odam ko'proq quloq solib, kam gapirishi kerak, deb aytadi.

Yusuf Xos Hojib, shuningdek, insonning tashqi qiyofasi uning ichki ma'naviy dunyosiga mos bo'lishiga katta ahamiyat beradi. Mutafakkir yolg'onchi, munofiq kishilar jamiyat uchun zararli, bunday kishilardan uzoq bo'lish kerak[2], deydi.

Shunday qilib, XI asrda yashab ijod qilgan Yusuf Xos Hojib «Qutadg'u bilig» asarida ma'rifatparvarlik, yuksak axloqiylik g'oyalarini ilgari suradi. Bu asar katta ma'naviy-ma'rifiy va tarbiyaviy ahamiyatga ega.

---

[1] *Юсуф Хос Ҳожиб.* Бахтга элтувчи билим. – Т.: «Маънавият», 2001.

[2] *Юсуф Хос Ҳожиб.* Бахтга элтувчи билим. – Т.: «Маънавият», 2001, 45-бет.

Bu davrda axloqiy-didaktik mavzuda asar yaratgan va shuhrat qozongan shoir Ahmad Yugnakiy bo‘lib, u XII asr oxiri va XIII asrning birinchi yarmida yashab ijod qilgan. Undan bizgacha «Hibat ul-haqoyiq» dostoni yetib kelgan. U o‘z dostonida dunyoning bevafoligi, o‘tkinchiligi haqida gapirib: dunyo – karvon bir fursatga to‘xtab o‘tadigan rabot (karvonsaroy) dir deydi. Shu sababli, deb ta’kidlaydi u, bu dunyodagi rohat-farog‘atga intilish befoyda, uni deb azob-uqubat chekishga arzimaydi, chunki «sen bugun ko‘rib turgan boylik ertaga g‘oyib bo‘ladi, sen o‘zimniki deb bilgan buyumlar boshqalarga qolib ketadi. Shuning uchun faqat yaxshilik urug‘ini sepish uchungina yashash kerak deb uqtiradi. U bilimli, ma’rifatli kishilarni yetuk kishilar deb hisoblaydi. Inson bilan bilimni ajratib bo‘lmaydi, faqat bilimli kishigina kamol topishi mumkinligini ta’kidlaydi:

Olim odam qimmatbaho dinordir,
Nodon, johil odam qimmatsiz soxta puldir.

Uning fikricha, inson olim bo‘lgandan keyingina ulug‘lik darajasiga ko‘tariladi va yaxshi nom qoldiradi. Bilimsiz kishi sog‘lom bo‘lsa ham, u o‘likdir deb ko‘rsatadi. Bilim inson uchun bitmas-tuganmas mulkdir, deb ta’kidlaydi. Shoir, axloq-odobdagi asosiy narsa tildir. Til baxtiyorlik va baxtsizlikning sababidir, deb uqtiradi. Shu bilan birga, olim halollik va haqgo‘ylik, saxiylik inson uchun fazilat, unga intilish kerak deya, xasislik va badfe’llikni qoralaydi. Kamsuqumlik va kamtarinlik insonni ulug‘laydi, deb ko‘rsatadi.

Kishilarga faqat yaxshi odamlardangina do‘st orttirishni maslahat beradi. Faqat yaxshi ishlar qilibgina yaxshi natijalar kutish mumkin, chunki «... tikan ekib, hosiliga uzum olmaysan», deb aytadi. Xullas, IX–XII asrlar davomida Markaziy Osiyoda ilm, fan, ma’rifat, ma’naviyat yuqori darajada rivojlandi.

Shunday qilib, milliy g‘oyaning ilmiy ildizlarini yoritishda o‘rta asr Sharq mutafakkirlari ilmiy merosining alohida o‘rni bor. Chunki ularning ilm-fan va ma’naviyat sohalarida erishgan yuksak natijalari Sharq-u G‘arbni o‘zaro bog‘lagan, buyuk sivilizatsiya o‘choqlarini tutashtirgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqida ta’kidlanganidek, «Mintaqamizning ko‘hna va boy madaniy merosi global ahamiyatga ega»[1]. O‘z o‘rnida bu merosni global miqyosda o‘rganish, tahlil va tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etadi.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 2020 йил 23 сентябрь // www.uza.uz

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi. 2020 yil 23 sentyabr // www.uza.uz

2. *Abu Rayhon Beruniy.* Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar // A.R. Beruniy Tanlangan asarlar. 1-jild. – T.: «Fan», 1968.

3. *M. Xayrullayev.* Uyg‘onish davri mutafakkirlari. – T.: «Fan», 1971.

4. *Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy.* Tanlangan asarlar. – T.: «Fan», 1983.

5. *Abu Ali ibn Sino.* Tib qonunlari. 1-3 tomlar. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1992-yil.

6. *Yusuf Xos Hojib.* Baxtga eltuvchi bilim. – T.: «Ma’naviyat», 2001.

7. *B. Abduhalimov.* Bayt ul-hikma va tarjimonlik maktabi. – T.: «Ma’naviyat», 2002.

графия Ташкента достаточно хорошо изучены исследователями. Автор подробно рассказал об открытиях местных ученых, проводивших археологические исследования в нашей стране, а также об археологических раскопках, проводимых нашими учеными в Ташкентском оазисе. В статье также представлена подробная информация об ученых, живших в оазисе Шош.

Ключевые слова: Средняя Азия, Великий шелковый путь, археологические исследования, открытия наших учёных, археология и топография Ташкента, ученые Ташкента, научное наследие, исламская культура, Шош.

Abstract. During the development of world culture in Tashkent, works were written on such specific sciences as philosophy, literature, history, music, law, as well as medicine, astronomy and mathematics. Tashkent also played a special role in this historical process, contributing to the overall development of science, culture, education and literature. Archaeological teaching plays an important role in the study of the history of Tashkent. Therefore, the article provides a wide range of information about the scientists of Tashkent, with their rich scientific heritage, have made a significant contribution to the development of Islamic culture. It is obvious that the archeology and topography of Tashkent are well studied by researchers. The author wrote in detail about the discoveries of local scientists who conducted archaeological research in our country, as well as about archaeological excavations carried out by our scientists in the Tashkent oasis. The article also provides detailed information about the scientists who lived in the Shosh oasis.

Key words: Central Asia, the Great Silk Road, archaeological researches, discoveries of our scientists, archeology and topography of Tashkent, scientists of Tashkent, scientific heritage, Islamic culture, Shosh.

Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 2021 йилда Хива шаҳрида «Марказий Осиё дунё цивилизациялари чорраҳасида» халқаро форумини ўтказилиши бутун Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий ва маданий-маърифий воқеа ҳисобланади. Бу эса ҳозирги вақтда ўзбек халқининг ислом цивилизацияси ва бутун Шарқ маданиятида етакчи мавқелардан бирини эгаллаб келганига муносиб баҳо эканлигининг исботидир.

Марказий Осиё дунё цивилизацияси, маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини оммалаштиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. https://review.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoyevning-bmt-bosh-assambleyasining-75-sessiyasidagi-nutqidagi-asosiy-yonalishlar (23.10.2020).

Тошкент шаҳри Марказий Осиёдаги кўҳна шаҳарлардан бўлиб, унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида Буюк ипак йўлидаги бу шаҳар коммуникация жиҳатидан Мағриб-Машриқни, жануб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзил, Турон, Туркистон, Ўрта Осиё заминидаги буюк марказ сифатида маълум ва машҳурдир[1].

Тошкент тарихини ўрганишда уни археологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада М.Е.Массон, В.А.Булатова, У.Исломов, М.И.Филанович, Ю.Ф.Буряков ва бошқа олимларнинг илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Бу ҳақида А.Муҳаммаджоновнинг «Қадимги Тошкент» рисоласида батафсил маълумотлар берилган[2]. Ушбу олимлар томонидан Тошкент воҳасида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида воҳанинг қадимги ва ўрта асрлардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид айрим масалаларга аниқликлар киритилган. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг археологик тадқиқотлар анча кенгайган. Академик Яҳё Ғуломов ташаббуси билан махсус «Тошкент археологик экспедицияси» ташкил этилган. Шунингдек, таниқли археолог олима Маргарита Филанович раҳбарлиги остида ЎзР ФА Археология институтининг махсус экспедицияси томонидан бир неча йиллар давомида Тошкентда археологик қазиш ишлари олиб борилган.

Умуман олганда, Тошкент археологияси ва топографияси тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилган. Шунинг учун бу борада марҳум академик Э.Юсуповнинг Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб ёзган мақоласида билдирган фикрлари шаҳар тўғрисидаги илмий изланишларнинг натижаларини аниқ ва лўнда қилиб очиб берган: «Археолог олимларнинг берган маълумотларига қараганда, Чирчиқ дарёси воҳасида деҳқончилик ва шаҳар маданияти тараққиёти билан боғлиқ бўлган 50 дан ортиқ ёдгорлик бор. Буларнинг кўпчилиги энг қадимги суғориш каналлари бўлган Салор, Жўнариқ, Қорасув яқинида жойлашгандир. Бу фактнинг ўзи ҳам Тошкент воҳасида шаҳар маданияти деҳқончилик билан боғлиқ равишда ривожланганидан далолат беради. Бу ерда шаҳар маданияти тараққиётининг энг йирик обидалари сифатида Шоштепа, Нўғайтепа, Мингўрик, Юнусобод оқтепаси ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Кўп йиллар давомида олиб

---

[1] *Каримов И.А.* Пойтахтимиз – муқаддас остонамиз // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард максадимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2000. 8-жилд. 293-бет.

[2] Қаранг: *Муҳаммаджонов А.* Қадимги Тошкент. – Т., «Шарқ». 2002. 5-бет.

борилган археологик изланишлар Тошкент воҳасида шаҳар маданияти бундан 2000 йил муқаддам шаклланганлигини кўрсатмоқда...»[1].

Тарихий манбалар ва адабиётларда хабар берилишича, IX–XII асрлар Марказий Осиё илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари юксак даражада тараққий қилган. Бинобарин, бу минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида танилган. Жумладан, Тошкент ўрта аср манбаларида «Шош» деб аталган бўлиб, ўша даврда ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларини эгаллаган кўплаб таниқли уламолар етишиб чиққан. Шу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган кўплаб табаррук зотлар ва олимлар «Шоший» нисбаси билан дунёга танилган[2]. Бинобарин, Абу Бакр Қаффол Шоший, Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший каби алломалар Шош воҳасида яшаб, фаолият кўрсатгани ҳақида араб ва бошқа кўпгина манбаларда алоҳида қайд этилган. Жумладан, «Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди»[3].

Шош воҳасида ҳадис илми ҳам ривожланганини Имом Шоший номи билан танилган юртдошимиз Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 335/947) ҳадис илмига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бўлганини эътироф этилса, кифоя. Унинг исми кўплаб араб манбаларида ишончли муҳаддис сифатида тилга олинади[4]. Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший «Муснад» асарининг муаллифи бўлиб, бу асар «Муснади Шоший» деб ҳам юритилган.

Шунингдек, жаҳон маданияти юксалиш даврида Тошкентда фалсафа, адабиёт, тарих, мусиқа, ҳуқуқшунослик фанлари билан бир қаторда тиббиёт, астрономия, математика каби аниқ фанлар бўйича асарлар ёзилган. Бу ҳол дунёда юз берган тараққиётдан Тошкент ҳам четда турмагани, ўзга

---

[1] *Юсупов Э.* Қадимий ва навқирон шаҳар. – «Тошкент оқшоми» газетаси. 1982, 10 август.

[2] *Муҳамедов Н.* Шош воҳаси олимларининг ислом исмларида тутган ўрни (X–XII асрлар): Тарих фанлари номзоди...дис. автореф. – Т., Тошкент ислом университети, 2005. 4-бет.

[3] *Ўша асар.* 17-бет.

[4] *Муҳамедов Н.* Шош воҳаси олимларининг ислом исмларида тутган ўрни (X–XII асрлар): Тарих фанлари номзоди...дис. автореф. – Т., Тошкент ислом университети, 2005. 15-бет.

диёрларда пайдо бўлган маданий тараққиётдан бевосита баҳраманд бўлиб тургани ва ўз навбатида, Тошкентда ҳам диний ва дунёвий асарлар яратилганини кўрсатади[1].

Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тафаккурига беқиёс ҳисса қўшган, валий зотлар сифатида кенг омма орасида эътироф этилган Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Таҳурлар Тошкентда таваллуд топиб, шу жойда яшаб ўтганини алоҳида таъкидлаб ўтиш эътиборга моликдир.

Темурийлар даврида илм-фан ва маданиятнинг барча соҳаларида юксалиш жараёнлари юз берганини барча тарихчи олимлар эътироф этадилар. Ўз навбатида, Тошкент ҳам илм-фан, маданият, маърифат ва адабиётнинг умумий юксалишига ўз ҳиссасини қўшиб, бу тарихий жараёнда алоҳида ўрин эгаллаган. XV–XIX асарларда Тошкентда Абу Сулаймон Банокатий, Бадриддин Чочий, Ҳофиз Кўҳакий, Мирза Муҳаммад Солиҳ сингари бир қатор олимлар, муаррихлар, табиблар, хаттотлар, шоирлар ва бошқа зиёли маърифатпарварлар ҳаёти ва фаолиятига доир қимматли маълумотлар тарихий манбаларда келтирилган.

Тошкентда ўз даврининг таниқли олими ва муаррихи, Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг набираси юқорида номи зикр этилган Ҳофиз Кўҳакий (XVI) ҳам яшаб ижод этган. Халқ орасида уни Ҳофиз Кўйки деб аташган. Унинг асарлари араб тили ва грамматикаси, мантиқ, фиқҳ масалаларига бағишланган. Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошқанд» асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб келтирилган: «Тошкент диёридаги Ҳофиз Кўҳакий маҳалласидан Мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий илмларда етук олим бўлган. Айниқса, бу олим Жомий Ҳиротийнинг араб тили грамматикасига оид «Шарҳи мулла» асарига ҳошия ёзгани ҳам фахр-ифтихор қилишга асос беради. Ҳофиз Кўҳакий Тошкент аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда кенг шуҳрат қозонган олимларимиздан биридир»[2].

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри ва воҳаси қадимдан илм-маърифат бешикларидан бири бўлиб, бу ерда яшаб, фаолият кўрсатган олимлар ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда бу борада илмий тадқиқотлар

[1] *Мунировр Қ., Ирисов А., Носиров А.* Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: «Фан», 1983. 3–4-бет.

[2] *Мунировр Қ., Ирисов А., Носиров А.* Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: «Фан», 1983. 30-бет.

олиб бориш долзарб ва хайрли вазифалардан саналади. Бундан ташқари, ёш авлодда қадим замонлардан аждодларимиз илм-фанга бутун ҳаётини бағишлаб, қаттиқ заҳмат чекиш эвазига улуғ ном қозонганларидан фахр-ифтихор туйғусини уйғотиш даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказига ташрифи чоғидаги нутқи. https://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyoev-islom-tsivilizatsiyasi-markazi-asrlar-davo-20-11-2019. (23.10.2020).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. https://review.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoyevning-bmt-bosh-assambleyasining-75-sessiyasidagi-nutqidagi-asosiy-yonalishlar (23.10.2020).

3. *Каримов И.А.* Пойтахтимиз – муқаддас остонамиз // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 8-жилд. 293-бет.

4. Қаранг: *Муҳаммаджонов А.* Қадимги Тошкент. – Т.: «Шарк». 2002. 5-бет.

5. *Юсупов Э.* Қадимий ва навқирон шаҳар. – «Тошкент оқшоми» газетаси. 1982, 10 август.

6. *Муҳамедов Н.* Шош воҳаси олимларининг ислом исмларида тутган ўрни (X–XII асрлар): Тарих фанлари номзоди...дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. 4–17-бетлар.

7. *Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А.* Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: «Фан», 1983. 3–30-бетлар.

ТРЕТИЙ РЕНЕССАНС – ВОЗМОЖНОСТЬ ДЛЯ МОЛОДЕЖИ

Лаура АЗИКАЕВА,
Ташкентский государственный университет востоковедения,
студентка

Аннотация. В данной статье подчеркивается потенциал Республики Узбекистан в контексте реализации своих первостепенных целей и задач во имя достижения Третьего Ренессанса. Детально рассматриваются предпринимаемые нашим Президентом Ш.М. Мирзиёевым эффективные шаги в развитии просвещения, науки и образования, утверждения государственных программ и выдвижения новых инициатив для успешного воплощения их в реальность. Отмечается особое значение исторического аспекта в рамках Первого и Второго Восточного Ренессанса, качественно влияющих на нынешнее развитие страны. Анализируется роль Молодежного парламента и других органов в реализации основополагающих принципов для всесторонней поддержки молодого поколения Узбекистана.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, Третий Ренессанс, инициатива, коренные реформы, молодое поколение, образование, многовекторное развитие, прогресс.

Annotatsiya. Ushbu maqola O‘zbekiston Respublikasining Uchinchi Renessans davri yo‘lida o‘zining asosiy maqsad va vazifalariga erishish nuqtayi nazaridan salohiyatini yoritib berishga qaratilgan. Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev tomonidan qabul qilingan samarali qadamlar ta’lim, fan va ta’limni rivojlantirishga oid Farmon va Qarorlar, Davlat dasturlarini tasdiqlash va ularni hayotga muvaffaqiyatli tadbiq etish uchun yangi tashabbuslarni ilgari surish masalalalri batafsil ko‘rib chiqilgan. Mamlakatning hozirgi taraqqiyotiga sifat jihatidan ta’sir ko‘rsatgan Birinchi va Ikkinchi Sharq Renessans davridagi tarixiy jihatning alohida ahamiyati qayd etilgan. O‘zbekiston yosh avlodini har tomonlama qo‘llab-quvvatlashning asosiy tamoyillarini amalga oshirishda Yoshlar parlamenti va boshqa organlarning roli tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: O‘zbekiston Respublikasi, Uchinchi Renessans, tashabbus, islohotlar, yosh avlod, ta’lim, rivojlanish, taraqqiyot.

Abstract. The article is emphasized the potential of the Republic of Uzbekistan in the context of reaching its primary goals and objectives in the name of achieving the Third Renaissance. The effective steps taken by our President, Sh.M. Mirziyoyev, are considered in detail by issuing Decrees and Resolutions on the development of education, science, approving State programs and putting forward new initiatives to embody them into reality. The special significance of the historical aspect within the framework of the First and Second Eastern Renaissance, which influenced qualitatively the current development of the country is noted. The role of the Youth Parliament and other structures in the implementation of the fundamental principles for comprehensive support of the young generation of Uzbekistan is analyzed.

Key words: Republic of Uzbekistan, Third Renaissance, initiative, reforms, young generation, education, comprehensive development, progress.

В целях всестороннего развития государства и для претворения в жизнь идеи создания нового Узбекистана, а также для реализации необходимых задач, служащих основным механизмом на пути к достижению Третьего Ренессанса, на данном этапе активно проводятся коренные реформы во всех сферах деятельности, и прежде всего особое внимание уделяется поддержке молодого поколения в контексте совершенствования системы образования, поэтому целесообразно провести краткий исторический экскурс, ведь, как отмечал писатель Ирек Биккин, «Кто не знает своего прошлого, тот лишен будущего».

Мы, молодое поколение Республики Узбекистан, осознавая всю ответственность и гордясь достижениями наших великих предков, считаем своим долгом вновь и вновь обращаться к произведениям наших выдающихся учёных, которые прославили наши земли своими достижениями и повлияли на развитие мировой цивилизации. Глубоко изучая исторический аспект в рамках изложенных нашими предками мыслей относительно развития той или иной деятельности, мы сможем выработать эффективные шаги для решения актуальных проблем, способных привести наше государство к прогрессу.

Само понятие «Ренессанс» характеризуется как период бурного расцвета науки и искусства. Необходимо отметить, что первым периодом Восточного Ренессанса в нашем регионе считается Мусульманский Ренессанс в IX–XII веках, где главными фигурами выступают: Мухаммад аль-Хорезми, Абу Али ибн Сина, Абу Бакрар-Рази, Абу Райхан Беруни, Ахмад Ферга-

ни. Великие произведения Имама Бухари, Хакима Термизи, Бурхануддина Маргинани, Абу Мансура аль-Матуриди, Абу Бакра аш-Шаши, Махмуда Замахшари.

Вторым периодом Восточного Ренессанса обозначен Темуридский Ренессанс в XIV–XVI веках: великий Сахибкиран собрал в Самарканде, столице своей империи, ученых, писателей, архитекторов и ремесленников из разных регионов мира, а его внук Мирзо Улугбек – выдающийся математик, астроном, просветитель и поэт, ученый-энциклопедист – основал одну из важнейших обсерваторий, создал Самаркандскую школу ученых. Мирзо Улугбек претворял в жизнь знаменитый хадис Пророка Мухаммада: «Стремление к знанию есть обязанность каждого мусульманина и мусульманки». Богатое наследие Алишера Навои, Али Кушчи, Салахуддин-Муса-бин-Махмуда (Казы-Заде), Муин-ад-Дин, Мансур-Каши, Мухаммеда Бирджанди играют наиважнейшую роль не только в духовном развитии нашего региона, но и в мировой истории.

Важно отметить, что именно достижения Восточного Ренессанса оказали непосредственное влияние на период отдельного культурного и интеллектуального развития в Западной Европе, в частности на итальянский Ренессанс XIV–XVI веков.

«Школа – самая великая в мире обитель», – подчеркивал известный просветитель, один из идеологов и лидеров джадидизма, издатель и политик Махмудходжа Бехбуди[1]. Таким образом, обращаясь к идеям наших великих предков, которые верили, что независимость, прогресс и процветание достигаются только через просвещение, приобретение знаний и углубленное изучение науки, мы осознаем, что именно эта тенденция является основным двигателем развития нашего государства на протяжении столетий.

Исходя из этого, необходимо добавить, что среди задач, описанных в Постановлении «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения» от 16 апреля 2020 года, указано создание Научно-исследовательского центра по исследованию восточной культуры и наследия при Ташкентском государственном университете востоковедения. Проведение научных исследований, направленных на всестороннее изучение литературы, исторических и философских источников на современных восточных

[1] Новый Узбекистан и Третий Ренессанс / Дата обращения: 04.11.2020 / Ссылка: https://yuz.uz/ru/news/novy-uzbekistan-i-tretiy-renessans

языках возлагает широкий круг задач на молодых исследователей и ученых[1].

Особо важно отметить Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису (24 января 2020 года)[2], в котором наш Президент подчеркнул значимость проводимой полномасштабной работы, направленной на поднятие уровня нашей страны. Фундаментальная роль в этом аспекте отводится развитию сферы науки и просвещения, воспитанию молодежи в гуманитарном направлении, приобщению граждан к глубоким знаниям и высокой культуре нашей Родины и, наконец, формированию конкурентоспособной экономики. Исходя из высокой значимости вышеперечисленных приоритетных вопросов, играющих решающую роль в двигателе многовекторного развития Узбекистана, Президент предложил объявить 2020 год Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики[3].

Ш.М. Мирзиёев в своем выступлении на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников отметил: «Главной своей целью мы определили формирование в Узбекистане фундамента **новой эпохи Возрождения – Третьего Ренессанса** путем масштабных демократических реформ, в том числе в системе образования»[4].

Президент добавил, что в этом направлении приняты десятки указов, постановлений и программ. В свою очередь, согласно Закону «Об образовании», активно внедряются формы дистанционного и инклюзивного образования, а учебные заведения страны смогут совместно с зарубежными образовательными учреждениями открывать факультеты и учебные центры. Отныне учителям предоставлено право на внедрение авторских программ и методов обучения, свободный выбор современных педагогических форм и методов образования и воспитания.

«Действительно, – подчеркивает Президент, – новая эпоха Возрождения, фундамент которой мы закладываем с чистыми помысла-

---

[1] Народное слово / д.и.н., доцент ТГУВ Сайфуллаев Д.Б.: «Богатая культура и наследие Востока как основа для Третьего Ренессанса».

[2] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису / Дата обращения: 04.11.2020 / Ссылка: http://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-25-01-2020

[3] https://lex.uz/docs/4751567 / Дата обращения: 04.11.2020

[4] Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников.

ми и большими надеждами, будет способствовать созданию в стране такого огромного богатства, обеспечению достойной жизни народа и формированию бесценного наследия для будущих поколений»[1].

Одним из наиболее значимых достижений в этой области является формирование Молодежного парламента при Сенате Олий Мажлиса. Согласно Положению о «Молодежном парламенте» при Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан, основными целями Молодежного парламента являются поддержка молодежи, повышение ее правового сознания и грамотности, превращение молодежи в политически активное звено общества, практическое обогащение ее политически-правовых знаний и навыков, приобщение молодежи к законодательному и законотворческому процессу, парламентской деятельности, формирование правовой и политической культуры молодежи[2].

В качестве фундаментальных задач Молодежного парламента выделены следующие:

разработка предложений по совершенствованию законодательных актов по защите законных прав и интересов молодежи;

обсуждение с участием молодежи актуальных проблем законотворческой и правоприменительной практики, подготовка предложений по их устранению; организация практических обсуждений по правилам законодательной техники, вопросам юридико-технического оформления проектов законов и правового творчества;

взаимодействие с представительскими органами по повышению политических знаний молодежи, усилению в ней чувства патриотизма;

повышение осведомленности молодежи о парламентской деятельности и всех этапах законотворчества.

Поставленные перед Молодежным парламентом задачи будут в полной мере способствовать расширению участия молодежи в процессе законотворчества, усилению ее политической активности и воспитанию у юношей и девушек чувства любви к Родине, предупреждению среди них преступности и правонарушений, привлечению к культуре, общенацио-

[1] http://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-30-09-2020/Дата обращения: 04.11.2020.

[2] Положение о «Молодежном парламенте» при Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан / Дата обращения: 04.11.2020 / http://www.xdp.uz/ru/youth-parliament-charter

нальным ценностям, искусству и спорту, развитию навыков ИКТ, повышению культуры чтения и обеспечению занятости женщин[1].

Целесообразно отметить создание по республике президентских школ, основанных на высокотехнологическом обучении. Помимо этого, активно создаются неправительственные учреждения на всех уровнях образования; восстановлена деятельность опорных базовых научных учреждений. Созданы Агентство по делам молодежи, Межведомственный совет по делам молодежи, Молодежная академия при Министерстве инновационного развития и образована «Фабрика проектов»[2]. Оценивая масштаб реализуемой в 2020 году важнейшей цели, можно смело утверждать, что всё это служит прочной основой для Третьего Ренессанса и следующее десятилетие будет отмечено периодом реального роста нашей страны.

В настоящее время необходимо выделить реализацию Программы комплексных мер по укреплению инфраструктуры научно-исследовательских учреждений и развитию инновационной деятельности на 2017–2021 годы. В частности, в 2017 году создано Министерство инновационного развития. Принят Закон «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года, который демонстрирует колоссальную работу по инновационному развитию страны, ведь на нас возложена ответственность за реализацию одной из фундаментальных задач: вхождение в ТОП-50 стран в Глобальном инновационном индексе. Как отметил Ш.М.Мирзиёев, Узбекистан должен стать конкурентоспособным на мировой арене в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий[3]. Учитывая потенциал сформировавшихся на территории республики научных школ, в качестве приоритета было выбрано развитие математики, химии, биологии, геологии исходя из направлений национальных интересов на современном этапе. Стоит подчеркнуть, что потенциал Республики Узбекистан в области математики признан на мировом уровне, в частности, семеро ученых-математиков из Узбекистана являются членами Всемирной

[1] Законодательная Палата Олий Мажлиса Республики Узбекистан / Молодежный парламент: определены цели и задачи / Дата обращения: 04.11.2020 / http://parliament.gov.uz/ru/events/committee/31153/

[2] https://www.adolat.uz/ru/partiya/v-hode-onlajn-konferencii-proanalizirovany-ozhidaemye-reformy-v-sisteme-obrazovaniya. Дата обращения: 04.11.2020.

[3] The Permanent Mission of the Republic of Uzbekistan to the United Nations / «О мерах Правительства Узбекистана по практической реализации повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года» / Дата обращения: 04.11.2020 / https://www.un.int/uzbekistan/fr/news

академии наук, что, в свою очередь, вызывает в нас чувство гордости и огромную ответственность, возложенную на каждого из нас[1].

Самаркандский веб-форум, проведенный 12–13 августа 2020 года, посвященный актуальным задачам защиты прав молодежи, также представляет собой особую значимость в контексте направленности на укрепление глобального сотрудничества для улучшения жизни и поддержки не только молодежи Республики Узбекистан, но и молодежи всего мира. Данный форум стал частью инициативы ООН–75, провозглашенный Организацией Объединенных Наций в год ее 75-ой годовщины, и стал продолжением Азиатского форума по правам человека, состоявшегося в Самарканде 22–23 ноября 2018 года. Его цель заключалась в обсуждении совершенствования существующих международных и региональных инструментов и механизмов защиты и поощрения прав молодежи. Необходимо отметить, что участниками этого форума стали свыше 30 молодежных организаций из всех регионов Узбекистана, в частности:

Союз молодежи Узбекистана,

Молодежный парламент при Законодательной палате Олий Мажлиса,

Общенациональное движение «Юксалиш» и другие.

Итогом Самаркандского веб-форума стало принятие Самаркандской резолюции «Молодежь–2020: глобальная солидарность, устойчивое развитие и права человека», в которой содержится призыв к государствам о принятии ряда инициатив. В резолюции содержится призыв к Генеральной Ассамблее ООН принять к сведению инициативу Узбекистана о новой Международной конвенции по правам молодежи. Стоит подчеркнуть, что именно наш Президент предложил разработку этой Конвенции на 72-ой Генеральной Ассамблее ООН[2].

Таким образом, Республика Узбекистан обладает всеми необходимыми ресурсами и потенциалом для достижения своих первостепенных целей и задач во имя многовекторного развития государства. В свою очередь, предпринимаемые нашим Президентом эффективные шаги, направленные на повышение качества образования и науки и выдвижение новых инициатив для успешного воплощения их в реальность, свидетельствуют о том, что

[1] Новый Узбекистан и Третий Ренессанс / Дата обращения: 04.11.2020 / https://yuz.uz/ru/news/novy-uzbekistan-i-tretiy-renessans

[2] ЮНЕСКО / Самаркандский веб-форум по правам человека/ Дата обращения: 04.11.2020 / https://ru.unesco.org/news/soblyudenie-prav-cheloveka-dolzhno-stat-povsednevnoy-realnost-zayavila-generalnyy-direktor

наше общество находится в нескольких шагах от наступления нового исторического момента – Третьего Ренессанса.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису / Ссылка: http://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-25-01-2020 / [Дата обращения: 04.11.2020]

2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников. Ссылка: http://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-30-09-2020 / [Дата обращения: 04.11.2020]

3. Законодательная палата Олий Мажлиса Республики Узбекистан / Молодежный парламент: определены цели и задачи / [Дата обращения: 04.11.2020] / Ссылка: http://parlament.gov.uz/ru/events/committee/31153/

4. Положение о «Молодежном парламенте» при Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан / [Дата обращения: 04.11.2020] / Ссылка: http://www.xdp.uz/ru/youth-parlament-charter

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЮРТИ

Севарахон АБДУЛЛАЕВА,
Фарғона политехника институти, таянч докторанти

Аннотация. Ўзбекистон дунёдаги энг тинч, осойишта мамлакатлардан бири бўлибгина қолмай, балки барча соҳалари жадал ривожланаётган юртдир. Ушбу мақолада мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлар, соҳаларда эришилган ижобий натижаларнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги талқини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари учун яратилган шарт-шароитлар, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёритилган.

Таянч сўзлар: буюк давлат, иқтисодий салоҳият, ижтимоий муҳит, йил мамлакати, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Doing business» рейтинги, «Янги Ўзбекистон».

Аннотация. Узбекистан – это не только одна из самых миролюбивых стран мира, но и быстро развивающаяся страна во всех ее сферах. В данной статье рассматриваются существующие в нашей стране возможности, трактовка положительных результатов, достигнутых в сферах экономических показателей, условия, созданные для производственной и сервисной деятельности, принимаемые меры по обеспечению благосостояния населения.

Ключевые слова: великое государство, экономический потенциал, социальная среда, страна года, рейтинг «процветающая деревня», «процветающий район», «ведение бизнеса», «новый Узбекистан».

Abstract. Uzbekistan is not only one of the most peaceful countries in the world, but also a rapidly developing country in all its spheres. This article illuminatos the existing opportunities in our country, the interpretation of the positive results achieved in the fields of economic indicators, the conditions created for production and service activities, the measures taken to ensure the well-being of the population.

Key words: great country, economic potential, social environment, country of the year, «Prosperous village», «Prosperous neighborhood», «Doing business» rating, «New Uzbekistan».

«Ўзбекистон – мустақил, демократик ва ҳуқуқий давлатдир. Ўзбекистон инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»[1]. Мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг давлатчилиги асосини ташкил этувчи бу ғоялар унинг ташкил топиши жараёнидаёқ республиканинг Биринчи Президенти томонидан шакллантирилган эди. Ана шу буюк давлат, албатта, ўзининг қадимий анъаналари, бой маданий ва маънавий мероси ҳамда чуқур тарихий асосларига эга. Чунончи, Ўзбекистон инсониятнинг энг қадимги сиёсий-ҳуқуқий институтлари бешикларидан бири бўлиб қолмай, унинг маданий марказларидан бири ҳамдир.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Заминимизда туғилиб, камол топган мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси неча асрларки эътироф этилиб, чуқур тадқиқ этилмоқда. Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс.

Мамлакатимизда йиллар давомида турли ислоҳотлар амалга оширилган бўлиб, буларнинг бари Ўзбекистон номини дунёга танитиш ва халқаро майдонда маълум бир ўринга эга бўлиш мақсадида амалга оширилган. Ҳар бир соҳадаги диверсификация ва модернизация жараёнлари, албатта, ўзининг ижобий натижаларини намоён этган ҳолда мамлакатнинг жаҳондаги мавқеини оширишга ҳамда мамлакатга жаҳон эътиборини янада жалб қилишга сабаб бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони билан 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси, уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш мақсадли кўрсаткичларининг тасдиқланиши айни муддао бўлди. Стратегиянинг бош мақсади этиб мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилов-

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 44-бет.

чи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириши эса стратегиянинг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланган [1].

Мамлакатимиз биргина ўтган йил давомида эришган натижаларга эътибор бериш асосида унинг иқтисодий жиҳатдан нечоғлик барқарор эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Зотан барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда. Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимиз сафарбар этилмоқда. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, ўз навбатида, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади. Ислоҳотлар натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркор-

лик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида 7 погона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди. Қишлоқ жойларда – 17 минг 100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди.

Юқорида баён этилганларнинг бари мамлакатимизда амалга оширилиши мумкин бўлган имкониятларнинг чексиз эканлигини асослабгина қолмай, ундаги мавжуд барча фаолиятларни ҳозирги замон талаби асосида шакллантирилган босқичга кўтариш зарур эканлигини долзарб қилиб қўяди. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира қониқтирмайди. Нега деганда,

бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас[1]. Демак, жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновацияларга эътиборни янада кучайтириш зарур. Натижада эса Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар рўйхатига қўшишга эришиш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон жаҳонда пахта толасини экспорт қилиш ва қоракўл ишлаб чиқариш бўйича 2-ўринда, пахтани экспорт қилиш, кадмийни қазиб олиш ва уран экспорти бўйича 3-ўринда, аниқланган олтин захиралар бўйича 4-ўринда, пахтани ишлаб чиқариш бўйича 5-ўринда, хом ипак ишлаб чиқариш, пахтани етиштириш ва уранни қазиб олиш бўйича 6-ўринда туради. Шунингдек, «Doing Business–2019» рейтинги натижаларига кўра мамлакатимиз дунё бўйлаб тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш бўйича 12-ўринда, шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 41-ўринда, кредит олиш бўйича эса 60-ўринда деб баҳоланган. Ушбу эгалланган ўринлар биздаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш натижаси бўлса-да, фикримизча мавжуд соҳалардан янада самарали фойдаланиш асосида бундан-да юқори марраларга эришиш мумкин. Хусусан, инновацияларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш соҳаларини (бизнес инкубаторларни) ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада фаолият юритувчи малакали кадрлар сонини кўпайтириш асосида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш фаолиятларини йўлга қўйиш билан юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳамда уларни жаҳон бозорларига экспорт қилишга ҳамда ушбу марказлар томонидан ишлаб чиқариладиган ихтироларни тижоратлаштиришга эришиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд Олий таълим муассасаларида жаҳонда талаби юқори бўлаган фаолиятларнинг йўналишларини шакллантириш. Натижада нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг турларини кўпайтириш, балки аҳоли учун янги иш ўринлари очилишига эришилади.

Маълумки, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётида ҳал қилувчи куч бўлиб, уни дунёга танитувчи муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Айтиш жоизки, тадбиркорларимиз эришаётган муваффақиятлар соҳа ривожи учун ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам пойдевор яратилаётганлиги ва уларга кўплаб имтиёзлар берилаётганлиги самарасидир. Мамлакатимизда эзгу мақсад йўлида фидокорона

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 25.01.2020.

хизмат қилаётган тадбиркорларимиз бор экан иқтисодиётимиз яна ҳам тараққий этиб турмушимиз обод ва фаровон бўлиб бораверади.

Халқимизда ***«Тўрт мучанг соғ бўлса, бахтинг бутун бўлади»*** деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам агар инсоннинг вужуди ва онги соғлом бўлса турмушида хотиржамлик ва меҳнатида барака бўлади. Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар олдин мураккаб жарроҳлик амалиётлари пойтахтда амалга оширилган бўлса, ҳозирда ушбу амалиётлар вилоятларда ҳам амалга оширилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг махсус дастурлар асосида тизимли амалга оширилиши келажак авлоднинг соғлом бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда. ***Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Қудратли юртнинг фарзандлари эса соғлом бўлади.*** Бу бахтиёрликнинг бир мезонидир.

Сўнгги йилларда юртимизда қад кўтараётган бир-биридан чиройли ва муҳташам бинолар, кенг ва равон йўллар кўзни қувнатади. Миллий ва замонавий меъморчиликнинг энг юксак талаблари асосида қурилаётган бундай иншоотлардан биз қанчалик фахрланаётган бўлсак, хорижлик меҳмонлар уларга ҳавас билан боқаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Эътиборлиси, қурилиш ишлари қишлоқ жойларида авж олмоқда. Қишлоқ қиёфасининг ўзгариши инсонларда ўз мамлакатидан ғурурланиш туйғусини шакллантириб қолмай, ***Ватан учун беминнат хизмат қилиш*** туйғусини шакллантиради. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз борганда ***«Янги Ўзбекистон»*** ибораси тилга олинмоқда. Бу эса кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиздан, эришаётган ва эришилиши кутилаётган улкан ютуқларимиздан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-5544-сон.

2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-4947-сон.

3. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ

Мақсуджон ОЛИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, таянч докторант
2014 йил, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган вазифаларнинг мамлакатимиз ривожланишидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистон олдида турган долзарб масалалардан бири иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги асосий вазифаларни белгилаб бергани аниқ мисоллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, мамлакат иқтисодиёти, иқтисодий иелтоҳотлар, иқтисодий тараққиёт, иқтисодиётни либераллаштириш, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий хавфсизлик, ҳудудлар иқтисодий хавфсизлиги.

Abstract. This article discusses the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan and the role of the tasks set out in it in the development of our country. The Action Strategy also highlights the fact that one of the most pressing issues facing the new Uzbekistan has identified key tasks in ensuring economic security.

Key words: Action strategy, national economy, economic reforms, economic development, economic liberalization, macroeconomic stability, economic security, regional economic security.

Аннотация. В данной статье рассматривается Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан и важность поставленных в ней задач для развития нашей страны. В Стратегии действий также подчеркивается тот факт, что одним из ключевых вопросов, стоящих перед новым Узбекистаном, определены ключевые задачи по обеспечению экономической безопасности.

Ключевые слова: стратегия действий, национальная экономика, экономические реформы, экономическое развитие, экономическая либерализация, макроэкономическая стабильность, экономическая безопасность, экономическая безопасность регионов.

Бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий номутаносиблик ва беқарорлик кузатилаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароит дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларига ўзгартиришлар киритишни объектив заруратга айлантирди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқилди.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишлар қаторида «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пандемия шароитида бу масаланинг долзарблиги ўз тасдиғини топди.

Жаҳон банки мутахассисларининг фикрига кўра, Марказий Осиё ва Европа мамлакатларининг иқтисодий ўсиш истиқболларида рисклар (ноаниқликлар) юқори даражада. Сабаби пандемиянинг иқтисодий фаолликка таъсири тахмин қилинаётганидан (прогноздан кўра) анча жиддий бўлиши мумкин. Масалан, давлатлар бўйлаб жорий қилинган карантин чораларининг узайтирилиши, COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланмаслиги ёки янада ёмонлашиши бу мамлакатлар иқтисодиётини мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин.



1-расм.
2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши[1].

Бундай таҳликали вазиятда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун нисбатан янги, лекин ўта долзарб бўлган иқтисодий хавфсизлик ва уни таъминлаш масаласи марказий ўринга чиқади. Бу жараённи Ҳаракатлар стратегиясининг биз муҳокама қилаётган учинчи йўналишининг самарали ишлаши қолган йўналишлардаги белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун имконият яратиб бериши билан изоҳлаш мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3107036.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтишимиз мумкинки, мамлакат иқтисодиётига турли хил таҳдидлар кузатилганда, хусусан, бугунги кундаги пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётини нафақат салбий оқибатлардан сақлаб қолиш, балки ривожланиш тенденцияларининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари аввалданоқ Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган эди.

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» бўйича белгиланган вазифалар мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади (2-расм).

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳар йили Давлат дастурларида ҳам стратегия бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида урғу берилади. Жумладан, «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури доирасида ҳам «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» бўйича бир қатор натижаларга эришилди.

Мазкур йўналиш доирасида 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида салмоқли ва кенг кўламли ишлар олиб борилди. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича 2020 йилги Давлат дастури доирасида 1 та Олий Мажлис Палаталари Қарори, 2 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 4 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 1 та ички норматив ҳужжат, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ва 1 та фармойиши қабул қилинди. Шунингдек, 7 та чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, 3 та амалий чора-тадбирлар якунланиб, 2 та ахборот-таҳлилий маълумот тайёрланиб, тақдим этилди.

Глобал пандемия жорий йилнинг март ойидан бошлаб дунё мамлакатлари иқтисодиётига, шу жумладан, бошқа Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади. Шу сабабдан, Ўзбекистонда мана шу таъсирларни камайтириш ва иқтисодий инқирозни юмшатишга қаратилган тезкор чоралар кўрилди, 20 га яқин фармон ва қарорлар имзоланди.

Инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий чораларнинг дастлабки ва иккинчи тўпламлари жами қиймати 32,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Жумладан, Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, мазкур маблағлар коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича тадбирларга йўналтирилди.

Жорий йилнинг 17 июль ҳолатига мазкур жамғарманинг даромадлари 7,44 трлн. сўмни ташкил этди. Шундан, 7,32 трлн сўм халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига, 123,5 млрд сўм эса, давлат бюджети ҳисобига шакллантирилиб, жами сарфланган харажатлар миқдори 6,4 трлн сўмни ташкил этди.

Жумладан, ижтимоий соҳага 2,2 трлн сўм, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун 2,0 трлн сўм, коронавирус бўйича тадбирларни молиялаштириш учун 907,0 млрд сўм, шифохона ва карантин мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш учун 684,0 млрд сўм, сув таъминоти ва ирригация тармоқлари билан боғлиқ харажатлар учун 602,0 млрд сўм сарфланди[1].

Мазкур давр мобайнида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолликни оширишга ва молиявий баркарорликни қўллаб-кувватлашга, иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилди.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларига карантин тадбирлари давомида солиқ имтиёзлари, кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, жарималарни қўлламаслик чоралари кўрилди.

Натижада, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида, дунё бўйича саноқли давлатлар каторида, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш қайд этилиб, бу кўрсаткич 0,2 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жаҳон банкининг июнь ойида эълон қилинган ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида 2020 йилда иқтисодиёти ўсиши кутилаётган ягона мамлакат бўлиб қолмоқда. Унга кўра, ЯИМнинг реал ўсиши 2020 йилда 1,5 фоизни ва 2021 йилда эса 6,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Мазкур даврда, шунингдек, асосий тармоқлар, яъни саноат ишлаб чиқаришининг умумий ўсиш суръати бироз пасайиб 98,1 фоизни ташкил этган бўлса, қурилиш ишлари ҳажмида эса, аксинча, ўсиш қайд этилиб 107,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам 102,8 фоизни ташкил этган.

Бутун дунё иқтисодиётида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам 2020 йилнинг 1-ярим йиллиги пандемия сабабли иқтисодиётда зарур ислоҳотларни

[1] https://strategy.uz/ – «Тараққиёт стратегияси» маркази расмий веб-сайти маълумотлари.

амалга ошириш ҳамда аввал кўзда тутилган натижаларга эришишга ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ юқоридагилардан кўриниб турибдики, пандемия ва иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатимизда кўзланган ислоҳотларни амалга ошириш учун керакли чоралар кўрилди ва дастлабки натижаларга ҳам эришилди.

Бу натижаларга эришишда Ҳаракатлар стратегиясида аввалдан белгилаб олинган устувор йўналишларнинг ўрни беқиёс, албатта. Буни ишонч билан айтишга асос бўлаётган жиҳат шундаки, бу йилги таҳликали ва мамлакат иқтисодиёти учун инқироз бўлиши мумкин бўлган пандемия шароитида стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодий ҳолатини ижобий сақлаб қолиш ва керакли кўрсаткичларга эришган ҳолда ривожлантиришга эришилган. Шундан келиб чиқиб, хулоса сифатида айтиш мумкинки, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Республика ва унинг ҳудудларида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/3107036.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. https://lex.uz/docs/3307879.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 24 январь. https://president.uz/uz/lists/view/3324.

4. *Ҳ.П. Абулқосимов, М.Ҳ. Абулқосимов.* Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. – Т., 2019 й.

5. *Ҳ.П. Абулқосимов.* «Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги». – Т., 2012 й.

6. https://strategy.uz/ – «Тараққиёт стратегияси» маркази расмий веб-сайти маълумотлари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Отабек СОБИТОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшларга берилаётган имкониятлар тўғрисида фикр юритилган. Бундан ташқари, мақолада ёшларни билим олишлари, касб-ҳунарга йўналтиришлари, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда давлат томонидан берилаётган имкониятлар, янги ва замонавий таълим муассасалари, ёш оилалар учун ҳар томонлама жамиятда ўз ўринларини топишлари учун яратиладиган шарт-шароитлар, ёш авлоднинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёш йигит ва қизларни баркамол бўлиб вояга етишда жамиятнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, таълим, имкониятлар, «Ёшлар уйлари», ёш тадбиркор, имтиёзли кредит, билим, ақл-заковат, интилиш, қўллаб-қувватлаш, шарт-шароитлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются реформы, проводимые в новом Узбекистане, возможности, предоставляемые молодежи. Кроме того, в статье излагаются взгляды на роль и значение общества во взрослой жизни, а также возможности, предоставляемые государством для приобретения знаний, ориентации молодежи на профессию, поддержки молодых предпринимателей, новых и современных образовательных учреждений, условий, создаваемых для закрепления их места в целостном обществе за молодыми семьями, проводимой работы по воспитанию молодежи.

Ключевые слова: молодежь, образование, возможности, «Дома молодежи», молодой предприниматель, льготный заем, знания, интеллект, стремление, поддержка, условия.

Abstract. This article discusses the ongoing reforms in the new Uzbekistan, the opportunities provided to young people. In addition, the article provides opportunities for young people to get education, career guidance, opportunities provided by the state to support young entrepreneurs, new and modern educational

institutions, conditions for young families to take their place in society, protection of the rights and interests of the younger generation. The role and importance of society in the harmonious development of adolescents was discussed.

Key words: the youth, education, opportunities, «Youth Homes», young entrepreneur, soft loan, knowledge, intelligence, aspiration, support, conditions.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача Парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, сергайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1]да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгиланди:

биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик

[1] https://lex.uz/docs/3107036.

жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

иккинчидан, ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Тарихга назар ташлар эканмиз, тарихчи Ҳеродот ўзининг Шарққа қилган сафарлари чоғида Миср эҳромларидаги бир битик уни ажаблантирган: ***«Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилмоқ керак?!»*** Муаррих бу ёзувни ўқиганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилганига эса, ким билсин, қанча вақт бўлган! Демак, ёшлар масаласи ҳамиша ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, бу масалага турли даврларда ҳар хил муносабат билдирилган[1].

Дарҳақиқат, ҳар бир миллат ёхуд жамият, энг аввало, ёшларини комил инсон ғояси асосида камол топишига, жамиятда керакли ва фойдали инсон бўлиб шаклланишига эътибор берган, ҳар бир мамлакат ёхуд жамият ўз ёшларига эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараб, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиб беришни ўз олдига устувор вазифа сифатида қўйган.

Жонажон Ўзбекистонимизда эса мустақиллик йилларида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, жамиятда ўз ўринларини топиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар куни»га бағишланган тантанали маросимда: ***«Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар***

[1] *Акмал Мираваз ўғли.* «Тарбиянинг олтин калити ёхуд йўлдаги белгилар». – 2018 йил, 3-бет.

тарбияси ҳал қилади», деган сўзлари бор»[1], деб таъкидлаб ёшлар тарбиясига ва таълимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ниҳоятда муҳим эканига урғу бердилар.

Ҳақиқатан ёшларнинг таълими ва тарбияси бу миллатнинг таълим ва тарбияси демакдир. Ҳар бир ёш чукур билим олиб, ўзига билдирилган юксак ишончни, яъни ота-онаси, маҳалласи, жамият ва мамлакатнинг юзини ёруғ қилишга ҳаракат қилмоғи лозим бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг илмли, ахлоқли бўлиб камолга етишларига уйда ота-оналар, ўқув юртларида эса муаллим ва устозлар астойдил жон куйдиришлари керак. Ўғил-қизларни илм-маърифатга ошно қилишдан ҳеч ким четда турмаслиги лозим. Улуғ маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий ёшларга мурожаатномасида бундай ёзади: «...Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, курук таассуб билан яшаб бўлмайди. Ҳозирги замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас, куруқ ва чириган таассуфларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илми маърифатдир»[2], деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Жамиятда таълим ва тарбияни янги босқичга олиб чикиш бўйича миллатнинг таянч устунлари бўлган ёшларни ҳар томонлама комил инсон сифатида камол топтиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 27 июнда имзоланган «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги Фармон[3] бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Фармон билан «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжатга эътибор қаратилса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини комплекс ривожлантириш вазифалари аниқ ва тизимли белгиланганини кўриш мумкин.

---

[1] https://president.uz/uz/lists/view/3864.

[2] «Ойна» журнали – 1914 йил, 41-сон.

[3] https://lex.uz/docs/3826820.

Ўз навбатида, юртимиздаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ. Шу мақсадда мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Ҳудудларда Президент мактаблари, шоирлар ва адиблар номлари билан аталувчи ижод мактаблари, аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари[1] ташкил этилиб, ёшларни билим олишлари учун янги ва замонавий таълим муассасалари фойдаланишга топширилгани ҳам айни ёшлар таълимига қўйилган тамал тошидир.

Ёшларни олий таълимга жалб этиш бўйича эса салмоқли ишлар амалга оширилди, жумладан, янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги тўрт йилда 47 та янги олий ўқув юрти, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 129 тага етгани ҳам, албатта, ёшларни таълим олишлари учун катта майдон очиб бермоқда. Шунингдек, иқтидорли талабаларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларга ўз истеъдодларини намоён этишлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Ислом Каримов, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино номидаги Давлат стипендиялари таъсис этилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.

[1] https://piima.uz/creative-schools.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий сохалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги боскични бошлаб берди.

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт сохасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Давлат раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айникса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, қиска вақт ичида мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Ёшларда умуминсоний ва миллий қадриятларга, яъни Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик, комил инсон каби соғлом ғояларга асосланган мафкуравий иммунитетни шакллантириб, уни янада ривожлантириб бориш ҳозирги даврнинг ўта долзарб масаласидир.

Бунинг учун аждодларимиз меросига мурожаат қилишимиз зарур, мана шунда биз учун ибрат бўладиган кўплаб умуминсоний ва миллий-руҳий ўгитларни, қадриятларни топиб борамиз. Биргина «Алпомиш» достони ва «Широқ» афсонасининг ўзиёқ ёшларни ўзбек давлатчилиги тарихига қизиқтириш билан бирга Ватанга муҳаббат, ўз Ватани, халқи олдидаги масъулият туйғуси бизнинг халқимизга хам хос бўлган олижаноб туйғу эканини руҳиятига сингдириб бера олади. Лекин глобаллашув жараёнида афсоналар билан ёшларни интернетдан фойдаланишдан тўхтата олмаймиз, аммо ундан тўғри фойдаланишни, нопок кимсаларнинг курбонига айланиб қолмасликларини олдини олишимиз мумкиндир.

Аз-Замахшарийнинг буюк ҳикмати бор: «Ҳар қандай учқур отга ҳам қамчи зарурдир»[1].

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, халқимиз қадимдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўлига. Лекин уларни ёшлик чоғидан бошлаб таълим-тарбияли, ахлоқ-одобли, юксак маънавиятли қилиб вояга етказиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Умуман, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юкори бўлади. Шунингдек ҳар бир ота-она ўз фарзандининг имон-эътиқоди, одоб-ахлоқи ва бошқа жиҳатларига мунтазам эътибор бериши лозим. Фарзанд – ота-она учун бир синов, унинг қалби покиза гавҳар. Агар яхшиликка ўргатилса, оқил фарзанд бўлиб камол топади. Ёшлигидан тўғри тарбия топган ўғил-қизлар ота-онага меҳрибон, Ватани ва халқига муҳаббатли бўлади, яхшилик ва меҳр-муҳаббат қалбидан мустаҳкам ўрин олади.

Шу боис, Ўзбекистон жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига «муаммо» деб эмас, балки юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарамоқда. Натижада, бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб боряпти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *А. Мираваз ўғли.* «Тарбиянинг олтин калити ёхуд йўлдаги белгилар». – 2018 йил.

2. *Қосимов Р., Содиқов М.* Мустақиллик – олий неъмат. – Тошкент, «Шарқ», 2000.

3. «Ойна» журнали. – 1914 йил, 41-сон.

4. https://president.uz/uz/lists/view/3864.

5. https://piima.uz/creative-schools.

6. https://lex.uz/docs/3826820.

7. https://lex.uz/docs/3107036.

[1] *Қосимов Р., Содиқов М.* Мустақиллик – олий неъмат. – Тошкент, «Шарқ», 2000.

ИЗУЧЕНИЕ УСТОЙЧИВОСТИ ДВИЖЕНИЯ СИСТЕМ И МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ

Жумагул МИРЗААХМЕДОВА,
докторант Андижанского государственного университета,
лауреат Президентской стипендии в области естественных наук в 2014 году

Аннотация. Система ҳаракати турғунлигини текширишда динамик ёки механик системалар ҳаракатини математик моделлаштириш муҳим роль ўйнайди. Мураккаб системалар турғунлигини текширишда унинг математик моделининг кўриниши муҳим ҳисобланади. Шунинг учун шу каби системалар математик моделини тузишда келажакда унинг турғунлиги масаласини ўрганилишини инобатга олиш керак.

Калит сўзлар: математик моделлаштириш, турғунлик, асимптотик турғунлик, йирик масштабли система, механик системалар.

Аннотация. Математическое моделирование движения динамических или механических систем играет важную роль в устойчивости движения системы. Структура ее математической модели особенно важна при изучении устойчивости движения сложных систем. Поэтому в будущем при создании математической модели движения таких систем важно учитывать изучение устойчивости движения системы.

Ключевые слова: математическое моделирование, устойчивость, асимптотическая устойчивость, крупномасштабные системы, механические системы.

Abstract. Mathematical modeling of the motion of dynamic or mechanical systems plays an important role in the stability of the motion of the system. The structure of its mathematical model is important when studying the stability of motion of complex systems. Therefore, when creating a mathematical model of the motion of such systems, it is important to consider the study of the stability of the motion of the system in the future.

Key words: mathematical modeling, stability, asymptotic stability, large-scaled systems, mechanical systems.

ВВЕДЕНИЕ

Жизнь состоит из движения, и при изучении движения его необходимо математически моделировать. В большинстве случаев оптимальный вариант ищется при математическом моделировании движения материальной точки, твердой, механической или динамической системы. То есть внешний вид математической модели должен быть простым, удобным, а ошибка в решении не должна быть большой. Но одной из главных характеристик любого движения является вопрос его устойчивости.

ОСНОВНАЯ ЧАСТЬ

Существует движение таких механических или динамических систем, которые настолько важны в жизни человека, что они очень сложны, и если само математическое моделирование является сложным, изучение устойчивости этого движения становится еще более сложным. В качестве примера можно привести модель нейронных сетей. Нейронные сети представляют собой систему нейронов головного мозга человека, движение информации (сигналов) в ней является очень сложным движением. Учитывая, что нейросетевая система является многопараметрической и полностью контролирует деятельность человека, необходимо полностью понимать движение этой системы. Это означает, что необходимо изучить движение очень сложной системы.

Необходимо создание и реализация модели для моделирования. Цель моделирования определяется перед созданием модели, результаты моделирования анализируются после применения, а также исследуется проблема устойчивости, которая является одним из ее основных свойств.

Определим достаточные условия асимптотической устойчивости системы, жесткость и демпфирование которой нелинейные и явно зависят от времени.

Возмущенное движение различных систем очень часто описывается одним дифференциальным уравнением второго порядка:

$$\ddot{x} + \beta(t, x, \dot{x})\dot{x} + \alpha(t, x, \dot{x})x = 0, \qquad (1),$$

где положительные вещественные функции α и β вещественных переменных $t, x, \dot{x}$ определены в области

$$t \geq t_0, \quad x^2 + \dot{x}^2 \leq \mu \qquad (2)$$

(t_0, μ – некоторые положительные постоянные).

Функцию $\beta(t, x, \dot{x})$ можно трактовать как нелинейный, зависящий явно от времени обобщенный коэффициент демпфирования, а функцию $\alpha(t, x, \dot{x})$ – как нелинейную, зависящую явно от времени, обобщенную жесткость системы.

При любых, но постоянных и положительных коэффициентах α и β невозмущенное движение $x = 0$, $\dot{x} = 0$ уравнения (1) асимптотически устойчиво. Если же эти коэффициенты, оставаясь положительными, изменяются, то существуют режимы их изменения, при которых движение становится неустойчивым. В тех случаях, когда закон изменения коэффициентов α и β известен, можно применить тот или иной метод и исследовать устойчивость движения. Однако в приложениях встречаются случаи, когда характер функций α и β не определен и известны только границы их изменения в области (2):

$$a_1 \le \alpha(t, x, \dot{x}) \le a_2, \quad b_1 \le \beta(t, x, \dot{x}) \le b_2, \tag{3}$$

где a_1, a_2, b_1, b_2 – заданные положительные числа (случай $a_1 = 0$ или $b_1 = 0$ считаем исключенным).

Поэтому представляет интерес определить условия для a_1, a_2, b_1, b_2, при выполнении которых невозмущенное движение $x = 0$, $\dot{x} = 0$ будет асимптотически устойчиво при любых законах изменения функции α и β в заданных границах. (Считаем, что функции α и β изменяются произвольным образом, мы предполагаем, что для всех $t, x, \dot{x}$ из области (2) они удовлетворяют условиям существования и единственности решения уравнения (1)).

Заметим, прежде всего, что условие $a_1 > 0$, $b_1 > 0$ необходимо. Действительно, если, например, $b_1 \le 0$, то, пользуясь, произвольностью α и β, полагаем, $\alpha = \text{const}$, $\beta = b_1 \le 0$. При этих значениях α и β движение неустойчиво при $b_1 < 0$ и устойчиво, но не асимптотически при $b = 0$ и $\alpha = \text{const} > 0$.

Перейдем к рассмотрению поставленной задачи. С помощью подстановки

$$x = x_1, \dot{x} = x_2$$

заменим уравнение (1) эквивалентной системой

$$\dot{x} = x_2$$
$$\dot{x}2 = -\alpha(t, x, \dot{x})x_1 \beta(t, x, \dot{x})\, x_2$$

или в матричном виде

$$\dot{y} = A(t, y)y, \tag{4}$$

где $y = (x_1, x_2)^T$ $A(t,y) = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ -\alpha(t,y) & -\beta(t,y) \end{pmatrix}$.

Введем строго положительные функции $\varphi_1(t, y)$ и $\varphi_2(t, y)$ с порядком строгости ε_1 и ε_2 соответственно, равенствами

$$\phi_1(t,y) = m_1 - \alpha(t,y), \quad \phi_2(t,y) = m_2 - \beta(t,y) \ . \tag{5}$$

Нетрудно проверить, что при выполнении неравенств (3) функции $\varphi_1(t, y)$ и $\varphi_2(t, y)$ удовлетворяют оценке

$$m_1 - a_2 \le \phi_1(t,y) \le m_1 - a_1, \quad m_2 - b_2 \le \phi_2(t,y) \le m_2 - b_1, \tag{6}$$

откуда следует, что $m_1 = a_2 + \varepsilon_1$, $m_2 = b_2 + \varepsilon_2$. Поэтому неравенство (6) можно переписать так:

$$\varepsilon_1 \le \phi_1(t,y) \le a_2 - a_1 + \varepsilon_1, \quad \varepsilon_2 \le \phi_2(t,y) \le b_2 - b_1 + \varepsilon_1,$$

С помощью (5) системы (4) представим в следующем виде:

$$\dot{y} = A_0 y + \phi_1(t,y) A_1 y + \phi_2(t,y) A_2 y, \tag{7}$$

где $A_0 = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ -m_1 & -m_2 \end{pmatrix}$, $A_1 = \begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 1 & 0 \end{pmatrix}$, $A_2 = \begin{pmatrix} 0 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}$.

Для системы (7) построим функции Ляпунова в следующем виде:

$$V(y) = y^T P y, \tag{8}$$

где $P = \begin{pmatrix} \dfrac{m_1(m_1+1)}{m_2} & 1 \\ 1 & \dfrac{m_1+1}{m_2} \end{pmatrix}$

является положительно определенной.

При таком выборе матрицы P для производной от функции (8) в силу системы (7) получим

$$\dot{V}(y) = \dot{y}^T P y + y^T P \dot{y} = y^T (G_0 + \phi_1(t,y) G_1 + \phi_2(t,y) G_2) y,$$

где $G_0 = \begin{pmatrix} -2m_1 & 0 \\ 0 & -2m_1 \end{pmatrix}$, $G_1 = \begin{pmatrix} 2 & \dfrac{m_1+1}{m_2} \\ \dfrac{m_1+1}{m_2} & 0 \end{pmatrix}$, $G_2 = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ 1 & 2\dfrac{m_1+1}{m_2} \end{pmatrix}$.

и

$$\dot{V}(y) \le (\lambda_M(G_0) + (a_2 - a_1 + \varepsilon_1)\lambda_M(G_1) + (b_2 - b_1 + \varepsilon_2)\lambda_M(G_2))\|y\|^r, \qquad (9)$$

где

$$\lambda_M(G_0) = -2m_1, \quad \lambda_M(G_1) = 1 + \sqrt{1 + \left(\frac{m_1+1}{m_2}\right)^2}, \quad \lambda_M(G_2) = \frac{m_1+1}{m_2} + \sqrt{1 + \left(\frac{m_1+1}{m_2}\right)^2}.$$

$\dot{V}(y)$

Из оценки (9) следует, что функция $\dot{V}(y)$ является отрицательно определенной, если

$$\lambda_M(G_0) + (a_2 - a_1 + \varepsilon_1)\lambda_M(G_1) + (b_2 - b_1 + \varepsilon_2)\lambda_M(G_2) < 0. \qquad (10)$$

Отсюда следует, что на основе теоремы Ляпунова об асимптотической устойчивости невозмущенное движение системы (10) или (1) асимптотически устойчиво, если выполняется неравенство (10).

Пусть $\frac{m_1+1}{m_2} = k$, тогда неравенство (10) имеет вид:

$$-2m_1 + (m_1 - a_1)(1 + \sqrt{1+k^2}) + (m_2 - b_1)(k - \sqrt{1+k^2}) < 0,$$

или

$$(m_1 + m_2 - a_1 - b_1)\sqrt{1+k^2} < a_1 + b_1 k - 1.$$

Это неравенство имеет смысл, если $a_1 + b_1 k - 1 > 0$.

Из этих неравенств, учитывая что $\varepsilon_1 \to 0$, $\varepsilon_2 \to 0$ и $k = \frac{a_2 + 1 + \varepsilon_1}{b_2 + \varepsilon_2}$, получим $k = \frac{m_1+1}{m_2} = \frac{a_2+1}{b_2}$, $\sqrt{1+k^2} = \sqrt{1 + \frac{(b_2+1)^2}{b_2^2}} = \frac{\sqrt{b_2^2 + (a_2+1)^2}}{b_2}$

$$a_2 - a_1 + b_2 - b_1 < \frac{1}{\sqrt{b_2^2 + (a_2+1)^2}}\left[(a_2+1)b_1 + (a_1 - 1)b_2\right] \qquad (11)$$

$$(a_2 + 1)b_1 + (a_1 - 1)b_2 > 0. \qquad (12)$$

Таким образом, если границы a_1, a_2, b_1, b_2 функций $\alpha(t, x, \dot{x})$ и $\beta(t, x, \dot{x})$ удовлетворяют условиям (11) и (12), то невозмущенное движение $x = 0$, $\dot{x} = 0$ асимптотически устойчиво.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Советов Б.Я., Яковлев С.А.* Моделирование систем. – М.: 1985.

2. *Соколов С.В.* Условия устойчивости и оценки решений некоторого класса сложных систем // Вестник Санкт-Петербургского университета. – 2009

3. *Миладжанов В.Г., Муллажонов Р.В.* (2009) Об одном методе анализа устойчивости линейных крупномасштабных систем // Проблемы механики. – Ташкент. № 2–3.

4. *Мартынюк А.А., Муллажонов Р.В.* (2010). К теории устойчивости стационарных линейных крупномасштабных систем // Прикладная механика. – 46, № 4.

5. *Мартынюк А.А., Муллажонов Р.В.* (2010). Об одном методе исследования устойчивости нелинейных крупномасштабных систем // Прикладная механика. 46. – С. 125–134.

6. *Муллажонов Р.В.* (2016). Анализ устойчивости некоторых крупномасштабных систем. Монография. – Андижан.

4-МЕТОКСИФЕНИЛХЛОРАЦЕТАТНИНГ АМИНЛАР БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ АМИНОЭФИРЛАР СИНТЕЗ ҚИЛИШ

Шаҳноза БОБОЁРОВА,
Қарши давлат университети талабаси,
2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби,

Аннотация. Маколада алмашинган метоксифенилхлорацетатларнинг аминлар билан нуклеофиль алмашиниш реакцияларини олиб бориш орқали 5 та янги мураккаб эфирлар олиш усуллари келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: 4-метоксифенилхлорацетат, иккиламчи ва учламчи аминлар, нуклеофиль, калий фталимид, *п*-хлорфенилфталимидоацетат, *п*-хлорфенил (диэтил) аминоацетат, *п*-метоксифенилкарбоксиметилмочевина, *п*-метоксифенилдифенилтиокарбазон.

Аннотация. В статье приведены результаты исследования получения пяти новых сложных эфиров путем приведения реакций нуклеофильного обмена метоксифенилхлорацетатов с аминами.

Ключевые слова: 4-метоксифенил хлорацетат, вторичные и третичные амины, нуклеофил, фталамид калия, *п*-метоксифенилфталамидоацетат, *п*-хлорфенил (диэтил) аминоацетат, *п*-метоксифенилкарбоксиметилмочевина, *п*-метоксифенилдифенилтиокарбазон.

Abstract. In this article the results of the chloracetylation methoxyphenols andreacthionsubstithionnucleophelicamineinthepresenceofdimethylformamids more than 5 substances were synthesised.

Key words: 4-methoxyphenyl chloroacetate, secondary and tertiary amines, nucleophile, potassium phthalamide, *p*-chlorophenyl phthalamidoacetate, *p*-chlorophenyl (diethyl) aminoacetate, *p*-methoxyphenylcarboxymethylurea, *p*-methoxyphenyldiphenylthiocarbazon.

КИРИШ

α-Галогенкислоталарнинг фенил эфирларидаги галоген атоми галогеналканлардагига нисбатан ҳаракатчан бўлгани учун амино-гуруҳга осон алмашади [1]. α-Галогенкетонлардаги электроноакцептор карбонил гуруҳ галоген атомининг реакцияга киришиш қобилиятига кучли таъсир қилади ва **галогенкетоннинг аммиак, аминлар билан реакциясини осонлаштиради:**



Галоген атомининг амино-гуруҳга алмашиниши фақат галогенларнинг табиатига боғлиқ бўлмасдан, галоген билан боғланган углерод атомининг қандай атомлар ва атомлар гуруҳи билан боғланганига ҳам боғлиқ [2].

n-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан реакцияларини тадқиқ этиш мақсадида уларнинг турли бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминлар билан реакциялари олиб борилди:



$R = R^1 = C_2H_5$, $R = H$, $R^1 = (CH_3)_3C$, C_6H_5, 2-$CH_3C_6H_4$, 3-$CH_3C_6H_4$, 4-$CH_3C_6H_4$



Натижалар ва муҳокама. Адабиётларда молекуласида алкокси-, феноксиси- ва кислота қолдиқларини тутган аминобирикмаларнинг турли хил биологик фаолликка эга бўлиши маълум [3]. Шу сабабли, янги бирикмалар синтез қилиш мақсадида, *n*-метоксифенилхлорацетат билан гексаметилен-

тетрамин ҳамда мочевина ўртасида нуклеофил алмашиниш реакциялари олиб борилди.

n-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид синтезини амалга оширишда *n*-метоксифенилхлорацетат, гексаметилентетрамин ва эритувчи сифатида гептандан фойдаланилди. Бунда реакция жуда ҳам жадал бориб, 3 соат давом этди ва дастлабки моддалар 1:1 моль нисбатда олингани сабабли реакция маҳсулоти сифатида тўртламчи туз – *n*-метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид 86% унум билан ҳосил бўлди. Ҳосил бўлган тўртламчи тузнинг суюқланиш температураси 91°С бўлиб, гигроскоплиги сабабли очиқ ҳавода қолдирилганда суюқланиб қолади. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Илмий тадқиқот ишларини давом эттириб, п-метоксифенилхлорацетат билан мочевинани алкиллаш реакцияси олиб борилди. Мочевинани алкиллаш ва ациллаш реакциялари ЎзМУ кимё факультети Органик кимё «Т» кафедрасида И.П.Цукерваник ва И.Г.Тишуклар томонидан чуқур ўрганилган [4]. Бунда мочевинани алкиллаш реакциясининг оптимал усуллари таклиф этилган. Тегишли усул бўйича *n*-метоксифенилхлорацетат билан мочевинани поташ иштирокида гептан эритувчиси муҳитида 99 °С да 5 соат давомида алкиллаб, 66% унум билан *n*-метоксифенилкарбоксиметилмочевина олинди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Калий фталимиднинг галогеналканлар билан реакцияси ҳам ДМФА эритмасида яхши боради:



n-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари асосида синтез қилинган моддаларнинг унумлари ва физик-кимёвий доимийликлари

Т/р	Моддаларнинг номи	Реакция вакти (соат)	Модда унуми,%	Т.суюқ 0С ёки Т.қайн. мм. сим. уст.
1.	*n*-Метоксифенил (диэтил) аминоацетат	5	88	148/28
2.	*n*-Хлорфенил (диэтил) аминоацетат	5	91	144/28
3.	*n*-Метоксифенил (учламчи-бутил) аминоацетат	4	85	41
4.	*n*-Хлорфенил (учламчи-бутил) аминоацетат	4	87	37
5.	*n*-Метоксифенил (2-метил-фенил) аминоацетат	5	80	29
6.	*n*-Хлорфенил (2-метил-фенил) аминоацетат	5	83	25
7.	*n*-Метоксифенил (4-метил-фенил) аминоацетат	5	84	32
8.	*n*-Хлорфенил (4-метил-фенил) аминоацетат	5	85	26
9.	*n*-Метоксифенилфталимидоацетат	6	79	54
10.	*n*-Хлорфенилфталимидоацетат	6	80	46
11.	*n*-Метоксифенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	86	91
12.	*n*-Хлорфенилацетат гексаметилентетрамин хлорид	3	88	82

13.	*n*-метоксифенил-карбоксиметилмочевина	5	66	122
14.	*n*-хлорфенилкарбоксиметилмочевина	5	69	106
15.	*n*-Метоксифенилацетат пиридиний хлорид	3	90	102
16.	*n*-Хлорфенилацетат пиридиний хлорид	3	94	88
17.	*n*-Метоксифенилацетат триэтиламмоний хлорид	3	89	93
18.	*n*-Метоксифенилдифенилтиокарбазон	3	59	Тқайн.= 305 0С. (Тқайн.= 191 0С/32 мм. сим. уст.).

n-Метоксифенилхлорацетатнинг аминлар билан нуклеофил алмашиниш реакциялари натижасида олинган моддаларнинг айрим физик-кимёвий катталиклари 1-жадвалда келтирилган.

Методлар ва материаллар. Реакция маҳсулотларининг юпқа қатлам хроматографияси Silufol-254 пластинкасида (хлороформ-метанол 20:1 система, УБ-очилтиргич) ўтказилди.

Синтез қилинган моддаларнинг тузилишини ўрганиш мақсадида уларни СФ-26 спектрофотометрида УБ-спектри, UR-20 ва Specord IR-71 спектрометрида кюветанинг қалинлиги 10 мм бўлган мосламада KBr таблеткаси кўринишида 400–4000 $см^{-1}$ соҳада ИҚ-спектри олинди [5-8].

Тажриба 1.

n-Хлорфенил-м-толиламиноацетат синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага мета-толуидин солиниб, 50 мл абсолют бензолда эритилди. Унинг устига 0,84 г (0,01 моль) натрий гидрокарбонат аста-секин солинди. Сўнгра оз-оздан чайқатиб турган ҳолда *n*-хлорфенилхлорацетат солинди. Реакция 5 соат давом этиб тугагандан сўнг, аралашмани ажратиш мақсадида 5% ли ишқор эритмаси солинди. Эритма яхшилаб аралаштирилгандан сўнг, бензол билан 3 марта экстракция қилинди. Бензол қават $CaCl_2$ ёрдамида куритилди. Бензол сув насосида ҳайдаб олинди, маҳсулот эса этил спиртида қайта кристалланиб тозаланди. $Т_{суюк.}$= 25°С. Реакция унуми 2,28 г, 83% ни ташкил қилди.

Тажриба 2.

Калий фталимид синтези

Тескари совитгич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 1,47 г фталимид ва 10 мл абсолют этил спирти солинади, унинг устига 0,56 г калий гидроксиднинг 10 мл 75% ли этил спиртли эритмаси қуйилади. Эритма тезда совитилади ва ажралган калий фталимид фильтрлаб ажратилади. Калий фталимид 10 мл ацетон билан ювилади ва ҳавода секинлик билан қиздириб қуритилади. Унум 1,85 г.

Тажриба 3.

***п*-Хлорфенилфталимидоацетат синтези**

1,85 г калий фталимид, 2 г п-хлорфенилхлорацетат ва 10 мл диметилформамид аралашмаси қайтар совитгич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбада аралаштириб турилган ҳолда, 80°С температурада 6 соат давомида қиздирилди. Реакцион масса хона ҳароратигача совитилди ва 20 мл музли сувга қуйилди, бунда модда тўлиқ кристалланди. Эритма фильтрланиб, ажралган кристалл масса 96% ли этил спиртида қайта кристалланди ва ҳавода қуритилди. $Т_{суюк.}$ = 46°С. Реакция унуми 2,48 г, 80% ни ташкил қилди.

Тажриба 4.

***п*-Хлорфенил (диэтил) аминоацетат синтези**

Тескари совитгич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 2 г *п*-хлорфенилхлорацетат ва 10 мл абсолют бензол солинади, унинг устига 0,84 г калий гидрокарбонат ва 0,73 г диэтиламин қўшилади. Реакцион аралашма 5 соат давомида қайнатилади. Эритма хона ҳароратигача совитилади ва дистилланган сув билан ювилади. Бензолли қисм кальций хлорид билан қуритилади ва фильтрланади. Бензол оддий шароитда, *п*-хлорфенил (диэтил)аминоацетат вакуумда ҳайдаб олинади. $Т_{қайн.}$ = 144°С/28 мм. сим. уст. Унум 2.17 г, (91%).

Тажриба 5.

Гексаметилентетрамин п-метоксифенилацетатохлорид синтези

Юқоридагига ўхшаш жиҳозланган туби думалоқ колбага 2 г *п*-метоксифенилхлорацетат, 1,4 г гексаметилентетрамин солиниб, 10 мл хлороформ-

да эритилди. Реакция қиздирилганда жадал бориб, реакцион аралашма ўз-ўзидан давом этиши кузатилди. Бунда қиздириш тўхтатилди. Реакция 10 дақиқа давом этди ва тўхтади. Реакцион аралашма хона ҳароратигача совитилди ва хлороформ алоҳида идишга қуйиб олинди. $T_{суюқ.}$ = 110°C. Маҳсулот унуми 2,9 г, 86% га тенг.

Тажриба 6.

п-Метоксифенилкарбоксиметилмочевина синтези

Тескари совутгич билан жиҳозланган таги думалоқ колбага 2 г *п*-метоксифенилхлорацетат, 0.6 г мочевина, 1 г поташ солиниб, уни 10 мл гептанда эритилди. Реакция 5 соат давом этди. Реакция тугагач, эритувчи гептанни сув насоси вакуумида ҳайдаб олинди. Колбада қолган мойсимон суюқликни 100 мл ҳажмли стаканга қуйилди. Вақт ўтиши билан мойсимон суюқликнинг ярми стакан тубида қотиб қолди. Қотмаган мойсимон суюқликни алоҳида идишга қуйиб олинди. Стакан тубидаги қаттиқ моддани 10 мл 96% ли этил спирти билан қайта кристалланди.

$T_{суюқ.}$ = 78°C. Унум 1,48 г, 66%.

Тажриба 7.

п-Метоксифенилдифенилтиокарбазон синтези

Тескари совитгич билан жиҳозланган 100 мл ҳажмли колбага 2 г (0,01 моль) *п*-метоксифенилхлорацетат ва 10 мл диметилсульфоксид солинади, унинг устига 0,69 г (0,005 моль) поташ ва 2,56 г (0,01 моль) дифенилтиокарбазон қўшилади. Реакцион аралашма 3 соат давомида қайнатилади. Эритма хона ҳароратигача совитилади, этилацетат билан экстракция қилинади ва дистилланган сув билан ювилади. Этилацетатли қисм кальций хлорид билан қуритилади ва фильтрланади. Этилацетат оддий шароитда, п-метоксифенил-дифенилтиокарбазон вакуумда ҳайдаб олинади. $T_{қайн.}$ = 305°C. ($T_{қайн.}$ = 191°C/32 мм. сим. уст.). Унум 2,47 г (59%).

Хулоса. *п*-метоксифенилхлорацетатни О-хлорацетиллаш реакциялари натижасида гидрохиноннинг янги ҳосилаларини синтез қилишнинг препаратив усуллари таклиф этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Smith M.B., March's.* Advanced Organic Chemistry: Reactions, Mechanisms and Structure, 7 Edition. USA 2013.

2. *John McMurry.* Organic Chemistry Ninth Edition. Printed in the USA Print Year: 2015.

3. *J. Clayden, S. Worren.* Organic Chemistry New York: 2012.

4. *K.P.C. Volhardt, N.E. Schore.* Organic chemistry. 6th Edition. USA, 2010, English.

5. *Э. Преч, Ф. Бюльманн, К. Аффольтер.* Определение строения органических соединений. Москва: «Мир», Бином, 2006.

6. *W. Carruthers, Lain Coldham.* Modern methods of organic synthesis, Cambridge, 2006.

7. *A. Jacobs.* Understanding organic reaction mechanisms, Cambridge University press. 1997.

8. *Tajimuxamedov X.S., Shaxidoyatov H.M.* Organik birikmalarning reaksion qobiliyati. II qism. Organik reaksiyalarning mexanizmlari. – T., 2001.

ТУЯБЎГИЗ СУВ ОМБОРИ ИХТИОФАУНАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА БАЛИҚ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Муҳайё АТАМУРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Зоология институти таянч-докторанти,
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти

Аннотация. Мазкур мақолада Туябўғиз сув омборининг ихтиофаунаси ҳолати, балиқ захираларига таъсир этувчи омиллар ва балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг йўллари келтирилган. Тадқиқот натижасида сув омборини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишини – ҳаваскорлик балиқ ови ва овчиликни (эҳтимол лицензиялаштирилган асосда), шунингдек, сув омборини янада фаол балиқлантиришни ва уни қимматли балиқ ва озиқ-овқат организмларини иқлимлаштириш лозимлиги келтирилган. Буларнинг барчаси дам олиш индустрияси соҳасини такомиллаштириш, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя қилиш мониторинги асосида ишлаб чиқилиши кераклиги белгиланган.

Таянч сўзлар: Туябўғиз сув омбори, гидрологик омил, турлар, макрофит, зоопланктон, ихтиофауна, балиқ захиралари, маҳсулдорлик.

Аннотация. В данной статье представлено состояние ихтиофауны Туябугузского водохранилища, проанализированы факторы, влияющие на рыбные запасы, и описаны способы рационального использования рыбных ресурсов. Исследование показывает, что наиболее перспективными областями развития водохранилища являются любительский рыболовный промысел и охота (возможно, на лицензированной основе), а также необходимость более активного промысла водохранилища и акклиматизация ценных рыб и пищевых организмов. Определено, что все это должно быть разработано на основе совершенствования индустрии отдыха и контроля за соблюдением правил охоты и рыболовства.

Ключевые слова: Туябугузское водохранилище, гидрологический фактор, виды, макрофиты, зоопланктон, ихтиофауна, рыбные запасы, продуктивность.

Abstract. This article presents the status of the ichthyofauna of the Tuyaboguz reservoir, factors affecting fish stocks, and ways of rational use of fish resources.

The study shows that the most promising areas for the development of the reservoir are amateur fishing and hunting (possibly, on a licensed basis), as well as the need of more active fishing and acclimatization of valuable fish and food organisms. It is determined that all of them should be developed on the basis of improving the leisure industry and monitoring compliance with hunting and fishing rules.

Key words: Tuyaboguz reservoir, hydrological factor, species, macrophytes, zooplankton, ichthyofauna, fish stocks, productivity.

Бугунги кунда ер аҳолиси сонининг доимий равишда ортиб бориши инсониятнинг озиқ-овқатга, хусусан, оқсилга бой гўшт ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам тобора ортишига олиб келмоқда. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари мувозанатли овқатланишнинг жуда муҳим элементи бўлиб, у ҳайвонлардан олинадиган оқсилнинг 1/4 қисмини ташкил этувчи озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Дунё миқёсида овланадиган балиқларнинг 72–75 фоизи одамлар томонидан озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинади, қолган қисми эса балиқ уни, ёғи ва озуқавий қўшимчаларга айлантирилади, шунингдек, чорва моллари учун озуқа ҳамда фармацевтика соҳасида ишлатилади. Бу ўринда, балиқ ресурсларини сақлаш, маҳсулдорлигини ошириш, захираларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини яратишга, истеъмол бозорини тўлдиришга бўлган эҳтиёжнинг юқори эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунга кўра, сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш, балиқ ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш йўлларини излаб топиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз сув ҳавзалари балиқ захираларидан рационал фойдаланиш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш Ватанимиз халқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш эса сув ҳавзаларининг ҳозирги ҳолати, ихтиофаунаси, балиқларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқдир.

Ҳозирда Республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, мазкур тармоқни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида маҳсулдорликни кўпайтириш ҳисо-

бига балиқ овлаш ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда алоҳида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳажмини ошириш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1], жумладан, «...юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш»; «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, Республикамиз сув ҳавзаларидаги балиқ турларини аниқлаш, ҳолатини баҳолаш, уларга нисбатан бўлаётган салбий ҳолатлар даражасини ва сабабини аниқлаш, бартараф этиш ёки таъсир қилиш даражасини камайтириш, балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Олинган натижалар. Туябўғиз сув омбори – Оҳангарон дарёсидаги сув омбори бўлиб, Тошкент шаҳридан 40 км узоқликда жойлашган Туябўғиз қишлоғи яқинида қурилган иккинчи сув омборидир. Сув массасининг умумий ҳажми 250 миллион м^3 ни ташкил қилади. Сув ҳавзасининг майдони 20 км^2, узунлиги – 9 км, максимал кенглиги – 3 км, ўртача кенглиги – 1,88 км. Чуқурлиги: максимал – 31,5 м, ўртача – 16 м. Сув омборининг сувларидан фақат ирригацион мақсадларда фойдаланилади, тўғоннинг ўнг ва чап қирғоқларидан иккита суғориш канали чиқиб кетади. Ўнг қирғоқ каналидаги сув сарфи 55 м^3/с, чап қирғоғида эса – 20 м^3/с ни ташкил қилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Туябўғиз сув омбори сув сатҳининг кучли ўзгаришлари билан тавсифланади. Сув сатҳининг энг юқори даражада бўлиши баҳорда ва қисман ёзги даврларда рўй беради, кузда сув сатҳи кескин пасаяди ва яна сув ҳавзасига кириб борувчи ер ости сувларининг кўпайиши ҳисобига сувнинг кўтарилиши кузатилади. Баъзи йилларда сув омбори сатҳининг пасайиши шунчалик катта бўладики, сув захираси деярли тўлиқ қурийди, бундай ҳолат 1989 йилнинг ёзида кузатилган.

Сув омборининг термик режимига нафақат Оҳангарон дарёси, балки Бургалик дарёси, шунингдек, сойлар ва ариқлардан келадиган сувлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Апрель ойидан сентябрь ойигача бўлган даврда сув омборининг юқори қисмидаги сув ҳарорати 15,8–24,4°С гача, пастки қисмида эса – 17,2–26,6°С гача бўлади. Термик режимга кўра, Туябўғиз сув омбори кўл типидаги мўътадил илиқ сув ҳавзаларига тегишлидир.

Сув омборининг турли қисмларида газ режими ўзгариб туради ва вегетация даврида (апрель-сентябрь) сезиларли ўзгаришларга учрайди. Сувда эриган кислороднинг максимал миқдори сентябрда (117–138%), минимал миқдори эса июнь ойида (65,6–98%) кузатилади. Июнь ойида сув омбори сатҳининг кескин пасайиши шароитида сув омборининг пастки қисми қурийди ва оз миқдордаги сув грунт тупроқлари билан контактда бўлади. Сувнинг оксидланиши унинг юзасида 4,0–5,6 мг/л ва пастки қисмида 4,5–8,5 мг/л кислородни ташкил қилади (юқори сув пайтида). Сувнинг фаол реакцияси бирмунча ўзгаришлари билан 7,6–8,2 бироз ишқорийдир. Сув омборидаги сувнинг умумий шўрланиши 175,8–329,5 мг/л ни ташкил қилади, асосий ионларнинг таркибига кўра у гидрокарбонат кальций турига киради.

Сув омборининг турли қисмлари грунтлари бир-биридан фарқ қилади. Дарё чўкиндилари устки қисмида – лой ва лой билан аралашган балчиқ ва қум, марказий қисмида – кулранг балчиқли грунт, пастки қисмида – қум билан қопланган тошлар қисман балчиқлашган.

Сув омборидаги макрофитлар кам ривожланган. Сатҳ кўтарилганда сув босган сув омборининг асосий пастки қисми фитофил балиқларнинг кўпайиши учун субстрат бўлиб хизмат қиладиган ва ёш балиқлар учун озуқа майдончаси бўлиб хизмат қилувчи турли хил қуруқлик ўсимликлари билан қопланган.

Туябўғиз сув омборининг зоопланктони қуйидаги асосий организмлар билан намоён бўлади: *Synchaeta pectinata, Acplanchna priodonta, Cyclopc*

strenuous, Moina marocopa, Bosmina longiroctris, Daphnia longispina, D.cuculata, Brahionus calicyeoris. Коловраткалар зоопланктонда максимал миқдордаги ривожланишга эга бўлиб, уларга асосан: *Sijnchaeta pectinata* ва *Asplanchana priodonta* – ҳар бири 18 минг инд./м^3 гача. Эшкакоёқли қисқичбақалар (*Ciclops strenuous*) Бургалик ва Оҳангарон дарёларининг сув ҳавзаларида максимал ривожланган – 21 минг инд./м^3. Сув омборидаги зоопланктоннинг ўртача миқдори 44 минг инд./м^3, ўртача биомассаси 3,4 г/м^3.

Туябўғиз сув омборининг зообентослари асосан хирономид личинкалари ва камтукли чувалчанглардан иборат. Баҳорда хирономидлар жуда кўп миқдорда аниқланади: *Cricotapus ex.gr. silvestris, cr aldarum, Polipedium ex. gr. nubeculosum, Tanitarsis ex. gr. Gregarious*. Ёзда улар оммавий равишда ривожланади: *Proclodius sp., Tenolipes sp.* Кузда: *Tenolipes seneridiktus, Pelopia sp., criptohironotus gr. conjugons*. Туб фаунаси ўзининг энг катта ривожланишига сув омборининг чуқур жойларида, тупроқ унчалик сикилмайдиган, кўпроқ балчиқ бўлган жойларда, сув доимо ёки узоқ вакт давомида сақланадиган жойларда ётади. Соҳил бўйида зообентосларнинг миқдори 300 инд./м^3 га, биомассаси – 0,3 г/м^2 га етади, сув юзаси қисмининг очиқ қисмида бентоснинг кўплиги бошқа жойларга нисбатан 4280 инд./м^2 гача, биомассаси 2,36 г/м^2 га тенг. Ўрта қисмида бентоснинг ўртача миқдори 600 инд./м^2, биомасса 0,5 г/м^2 етади.

1960 ва 70-йилларнинг бошларида Туябўғиз сув омборининг ихтиофаунаси 16 тур балиқ билан ифодаланган. Балиқ овида етакчи ўринни *Cyprinus carpio* (барча овланган балиқларнинг 66,5%), *Silurus glanis*, *Schizothorax curvifrons* эгаллаган [Касимова, 1967; 6–10; Комилов, 1973; 234]. Кейинги йилларда, сув омбори ихтиофаунаси (22 тургача) Узоқ Шарқ комплекси балиқлари турларини балиқчилик хўжалиги ҳовузларидан кириб келиши сабабли сезиларли даражада бойиди. Бироқ 1989 йилда Туябўғиз сув омбори сувининг кескин камайиши натижасида 1990 йилда ихтиофаунанинг сезиларли даражада камайиши кузатилган [Мирзаев, 2006; 118–121]. Назорат овларида асосан *Opsariichthys bidens*, *Hemiculter leucisculus*, *Rhinogobius brunneus*, *Abbottina rivularis*, *Alburnoides taeniatus*, *Carassius gibelio*, *Gambusia holbrooki*, *Alburnoides taeniatus*, *Gobio lepidolaemus* каби кам қийматли ва хашаки майда балиқлар қайд этилган. Шундай қилиб, Туябўғиз сув омбори ихтиофаунаси, дастлабки сув тизими – Оҳангарон дарёси балиқлари ҳисобидан, кейин эса иқлимлаштирилган ва тасодифан келиб қолган балиқлар ҳисобига шаклланган.

Туябўғиз сув омбори ихтиофаунаси Оҳангарон дарёсининг маҳаллий фаунаси вакиллари ва иқлимлаштирилган балиқлардан ташкил топган. Айни пайтда сув омборида 3 туркумга ва 8 оилага тегишли 20 балиқ тури яшайди. Дастлаб бу ерда олдин яшаган реофил балиқлар: сўзанбалиқ (*Luciobarbus capito conocephalus*), қиррақорин (*Schizothorax curvifrons*), оққайроқ (*Aspius aspius iblioides*) аста-секин лимнофил балиқларнинг юқори маҳсулдор кўл турлари билан алмашди: сазан (*Cyprinus carpio*), оқ сла (*Sander lucioperca*), илонбош (*Channa argus*).

Туябўғиз сув омборининг ўзига хос хусусияти, шунингдек, дарё бўйида қурилган сув омборларининг аксарияти суғориш мақсадига боғлиқ бўлиб, бу экинларни суғориш учун сувнинг вақти-вақти билан чиқариб юборилишига олиб келади.

Шу сабабли, ҳар йили сув сатҳида кучли тебранишлар кузатилмоқда, бу балиқ захираларига таъсир қилади. Сув омбори тўғонидаги сув чиқариш жойида балиқларни ҳимоя қиладиган воситалар мавжуд эмас, шунинг учун балиқ сув билан бирга пастки ҳовузга сув билан тўкилади, асосан, якинидаги тўғоннинг чуқур сув қисмидаги йирик балиқлар.

Сув омборида насос олиш жойлари йўқ, бу балиқларнинг кўпайиши ва балоғатга етмаган балиқларнинг озуқа тўплашига ижобий таъсир қилади.

Балиқ захираларига энг катта салбий таъсир сув омборидан сувнинг тўлиқ (йиллик эмас) оқиши ва экинларни суғориш учун мавсумий (йиллик) сув оқими билан боғлиқ.

Сўнгги 10 йил ичида сувнинг тўлиқ оқиб чиқиб кетиши 2 марта кузатилди. Уларнинг охиргиси жорий 2008 йилда қайд этилган, сув фақат тўғон зонасида, тахминан 80 гектар майдонда қолган, бу сув омборининг умумий майдонининг 5 фоизини ташкил этган. Таққослаш учун шуни таъкидлашимиз мумкинки, 2017 йилда сув омборининг сув таъминоти учун нормал бўлган, деярли тўлиқ сув сатҳи августгача сақланиб колган ва фақат куз даврида сув сатҳи бироз пасайди.

Шундай қилиб, айниқса, саёз йилларда ҳосил бўладиган ҳар йилги сувнинг тўлиқ ёки деярли тўлиқ тўкилмаслиги балиқларнинг ихтиофаунаси ҳолатига жиддий зарар етказади, бунинг натижасида кейинги 1–2 йил давомида сув омборида овланадиган баликлари деярли йўқ бўлиб кетади.

Сув омборининг балиқ захираларини бузадиган иккинчи гидрологик омил бу экинларни суғориш учун йиллик мавсумий (баҳор ва куз) сув оқиб чиқиб кетишидир.

Ҳар йили, одатда, май-июнь ойларида суғориш учун сув оқади. Сув тезда қирғоқдан 10–15 метрга чикиб кетади. Худди шу даврда, саёз сувда,

фитофил балиқ тухумлари юмшоқ сув ўсимликларига қўйилади. Булар кеч уруғлантирувчи карпсимонлар: оддий сазан (*Cyprinus carpio*), товонбалиқ (*Carassius gibelio*), окча (*Abramis brama orientalis*), қизилкўз (*Rutilus rutilus aralensis*) кабилар киради. Личинкалар ва балоғатга етмаган майда балиқлар, масалан, оқ сла (*Sander lucioperca*) сақланади. Одатда, қирғоқ зонасида барча ётқизилган икра ва кўплаб вояга етмаган майда балиқлар нобуд бўлади.

Сув омборидаги сувнинг иккинчи пасайиши кузги даврда (октябрь-ноябрда), кузги буғдойни суғоришда сув ишлатилганда содир бўлади. Бундай ҳолда, кузда сув омборида қолган сувнинг ярмигача суғориш учун фойдаланилади. Бу даврда балиқ захираларига етказилган зарар баҳор даврига қараганда анча кичикдир, чунки сувнинг пасайиши билан ёш, балоғатга етмаган балиқлар ва йирик овланадиган балиқлар чуқурликка тушиб кетишга улгуради.

Бошқа чекловчи омиллар орасида қиррақорин (*Hemiculter leucisculus*) каби қисқа циклли балиқларнинг рақобатбардош таъсири натижасида асосий овланадиган балиқларининг репродуктив шароитларининг бузилиши киради.

Шундай қилиб, Туябўғиз сув омбори экотизимига таъсир этувчи турли хил салбий омиллар мавжуд бўлиб, овлаш учун фойдали бўлган балиқ сонининг камайиши томон кетмоқда.

Шу билан бирга, Туябўғиз сув омборининг экотизимларини тиклаш муаммолари жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Балиқларни кўпайтириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари (хусусан, сув омборини асосий балиқ турларининг ёш балиқлари билан тўлдириш) туфайли, Туябўғиз сув омборининг балиқ унумдорлиги бир неча бор оширилиши мумкин.

Хулоса қилганда, ҳозирги вақтда сув ҳавзаси ихтиофаунасининг таркибини оптимал деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки бу ерда сони (82,3%) ва ихтиомассасининг (57,4%) нисбати бўйича кўп миқдорда кам қимматли балиқлар: товонбалиқ (*Carassius gibelio*) ва қиррақорин (*Hemiculter leucisculus*) ташкил қилади. Бу балиқларнинг озуқаси детрит, сув ўсимликлари ва сув омборида бентос организмларнинг қолдиқларидан иборат.

Бу балиқлар қисқа циклли бўлиб, кичик ҳажмли товонбалиқ (*Carassius gibelio*) ва қиррақорин (*Hemiculter leucisculus*) жуда эрта (2+ йил) жинсий етилади, ҳар йили увулдирик ташлайди. Шунингдек, сув омборидан сувнинг вақти-вақти билан олиниши пайтида бу балиқлар жуда кичик бўлгани сабабли тўғон қисмидаги чуқурларга тўпланади, балиқларни овлаш жара-

ёнлари эса уларга умуман таъсир кўрсатмайди. Бу ўринда бошқа муҳим қимматли балиқлар популяциялари деярли тўлиқ овланади.

Балиқ маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардир: сув омбори тўғонининг сув чиқиш жойида балиқларни ҳимоя қилиш воситаларининг йўқлиги, шунингдек, сув омборидан катта миқдорда сувнинг олиниши пайтида тўғон атрофида тўпланган муҳим овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг сув оқими билан чиқиб кетишидир (бу овланадиган балиқлар сонининг даврий пасайишининг асосий омили). Қўшимча омил сифатида браконьерлар томонидан чуқурликларда қолган балиқларни овланиши ҳисобланади. Шунингдек, сув омборида насосли сув олиш иншоотларининг йўқлиги вояга етмаган балиқларнинг тирик қолиш даражасини сезиларли даражада оширувчи омил ҳисобланади.

Туябўғиз сув омбори Марказий Осиёнинг энг йирик мегаполиси ҳисобланган Тошкент шаҳридан 40 км узоқликда, Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолиси учун оммавий дам олиш ва спорт маскани сифатида, шунингдек, балиқчилик ва ҳаваскорлик балиқ ови учун ишлатиладиган энг катта сув омбори ҳисобланади. Айни пайтда дам олиш индустрияси ҳам ривожланмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда, биз сув омборини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналиши бўлган – ҳаваскорлик балиқ ови ва овчиликни (эҳтимол лицензиялаштирилган асосда), шунингдек, сув омборини янада фаол балиқлантиришни ва уни қимматли балиқ ва озиқ-овқат организмларини иқлимлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси дам олиш индустрияси соҳасини такомиллаштириш, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя қилиш мониторинги асосида ишлаб чиқилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Камилов Г.К.* Рыбы и биологические основы рыбохозяйственного освоения водохранилищ Узбекистана. – Ташкент, «Фан», 1973.

2. *Касимова З.Я.* Рыбы водохранилищ бассейна реки Ангрен (Ахангаран): Автореф. дисс. канд. биол. наук. – Ташкент, 1967.

3. *Мирзаев У.Т.* Использование рыбных ресурсов Узбекистана и современное состояние рыболовства // Правовое регулирование пользования и охраны водных и рыбных ресурсов Республики Узбекистан: Материалы круглого стола. – Т.: Изд. ТГЮИ, 2006.

ИБН МУҚАФФАНИНГ «АЛ-АДАБ АЛ-КАБИР» АСАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ

Сарвар САИДОВ,
Термиз давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада VIII асрда яшаган мутафаккир Ибн Мукаффанинг «Ал-адаб ал-кабир» асаридаги ижтимоий-сиёсий ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти тушунтириб берилган. Асар араб тилидан таржима қилинган ҳолда, алломанинг одил ҳукмдор борасидаги ғоялари тадқиқ этилди.

Калит сўзлар: адаб, жамият, одил ҳукмдор, бошқарув санъати, халқ, дўстлик, адолат, ахлоқий категориялар.

Аннотация. В статье объясняется значимость социальных и политических идей мыслителя VIII века Ибн Мукаффе в его книге «Аль-адаб аль-кабир». Книга переведена с арабского и были исследованы идеи ученого о справедливом правителе.

Ключевые слова: адаб, общество, справедливый правитель, искусство управления, народ, дружба, справедливость, моральные категории.

Abstract. The article explains the importance of socio-political ideas in the work «Al-adab al-kabir» by the speculator Ibn Mukaffa who lirdin VIII th century. The work was translated from the arabic lanjuage and the scientist's ideas about a just ruler were researched.

Key words: decency, society, honest ruler, management art, people, friendship, justice, moral categories.

Бугунги глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий соҳада кўплаб таҳдидлар юзага келаётгани барчамизга маълум бўлиб, ушбу таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришга оид кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан

ўрганган ҳолда ушбу масалаларга оид қимматли хулоса ва таклифларни илгари суради. Асарнинг биринчи қисми «Султонлар одоби» деб номланиб, мазкур қисмда давлат бошқаруви учун ҳукмдорларга зарур бўладиган фазилатлар хусусида баҳс юритилган. Жумладан, у шундай ёзади:

«Агар сен ўзингни ҳукмдорингнинг ишончли кишиларидан бири деб билсанг, унга лаганбардорлик, хушомадгўйлик қилишдан ўзингни тийишинг лозим, шунингдек, ҳар бир сўзингда унга дуо ва илтижолар қилишни ҳаддан зиёд ошириб юборма. Бу худди хавотир ва бегоналашишга ўхшайди. Бироқ халқнинг йўлбошчилари билан суҳбатлашаётганингда сўз бобида зиқналик ҳам қилма, сен уларни шарафлаб, ҳурматини жойига қўйгин. На бирор-бир қабиладаги, на давлатдаги ҳавойи ҳукмдорлик сени бошқалар эътироф этиши учун етарли бўлолмайди. Бундай ҳолатда сен халқнинг ишончини қозонолмайсан, ҳавойиликда, нотўғри бошқарувда айбланасан. Шунинг учун агар сен гапингнинг қабул қилинишини хоҳласанг, фикрингни тўғрила, уни ҳавойи, ғалати нарсалар билан аралаштириб юборма. Фикринг тўғри, соғлом бўлса, ҳатто душманинг ҳам уни қабул қилади. Ҳавойи фикрни ўз боланг ҳам, яқин дўстинг ҳам рад этади»[1].

Ибн Муқаффа давлат бошлиқлари ўз вазифаларини тўла-тўкис амалга оширсалар, қўлларидан келганча халқнинг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилсалар, фаровон ҳаёт кечиришлари, ўйин-кулгу ва хурсандчилик қилишлари учун уларни танқид қилиш ноўрин эканини таъкидлайди. «Ал-адаб ал-кабир» асари қадимий донишмандлик намуналарини тадқиқ ва таҳлил этишга, улардан жамият тараққиёти йўлида фойдаланишга ундовчи асардир. Ушбу асар ҳукмдорлар учун ўзига хос йўриқнома бўлиб, унда ҳукмдорлик санъатига оид қимматли мулоҳазалар келтирилган. Ибн Муқаффа «Ал-адаб ал-кабир» асарида ҳукмдорнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаши учун дин арбобларининг аҳамияти катта эканини таъкидлайди. Хусусан, Ибн Муқаффа бу борада шундай фикрни олға суради:

«Ҳар бир вилоят, қишлоқ ва қабилада дин аҳлининг ҳурмат-эътибори юқорилигини яхши билиб олгин. Сен уларни ўз биродарларинг, яқин ёрдамчиларинг, яқин ва чин дўстларинг, ишончли инсонларингга айлантира олгин».

---

[1] Ибн ал Муқаффа Абдуллоҳ. Ал-адаб ал-кабир («Катта одоб китоби»). – Байрут. 1994. 43-бет.

Ибн Муқаффа ҳукмдор ва дин арбоблари орасидаги яхши муносабат мустаҳкам ҳокимиятнинг асосий хоссаларидан бири эканига ишора қилади. Унинг фикрича, ҳукмдорнинг диний уламоларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиши халқнинг ўз султонига нисбатан адоватининг кучайишига, бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ибн Муқаффа бошқарув санъатини ахлоқий тамойиллар билан чамбарчас боғланган фаолият сифатида тушунтиришга ҳаракат қилади. Ҳукмдор ҳокимиятига дарз кетишига сабаб бўладиган шошма-шошарлик, ғазаб, нафрат, маддоҳлик, такаббурлик каби иллатларнинг салтанат ишига келтирадиган зарарлари тўғрисида қимматли мулоҳазалар келтиради:

«Агар сен ҳукмдор бўлсанг-у, мақтов ва лаганбардорликни севувчи бўлсанг ва халқинг бу ҳақида билиб қолса! Уларда сенга нисбатан бўлган ишончда ёриқ пайдо бўла бошлайди, сенга нисбатан турли туҳмат-иғво сўзлар тарқалиб, одамлар сенинг устингдан кула бошлайдилар. Билгинки, мақтовни севувчи худди ўзини ўзи мақтаётган киши кабидир. Мақтовга учмайдиган, уни рад этишга ҳаракат қиладиган эр зоти ҳақиқий мақтовга лойиқдир. Шундай экан мақтовни рад этувчи инсон унга ҳақиқий маънодаги муносиб инсон, мақтовни хуш кўрувчи, уни қабул қилувчи эса нуқсонли, бдоб-ахлоқида камчилиги бор инсондир».

«Ал-адаб ал-кабир» асарида муаллифни ғоят тўлқинлантирган масалалардан бири дўстлик ғояси ҳисобланади. Ибн Мукаффа ўз қарашларида дўстликнинг моҳияти, унинг инсон фаолияти учун келтирадиган фойдали жиҳатлари ва шартлари хусусида қимматли мулоҳазаларни келтиради: «Чин дўст учун жонингни ҳам, қонингни ҳам, барча бойлигингни ҳам бер, чунки ҳақиқий дўст сенга ҳам буларни тортиқ қилишга доимо тайёр туради. Агар дўстинг сенинг душманларинг билан суҳбатлашиб турганини кўрсанг, ҳеч ҳам безовта бўлма. Чунки агар у сенга садоқатли бўлса, у орқали рақибингнинг ниятларини билиб оласан ва ёмонликдан сақланган бўласан. Кимки ушбу маслаҳатга амал қилмаса, кўплаб нопок дўстлар орттиради, нопок дўст эса душмандан ҳам кўра кучлироқ зарар келтиради. Ҳаттоки дўстинг бирон-бир ножўя иш қилган бўлса ҳам, ҳеч қачон уни ташлаб кетма, уни доимо қадрлаб, иззат-ҳурматини жойига қўй. Дўстинг сен учун қул эмаски, сен хоҳлаган пайтингда уни мажбурий тарзда

ёнингда олиб қолсанг ёки аёл эмаски, хоҳлаган пайтингда у билан алоқани узсанг. Дўстинг сенинг шон-шавкатинг, обрў-эътиборингдир».

Ибн Муқаффа дўстлик ғояси борасида фикр юритар экан, унинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятига жиддий эътибор қаратади. Ибн Муқаффа ушбу асари орқали жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлил қилган ҳолда, уларга ўзига хос тарзда ечим қидиради. Жумладан, Ибн Муқаффа мансабдорларнинг, юқори лавозим соҳибларининг жамиятга салбий таъсир қилувчи касалликлари, иллатларига тўхталиб, уларнинг ижтимоий оқибатлари ҳамда бартараф этиш усулларини тарғиб қилиб, шундай дейди: «Қозининг касаллиги унинг нафсига қул бўлган ҳолда, нотўғри ҳукмлар чиқариши, бошбошдоқлик муҳитини яратиши ҳисобланади. Солиқ йиғувчиларнинг асосий иллатлари халқни талаш, унга зулм ўтказишдан иборат. Бу иллатни даволаш учун халқ орасида солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосига ушбу соҳага доир билимларни ўргатиш ва шу орқали тама объектини йўқ қилишдан иборат»[1].

Ибн Муқаффанинг мазкур асари фалсафий фикр-мулоҳазалар билан тўлиб-тошган бўлиб, олимнинг бошқарув санъати, сиёсат, дўстлик масалалари тўғрисидаги фикрлари кейинчалик Ал-Форобий, Ибн Сино каби файласуфларнинг таълимотларида ҳам намоён бўлди.

Гарчи «Ал-адаб ал-кабир» асари VIII асрда, ўша давр муҳити, сиёсий жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ёзилган бўлса-да, ҳозирги замон учун, жамият ва давлат тизимини бошқариш учун ниҳоятда қимматли хулосалар чиқариш имконини беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ибн Муқаффа «Ал-адаб ал-кабир» асари орқали сиёсий бошқарувни ахлоқий-маънавий тамойиллардан ажратган ҳолда амалга ошириб бўлмаслигини, давлатни бошқаришга даъвогар шахс сиёсий, ҳарбий санъат сирларини эгаллаш билан бирга, албатта, ахлоқий-маънавий жиҳатдан ҳам етук инсон бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Шу сабабдан, асарда ёритилган фикр-мулоҳазалар, тавсия ва маслаҳатлар инсонни жамиятнинг муносиб аъзоси қилиб тарбиялашда, унинг маънавий жиҳатдан юксалишида беқиёс аҳамиятга эгадир.

---

[1] Ал-Фахури Ханна. Ибн Муқаффа. – Қоҳира. 1956, 271-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Фильштинский И.М.* История арабской литературы. – М., 1985. С. 341.

2. Ибн ал Муқаффа Абдуллоҳ. Ал-адаб ал-кабир («Катта одоб китоби»). – Байрут, 1994, 126-бет.

3. Ал-Фахури Ханна. Ибн Муқаффа. – Қоҳира. 1956, 271-бет.

4. Ibn al Muqaffa Abdulloh. Kalila va dimna. Bayrut. – 1861. 304-bet.

5. *Montada J.P.* «Ibn al-Moqaffa y el orgullo sasa'nida». Anales del Seminario de Historia de la Filosofia. – Madrid. 2007, 85-94.

МИЛЛАТ ТАФАККУРИ ЁҒДУСИ

Саодат УБАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ўзбек миллий адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири, фан ва жамоат арбоби, йирик адабиётшунос олим, таржимон, публицист, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов серқирра ижодининг айрим жиҳатларига, хусусан, унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, дин ва тил, маънавият ва тафаккур, китобхонлик маданияти каби муаммоларга бағишланган асарлари, маънавий-маърифий аҳамиятга эга таржималари атрофлича талқин этилган.

Калит сўзлар: адабий танқид, ислом дини, маданият ва маънавият, ижтимоий-сиёсий қарашлар, публицистика, тафаккур, она тили, китоб.

Аннотация. В данной статье рассматриваются некоторые аспекты многогранного творчества одного из ярких представителей узбекской национальной литературы, научного и общественного деятеля, крупного ученого-литературоведа, переводчика, публициста, Героя Узбекистана Озода Шарафиддинова.

Ключевые слова: литературная критика, исламская религия, культура и духовность, общественно-политические взгляды, публицистика, мышление, родной язык, книга.

Abstract. Some aspects of multidimensional warks of one of the prominent representatives of Uzbek national literature, scientific and public figure, an outstanding scientist-literature scholar, translator and publicist, the hero of Uzbekistan Ozod Sharafiddinov are discussed in this article.

Key words: literary criticism, Islamic religion, culture and spirituality, sociopolitical views, promotional writing, thinking, native language, book.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаёти ривожига таъсир этувчи бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомил-

лаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номидаги ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар қабул қилинди.

2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбони барпо этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди[1]. Унга кўра, Алишер Навоий ҳайкалига уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбль шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ёзувчилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриш, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш учун танлов эълон қилиш масалалари белгилаб берилди.

Бугунги миллий адабиётимиз ҳақида гап борар экан, серқирра истеъдоди билан ўчмас из қолдирган олимларимиз, уларнинг ижод мактаблари ва адабий мероси ҳамда ва бугунги кунда бу мероснинг маънавий аҳамияти ҳақида гапиришимиз даркор. XX аср ўзбек адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган атоқли адибларимиз қаторида Озод Шарафиддинов номи алоҳида ўрин эгаллайди.

Озод Шарафиддинов танқид масаласини ўта нозик деб ҳисоблаган ижодкор эди. Олимнинг фикрича, танқидчининг вазифаси, биринчи навбатда, асарнинг салоҳиятини кўра билиш ва унга тўғри баҳо бериш бўлган. Устоз ўз танқидий қарашлари билан асарни чилпарчин қилишга, муаллифни синдиришга ёки камситишга қаратмаган, «...танқидчи асарнинг нуқсонини топишдан кўра кўпроқ ундаги мавжуд – яширинган гўзалликни топиб кўрсата билиши лозим. Агар таъриф керак бўлса, танқид – бу бадиий адабиётдаги, шеъриятдаги, насрдаги яширин гўзалликни кашф қилиш санъати»[2], деб айтган эди. Бунда унинг машҳур «...танқидчи адабиётга болта билан эмас, токқайчи билан кириши керак», деган гапларини эслаш ўринли.

Озод Шарафиддинов ўзбек адабиёти ривожида ўтган асрнинг 50-йиллар ўрталаридан бошланган янги бир тўлқиннинг танқидчиликдаги даракчиси сифатида майдонга чиқди. «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон – қалб – поэзия», «Ниҳоллар» каби китобларида ёш олим ҳақиқий поэзия ҳақида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги Қарори. ПҚ-2894.

[2] *О. Шарафиддинов.* Ижодни англаш бахти. – Т.: «Шарқ». 213-бет.

фикр юритиб, адабий-танқидий тафаккур равнақида бурилиш ясади, ўта мафкуралашган «шеърият»га илк бора қарши чиқиб, мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган шеърларни кескин танқид қилди. Шеъриятда шоир кўнгил розларини, қувончу ташвишларини ифода этиши лозим деган инсоний тамойилларни ҳимоя қилиб чиқди.

Устознинг қолдирган ижодий меросига назар ташласак, асарларининг замон билан ҳамнафаслигини кўрамиз. Унинг китоб ва рисолаларида асарларни бадиийлик қонуниятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, адабиётни миллий ғоя ва адабий қонуниятлар асосида таҳлил қилиш, ижодкор шахси ва унинг бадиий асардаги ўрни масалалари, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида миллий ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғун қабул қилиш, таржима санъатини юксалтириш, ўзбек адабиётининг жаҳон адабий жараёнида тутган ўрни ва маънавий ўзанлари тадқиқ этиб берилган.

Озод Шарафиддиновнинг «Тафаккур» журналида (1997 йил, 1-сон). «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» деган катта бир мақоласи эълон қилинди. «...Ўтмишни қоралашдан фойда йўқ. Чунки ўтмиш – ўтмиш. У аллақачон Тарихга айланган. Ундан фақат сабоқ олишгина мумкин. Албатта, улкан тарихий эврилишлар силсиласида битта одамнинг бошидан ўтганлари махсус эътибор беришга арзийдиган катта воқеа эмас. Масалан, мен нега эътиқодимни ўзгартирдим, бу жараёнда қандай изтироблар чекдим, қандай ўйлар, ўкинчлар, афсусу надоматлар кўнглимдан кечди – бунинг кимга ҳам қизиғи бор, дейсиз? Аммо йиғлаб-сиқтаб зулматни қоралаётган чоғда битта одам кичкинагина шамчироқ ёқса, ўша зулматнинг бир чеккаси, сал бўлса-да, ёришармиди? Дарёлар ирмоқлардан, ирмоқлар томчилардан ташкил топади. Шундоқ экан, бир одамнинг аччиқ тажрибаси ҳам нимагадир асқотиб қолиши мумкин-ку»[1].

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (2003 йил, 1-сон) устознинг «Нажот – ҳамкорликда»[2] деб номланган катта мақоласи эълон қилинди. Бу Салмон Рушдийга унинг «Нью-Йорк таймс» газетасидаги мақоласига қаратилган очиқ хати эди. Ушбу хатда Озод Шарафиддинов номусулмон дунёсининг айрим вакиллари бўлмишларнинг «ислом фактори», «ислом хавфи», «ислом терроризми», «ислом экстремизми», «ислом фанатизми» ва шунга ўхшаш «измлар» ҳақидаги гапларнинг муқаддас Ислом динига уму-

[1] *Озод Шарафиддинов.* Маънавий камолот йўлларида. – Т.: «Маънавият». 2001. 53-бет.

[2] *Озод Шарафиддинов.* Довондаги ўйлар. – Т.: «Маънавият». 2004. 182-бет.

ман алоқаси йўқлиги, Ислом – тинчлик, тотувлик, аҳиллик дини, у одамларни покликка, тўғриликка, инсофга, адолатга ундаши ҳақида сўз юритади. Шу билан биргаликда, ушбу хатнинг асл мақсади Ислом дини ҳамда Ислом зиёлиларини ҳимоя қилиш эмаслигини алоҳида таъкидлайди – на муқаддас Ислом дини ва унинг аҳли зиёлиси бунга муҳтож эмас. «Ислом зиёлилари ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам, истанг, аниқ фанлар соҳасида, истанг, фалсафа, адабиёт ёхуд руҳоният бобида жаҳон тамаддунига жуда катта ҳисса қўшганлар ва қўшмоқдалар. Исломнинг ниҳоятда мукаммал, таъсирчан ва юксак даражадаги диний тизим экани ҳам аллақачон инсоният томонидан эътироф этилган... У бирорта динга ёхуд бирорта сиёсий тузумга қарши эмас, унинг бирорта ақидаси, бирорта қонун-қоидаси, бирон ғояси урушга чақирмайди, зўравонликни мадҳ этмайди, зулмни оқламайди. ...Фанатизм ёки фундаментализм, терроризм ёхуд экстремизм деганлари исломнинг моҳиятига тааллуқли эмас, балки исломни талқин қилувчи одамлар савияларидан, билим даражаларидан, манфаатларига кўра шунга ўхшаш иллатларни вужудга келтириши мумкин»[1]. Ушбу мактубда Озод Шарафиддинов Салмон Рушдийнинг мусулмон дунёсида аёлларнинг аҳволи мутлақо ўзгаришсиз, ҳуқуқлари поймол қилингани ҳақидаги фикрларига ҳам нисбатан гоят теранлик билан Ислом дунёси аёлларининг эмансипацияси «оврўпоча озодлик» ва «оврўпоча эмансипация»дан фарқли ўлароқ, бизда аллақачон бир шаклга тушган ва маданий менталитетимизнинг узвий қисмига айланган, Шарқ фалсафасини ҳам, ахлоқий-маънавий қадриятларини ҳам белгилайдиган ўзига хос эмансипацияга эга эканини таъкидлайди.

Шу ўринда, янги оилага, янги ҳаётга қадам босаётган ёшлар учун ҳар томонлама сабоқ бўладиган асарлари – эсселар бор. Улардан бири «Кибриё опанинг ҳолваси» деб номланади. Унда адабиётимиз дарғаларидан саналмиш Абдулла Қаҳҳорнинг оиласи ҳақида гап боради. Эсседа Кибриё опанинг келиб чиқишию турмуш тарзи, ўқишию қизиқишлари, Абдулла Қаҳҳор билан танишганларию турмушлари, юритган фаолиятлари ҳақида ёзилган. Бунда турмушнинг муштларию азоблари, рўзғорнинг пасту баландлари ҳақида муаллифнинг кузатишлари баён этилган. Замонавий, кенг тафаккурли, билимдон Кибриё Қаҳҳорованинг оилада, биринчи навбатда, аёллиги, заковати турмуш ўртоғи билан ҳамнафаслиги ҳеч қандай ортиқча тўқималарсиз қоғозга туширилган. Албатта, оилавий ишларда ҳаммага манзур бўладиган бир формула ёки андоза бўлмайди, лекин «Кибриё опанинг ҳолваси»да бир ўзбек зиёли оиласидаги эр билан хотин-

[1] *О. Шарафиддинов.* «Нажот – ҳамкорликда» (Салмон Рушдийга очиқ хат). – Т.: «Шарқ». 2019. 205–206-бетлар.

нинг шарқона одоб ва тарбия, меҳр ва ҳурматга тўла ҳаёти акс этган. Озод Шарафиддиновнинг Саида Зуннунова ҳақида ёзганлари, Зулфия («Сизни соғиндим, Зулфия опа»)[1], Музайяна Алавия («Музайяна Алавия ҳақида»)[2] каби замонасининг илғор ва машҳур аёлларига бағишланган эсселарида онгли, замонавий ўзбек аёли образи гавдаланади. Устознинг асарларини таҳлил қилар эканмиз, ўзининг ҳаёти мисолида, 50 йиллик турмуш ўртоғи Шарофатхон ая билан меҳр ва садоқатда, ҳурматда ва эътиборда ўтган кунларини «Муҳаббат кунда керак», «Муҳаббат тўғрисида», «Чайладаги жаннат» «Қаноатда шарофат», «Қарс икки қўлдан»[3] каби эсселарида тасвирланганини кўриш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, устознинг шарофати билан охирги 8 йил ичида 120 тага яқин асар таржима қилинган[4]. Бу таржималар нафақат жаҳон адабиёти классиклари, балки машҳур адабиётшунослар, файласуфлар, социологлар, сиёсатшунос ва санъатшуносларнинг асарлари, ҳам замонавий ёзувчиларнинг асарлари эди.

1997 йилда ташкил топган «Жаҳон адабиёти» журналининг Бош муҳаррири сифатида фаолият юритган устоз Озод Шарафиддинов умрининг сўнгги кунларигача журнал ўқувчиларини жаҳон адабиётининг сара асарлари билан таништириб борди. Унинг мустақиллик йилларидаги таржима соҳасидаги ижоди ҳам жуда сермаҳсул бўлди. Устоз «Жаҳон адабиёти» журнали нафақат адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик ва танқидий вазифани бажариши, балки ўқувчи дунёқарашини кенгайтириши, унинг эстетик дидини юксалтиришига ҳам хизмат қилиши керак деб ҳисобларди. Устоз таржималарида Франсуа де Ларошфуко, Жан Жак Руссо, Оскар Уайльд, Хосе Ортега-и-Гассет, Зигмунд Фрейд, Франсуаза Саган, Оноре де Бальзак, Херман Вамбери, Жон Голсуорси, Кобо Абе, Херман Хессе, Паоло Коэльо, Андре Моруа, Василь Биков, Николай Гоголь, Владимир Войновичларнинг мақола, қисса, роман ва тадқиқотлари ўз ўқувчиларини топди.

Озод Шарафиддинов, таржима учун асар танлай билиш – ижодий маҳоратнинг бошланғич нуктаси, деб билганлар ва ўзлари ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик, юқори дид ва билимдонлик билан танланган асарни таржима қилишга киришганлар[5].

---

[1] *Озод Шарафиддинов.* – Т:. «Шарқ». 66-бет.

[2] *Озод Шарафиддинов.* – Т:. «Шарқ». 78-бет.

[3] *Озод Шарафиддинов.* – Т.: «Шарқ». 255–283-бетлар.

[4] *Ш. Тўйчиева, Ш. Ризаев, М. Шарафутдинова.* Маънавий жасорат. – Т:. «Маънавият». 2011. 110-бет.

[5] *М. Шарафутдинова.* Таржимада ҳам устоз // «Жаҳон адабиёти». 2007. 10-сон.

Дарҳақиқат, Озод Шарафиддинов Лев Толстойнинг кенг тарқалмаган «Икрорнома»сини топиб, ўзбек китобхонига етказгани ёки Максим Горькийнинг кам танилган «Шахснинг емирилиши» асари, Анатолий Рибаковнинг «Арбат болалари» тарихий романини, Игорь Буничнинг «Партиянинг олтинлари», Пауло Коэльонинг «Алкимёгар», «Бешинчи тоғ», Стефан Цвейгнинг «Дунёнинг очқичи», Василь Биковнинг «Сариқ қум», Эфраим Севеланинг «Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан», Збигнев Бзежинскийнинг «Буюк шахмат тахтаси», Герберт Р. Лотманнинг «Ротшильдлар – банкирлар қироллари», Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Ҳиндистон фарзанди», Жан Жак Руссонинг «Манзур бўлмоқ санъати», Леонард Генлиннинг «Сталин ва Булгаков» ва бошқа кўплаб асарларни ўзбек тилига маҳорат билан ўгиргани бунга мисол бўлади.

Лев Толстойнинг «Икрорнома»сини олайлик. Озод Шарафиддинов асар сўзбошисида шундай ёзади: «Толстой «Икрорнома»нинг энг муҳим фазилати шундаки, у асарда қайси муаммо ҳақида баҳс юритмасин, ҳамиша бу муаммоларини ўз ҳаёти мисолида таҳлил қилган ва бирор ўринда самимиятдан чекиниб мақтанчоқликка, манманликка, ўзни пардозлаб кўрсатишга уринган эмас. Мана, қуйидаги парчага эътибор беринг: «Ёлғончилик, ўғрилик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас...» Бу парчани ўқиган ўзбек китобхони, албатта, ёқа ушлайди: «Ё алҳазар! Шу ўзимиз билган, соясига салом бериб келган улуғ адибми? Роса бўлган экан-ку! Вой соқолинг кўксингга тўкилгур-эй!» Бундай дейишимизга сабаб шуки, биз («биз» деганда ўзим тенги авлодни назарда тутяпман) юзаки фикрлашга ўрганганмиз, биз учун фақат оқ ва қора рангларгина мавжуд, биз ҳар қандай одамни баҳолаганда ҳам ё уни мақтаб, фариштага айлантириб юборамиз ёхуд қоралаб-қарғаб, қора ерга киритиб ташлаймиз... Кўринадики, «Икрорнома» юксак самимияти билан, ўзи ҳақида ўта шафқатсиз қалам тебратиш биланок бизга инсон тўғрисида фикр юритганда бир томонламаликка йўл қўймаслик зарурлигини, масаланинг ҳамма қирраларига бирдай эътибор билан қараш кераклигини ўргатади. «Икрорнома»нинг яна бир фазилати муаллиф фикрларининг ғоятда ўткирлигида. У ҳар гал бетакрор бир синчковлик билан масаланинг моҳиятигача етиб боришга ҳаракат қилади ва натижада китобхон илгари кам эътибор берган жиҳатларни очиб, уни янада қизиқтириб, ўз ортидан етаклайди»[1].

[1] *О. Шарафиддинов.* «Буюк адибнинг икрорномаси». (Л. Толстой. «Икрорнома». (О.Шарафиддинов таржимаси). – Т.: «Маънавият». 1998.

«Дунёнинг турли геополитик масалаларига бағишланган «Назоратдан ташқари», «Буюк муваффақиятсизлик», «Ўйин режаси», «Ҳокимият ва принцип» каби асарлари ҳам шулар қаторига киради. «...Евроосиё шундай бир шахмат тахтасики, унда жаҳонга ҳукмдорлик қилмоқ учун кураш давом этмоқда ва бу кураш геостратегияга ҳам дахлдордир, яъни геополитик манфаатларни стратегик бошқаришни тақозо этади»[1]. Унда Ўрта Осиё давлатларининг шаклланишига ва тақдирига Россия, Туркия, Эрон ва Хитой манфаатларининг ўзаро чатишиб кетган муносабатлари таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам муаллифнинг қарашлари келтирилади.

Озод Шарафиддинов таржималари орасида Ғарб маданияти вакилларининг Шарқ маданияти, тарихи, Ислом дини билан қизиқишига доир масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, 2003 йил машҳур рус ёзувчиси Н.В. Гоголнинг «Ал-Маъмун»[2] эссесини таржима қилди. Мазкур эссе 1834 йилда Санкт-Петербург университетида маъруза ҳолида ўқилган экан ва уни тинглаш учун В. Жуковский, А.С. Пушкинлар ҳам таклиф қилинган. Бу эссе Н.В. Гоголнинг «Арабиёни» тўпламига кирган сўнгги асари бўлиш билан бирга, муаллиф тарих илми билан кенг шуғулланганидан далолат беради. Мазкур эссе аббосий халифалардан бири Маъмун фаолиятига бағишланади (Бағдодда 813–833 йилларда ҳукмронлик қилган). Бу асарда Н.В. Гоголь Маъмуннинг маърифатпарварлигига, ўз даврининг энг маданиятли кишиси бўлганига кенг ўрин берган. У қайси мамлакатда жанг қилмасин, хирожни олтин билан эмас, ноёб китоблар билан олгани, илм-фанни яхши кўргани, олимларга ғамхўрлиги билан ном чиқарган ҳукмдор бўлгани экани ҳақида ёзилган. Эсседа Н.В. Гоголнинг Ал-Маъмун ҳақида айтган баъзи фикрлари мулоҳазали бўлиши мумкин. Унинг фикрига қўшилмаслик ёки баҳслашиш ҳам мумкин. Аммо Н.В. Гоголни Шарқ тарихига, Ислом дунёсига катта қизиқиш билан қарагани, Ал-Маъмун ҳақидаги қимматли фикрлари Озод Шарафиддиновни Шарқ маънавиятини улуғлаган мазкур асарни таржима қилишга ундайди[3].

Шу ўринда, унинг «Биринчи мўъжиза» асаридан парча келтирмасдан илож йўқ: «Қадим замонлардан бери одамлар оламда етти мўъжиза бор деб ҳисоблашади. Булар – Миср фиръавнларининг эҳромлари, Бобилнинг осма

---

[1] *З. Бзежинский.* Буюк шахмат тахтаси. (О. Шарафиддинов таржимаси) // «Жаҳон адабиёти». 2004. № 1. 143-бет.

[2] *Н.В. Гоголь.* Ал-Маъмун // «Жаҳон адабиёти». 2003, № 2.

[3] *Ш. Тўйчиева., Ш. Ризаев., М. Шарафутдинова.* Маънавий жасорат. – Т.: «Маънавият». 2011. 116-бет.

боғи, ов худоси Артемида маъбуди, Зевснинг ҳайкали, Галикарнас мақбараси, қуёш худоси Гелиоснинг ҳайкали ва ниҳоят, Наҳри Нилда Фарос оролидаги маёқдир. Дарҳақиқат, улар бениҳоя улугвор, бениҳоя ноёб ва гўзал. Улар яратилгандан бери неча асрлар ўтди. Лекин етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги, етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан кам эмас... Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам, биринчи мўъжиза эканини кўпгина буюк одамлар қайд қилган... Машҳур Австрия ёзувчиси Стефан Цвейг китобнинг кашф қилинишини ғилдиракнинг ихтиро қилиниши билан баравар қўяди. Китоб мадҳига бениҳоя эҳтиросли, жўшқин мисралар бағишлаган. «Китоб бор жойда одам ўз-ўзи билан, ўз савиясининг чор деворига ўралиб, ортиқ ёлғиз қололмайди, балки у ўтмишдаги ва ҳозирги жамики ҳодисаларга ошно бўлади, бутун инсониятнинг фикрлари ва ҳиссларидан баҳраманд бўлади»[1].

Китобни мўъжиза даражасига кўтарган устоз китоб ва китоб ўқиш масаласига доимо катта эътибор бериб келган. «Одамларнинг, ёшларнинг кўнгил майлларини, хоҳишу иродаларини китобат мулкига буриб юборган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Маънавият масалаларига жуда катта аҳамият бераётган, уни ҳар бир фуқаро қалбига етказиш тадбирларини жуда жиддий ўйлаётган жамият бу йўлдаги дастурига китобхонлик масаласини ҳам энг асосий бандлардан бири сифатида қўшиб қўймаса бўлмайди»[2].

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда таргиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз раҳбарининг китобхонлик маданиятига, ёшларнинг китоб мутолаа қилишларига, уларнинг юксак маънавиятли фуқаро бўлиб етишишларига замин яратганлигидан далолат беради. Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий, савдо-иқтисодий, молиявий, қурилиш, боринги, барча соҳаларда жиддий силжишлар ва ўзгаришлар кузатилмоқда.

---

[1] *Озод Шарафиддинов.* Биринчи мўъжиза. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 12–12-бетлар.

[2] *Озод Шарафиддинов.* Маънавий камолот йўлларида. – Т.: «Маънавият». 2001. 89-бет.

Албатта, бундай ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциясида ўзининг овозига эга бўлишида, олиб бораётган ташқи сиёсатда, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўз аксини топади. Бу ҳақида адибнинг қуйидаги гапларини эслашимиз мумкин: «...Бугун бизга ўзбекнинг Фордлари ва Рокфеллари, Дьюпонлари ва Ротшильдлари керак. Улар ўз соҳасини жуда етук олим даражасида мукаммал билишган. Улар бу билан чекланмай, маданий савияси ғоятда кенг, ҳар хил соҳалардаги билимлари ғоятда чукур, даврининг энг пешқадам одамлари бўлган. Табиийки, фақат шундай жаҳоний миқёсларда фикрлайдиган янги одамларгина бизнинг юртимизни ривожланишнинг катта йўлига олиб чиқа олади. Бундай сифатларни ўзлаштириб, ўстириб бориш учун китобга мурожаат қилишдан, китоб билан бир умрга дўстлашишдан ўзга чора йўқ»[1].

ХУЛОСА

Устоз Озод Шарафиддиновнинг адабий танқидга, адабиёт тарихига бағишланган илмий асарлари, ўзбек ўқувчисини жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништирган таржимонлик фаолияти, маънавият ва маърифатнинг долзарб масалалари ҳамда муаммоларига бағишланган публицистикаси миллий маънавиятимиз юксалишида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Озод Шарафиддиновнинг набираси, устоз ижоди билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётган олима Шаҳноза Тўйчиева адибнинг кундаликларидаги фалсафий қарашларини талқин қилиб, ўзлигини англаган олимнинг маънавий дунёсини белгиловчи жиҳатларига эътибор каратади. Уларнинг орасида шундай бир эътироф бор: «29.06.02. Абдулла Қаҳҳор – улуғ инсон ва улуғ ижодкор эди. Шунинг учун ҳозирга қадар мен ўзимни унинг шогирдиман деб аташга истиҳола қиламан. Негаки, унинг шогирди бўлиш шу қадар шарафлики, бу шарафга биз лойиқмизми-йўқми, Худо билади. Биз, яъни шогирдлари унга ҳар қанча яқин бўлмайлик, орасида ҳамиша муайян масофа бўларди»[2]. Бугун Устоз Озод Шарафиддиновни шогирдлари «буюк» дейишади. Унинг буюклиги ҳам ана шундай оддийликда, камсуқумликда.

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир Абдулла Ориповнинг «Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётимизга кириб келган шо-

[1] *Озод Шарафиддинов.* Маънавий камолот йўлларида. – Т.: «Маънавият». 2001. 87-бет.

[2] Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида. – Т.: «Шарқ». 313-бет.

иру ёзувчилар, мунаққидларнинг ҳаммаси Озод Шарафиддиновни устоз деб билади. Озод акадан ҳалоллик ва тўғрисўзликни, адабиётга садоқат ва меҳнатсеварликни ибрат олган бир неча авлод ижодкорлар бугун у муҳтарам зотнинг маърузаларини тинглаганидан, ҳамсуҳбат бўлганидан, ёзганларига назарлари тушганидан фахру ифтихор қиладилар. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бахт. Адабиётда шундай шахслар бўладики, улар миллатнинг тафаккур даражасини бир поғона юқорига кўтарадилар, халқнинг орзу-армонларини унинг овози бўлиб баралла айта оладилар. Худо берган ана шу истеъдоди, журъати туфайли улар нафақат адабиёт аҳлининг, халқнинг ҳам суянадиган тоғига, маънавий устозига айланадилар. Озод Шарафидинов ана шундой устоз!»[1] – деган гапларини эслаш даркор.

Ўзбек адабиётининг ҳақиқий жонкуяри Озод Шарафиддинов доим халқнинг дарди билан яшади, ҳаётининг охиригача миллатнинг маънавий баркамоллиги учун хизмат қилди, том маънода миллат тафаккурининг ёгдуси бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 18 апрель. ПҚ-2894.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 13 сентябрь. ПҚ-3271.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2020 йил 24 август, № 502.

4. «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир». Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси. 03.08.2017 // http://uza.uz/uz/posts/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017.

[1] *А. Орипов.* Озод Шарафидинов замондошлар хотирасида. – Т.: «Шарқ». 3-бет.

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ИНСОН ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАР БИР МАКОН ВА ЗАМОН УЧУН МОСЛИГИ

Марҳабо КАЗАКОВА,
Қарши давлат университети таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақола мамлакатимизнинг кўп йиллик тарихи давомида Насаф (ҳозирги Қарши шаҳри) заминида яшаб ўтган улуғ алломала Азизиддин Насафий маънавий меросини ўрганиш натижасида, унинг илмий-методологик, педагогик қарашлари ёритилган. Бобокалонимиз маънавий меъросидан фойдаланган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодларнинг маънавиятини янада бойитиш, аждодлар маънавий меъросига бўлган қизиқишни ошириш ҳамда аждодларимизга муносиб издош бўла оладиган баркамол авлод таълим-тарбияси ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: Азизиддин Насафий, «Зубдат ул-ҳақойиқ», Насаф, Кеш алломалари, қадимий ёзма манбалар, маънавий бойлик, маданий мерос, инсофлилик, инсонийлик, нафсга берилмаслик.

Аннотации. В статье рассматриваются научные, методологические и педагогические взгляды Азизиддина Насафи, одного из великих ученых, живших на земле Насаф на протяжении долгой истории нашей страны. Наш предок говорил о дальнейшем формировании духовности молодежи с использованием духовного наследия, повышении интереса к духовному наследию наших предков, а также о воспитании гармонично развитого поколения, способного стать достойным последователем наших предков.

Ключевые слова: Азизиддин Насафи, «Зубдат уль-хакайик», ученые Насаф, Кеш, древние письменные источники, духовное богатство, культурное наследие, целостность, человечность, похоть

Abstract. This article presents the scientific, methodological and pedagogical views of Aziziddin Nasafi, one of the great scholars who lived in the land of Nasaf during the long history of our country. Our ancestor spoke about the further formation of the spirituality of young generation using the spiritual heritage, increasing interest in the spiritual heritage of our ancestors, as well

ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин[1].

Узоқ асрлар давомида халқимиз ўз фарзандларига илму маърифат ўргатиш ва одоб-ахлоқ фазилатларини сингдиришда этнопедагогик манбалар билан бир қаторда, аждодларимиз насиҳатларига ҳам амал қилиб келишган. Бугунги замонавий шароитда ҳам маънавият сарчашмалардаги ахлоқий тарбияга оид қарашларни чуқур ўрганиш заруриятини туғдиради. Бугунги кунга қадар бир қатор Насаф ва Кеш алломалари ва олимларнинг маънавий қиммати баланд бўлган асарлари, улардаги комил инсон тарбияси ҳақидаги қарашларидан баъзи мақолалар эълон қилинган бўлса-да, аммо бу соҳада махсус илмий тадқиқот ишлари ниҳоятда кам экани аниқланди. Ана шундай олимлардан бири – Азизиддин Насафийдир.

Азизиддин Насафийнинг асарларида комил инсон қиёфасида акс этувчи маънавий-ахлоқий хислатлар сифатида қуйидагилар келтирилади.

1-жадвал

Азизиддин Насафий асарларида келтирилган маънавий-ахлоқий сифатлар

Ахлоқийлик	Билимлилик	Сабрлилик	Ғайратлилик
Тўғрилик	Ақллилик	Меҳнатсеварлик	Хушмуомалалик
Инсоф	Донолик	Инсофлилик	Мустақил фикрлаш
Сахийлик	Мардлик	Инсонийлик	Оқибатлилик
Саховатлилик	Қаноатлилик	Нафсга берилмаслик	Ҳаракатчанлик

Мазкур маънавий-ахлоқий сифатлар алломанинг асарлари, ҳикматларида ўз ифодасини топади.

Азизиддин Насафийнинг тарбияга оид «Зубдат ул-ҳақойиқ» асари ўзбек тилига Нажмиддин Комилов томонидан таржима қилинган. Бу асар 2 та боб, 6 та асл ва 38 та фасллардан иборат бўлиб, уларда бевосита одоб-ахлоқ меъёрларининг ифодаланишида акс этади. Ушбу асарнинг мазмуни Ислом дини таълимот таъсирида яратилган бўлса-да, уларнинг мазмунидаги асосий ахлоқий тарбияга оид фикрлар педагогик қимматга эгалиги билан диққатга сазовор. Шу жиҳатдан асардаги фикрлар, Насафий ҳикматларидаги қарашлар исломий қарашлар ҳамда алломаларимиз Алишер Навоий, Кошифий, Саъдий Шерозий кабиларнинг ҳикматлари билан таъли-

[1] http://uchildiz.uz/ Уч илдиз – 2020. All Rights Reserved. Powered by WordPress. Theme by Alx.

мий-ахлоқий жиҳатдан ҳамоҳанглик, яқинликни кўриш мумкин. Чунончи, Азизиддин Насафий ўзининг «Зубдат ул-ҳақойиқ» асарининг иккинчи боб, учинчи асл, тўртинчи фасли «Насиҳат» бобида: «Туз тўдасига қўшилган тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади, зеро, нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади, сафодан сафо ҳосил бўлади. Сендан тугилган соф бўлиши учун аввал ўзингни покла»[1], – деган фикрни билдиради. Аллома фалсафий қарашларининг асл моҳиятида шахс ривожланишига таъсир этувчи омилларига эътибор каратилади. Ижтимоий омил («туз тўдасига қўшилган»)нинг тарбияда устувор эканини таъкидлайди. Шунингдек, олим ирсиятнинг («нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади») муҳим эканини қайд этиб, тарбия жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш («аввал ўзингни покла») ҳам катта аҳамият касб этишини уқтириб ўтади. Бу билан комил инсон тарбиясида бир томондан – ирсиятнинг, иккинчидан – хулқнинг мўътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соглом бўлиши таъкидланади. Бу эса ҳадиси шарифда келтирилган: **«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади».** Демак, Насафий комил инсон тарбиясида барча омилларни биргаликда амалга ошириш ва яхши хулқни тарбиялаш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, комил инсон тарбиясида ота-онанинг масъулияти ниҳоятда катта эканини эътироф этади. Тарбияда ота-она ўз тарбияси билан алоҳида ва муҳим ўринга эга. Ота-онага Аллоҳ томонидан берилган нсъматлар ичида энг улуғларидан бири фарзанддир. Бурчи эса ўз фарзандини комил инсон қилиб тарбиялашдир. Ҳар бир ота-она шу масъулиятни ҳис этиши, ота-онанинг ҳам ўзларининг хулқ-атвори, инсонийлиги, ахлоқи билан ўрнак ва намуна бўлиши, уларнинг ҳар иккаласининг фарзанди олдида обрўга эгалиги муҳимлигини қайд этади.

Мусаффо сувни кўрмаган парранда
Бир умр тумшуғини шўр сувга тутар.
Гар олдига қўйсалар ҳам ширин сув,
Бари бир ўзининг шўр сувин қўмсар.[2]

[1] Комил инсон ҳақида тўрт рисола Н. Комилов. – Т.: «Маънавият». 1997. Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ». Иккинчи боб. Учинчи асл. Тўртинчи фасл. 164-бет.

[2] Комил инсон ҳақида тўрт рисола Н. Комилов. – Т.: «Маънавият». 1997. Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ». Иккинчи боб. Биринчи асл. Саккизинчи фасл. 148-бет.

Мутафаккирнинг инсон таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари кенг қамровли ва эътиборлидир. Мусаффо сув ҳақида билмаган қуш умри давомида тумшуғини шўр сувда ушлаб туради, олдига тоза сув қўйилганида ҳам, ўзи ичиб келган ўша сувни истеъмол қилаверади, дейди у. Демак, инсонни тарбиялаш, уни болаликдан оламнинг мунаввар жамоли ва инъомлари билан таништириш зарур.

Мутафаккир таълим-тарбияга оид фикрларида инсон камолоти муаммосини бахт-саодатга эришиш учун шароит яратиш, деган ғояни илгари суриш билан боғлаб талқин қилганлар. «Камолот (такомиллашув) сабаб бор жойда юз беради. Дарахтнинг барча даражаларидан кўра меваси нафис ва қадрли эканига шубҳа йўқ. Мавжудотнинг меваси эса инсондир».[1] Инсон юксак даражага фақат таълим-тарбияси орқали эришишини ҳамда илм-маърифатли бўлиб камолотга эришиб боришини қуйидагича талқин қилган: «Ҳеч кимнинг мақоми олдиндан белгилаб қўйилган эмас. Ҳар кимнинг мақоми унинг маърифати ва сафосига берилган мукофотидир ва кимки кўпроқ маърифатли ва сафоли бўлса, унинг мақоми баландроқ бўлаверади»[2].

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Булардан бири – ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси – ўз-ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган бдамлар. Иккинчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади. Ўз-ўзини таниш эса – маърифат дейилади. Шунинг учун ахлоқан безанган, маърифатли инсон комил инсондир».[3]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак:Азизиддин Насафийнинг асарларида, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир инсоннинг орзу-армони деб қаралган.

---

[1] Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Н.Комилов. Т.: «Маънавият». 1997. Азизиддин Насафий. «Зубдат ул- ҳақойиқ». Иккинчи боб. Биринчи асл. Ўн биринчи фасл. 154-бет.

[2] Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Н. Комилов. – Т.: «Маънавият». 1997. А. Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ». Иккинчи боб. Биринчи асл. Саккизинчи фасл. 148-бет.

[3] Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Н. Комилов. – Т.: «Маънавият». 1997. Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ». Иккинчи боб. Биринчи асл. Саккизинчи фасл. 148-бет.

Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик, педагогик қарашларидан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъи назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган.

Бобокалонимизнинг педагогик қарашларида инсонни шарафли, эзгулик ва Буюк Хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳар замон, ҳар лаҳза инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-yanvardagi Murojaatnomasi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son Farmoni bilan tasdiqlangan «2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi».

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-2995-son bilan tasdiqlangan «Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ‘ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risidagi Qarori».

4. *Комилов Н.* Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. – Т.: «Ёзувчи».1996.

5. *Комилов Н.* Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: «Маънавият». 1997. А. Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ».

6. *Муҳаммад Н.* Насаф ва Кеш алломалари Таскира. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2006.

7. Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-қанд фий зикри уламои Самарканд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қандек ширин китоб). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат миллий нашриёти. 2001 й. 304-бет.

8. www.kh.davron.uz.

10. http:// muslim.uz/index.php/ maqolalar item/ 679.

11. http://uchildiz.uz/ Уч илдиз © 2020. All Rights Reserved. Powered by WordPress. Theme by Alx.

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССА ОКИСЛИТЕЛЬНОГО ОБЖИГА ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩИХ СУЛЬФИДНЫХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ РАЗРАБОТКИ ОПТИМАЛЬНОГО РЕЖИМА

Бехзод ТОЛИБОВ,
соискатель Навоийского государственного горного института,
обладатель стипендии Президента Республики Узбекистан

Аннотация. В настоящее время в мировой практике сульфидные упорные золотосодержащие материалы подвергаются окислительному обжигу в основном с низкой производительностью и с последующим цианированием обеспечивается высокая степень извлечения металлов. Особое значение имеет окислительный обжиг для повышения извлечения ценных компонентов (Au, Ag, Mo, W, Cu, Zn) из металлсодержащих промпродуктов.

На сегодняшней день во всем мире в области переработки золотосодержащих руд разрабатываются новые технологии и технологические схемы для повышения степени извлечения и уменьшения затрат на переработку с целью снижения себестоимости продукта, а также уделяется особое внимание уменьшению содержания ценного компонента в хвостах процессов, а также особое внимание уделяется снижению содержания ценного компонента в хвостах производственных процессов. В этом аспекте разработка новых технологий и усовершенствование существующих технологий для повышения извлечения ценных компонентов являются актуальными задачами науки и практики горно-металлургической промышленности.

Целью исследования явилась разработка эффективной технологии переработки сульфидных материалов во взвешенном состоянии в обжиговой печи для интенсификации процесса и увеличения выхода ценных компонентов.

Ключевые слова: окислительный обжиг, сушка, печь кипящего слоя, сульфиды, обжиг во взвешенном состоянии, упорные руды, золотомышьяковые руды, кек биоокисления, десульфуризация, извлечение, кипящий слой, влажность, пирометаллургия, недоокисление, спекание кусков.

Аннотация. Ҳозирги пайтда жаҳон микёсида олтин сақлаган рудаларни қайта ишлаш соҳасида маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида ажратиб олиш кўрсаткичларини ошириш ва ҳаражатларни камайтириш учун янги технологиялар ва технологик схемалар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари чиқинди маҳсулотларида қимматбаҳо компонентлар миқдорини камайтиришга ҳам алоҳида эътибор каратилган. Бу борада металлар ажратиб олишни ошириш учун янги технологиялар ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш кон-металлургия саноати илми ва амалиётининг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Калит сўзлар: оксидловчи куйдириш, қуритиш, қайнар қатламли печь, сульфидлар, муаллақ ҳолатда куйдириш, мураккаб таркибли рудалар, олтин-мишякли руда, биооксидлаш кеки, сульфидсизлантириш, ажратиб олиш, қайнар қатлам, намлик, пирометаллургия

Abstract. Now, in world practice, sulphide refractory gold-containing materials are subjected to oxidative firing mainly with low productivity and subsequent cyanidation provides a high degree of metal recovery. Particular importance of oxidative calcination is to increase the extraction of valuable components (Au, Ag, Mo, W, Cu, Zn) from metal-containing intermediate products.

Today, new technologies and technological schemes are being developed around the world in the field of processing gold-bearing ores to increase the degree of extraction and reduce processing costs in order to reduce the cost of the product, and special attention is paid to reducing the content of a valuable component in the tailings of processes, as well as special attention paid to reduce the content of a valuable component in the tailings of production processes. In this aspect, the development of new technologies and the improvement of existing technologies to increase the extraction of valuable components are urgent tasks of the science and practice of the mining and metallurgical industry.

The aim of the research was to develop an effective technology for processing sulfide materials in suspension in a kiln to intensify the process and increase the yield of valuable components.

Key words: oxidative calcination, drying, fluidized bed furnace, sulfides, suspended calcination, refractory ores, gold-arsenic ores, biooxidation cake, desulfurization, recovery, fluidized bed, humidity, pyrometallurgy, undeoxidation, sintering of pieces.

Технологические печи очень широко применяются во всех металлургических отраслях промышленности. В металлургических печах за счет сжигания топлива реализуется процесс нагрева перерабатываемого материала. Механизм теплопередачи очень сложен, поскольку в этих устройствах, в отличие от теплообменников, значителен вклад в суммарный теплообмен лучистой (радиационной) составляющей. Иногда этот механизм теплопередачи является превалирующим. Организация движения образующихся дымовых газов и использования тепла отходящих газов в свою очередь существенно влияет на вклад в суммарный теплообмен конвективной составляющей. Поэтому проектирование металлургических печей предполагает учет характеристик подаваемого топлива, расчет процесса горения с учетом гидродинамики движения дымовых газов, выбор конструкции печи, учет характеристик топливно-сжигающих устройств и т.д. Эти задачи предполагают использование весьма разнообразных знаний по технике, химии и физике.

Процесс окислительного обжига в промышленном масштабе значительно изменился за последние сто лет. Основные процессы, на которых основан обжиг, следующие:

– вращающаяся печь и многоподовая печь;
– обжиг в псевдоожиженном слое (одно- и многоступенчатый);
– циркуляционный кипящий слой;
– кислородный псевдоожиженный слой.

В настоящий момент в мире распространен процесс окислительного обжига в печи кипящего слоя. Он работает путем подачи воздуха в печь с достаточной скоростью, чтобы «разжижать» эти частицы. Воздух поступает в процесс через решетку форсунки в вентиляционной камере в нижней части печи. Скорость воздуха, необходимого для псевдоожижения частиц, будет варьироваться от руды к руде в зависимости от плотности. Псевдоожижение этих частиц обеспечивает лучшее перемешивание, что обеспечивает более эффективное окисление пирита до гематита. Конструкция с псевдоожиженным слоем также обеспечивает более равномерную температуру в реакторе наряду с повышенными скоростями тепломассопереноса в системе [1, 2].

Наряду с лучшим перемешиванием частиц псевдоожиженный слой также обеспечивает более высокую пропускную способность на единицу площади, лучший контроль температуры и лучший контроль состава газа, в отличие от остальных обжиговых агрегатов. Все эти усовершен-

450°С до 750°С. В этом диапазоне проводим 7 испытаний (450°, 500°, 550°, 600°, 650°, 700°, 750°С). Продолжительность процесса тоже устанавливаем от 45 минут до 120 минут. На каждом температурном режиме проводим минимум 8 экспериментов для достоверности результатов исследований. Все пробы после окислительного обжига даются на химический анализ.

В лабораторных условиях были проведены несколько экспериментов по обжигу сульфидных золотосодержащих биокеков в условиях ГМЗ-3 интенсивного окислительного обжига во взвешенном состоянии. Целью проведения работы является определение оптимального режима обжига для предлагаемой проектной промышленной печи. Ниже приведены результаты нескольких опытов окислительного обжига в зависимости от влаги шихты, температуры и продолжительности процесса. При этом определяется оптимальный режим окислительного обжига по показателям степени десульфуризации и степень извлечения ценного компонента из сульфидных концентратов.

Проведены эксперименты для определения влияния содержания влаги в шихте и температуры на степень десульфуризации и степень извлечения ценного компонента. Обжиг проводили в течение 60 минут. Были взяты 6 образцов с разными влажностями, %: 47, 40, 34, 17,5, 10 и 5–3.

Рассмотрим обжиг при 500°С в течение 60 минут. При влажности шихты 47% степень десульфуризации составляет 76,2% а степень извлечения 36,8% и со снижением влаги в шихте, степень десульфуризации и извлечения увеличивается, при W – 3–5% степень десульфуризации составляет 98,2% и степень извлечения – 78,5%. И этот же эксперимент проводили при разных температурах, °С: 550, 600, 650, 700–750.

Рассмотрим обжиг при 650°С в течение 60 минут. При влажности шихты 47%, степень десульфуризации составляет 83,3% а степень извлечения 42,5% и со снижением влаги в шихте, степень десульфуризации и извлечения увеличивается, при W – 3–5% степень десульфуризации составляет 100% и степень извлечения – 88,5%.

Самой оптимальной температурой для степени десульфуризации и извлечения является 650°С. Так как с уменьшением температуры снижаются степень десульфуризации и извлечения ценного компонента, а с увеличением температуры увеличивается степень десульфуризации и извлечения ценного компонента. Но при этом надо учитывать то, что при увеличении температуры выше 650°С или более длительного времени происходит спекание частиц и снижается степень извлечения. Так в случае обжига при

На основе проведенных исследований установлено, что значение разрушающих нагрузок при разрыве плодовых оболочек семян сои вдоль большой оси семени в 10–14 раз выше, чем вдоль малой оси. Анатомическая структура масличных семян сои и условия выращивания растения сои на землях Узбекистана отражаются на взаимосвязанности его компонентов (ядра, пленки и лузги). Известно, что масса семени сои, связанная с его линейными размерами оказывают значительное влияние на скорость и величину кинематической энергии, с которой связана ударная нагрузка, вызывающая разрушение ее плодовой оболочки.

В силу этого большую роль при обрушивании семян играет величина воздушной полости между лузгой и ядром, по которой судят о степени прилегания плодовой оболочки к ядру.

Нами исследована зависимость величины воздушной полости между лузгой и ядром от массы семян (сорта Краснодарский), выращенных на орошаемых (I) и богарных землях (II) Узбекистана.

Результаты исследованный представлены в виде зависимостей величин воздушной полости между ядром и лузгой, определенных у острого и тупого концов и по ширине изучаемых семян сои.

Полученные результате представлены на рисунках 1 и 2.



Рис. 1.

Изменение величины воздушной полости между ядром и лузгой в зависимости от массы семян сои (сорт Краснодарский), произрастающего на орошаемых (I) (кривые 1 и 2) и богарных землях(II) (кривые 1 и 2): 1:1 – в тупом конце семян, 2:2 – в остром конце семян.

Семена сои, выращенного на орошаемых землях, более выровнены по массе и линейным размером, чем семена, полученные на богарных землях.



Рис. 2.

Изменение величины воздушной полости между ядром и лузгой в зависимости от массы семян сои (сорт Краснодарский), (I) (кривая 2) и (II) (кривая II) по ширине семени.

ВЫВОДЫ

На основе проведенных анализов установлено, что при ударе на лузгу исследованных нами сортов семян сои вдоль большой и малой осей наблюдаются лишь упругие деформации и хрупкий разрыв.

Таким образом установлено, что с увеличением массы семян сои нагрузка на них раскол по длине семян увеличивается, а по ширине уменьшается, что показано кривое распределение семян сои, возделанных в Узбекистане, России и Украине подчиняются закону нормального распределения с определенной асимметрией и эксцессом.

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №143 от 28.08.2017 г. «Задачи и пути обеспечения населения Республики высококачественными и экологически чистыми растительными маслами, а животноводство – высокопитательными кормами».

2. Распоряжение КМРУз № 387 от 8 октября 2017 г. «О выделении богарных (неорошаемых) земель для возделывания семян сои».

3. *Ёрматова Д.Ё.* Выращивание сои в Узбекистане. – Ташкент, 1983. С. 79.

4. *Ёрматова Д.Ё.* Особенности биологии сои в аридных условиях средней Азии // Сб. селекции, семеноводство и технология возделывания сои. – Тбилиси, 1983. С. 199–202.

5. *Ёрматова Д.Ё., Сафаров К.* Итоги изучения сои в Узбекистане // Сб. статей корд. совет. – Краснодар, 2008. С. 63–74.

6. *В.И. Заверюхин.* Возделывание сои на орошаемых землях. – М.: «Колос», 1981. С. 159.

7. *Бакалай Г.Т., Щедрин В.Н., Селицкий С.А.* Ирр. Соя Технология возделывания в Ростовской области (рекомедации). – Ростов на Дону: 000 «Геликон», 2014 г. С. 32.

8. *Баранов В.Ф.* Концепция полевой технологии возделивания сои. В кн. Селекция и агротехнология сортов сои северного экотипа. – Воронеж, 2015. С. 39–43.

9. *Уго Торо Корреа.* Особенности возделывания новых сортов сои. В кн. Селекция и агротехнология сортов сои северного экотипа. – Воронеж, 2015. С. 60–64.

10. *Антонов С.И.* «Соя – универсальная культура» // Ж. Земледелие, 2000. № 1. С. 15.

11. *Лукомец В.М., Бочкаров Н.И.* и др. Возделывание сои (Пособие для крестьянских хозяйств Краснодарского края). – Краснодар, 2014. – С. 9–10.

12. *Горелов Е.П., Бабаяров М.* Соя на сероземах Узбекистана // Кормопроизводство, № 1, 1985. С. 35.

13. *Сергеев А.Г.* «Руководство по технологии получения и переработке растительных масел и жиров» // Ленинград, 1975. Книга первая. Том I. С. 699–701.

14. Постановление Президента Республики Узбекистана под номером ПП-2832 от 14.03.2017 г. «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в Республике на 2017–2021 годы».

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БОЛАЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Иродабону ЖАББАРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
Халқаро журналистика факультети талабаси

Аннотация. Китоб инсон маънавий оламини шакллантириши ва юксалтириши, ҳаётда тўғри йўл танлашда беминнат ёрдамчи. Шу боис ҳар қайси давр ва замонда китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу вазифани амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бениҳоя катта. Шу боис мазкур тадқиқотда болаларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти функциявий, услубий ва қиёсий таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилди.

Калит сўзлар: болалар китобхонлиги, китобхонлик маданияти, ОАВ функциялари, тарғибот ва ташвиқот, болалар аудиторияси, китоб маҳсулотларини чоп этиш.

Аннотация. Книга способствует формированию и повышению духовного уровня человека, помогает ему выбрать правильный путь в жизни. Поэтому продвижение культуры чтения всегда было и будет актуальным вопросом. Роль и место СМИ в выполнении этой задачи огромны. Таким образом, целью данного исследования является предоставление функционального, методологического и сравнительного анализа роли и значения средств массовой информации в формировании культуры чтения у детей.

Ключевые слова: детское чтение, культура чтения, медиафункции, пропаганда, детская аудитория, книгоиздание.

Abstract. The book helps to shape and elevate the spiritual world of a person, to help him to choose the right path in life. Therefore, the promotion of a reading culture has always been important in every period and time. The role and place of the media in this task is enormous. Thus, the purpose of this study is

to provide a functional, methodological and comparative analysis of the role and importance of the media in shaping a reading culture in children.

Key words: children's reading, reading culture, media functions, propaganda, children's audience, book publishing.

Болаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш масаласи бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сонли Фармойиши[1] айни вақтида қабул қилинган зарурий ҳужжат бўлдики, унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш ва ижодий фаоллигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентнинг юқоридаги Фармойишида ҳам айни шу масалалар юзасидан тегишли ва зарур чоралар аниқ-тиниқ қўйилган:

– китоб маҳсулотларини чоп этиш;

– китоб тарқатиш тизимини ривожлантириш;

– китобхонлик маданиятини ошириш;

– китобхонликни тарғиб қилиш.

Тўртта асосий вазифада ҳам оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта. Сабаби, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва уни тарғиб қилишда айнан матбуот бош омил ҳисобланади. Матбуотнинг таълим-тарбия ҳамда таҳлил ва тарғиб қилиш функцияси ҳам мавжудки, саналган ушбу масалаларга кераклидир.

Бир нарса аёнки, аудитория матбуотга жамият кўзгуси, адолат тарозиси сифатида қарайди. Ҳатто ҳақиқатга яқин келмайдиган воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳам «телевизорда ўз қулоғим билан эшитдим, радиода айтишди, газетада ўқидим» деб ишонишади. Журналистларни айрим пайтлари ҳукумат ва халқ ўртасидаги боғлаб турувчи ҳалқа, деб ҳам таърифлашади[2]. Худди мана шу ишонч матбуот ходимининг зиммасига катта масъулият юклайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига» йўллаган табригида-

---

[1] http://uza.uz/oz/documents/kitob-ma-sulotlarini-chop-etish-va-tar-atish-tiziminirivozh-12-01-2017.

[2] Журналистика. Журналистика ҳуқуқи ва этикаси. II жилд. Ўқув қўлланма. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2019. 47-бет.

ги қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: «Биз жамиятимизда ошкоралик, адолат ва конун устуворлигини таъминлашда, ҳуқукий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз, – деб таъкидланган табрикда. – Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчиликка ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман»[1].

Шу жиҳатдан филология фанлари номзоди Н. Намозованинг «Матбуот миллатнинг уйгониши учун биринчи омил»[2], дея таърифлаши бежиз эмас. Негаки ёш авлодни ватанпарвар руҳида тарбиялашда ОАВнинг кучи катта. Давлат миқёсидаги ҳар қандай янгиликка, шу жумладан, болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ҳам матбуотда ахборот тарзида ёритилиши ва қўллаб-қувватланишига эҳтиёж мавжуд. Буни амалга оширувчи энг самарали восита матбуотдир. Мутолаа маданиятини ривожлантириш деганда фақатгина бу мавзуга оид ахборотларни етказиш эмас, айни вақтда болалар орасида китобхонликни тарғиб қилишни таъминлаш тушунилади. Кўриниб турадики, жамиятда китобхонлик маданиятини шакллантиришда матбуотнинг таълим-тарбия ва таргиб қилиш функциялари бош мезон бўлиб хизмат қилади. ОАВ ёш авлодда китобхонлик маданиятини шакллантиришда, мутолаага ошно бўлишда ва китобга меҳр қўйишида ёрдам беради.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг куйидаги таъкидлари оммавий ахборот воситаларининг бугун бу борадаги ўрни муҳимлигини кўрсатади: «Албатта, компьютер, планшет – яхши. Невараларимиз, болаларимизга одамнинг ҳаваси келади. Бу нарсалар замон талаби ҳозир. Лекин маданият ёшликдан, инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошланади. Мана шу масалаларни амалга оширишда, халқимизнинг китобхонлигию маданиятини юксалтиришда сизлар яқиндан ёрдам берасизлар, деб ишонаман. Бошқа давлатларда китобни телевизорда ўқитяпти. Масалан, Россияда Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўқитди-ку, нимага биз ўқитмаймиз?»[3].

---

[1] *Мирзиёев Ш.М.* Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. – www.uza.uz. 27.06.2018.

[2] *Намозова Н.Қ.* Ҳожи Муиннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филология фанлари номзоди диссертация автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2006. 15-бет.

[3] *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 86-бет.

Дарҳақиқат, агар ёшлар тарбияси билан бугунги глобаллашув даврида мунтазам шуғулланиб, бу масала жой-жойига қўйилмаса, эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, болалар эртага юрт учун ё ташвиш олиб келади, ё манфаат. Бунга аввало, китобхонлик маданияти ила эришилади, оммавий ахборот воситалари юртимиздаги барча болаларни китобхон қила олса, мамлакат тақдири учун, албатта, катта иш қилган бўлади. Чунки бола қўлга бошқа бир ғаразли мақсаддаги нарса эмас, балки айнан китоб олади, мутолаага ошно бўлади. Китоб эса беғараз дўстдир.

Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таркиби эса тубдан ўзгаряпти. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари эканидан билиш мумкин. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни[1] ташкил этади. Бу айнан китобхонликнинг янада кенг ёритилишига ва тарғиб этилишига катта имконият деганидир.

Китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш вазифасини амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда. Шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият сифатида майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлашга эришиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, «Ma'rifat», «Tong yulduzi» газеталари, «G'uncha», «Bolalar adabiyoti», «Gulxan» журналларида айнан болаларга бағишланган ўқилиши керак бўлган китобларни тавсия қилиш учун алоҳида рукнлар мавжуд, «Bolajon», «Madaniyat va ma'rifat» телеканалларида ҳам бу хусусда кўрсатувлар эфирга узатилади. Бу яхши, албатта, аммо етарлича эмас. Юртимизда юқорида санаганимиздек, оммавий ахборот воситалари талайгина, бироқ улардан кўпчилиги болаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга кераклича тўхталишмайди. Бу масала билан асосан давлат ташкилотлари шуғулланаётганига гувоҳ бўламиз, хусусий газета-жур-

[1] *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2017. 498-бет.

наллар, телеканаллар негадир бу масалага ҳанузгача жиддий қараётгани йўқ.

Изланишлар давомида шу нарса аниқ бўлдики, бирорта хусусий телеканалда болаларни китоб ўқишга даъват этувчи битта ҳам махсус кўрсатув йўқ. Экранга узатилаётган болаларбоп дастурлар, мультфильмлар, шоулар қаторида бу мавзу ҳам кўтарилиши шарт, албатта. Телеканал раҳбариятлари биладики, уларнинг томошабинлари, аудиторияси давлат телеканалларидан бироз бўлсада кўпроқ, лекин афсуски шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда болаларни китобга қизиктиришга, қарорлар ижросига бефарқ қолаётгандай, башарти уларда қулайлик талайгина. Болалар беғубордирки, улар учун хусусий телеканалларда ҳам махсус кўрсатувлар тайёрланса, боши осмонга етгай. Жумладан, ушбу муаммо нодавлат газета ва журналларнинг айримларида ҳам мавжуд. Тадқикот учун олиб борилган изланишлар жараёнида аниқ бўлдики, фақатгина «Ватанпарвар» газетасида болалар учун махсус саҳифа мавжуд. Катталар учун мўлжалланган газеталарда айнан шу масалага бағишланган бир саҳифа ажратилиши ёки ҳеч бўлмаганда кичик бир рукн «Болангизга китоб ўқитяпсизми?» тарзида бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби фақатгина боланинг ўзига китобхонликни тарғиб қилиш етмаслиги мумкин, унга китоб сотиб оладиган, мутолаага шароит яратиб берадиган инсон унинг ота-онасидир. Ота-оналарга ҳам боласининг китобга муҳаббати келажакда ўзига фойда келтириши, фарзандининг маънавиятли бўлиб улғайишида китоб асосий таянч эканлигини очиб бериш зарур. Болалар учун чоп этилаётган китоблар ҳақида маълумотлар берилиб, уни фарзандига олиб боришга, бирга оилавий мутолаа қилишга ундаш журналистлардан сўралади.

Оммавий ахборот воситаларида болалар аудиторияси учун мўлжалланган, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган масалаларни кенг ва сифатли тарзда ёритиш жамиятда соғлом ижтимоий муҳит ва муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Шунга миллий ахборот маконида бу борадаги кўникмаларини ривожлантириш тенденцияларининг умумий таҳлили қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бугунги глобаллашув жараёнида **болаларда китобхонлик маданиятини тарғиб этувчи** маънавий-маърифий ахборот манбалари орасида энг самарали восита босма ва электрон нашрлардир.

Иккинчидан, ОАВ ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини юксалтириш орқали буюк келажакни барпо этишда муҳим восита ҳисобланади.

Учинчидан, ёш авлоднинг юксак маънавият соҳиблари бўлиб камол топишида газета ва журналларнинг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда

болалар матбуотини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Тўртинчидан, болалар китобхонлигига эришиш учун матбуот ўзининг қуйидаги функцияларни тўлақонли амалга ошириши лозим: тарғибот → *тарбия* → таълим бериш.

Шундай экан, оммавий ахборот воситалари кучидан самарали фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. ОАВда болалар китобхонлиги масалани ёритиш самарадорлигига эришиш учун қуйидаги таклифлар билдирилади:

1. *«Kitob dunyosi», «O'zbekiston adabiyoti va san'ati», «Buxoro kitob olami»* каби болажон китобхонларга мўлжалланган маънавий-маърифий нашрларни кўпайтириш ва болалар ўртасида китобхонлик мавзусини кенг тарғиб этиш лозим.

2. Телевидениеда болалар китобхонлиги ва саводхонлигига доир токшоу ва танлов шаклидаги кўрсатувлар ташкил этиш. Бундай дастурлар болажонларга маънавий билим ва кўмак беради.

3. Оммабоп нашрларда болаларга мўлжалланган махсус саҳифалар, рукнлар ташкил этиш, болалар нашрларида эса хизмат қилади турли танловлар, викториналар ўтказиш китобхонлик даражасини оширишга.

4. Болаларда китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган интернет нашрларни кўпайтириш ва уларда қизиқарли онлайн мусобақа ва танловлар ўтказиш ҳамда мултимедиа имкониятларидан кенг фойдаланиш даркор.

5. Хусусий телеканалларда болалар учун мўлжалланган китобхонлик мавзусидаги телекўрсатувлар, шоулар, викторина ва ижодий учрашувлар ташкил этиш.

6. Интернет нашрларда китобхонлик мавзусида хорижий онлайн курсларни ўрганиб, уларнинг тажрибасини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

7. ОАВда болалар учун тақдим этилган мутолаа тўғрисидаги ахборотлар ўта расмий тилда, жумлалар мураккаб. Бош муҳаррирлар бу масалани алоҳида назорат этишлари зарур.

8. Болалар аудиториясига мўлжалланган ОАВ дизайни болалар психологиясига мос равишда ишлаб чиқилиши керак. Ранглардан тортиб, шрифт тури ва ҳажмигача энг мақбулини танлаш ижобий самара беради.

9. Телефон ва компьютерлар учун болаларнинг китобхонлик маданиятини юксалтирувчи махсус илова, дастур, ўйинлар яратиш.

10. Телевидение, радио ва интернетда болаларнинг китобхонлик маданиятини юксалтирувчи ижтимоий рекламаларнинг сони ва сифатини ошириш керак. Негаки, улар орқали ахборотлар бир эмас, бир неча бора такрорланади. Бу эса зарурий ахборотларнинг болалар хотирасида яхши сақланиб қолишига сабаб бўлади.

11. Босма оммавий ахборот воситаларида китобхонлик тарғиботи асосан матнли кўринишда амалга оширилаётгани айрим ҳолларда болаларнинг у мавзуга эътиборсиз бўлишига олиб келмоқда. Шунинг учун кўргазмали материаллардан ҳам фойдаланиш, турли инфографикалар, карикатуралардан самарали фойдаланиш.

12. Болалар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, бадиий, маърифий, болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг умумий руҳиятини шакллантириш.

Мухтасар қилиб айтганда, ОАВда болаларга мўлжалланган маънавий, таълим-тарбиявий материалларни ёритишда замонавий усул ва воситалардан самарали фойдаланиш. Зеро, жамият фаровонлиги ва саводхонлиги эса аҳоли китобхонлик маданиятининг такомиллашуви асосида амалга ошади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 86-бет.

2. Журналистика. Журналистика ҳуқуқи ва этикаси. II жилд. Ўқув қўлланма. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2019. 47-бет.

3. *Корконосенко С.Г.* Основы журналистики. Изд. второе. – Москва, Аспект Пресс, 2006.

4. Мутолаа маданияти – маънавият манбаи. Услубий қўлланма. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят Ахборот кутубхона маркази Илмий-услубий бўлим. – Бухоро, 2019. 4-бет.

5. *Ўсаров О.А.* Оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти муносабатлари: Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба. Монография. – Тошкент, 2013.

6. *Қосимова Н., Тошпўлатова Н.* Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. – Тошкент, 2014.

МУЗЕЙШУНОСЛИК – МЕН ТАНЛАГАН КАСБ

Гулраъно ОРИФЖОНОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институти таянч докторанти
2013 йилда Навоий номидаги давлат
стипендияси совриндори бўлган

Аннотация. Мазкур мақолада музейшуносликка оид фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: музей, музейшунослик, музеография, этнографик музейшунослик, этнографик коллекция, предмет, экспертиза, санъат асарлари.

Аннотация. В данной статье приводятся взгляды на музейную науку.

Ключевые слова: музей, музеология, музеография, этнографическая музеология, этнографическая коллекция, предмет, экспертиза, произведения искусств.

Abstract. This article presents views on museum science.

Key words: Museum, museology, museography, ethnographic museology, ethnographic collection, subject, expertise, works of art.

Дунёда ҳеч бир миллат ўз тарихини чуқур англамасдан туриб буюк келажакни барпо эта олмайди. Тарих эса ўша халқнинг моддий-маданий мероси, маънавий қадриятлари ва анъаналарида ўз аксини топади. Музейлар эса ўз бағрида тарихни асраб келажак авлодга етказадиган маданий муассасалардан биридир. Музейларимиз хазиналарида сақланаётган моддий ва маънавий маданиятимиз бебаҳо ёдгорликлари бизнинг ким бўлганлигимизни намоён этувчи нодир гувоҳлардир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач республикамиз музейлари фаолиятини тубдан яхшилаш ва замонавий жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада фаолият олиб бориши ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эътиборнинг самараси ўлароқ юртимиз тарихини ўзида мужассамлаштирган замон талаблари асосидаги бир неча музейлар барпо этилди. Жумладан, Тошкентда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи,

«Қатағон курбонлари хотираси» музейи ҳамда Термизда археология музейининг ташкил этилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мавжуд музейлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамда янги музейларни ташкиллаштириш тўғрисида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» (1994 йил 23 декабрь), «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (1996 йил 14 март), «Қатағон курбонлари хотираси» музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» (2002 йил 8 ноябрь)ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (1998 йил 12 январь), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори (1998 йил 5 март) ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2008 йил 12 сентябрь) каби қонун ҳужжатларини фикримизга далил сифатида санаб ўтишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда музеология ва музеография фан соҳаларини ривожланишида Уйғониш даври бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бу, айниқса, янги музейлар ташкил этилишида яққол кўзга ташланади. Фикримизга далил сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги 1003-қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида «Мақом музейи» фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2018 йил 8 августдаги 621-сонли қарори, 2019 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги 443-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26-июлдаги «Эркин Воҳидов мемориал музейи ҳамда Ҳазиний уй-музейи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 630-қарор[1]ларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент музейини ташкил этилиши музейшуносликда эришилган катта ютуқлардан бири бўлди. Музейни ташкил этиш ҳақида давлат раҳбари шу йилнинг 11 январида пойтахтдаги бунёдкорлик ишлари билан тани-

[1] www.lex.uz

шув чоғида тавсиялар берган эди. Адиблар хиёбони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерга жойлаштирилди.

Тошкент шаҳри музейи 2200 йиллик тарихга эга бўлган ҳудуднинг қадим ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, илм-фани, маданияти ва санъатини ўзида акс эттиради. Бундан ташқари Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида «Шон-шараф» давлат музейи барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017–2027 йилларда давлат музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сонли қарорини қабул қилганлиги юртимизда музейлар ривожи истиқболини белгилаб берди.

Менга илк таълимни берган Тошкент шаҳридаги 249-мактабни битирувчилари орасида бугун Ўзбекистон ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган давлат, фан арбоблари, етук олим ва олималар, нуфузли шахсларнинг борлиги қувонарли ҳолдир. Мактаб хотираларини шундай эслайман...

Мактаб, сен менинг ҳаётимда, хотирамда ўзининг ўрнингга эгасан. Яқиндагина жажжи болалик чоғимда қандайдир қувонч, ҳаяжон, қўрқув ила остонангга қадам қўйгандим. Мени кайноқ бағрингга олар экансан, биринчи кунданоқ ажойиб совғаларни ҳадя этдинг. Биринчи қўнғироқ, илк сабоқлар, биринчи муаллим ва партадошим қувноқ қизалоқ...

Ёшлик чоғларимданоқ тарих фанига бўлган қизиқишим мени 2007 йилда ўтказилган фан олимпиадасининг мактаб, туман ва Тошкент шаҳар

босқичларида фахрли 1-ўринни қўлга киритишимга сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида Тошкент давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейининг Хорижий филология йўналишига имтиёзли равишда қабул қилинишимга асос бўлди. Бугун эришган ютукларим замирида мен таҳсил олган академик лицейнинг ҳам ўз ўрни бор. Айнан мана шу академик лицейда олган билимларимга таянган ҳолда ҳеч қандай қўшимча тайёргарликларсиз давлат тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон миллий университетининг санъатшунослик йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Санъатшунослик соҳасини танлашимга асосий сабаб мени кўпроқ юртимиз санъати, маданияти узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой маданий меросимиз тарихини ўрганиш, осори-атиқаларимизни тадқиқ қилиш кўпроқ қизиқтирар эди. Мен таълим олган санъатшунослик йўналишида санъатнинг барча турлари бўйича чуқур билимлар бериб борилар эди.

Юртимиздаги энг кўҳна илм даргоҳи – Ўзбекистон миллий университетида таҳсил олиш жараёнида икки карра иқтидорли талабалар учун таъсис этилган ЎзМУ стипендиясига сазовор бўлдим, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таълим йўналиши бўйича университет, Олмазор туман, Тошкент шаҳар босқичларида голиб бўлиб республика босқичида иштирок этдим. Гарчи ғолибалар қаторидан жой олмаган бўлсамда, бу танловда иштирок менинг илмий изланишларимни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. 2012 йилда санъатшуносликка доир илк изланишларим жамланган «Нафис санъат сирлари» деб номланган илмий-оммабоп рисолам нашрдан чиқди. 2013 йилда эса менинг илмий изланишларим Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлишимга сабаб бўлди.

Бакалавр даражасини олиш учун «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги» мавзусида малакавий битирув ишини ҳимоя қилдим. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳайкалтарошлиги бошқа даврларга қараганда ўзига хос услуби, бадиий тили ҳамда миллий мавзуларга замонавий ёндошуви билан алоҳида ажралиб туради. Бу даврда биргина ҳайкалтарошлик йўналишида 50 дан ортиқ маҳобатли ҳайкаллар юртимиз майдон ва хиёбонларида қад ростлади. Улардан 10 дан ортиги хорижий давлатларда ўрнатилганлиги эса ўзбек ҳайкалтарошларининг асарлари жаҳон майдонларини безаганлигидан далолат беради. Маҳобатли ҳайкалтарошликда тарихий мавзуларга мурожаат килган ҳолда аждодларимиз образларини гавдалантириш билан биргаликда ватан, оила, тинчлик каби мавзуларни ўзида мужассамлаштирган рамзий композициялар

ҳам яратилди. Малакавий битирув ишимда асосан мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳайкалтарошлигида кечган бадиий жараёнларни илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилганман.

Навоий номидаги Давлат стипендиясини қўлга киритишим мени Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти «Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш» мутахассислиги магистратура босқичида имтиёзли равишда ўқишни давом эттиришимга сабаб бўлди. Магистратурада таълим олиш жараёнида Ўзбекистон музейларининг халқаро алоқаларини ривожлантириш бўйича магистрлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб борганман. Мазкур изланишларим самараси ўлароқ 2016 йилда ушбу илм даргоҳини «Йилнинг энг фаол магистранти» сифатида имтиёзли магистр дипломи билан тугатдим.

2016 йилда мазкур институтнинг «Музейшунослик» кафедраси ўқитувчиси сифатида педагогик фаолиятимни бошлаганман. Ана шу ондаёқ устоз сўзининг маъносини чуқур англаганман.

Устоз, муаллим, ўқитувчи – бу сўзларни илк ҳаяжон ила «мактаб» деб аталмиш илм даргоҳига қадам қўйганимизда эшитганмиз. Мурғак қалбимизда ҳаяжон, кўзларимиз умид нигоҳи билан атрофга назар солаётган бир пайтда билим масканига қўлларимиздан тутиб олиб кирган бир сиймо кўз олдимизда гавдаланади. Устоз ҳақида илк тасаввурлар хотирамизда ана шундай тарзда муҳрланиб қолган. Кейинчалик ҳаёт деб аталмиш катта йўлга қадам ташлаётганимизда ҳам, билим деб аталмиш ғаройиб дуру-жавоҳирларни терганимизда ҳам, бизга сабоқ бериш билан биргаликда ўзларининг кўмакларини, маслаҳатларини аямаган инсонлар ҳам устозлардир.

Руҳшуносларнинг маълумотларига қараганда, педагоглик соҳаси дунёдаги энг қийин соҳалардан бири ҳисобланар экан. Бу соҳада бошқа соҳа вакилларига қараганда чидамлироқ, саботлироқ, ва меҳрибонроқ инсонлар фаолият олиб боришаркан. Педагоглик соҳасида асабийлашиш ҳолатлари бошқа соҳаларга қараганда юқорироқ бўлади. Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтмоқ жоизки, устозлар ўзларидаги бор билимни ўқувчиларга беришар экан, ўз соғлиқларидан бир чимдимини ҳам қўшиб берадилар. Бу берилган билимнинг куртагини ва мевасини кўрган ҳар бир муаллим шунчалар шодланадики, боши бахтдан осмонларга етади гўё. Бунга мисол сифатида қуйидаги воқеани баён этмоқчиман:

Ўша куни олинган билимларнинг имтиҳони куни эди. Тадбир қатнашчилари ҳаяжонидан кўра ўқитувчилар ҳаяжони чексиз. Билимлар имтиҳо-

ни ўз поёнига етгач, натижани эшитганимизда устозларимиз биздан кўра кўпроқ қувонгандилар. Ҳа, албатта, ҳар бир муаллим учун меҳнатининг самарасини кўришдек бахт бўлмаса керак.

Илк ҳарфлар, илк сабоқларни бизга ўргатиб билимлар оламининг эшигини очиб берган бу буюк зотларга нисбатан қалбимизда улкан эҳтиром ҳиссини туямиз. Уларга қанча таъзимда, эҳтиромда бўлмайлик, буларнинг барчаси уларнинг меҳнатлари олдида денгиздан томчидек гўё. Зеро, Алишер Навоийнинг шундай мисраларини унутмаслик даркор:

Кимки, ҳарф ўргатмиш сенга ранж ила,
Анинг ҳаққин адо қилиб бўлмас, юз ганж ила.

Бугун мен ҳам менинг ҳаёт йўлимда таълим берган устозларда чин дилдан ҳурмат ва эҳтиром билан таъзимдаман.

2018 йилдан Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти 17.00.06 – Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ихтисослиги таянч докторанти сифатида илмий тадқиқотларимни бошладим.

Менинг илмий изланишларим 2015 йил 8–9 октябрда ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги II республика илмий-амалий конференциясининг «Мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустаҳкам эътиқодига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари» шўъбасидаги «Энг яхши мақола» учун диплом билан тақдирланган. 2019 йилда эса институтнинг «Йилнинг энг яхши докторанти» деб топилганман.

Ҳозирда диссертация ишимни ҳимоя қилиш арафасидаман. Илмий тадқиқот ишим «XIX–XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишнинг тарихий-маданий жиҳатлари» деб номланади. Айнан илмий тадқиқот жараёнида 40 дан ортиқ Ўзбекистоннинг турли ихтисосликдаги музейлар ва хориждаги ўндан зиёд музейларда сақланувчи этномаданий мерос намуналарини ўрганганман. 2018 йилда Санкт-Петербург давлат маданият институтида малака оширишда бўлдим. Жаҳон музейларидан Кунсткамера, Кижи, Россия этнография музейи, Эрмитаж музейи, Пушкин номидаги Рус давлат музейи, Дунё динлари тарихи музейи, Бранли музейи (Франция), Берлин этнография музейлари тажрибаси, уларда сақланувчи Ўзбекистонга доир этнографик коллекция ва предметларни илмий тадқиқ қилишга муваффақ бўлдим.

Моддий ва маънавий меросни сақлашда бугунги кундаги музейларнинг ўрни беқиёс бўлиб, улар ўзининг бугунги фаолияти билан аввалги музейлардан тубдан фарқ қилади. Замонавий музейлар маданий меросни янги қирраларини очар экан, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик принципига алоҳида эътибор бермоғи лозим. Чунки бу саъй-ҳаракатлар этномаданий келишмовчиликларни олдини олиш ва бошқа халқлар маданиятига нисбатан ҳурмат ҳисларини уйғотишда муҳим аҳамиятга эга. Тарихий маданий меросни сақлаш, уни авлодларга етказишда, шунингдек, миллий истиқлол ғояларини қарор топтириш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик, тарихий-маданий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиз[1].

Бу ўринда музейларнинг ўрни катта бўлиб, юртимизда Миллий Этнография музейининг ташкил этилиши долзарб аҳамият касб этади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлари, анъана, моддий ва маънавий меросини ўзида ифодаловчи Миллий мақомга эга Этнография музейини ташкил этиш ўзбек музейшунослиги ривожида муҳим ҳодисадир. Мазкур музей жаҳонга Ўзбекистон маданияти ва санъати, бу ерда истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ва анъаналарини кўрсатиб берувчи ўзига хос музейлардан бири бўлиши лозим.

Ўзбекистонда юқорида келтирилган илмий концепцияга эга, жаҳон этнографик профилдаги музейлари тажрибаси татбик Этнография музейини ташкил этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Юқорида санаб ўтган ютуқларимнинг барчаси биз ёшларга берилган имкониятларнинг самарасидир. Келгусидаги режаларим ўз илмий изланишларим билан Ўзбекистон олима аёллар қаторидан жой олишни ҳамда юртимиз ривожига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшишини ният қилганман. Бугун онам мен кўлга киритган ютуқлар Ўзбекистонда биз ёшларга берилаётган чексиз имкониятлар билан боғлиқлигини кўп таъкидлайдилар. Мен ҳам сен каби ёш бўлиб колсайдим, деб ҳавас нигоҳлари билан боқадилар.

Хулоса килиб шуни айтиш жоизки, бугунги кунда замонавий музейшунослик олдида қатор ўз ечимини топиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Ҳозирги глобаллашув шароитида маданий меросни сақлаш муҳим вазифалардан бирига айланиб бориши ҳам жаҳондаги ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англаб етаётганлигидан дарак беради.

[1] *Ж.Х. Исмаилова, М.С. Мухамедова.* Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. 3-бет.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Миллий мақомга эга бўлган Этнография музейини ташкил этиш замонавий музейшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон музейлари фондининг энг бой бўлимларидан бири бу этнография бўлимлари ҳисобланади. Деярли ҳар бир музейда этнография бўлими мавжуд бўлиб, ўзида ноёб ва кўп сонли ашёларни сақлайди. Бугунги кунда кўплаб ривожланган давлатларда этнографияга бағишланган музейлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам Миллий мақомга эга Этнография музейининг ташкил этилиши борасида кўплаб мазкур соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Замонавий музейшунослик ва жаҳон музейлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Этнография музейини қуйидаги тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда этнография музейини ташкил этиш учун қуйидаги таклифларни санаб ўтиш мумкин:

1. Аввалambор, музей уч катта бўлимни ўз ичига олиши лозим. Биринчи бўлим қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида яшаган аждодларимиз турмуш тарзи, уй-рўзғор буюмларини, кийим-кечак ва тақинчоқларини, маросим урф-одатлари ва маданиятини ўзида жамлаган экспозицияга эга хронологик тарздаги, даврлаштирилган тарихий бўлимни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур бўлимда замонавий технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда этнографияга оид илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб олимлар томонидан тикланган қадимги халқларнинг қўшиқлари, турмуш тарзи, маросимлари видео тарзида намойиш этилиши экспозициянинг аҳамиятини янада оширади. Бу каби кўргазмаларга янгича ёндошув жаҳоннинг бошқа музейлари амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Фикримизга далил сифатида Лейден Этнология музейидаги қадимги қабилалар ва шаманларнинг буюмлари, қабиланинг маросим рақслари ва қўшиқлари жонли тарзда видео орқали намойиш этилишини келтириб ўтсак бўлади[1].

2. Музейнинг иккинчи бўлими Ўзбекистон ҳудудлари аҳолисининг маданияти, урф-одатларини ўзига хослигига бағишланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Асрлар давомида ҳар бир ҳудуд, воҳа ва қишлоқларда ўзига хос бўлган ва фақат шу ҳудуд ва унинг аҳолисигагина хос бўлган маданият, санъат, урф-одат, турмуш тарзи шаклланган. Бу бирор бир ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг миллий кийимлари, соч турмаклари, тўй маросимлари, безаклари билан бошқа жойлардан яққол ажралиб туради, санъатнинг

[1] *Қаюмова Ш.* Музейлар ва замонавий технологиялар // «Мозийдан садо». 2013. №1 (57). 10-бет.

бирор-бир тури айнан шу масканда ўзининг юкори даражасига кўтарилгани билан намоён бўлади. Масалан, Самарқанд нонини фақат шу ердагина тайёрлаш имконияти борлиги, Тошкент – Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Қашқадарё – Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон миллий либослари, рақслари, куй ва қўшиқларидаги ўзига хос ва фарқли жиҳатларни кенг оммага намойиш этиш айнан мана шу бўлимнинг вазифаси сифатида белгиланиши лозим.

3. Музейнинг учинчи бўлими Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг этнографиясини ўзида акс эттирмоғи даркор. Бу бўлим бевосита Ўзбекистонда фаолият юритаётган Байналмилал маданият маркази ҳамда диаспорларнинг миллий маданият марказлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятини йўлга қўйиши керак. 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг маданияти, санъати, турмуш тарзидаги ўзига хосликларни кўрсатиб бериш, миллий байрамлардан олинган лавҳалар, суръатлар, видеолар орқали экспозиция яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Музейда ушбу бўлимнинг ташкил этилиши Этнография музейининг жаҳоннинг бошқа этнография музейларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусияти бўлиб хизмат қилса ажаб эмас. Бундан ташқари бу бўлим 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг маданияти, санъати, урф-одатлари билан кенг оммани таништирибгина қолмай, миллатлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат килиб, музейларнинг тарбиявий функциясининг аҳамиятини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти, халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 48-бет.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. 80-бет.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // http://uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-oas-28-12-2018.

4. «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37–38. 12–20-бетлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сонли Фармони // http://lex.uz/ru/docs/3107036.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3022-сонли Қарори // «Халқ сўзи», 2017 йил 1 июнь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6000-сонли Фармони // https://nrm.uz/

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017–2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сонли қарори // http://lex.uz/ru/docs/3457075?otherlang=4

9. *Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Муҳамедова М.С.* Музей ва жамият (дарслик). – Т.: Chinor ENK, 2015. 121-бет.

10. *Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С.* Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. 320-бет.

11. *Қаюмова Ш.* Музейлар ва замонавий технологиялар // «Мозийдан садо» журнали. 2013. № 1 (57). 10-бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАР СИЁСАТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Ҳасан ОРИПОВ,
Самарқанд давлат университети магистранти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсатидаги ислоҳотлар, ёш авлод тарбияси, уларни комил инсон қилиб вояга етказиш, халқ ва миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўя оладиган ёшларни тарбиялаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ёшлар, маънавият, маърифат, ёшлар сиёсати, тарбия, ижтимоий ҳаёт, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования молодёжной политики в Республике Узбекистан, содержит предельно общие подходы к проблемам воспитания молодого поколения, способного ставить интересы народа и нации выше собственных интересов, к пониманию проблемы в целом и отдельных ее аспектах, в частности, внесение молодёжи в жизнь общества такой по масштабу и характеру вклад, какую систему идей, ценностей, знаний и нравственных качеств заложит в нее общество.

Ключевые слова: молодежь, духовность, просветление, молодёжная политика, воспитание, общественная жизнь, правовая культура, правосознание.

Abstract. The article discusses the formation of youth policy in the Republic of Uzbekistan, it contains extremely general approaches to the problems of educating the young generation that can put the interests of the people and the nation above their own interests, understanding the problem as a whole and its individual aspects, in particular, introducing youth into society the scale and nature of the contribution, which system of ideas, values, knowledge and moral qualities society will lay in it.

Key words: youth, spirituality, enlightenment, youth policy, education, social life, legal culture, legal awareness.

Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олиш каби масалаларга бевосита боғлиқ. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани жаҳолатга қарши – маърифат тамойили асосида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай дейилади: «Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак» [1]. Бундан кўриниб турибдики, жамиятимизда ёшларга оид давлат сиёсатидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилнинг 14 сентябрида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сонли қонунининг қабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўлларини белгилаб берди [2]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармонида ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш муҳимлиги қайд этилган [3]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартда «Ал-Хоразмий номидаги халқаро физика ва математика мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги 171-сонли қарорини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак [4].

Бизга маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади. Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган.

Ёшларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш мақсадида таълим муассасалари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республика бўйича олий таълим муассасалари жами 129 та, улардан 25 та чет эл олий таълим муассасалари филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Биргина мисол, Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 2016 йилда 77 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 229 тага етди. Бу рақамлар ўсишда давом этмоқда [5]. Энг муҳими, қабул жараёнларидаги шаффофликнинг таъминланиши билимли ёшларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида биргина Самарқанд давлат университетида 21 нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, 106 нафар Беруний, Навоий, Улуғбек, И. Каримов номидаги давлат стипендияси совриндорлари, 252 нафарга яқин талабалар фан олимпиадалари ғолиблари бўлишди.

Халқ таълими тизимида ҳам ёшларга қаратилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш жоиз. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ Қорақалпогистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилиши ва Президент мактабларининг асосий вазифалари белгиланган. Унга кўра, Президент мактабларида таълим жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга оширилиши, Президент мактабларида STEAM – (science – табиий фанлар, technology – технологиялар, engineering-техник ижодкорлик, art – санъат, mathematics – математика) дастури жорий этилиши, Президент мактаблари битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини тақдим этувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate. Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилиши каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури доирасида 2019 йил давомида ёшларнинг 1 минг 991 та бизнес лойиҳаларига жами 458,3 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Республика бўйлаб 10 та «Ёш тадбиркор» коворкинг маркази ҳамда 54 та «Ёшлар меҳнат гузари» комплекслари қурилиб фойдаланишга топширилиши орқали жами 573 та янги иш ўринлари яра-

тилган. Давлат дастури доирасида ёшларнинг умумий қиймати 15,3 млрд сўмлик лойиҳаларига жамғарма кафиллиги тақдим этилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашилди. Шунингдек, Давлат дастури доирасида имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорларнинг 750 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлари чет элга экспорт қилинди [6].

Президентимиз ёшларга эътиборни кучайтириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни ишлаб чиқдилар.

Жумладан, биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилишдир. Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён килишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни шакллантириш. Бешинчи ташаббусда эса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Ана шу эзгу ғоя Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур ҳудуддаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусхада бадиий адабиётлар етказиб берилди. Мусиқа ва санъат мактаблари чолғу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, «Маърифат карвони» ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари етказиб берилди.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти

5. *Прилепская В.Н., Бебнева Т.Н.* Роль вируса папилломы человека в развитии рака шейки матки В: Профилактика рака шейки матки. Руководство для врачей под редакцией Г.Т. Сухих и В.Н. Прилепской. – М: МЕД-пресс-информ 2012; 26–29.

6. *Fausch S.C.* Human papillomavirus can escape immune recognition through Langerhans cell phosphoinositide 3-kinase activation. – Sex Transm Dis 2001; 226-31.

7. *Stanley M.A.* Practitioner's Guide to Understanding Immunity to Human Papillomavirus. US Obstetrics and Ginecology. 2009; 4 (1): 10-15.

8. *Fleischer A.B. Jr, Parrish C.A., Glenn R., Feldman S.R.* Condylomataacuminata (genital warts): patient demographics and treating physicians. – SexTransmDis. 2001 Nov; 28 (11): 643-7.

9. *Бдайциева Э.Т.* Оценка распространенности папилломавирусной инфекции. Сборник научных статей МПФ ППО ММА им. И.М. Сеченова «Профилактическая медицина по практическому здравоохранению». – 2010; (4): 193–198.

10. *Рахматулина М.Р., Большенко Н.В., Куевда Д.А.* Особенности клинического течения папилломавирусной инфекции в зависимости от генотипа и количественных показателей вирусов папилломы человека высокого онкогенного риска. Вестндерматолвенерол 2014; (3): 95-105.

11. *Дмитриев Г.А., Биткина О.А.* Папилломавирусная инфекция. – М: Медицинская книга. 2006; 76.

12. *Бутов Ю.С., Скрипкин Ю.К., Иванов О.Л.* Дерматовенерология. Национальное руководство. Краткое издание. – М: ГЭОТАР-Медиа 2013; 209.

13. *Роговская С.И.* Распространенность папилломавирусной инфекции в России. Эпидемиология. Вакцинопрофилактика 2012; (1): 25-33.

14. *Шперлинг Н.В., Венгеровский А.В., Шперлинг И.А.* Применение циклоферона при папилломавирусной инфекции гениталий. Пособие для врачей. СПб: 15.

15. *Беляева В.В.* Папилломавирусная инфекция (бородавки): аспекты клиники и лечение. Клин дерматолвенерол 2011; (5): 97–100.

КРАХМАЛ ВА ИНУЛИН САҚЛОВЧИ ХОМАШЁЛАРНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ ОРҚАЛИ ЭТАНОЛ ВА ОҚСИЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Акмалжон БОБОЕВ,
Тошкент кимё-технология институти тадқиқотчиси таянч докторантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби

Аннотация. Этил спирти ишлаб чиқаришда крахмал ва инулин сақловчи хомашёларни комплекс қайта ишлашнинг ресурстежамкор технологияси таклиф қилиниб, буғдой таркибидаги оқсилдан биологик фаол моддалар олиш усуллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, қобиғи ажратилган юқори крахмалли ундан тайёрланган суслони бижғитиш жараёнига таъсир этувчи салбий омиллар ва уларни топинамбур суслоси билан бартараф этиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: топинамбур, фермент, бражка, сусло, этанол, технология, биосинтез, оқсилли фракция, бижғиш.

Аннотация. Предложена ресурсосберегающая технология комплексной переработки крахмала и инулинсодержащего сырья при производстве этилового спирта, а также разработаны способы получения биологически активных веществ из белка пшеницы. Также было показано, что негативные факторы, влияющие на процесс брожения сусла, приготовленного из высококрахмалистой зерновой муки без отрубей, можно устранить путем добавления сусла топинамбура.

Ключевые слова: топинамбур, фермент, бражка, сусло, этанол, технология, биосинтез, белковая фракция, брожение.

Abstract. The resource-saving technology of complex processing of starch and inulin-containing raw materials in the ethanol production has been proposed and the methods for obtaining biologically active compounds from wheat protein have been developed. It has also been shown that the negative factors effecting

on fermentation process of wort, made from wheat flour with rich protein and bran isolated, can be eliminated by adding Jerusalem artichokes wort.

Key words: Jerusalem artichoke, enzyme, mash, wort, ethanol, technology, biosynthesis, protein fraction, fermentation.

Озик-овқат этил спирти ишлаб чиқариш учун асосан таркибида крахмал ва сахароза тутган хомашёлар ишлатилади. Этил спиртига бўлган талаб юқори бўлиб, у асосан озиқ-овқат саноатида турли алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришда, тиббиёт саноатида, косметика саноатида, кимё саноатида ва кўпгина мамлакатларда ички ёнув двигателларида ёқилғи сифатида ишлатилади [1-3].

Охирги йилларда, этил спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашёлар таркибидаги қўшимча моддалардан мақсадли фойдаланиш, анъанавий хомашёлар билан бирга ноанъанавий хомашё турларини қўллаган ҳолда, ишлаб чиқариш унумдорлигини ва тайёр маҳсулотлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда инновацион технологияларнинг халқ хўжалигига татбиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Илмий изланишларни ривожлантириш йўналиши маҳаллий хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим [4].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сонли «Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сонли «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилади [5].

Жаҳонда этил спирти ишлаб чиқаришда донли хомашёлар таркибидаги заҳира моддалардан унумли фойдаланиб, ферментатив гидролиз йўли билан биологик фаол қўшимчалар олиш, ажратиб олинган гидролиз маҳсулотларнинг биологик фаоллигини аниқлаш, шунингдек топинамбурнинг биополимерларини қандлаштиришни мўътадил шароитлари ва усулларини ишлаб чиқиш устида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларда асосан донли хомашёлардан спирт ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологияларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Этил спирт ишлаб чиқариш учун донли экинлардан ташқари топинамбур ўсимлигига ҳам қизиқиш ошиб бормоқда. Топинамбур (Helianthus tuberosus) – кўп йиллик ўсимлик бўлиб, тахминан 1–3 метр узунликдаги поядан, кичик сариқ гуллар, овал шаклидаги барглар ва ер остида жойлашган илдизмевалардан иборат [6, 15-17].

Топинамбур, мавжуд анъанавий қишлоқ хўжалиги экинларига қараганда бир қатор ижобий кўрсаткичлари билан ажралиб туради, жумладан, юқори ўсиш суръати, совуққа чидамлилик, қурғоқчилик ва паст унумдорли тупроқ, зараркунандалар ва ўсимлик касалликларига бардошли, ўғитга эҳтиёжи жуда кам [6, 7]. Одатда, топинамбур озиқ-овқат ёки чорва учун ишлатилган [8, 9], лекин охирги йигирма йил ичида ундан функционал озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан инулин, олигофруктоза ва фруктоза ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда [10, 11]. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида, топинамбурдан биоэтанол ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланишга бўлган қизиқиш тез ортиб кетди [12-14].

Топинамбур илдизмеваси биокатализаторлар ёрдамида осон гидролизланадиган инулинга бой. Этанолнинг рентабеллик кўрсаткичи шакарқамишникига тенг ва жўхориникидан икки баробарга кўпроқни ташкил этади. Топинамбурнинг бу хусусиятлари сабабли, у этанол ишлаб чиқариш учун энг яхши ноанъанавий хомашё ҳисобланади [12, 13, 18-21].

Асосий қисм. Тадқикот ишини бажаришда физик-кимёвий, биокимёвий, фотоколориметрик ва ферментатив усуллардан фойдаланилган. Шунингдек буғдой ва топинамбурнинг маҳаллий навлари, «Нейтраза», «Амилекс 4Т», «DIAZYME-SG2» фермент препаратлари (Новозаймс, Дания), Пролайв РАС 30L, (ЭнзимБИОПродукт, Россия) ҳамда, Брюзайм BGX, Пектин ХСП (Русфермент, Россия) фермент препаратлари ишлатилган.

Буғдой янчилмасини фракциялаб, қайта ишлашда унинг таркибидаги анорганик ва органик бирикмалар микробиологик ва биокимёвий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Маълумки, минерал моддаларнинг асосий қисми хомашёнинг мева қобиғида жойлашган бўлади. Шунинг учун, буғдой эндоспермаси ва ташки мева кобиғи кимёвий таркиби билан бир-биридан фарқланади. Буғдой уни таркибидаги кулдорлик ўртача 1,68% ни ташкил этса, буғдой кепагида эса 5,95% ни ташкил этади. Топинамбур туганагида эса кулдорлик қуруқ моддасига нисбатан ўртача 6,3% га тенг.

Бугдойдан спирт ишлаб чиқаришда буғдой янчилмасини фракциялаб, фақат буғдой уни спирт ишлаб чиқаришга берилганда минерал моддаларнинг камлиги бижғиш жараёни тўлиқ кетмаслигига сабаб бўлади.

Таққослаш учун анъанавий технология бўйича буғдой янчилмаси ва топинамбур хомашёсини бижғитиб тайёрланган етилган бражка олинди.

Бундан ташқари, бижғиш жараёнида юз берадиган ферментатив реакциялар тезлигининг камайиши ҳам бижғиш жараёнини давомийлигининг узайишига сабаб бўлади.

Оқсилга бой ун фракциясидан олинган спирт таркибида сивуха мойларнинг миқдори юқорилиги билан фарқланади. Бунга сабаб оқсилнинг гидролизланиши натижасида муҳитда аминокислоталарнинг миқдори юқори бўлиши ҳисобланади [1]. Донли хомашёларни қайта ишлашда оқсилларнинг гидролизланиши натижасида пептидлар ва аминокислоталар ҳосил бўлади. Аминокислоталар ҳосил бўлиши билан бир қаторда тескари жараён – аминокислоталарнинг аминсизланиш жараёни ҳам бориши мумкин [1, 22]. Бу жараён қандай шароитда содир бўлишига қараб аминокислоталар кўп сонли бошқа азотсиз бирикмалар манбаи бўлиши ҳам мумкин. Масалан, аминокислоталар қайтарилиб аминсизланиши натижасида ёғ кислоталар ҳосил бўлади:

Буғдой янчилмасини пиширишжараёнидан сўнг оқсилли фракцияни ажратиб бижғитиш жараёнлари ҳам ўрганилди. Бу жараёнда фақат крахмал гидролизга учратилади. Сувда эримайдиган оқсиллар (глобулин, проламин ва глютелин) ўзгармай қолади. Жараён тугагандан сўнг пиширилган массанинг суюқ фазаси фильтрланиб ажратиб олинади. Қаттиқ фаза – чўкма эса ажратиб олиниб ювилади ва қуритишга берилади.

Суюқ фаза таркиби асосан декстринлар, органик бирикмалар ва сувда эрийдиган оқсиллардан иборат бўлиб, бижғитиш учун кейинги жараёнларга берилади. Суюқ фаза, яъни пиширилган суслога β-амилаза ва нейтрал протеиназа ферментлари қўшилади. Нейтрал протеиназа сувда эрувчан оқсилларни гидролизлаб аминокислоталар ва пептидлар ҳосил қилади. β-амилаза таъсирида эса декстринлардан мальтоза ва глюкоза ҳосил бўлади. Сувда эрувчан оқсилларнинг гидролиз маҳсулотлари ачитқиларни нормал ишлаши ва кўпайиши учун етарли ҳисобланади [23].

Ўтказилган тадқиқотлар бижғишдан кейин спиртнинг миқдори шартли крахмалга нисбатан қисман камайишини кўрсатди. Лекин оқсилли фракция таркибидаги оқсил миқдори 48–52% бўлди, бу кўрсаткич назорат намунасида (бардада) 26–28% ташкил этди.



1-расм.
Буғдой кепаги ва бугдой оксилларини ажратиш йўли билан этил спирти олиш технологияси:
1 – бункер; *2* – элак; *3* – аралаштириш ускунаси; *4* – контакт каллаги; *5* – ГДФО ускунаси; *6* – фазали сепаратор; *7* – глютенни ювиш қурилмаси; *8* – плунжерли насос; *9* – кандлаштириш ускунаси; *10* – совитиш қурилмаси; *11* – қуритгич; *12* – бижғитиш сиғими; *13* – бражка учун насос; *14* – ректификациялаш колонналари.

Шундай қилиб, буғдойдан спирт олиш жараёнида гидролитик ферментларни мақсадли қўллаш, хомашёдан самарали фойдаланиш ва маҳсулотларнинг озуқавий қийматини сақлаб қолиш имкониятини беради. Олинган натижалар асосида, буғдой ва топинамбурни комплекс қайта ишлаб, этанол ва оксилли маҳсулотлар ишлаб чиқариш такомиллаштирилган технологияси таклиф этилди (1-расм).

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фракцияланган буғдой янчилмаси асосида олинган қандлаштирилган шарбатни бижғитишда хомашё таркибидаги аминли азот ва минерал моддалар танқислиги олинаётган маҳсулотнинг чиқишига ва қандлаштирилган суслони бижғиш сифатига салбий таъсир этиши, буни олдини олиш учун топинамбур сусласидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишида крахмал миқдори юқори бўлган буғдой унидан тайёрланган қандлаштирилган шарбатни бижғитиш учун топинамбур шарбатидан фойдаланишнинг афзаллик томонлари кўрсатилган. Бу усулни қўл-

лаш жараёнида турли хомашёлардан олинган етилган бражканинг кимёвий таркиби ўрганилган. Олинган натижалар асосида буғдойни қайта ишлаб спирт, буғдой кепаги ва клейковина ишлаб чиқаришда топинамбур шарбатидан фойдаланишни ресуртежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда топинамбур туганагидан этил спирти ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш орқали буғдой сарфини камайтириш, шунингдек, донни чуқур қайта ишлаб унинг таркибидаги қўшимча моддалардан биологик фаол моддалар, антиоксидант хоссали пептидлар олиш имкониятлари яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Яровенко В.Л.* Технология спирта. М. Колос 2002. С. 465 с.

2. *Зуева Н.В., Востриков С.В.* Влияние ферментных препаратов различного действия на динамику накопления сбраживаемых углеводов // Производства спирта и ликеровочных изделий. – Москва, 2008. – № 4. С. 7–9.

3. *Поляков В.А., Римарева Л.В.* Научное обеспечение инновационного развития спиртовой отрасли на пути интегрирования в мировую экономику // Производство спирта и ликероводочных изделий. – 2013. № 1, С. 4–8.

4. *Рахимов Д.А., Абдуазимов Б.Б., Салихов С.А.* Ўзбекистонда яратилган топинамбурнинг «Файз барака» нави углеводлари ва уларнинг қўлланиш имкониятлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали – Т., ТДИУ. № 1 сентябрь 2011 йил.

5. http://www.lex.uz

6. *Duke, J.A.*, 1983. Handbook of Energy Crops. Published via internet. http://www.hort.purdue.edu/newcrop/duke_energy/helianthus_tuberosus.html

7. *R. Slimestad, R. Seljaasen, K. Meijer, S.L. Skar.* Norwegian-grown Jerusalem artichoke (Helianthus tuberosus L.): morphology and content of sugars and fructo-oligosaccharides in stems and tubers, J. Sci. Food Agric. 90 (2010). P. 956-964.

8. *X.Y. Ma, L.H. Zhang, H.B. Shao, G. Xu, F. Zhang, F.T.* Ni, M. Brestic, Jerusalem artichoke (Helianthus tuberosus), a medicinal salt-resistant plant has high adaptability and multiple-use values, J. Med. Plants Res. 5 (2011) P. 1272-1279.

9. *C.J. Swanton, A.S. Hamill.* Jerusalem Artichoke. Factsheet, Ministry of Agriculture and Food, Ontario, 1994. P. 077–94.

10. *I. Panchev, N. Delchev, D. Kovacheva, A. Slavov.* Physicochemical characteristics of inulins obtained from Jerusalem artichoke (Helianthus tuberosus L.), Eur. Food Res. Technol. 233 (2011) P. 889–896.

11. *W. Praznik, E. Cie_slik, A.* Filipiak-Florkiewicz, Soluble dietary fibers in Jerusalem artichoke powders: composition and application in bread, Nahrung 46 (2002). P. 151-157.

12. *J.Cepl, P. Kasal, H. Souckova, A. Svobodova, P. Bucher.* Non-food production of Jerusalem artichoke (Helianthus tuberosus) and possibilities of its energetic utilization, Actual Tasks Agric. Eng. – Zagreb 40 (2012). P. 517-526.

13. A. *Wieczorek.* The Jerusalem artichoke Helianthus tuberosus as potential energy source, Acta Aliment. Pol. 14 (1988). P. 115-122.

14. *L. Yang, Q. He, K. Corscadden, C. Udenigwe.* Review: The prospects of Jerusalem artichoke in functional food ingredients and bioenergy production // Biotechnology Reports. – 2015. № 5. P. 77-88.

15. *A. Monti, M.T. Amaducci, G. Ventur.,* Growth response, leaf gas exchange and fructans accumulation of Jerusalem artichoke (Helianthus tuberosus L.) as affected by different water regimes, Eur. J. Agron. 23 (2005). P. 136-145.

16. *A. Tassoni, N. Bagni, M. Ferri, M. Franceschetti, A. Khomutov, M. Paula Marques, S.M. Fiuza, A.R. Simonian, D. Serafini-Fracassini.* Helianthus tuberosus and polyamine research: past and recent applications of a classical growth model, Plant Physiol. Biochem. 48 (2010). P. 496-505.

17. *S.J. Kays, S.F. Nottingham.* Biology and Chemistry of Jerusalem artichoke: Helianthus tuberosus L., CRC press, Boca Raton, FL, 2007. P. 496.

18. L.L. Li, L. Li, Y.P. Wang, Y.G. Du, S. Qin, Bio-refinery products from the inulincontaining crop Jerusalem artichoke, Biotechnol. Lett. 35 (2013). P. 471-477.

19. *J. Matías, J. Gonza'lez, J. Cabanillas, L. Royano.* Influence of NKP fertilization and harvest data on agronomic performance of Jerusalem artichoke crop in the Guadiana Basin (Southwestern Spain), Indus. Crops Prod. 48 (2013). P. 191-197.

20. *N. Kosarik, G.P. Cosentino, A. Wieczorek.* The Jerusalem artichoke as an agricultural crop, Biomass 5 (1984). P. 1-36.

21. *Л.Н. Крикунова, В.А. Песчанская Е.В. Дубинина.* Некоторые аспекты производства дистиллята из клубней топинамбура. Часть 1. Динамика распределения летучих компонентов при дистилляции сброженного сусла техника и технология пищевых производств. 2017. Т. 44. № 1. С. 17–23.

22. *Джаникулова У.Б.* Биотехнология получения фруктозного сиропа из топинамбура: Дисс. канд.биол.наук: – Ташкент, 2008. С. 204.

23. *Бобоев А.Х., Хасанов Х.Т.* Влияние продуктов гидролиза различных белков пшеницы на процесс спиртового брожения // Ўзбекистон кимё журнали. – 2017. № 6. 53–59-бетлар.

O‘ZBEKISTONDA IQTISODIY KLASTERLARNI SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Nigora MAXMASOBIROVA,
TDShU tayanch doktoranti O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi sovrindori

Annotatsiya. Mazkur maqolada O‘zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish masalalari ko‘rib chiqilgan bo‘lib, mamlakatimizda klasterlarni rivojlantirishning hozirgi holati, muammolari, bu yo‘nalishda xorij tajribasidan foydalanish imkoniyatlari tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: klaster, klasterlashtirish, ixtisoslashuv, raqobatbardoshlik, mintaqaviy rivojlanish, innovatsiyalar, inson kapitali.

Abstract. This article examines the formation of economic clusters in Uzbekistan, analyzes the current state, problems and perspectives for the development of clusters in Uzbekistan, and the possibility of using world experience in this field.

Key words: clusters, clustering, specialization, competitiveness, regional development, innovation, technoparks, human capital.

Аннотация. В данной статье рассматривается формирование экономических кластеров в Узбекистане, анализируется современное состояние, проблемы и перспективы развития кластеров в Узбекистане, а также возможности использования мирового опыта в этой области.

Ключевые слова: кластеры, кластеризация, специализация, конкурентоспособность, региональное развитие, инновации, технопарки, человеческий капитал.

Bugungi kunda milliy iqtisodiyotni rivojlantirishning uzoq muddatli maqsadlariga erishish, aholi turmushi farovonligini oshirish, innovatsion taraqqiyot va raqobatbardoshlikni ta’minlash, fan-ta’lim-ishlab chiqarish uchburchagining samarali faoliyat olib borishida muhim omillardan biri sohaviy tuzilmalar – klasterlar sanaladi.

Hududiy jihatdan yaqin hamda funksional jihatdan bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan tashkilotlar, ishlab chiqarish hamda xizmat ko‘rsatish korxonalari, ilmiy-tadqiqot institutlari, ta’lim maskanlarining birlashmasi hisoblanuvchi klasterlar tovar va xizmatlarni biznes tarmoqlari orqali tarqatish tezligini oshiradi hamda nafaqat alohida hudud yoki tarmoqning, balki butun mamlakatning raqobatbardoshligini oshirish imkoniyatini beradi. Shuningdek, klasterning yuqori samarali ishlab chiqarish-texnologik tuzilishi natijasida innovatsiyalarni yaratish uchun ilmiy tadqiqotlarga hamda tijoriylashtirishga sarflanadigan xarajatlar nisbatan ancha kamayadi. Bu esa klaster ishtirokchilariga uzoq vaqt mobaynida barqaror innovatsion faoliyat olib borish imkonini beradi.

Hozirda dunyoning ko‘plab rivojlanayotgan mamlakatlari iqtisodiyotida klasterlar muhim ahamiyat kasb etadi. Misol uchun, Yevropa Ittifoqidagi 3 mingdan ortiq sanoat klasterlarida ishchi kuchining deyarli 46 foizi band hisoblansa, AQSH axborot texnologiyalari klasterlari hisobiga jahon yuqori texnologik bozorlarda yetakchilik qiladi. Osiyo mamlakatlarida klasterlar eksportga yo’naltirilgan iqtisodiyot negizida rivojlanib, ular sanoat, innovatsiyalar, kichik biznesni qo‘llab-quvvatlashda davlatning instrumenti sifatida namoyon bo‘ladi.

Jadal sur’atlarda rivojlanib borayotgan O‘zbekiston uchun iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, ishlab chiqarishga zamonaviy texnika va texnologiyalarni jalb qilish, innovatsion faoliyatni rivojlantirish, ayniqsa fan-ta’lim-ishlab chiqarish integratsiyasini ta’minlash muhimdir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2018-yilning 28-dekabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga qilgan murojaatnomasida ham iqtisodiyot tarmoqlarini, ayniqsa, qishloq xo‘jaligini klaster tizimlari orqali rivojlantirish masalasi haqida to‘xtalib o‘tgan edi. Shuningdek, 2020-yilning 4-fevral kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev qishloq xo‘jaligida klasterlar faoliyatini yanada rivojlantirish masalalari bo‘yicha yig‘ilish o‘tkazdi va milliy xo‘jaligimizda klasterlar faoliyatini yanada rivojlantirish bo‘yicha muhim masalalar muhokama etildi. Innovatsion faoliyatni yuksaltirish, sanoat tarmoqlarini diversifikatsiya qilish, qishloq xo‘jaligi samaradorligini va aholi bandligini ta’minlash, milliy va hududiy raqobatbardoshlikni oshirish, konstruktiv inson kapitalini rivojlanitirishda muhim sanalgan klasterlarni shakllantirish mamlakatimizning uzoq muddatli barqaror o‘sishida muhim omilga aylanishi mumkin. Shu sababli ham mamlakatimizda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish va rivojlantirish masalalarini tahlil qilish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekistonda klasterlar mamlakatimiz hududlari bo‘ylab tarixan mavjud bo‘lib, bunga Samarqandda qog‘oz, Marg‘ilonda ipak matolari ishlab chiqarish, Xivada gilamchilik, Rishtonda hunarmandchilik, Buxoroda zardo‘zlik rivojlanib kelganini misol qilib keltirish mumkin. Bugungi kunda esa zamonaviy turdagi klasterlarni shakllantirish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etib, so‘nggi yillarda «klaster» atamasi hayotimizga jadal sur’atlarda kirib kelmoqda. O‘zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish masalalari bir nechta iqtisodchilar tomonidan o‘rganilgan bo‘lib, R.Alimov, D.Kurbanova, A.Rasulov, M.X.Kamilova kabi iqtisodchilar O‘zbekistonda paxta sanoati va yengil sanoat klasterini tashkil qilish masalasini o‘rgangan bo‘lsa, A.Abduvaliyev, R.G. Ro‘ziyev kabi iqtisodchilar innovatsion klasterlarning ahamiyati va O‘zbekistonda shakllantirish masalalarini tadqiq etganlar[1].

Bugungi kunda O‘zbekistonda innovatsion faoliyatni rivojlantirishda hamda ilm-fan yutuqlarini ishlab chiqarishga keng joriy qilish uchun, shuningdek mamlakatimiz hududlarining ratsional rivojlanishini ta’minlash maqsadida erkin iqtisodiy zonalar, texnopark, ilmiy-tadqiqot makazlari hamda iqtisodiy klasterlar shakllantirishga e’tibor qaratilmoqda. Mamlakatimizda so‘nggi 2–3 yil davomida klasterlarni shakllantirishga alohida urg‘u berilib, Prezidentimiz rahnamoligida klasterlarni rivojlantirish bo‘yicha bir nechta tashabbuslar ilgari surilmoqda:

Davlatimiz rahbarining «Buxoro viloyatida zamonaviy paxtachilik-tikuvchilik klasterini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qaroriga ko‘ra viloyatda «Buhara kotton tekstil klaster» MChJ shaklida xorijiy korxona va uning asosida paxta xomashyosini hamda boshqa qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish, ularni qayta ishlash va ishlab chiqarish bo‘yicha zamonaviy klaster barpo etildi[2]. Bugungi kunga qadar klasterning ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish uchun 75 mln. AQSH dollariga yaqin ekvivalentdagi investitsiyalar

[1] *Алимов Р., Курбанова Д., Расулов А.* Развитие хлопкового комплекса – важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане // ОБЩЕСТВО И ЭКОНОМИКА, № 7–8, 2005 (Источник: http://naukarus.com/razvitie-hlopkovogo-kompleksa-vazhnoe-napravlenie-klasternoy-ekonomicheskoy-politiki-v-uzbekistane); Р. Алимов, М. Камилова, Д. Курбанова. Кластерная концепция экономического развития. Теория и практика. Т.: «Patent-press», 2005, 53 с.; *Абдувалиев А.А.* Кластер – миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишидаги ўрни ва роли. Рисола. – Т.: «Lesson Press», 2017, 68 б.; *Р.Г. Рузиев.* Кластер в концепции инновационной системы // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2014 йил. № 6, ноябрь-декабрь.

[2] http://buxoro.uz/post/p-22249 Hudud taraqqiyotining huquqiy kafolati

o‘zlashtirildi. Yiliga 10 ming tonna ip-gazlama ishlab chiqarish salohiyatiga ega ushbu klaster tekstil korxonasida bugungi kunda mingga yaqin ishchilar band sanaladi[1]. Buxoro viliyatida, shuningdek, viloyatni 2019–2023-yillarda rivojlantirish dasturi bo‘yicha Peshku tumanida sanoat-qurilish klasteri, Qorako‘lda esa chorvachilik klasterini tashkil etish ham rejalashtirilgan[2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 15-sentabrdagi «Sirdaryo viloyatida zamonaviy paxtachilik-to‘qimachilik klasterini barpo etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-3279-sonli qaroriga ko‘ra «O‘zpaxtasanoateksport» XK, «O‘zbekyengilsanoat» AJ, «Mirzaobod universal trade cluster» xususiy korxonasi, «TRONTEX LP» (Buyuk Britaniya) ва «GRATUM TRADING LP» (Buyuk Britaniya) xorijiy kompaniyalari hamkorligida viloyatda «BEK Cluster» MCHJ qo‘shma korxonasi tashkil qilindi. Fan va ishlab chiqarish hamkorligini ta’minlash maqsadida hozirda ilk qadamlar sifatida Guliston davlat universitetida laboratoriya tashkil etilib, Markazni to‘liq tashkil qilib faoliyatini yo‘lga qo‘yish, keyinchalik uni institutga aylantirish rejalashtirilgan. Markazda, o‘simlik va tuproq tahlili laboratoriyasi, o‘simliklar biotexnologiyasi laboratoriyasi, o‘simliklar genbanki, genomika va boshqa ko‘plab laboratoriyalar tashkil qilingan holda kelgusida ushbu sohani yuqori cho‘qqiga olib chiqish va dunyo bozoriga o‘z mahsulotlarini yetkazib berish rejalashtirilgan[3].

Namangan viloyatining Pop va Mingbuloq tumanlarida ham agroklasterlar tashkil etilmoqda[4].

Prezidentimizning 2017-yil 21-apreldagi «Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to‘g‘risida»gi Farmoni hamda «2017–2021-yillarda maishiy chiqindilar bilan bog‘liq ishlarni amalga oshirish tizimini tubdan takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qaroriga ko‘ra O‘zbekistonning 8 ta hududida zamonaviy, o‘z ichiga qattiq maishiy chiqindilarning barcha jarayonini qamrab

[1] http://uza.uz/ru/society/ot-volokna-do-gotovoy-produktsii-07-01-2020

[2] https://lex.uz/docs/4525526?query=239 Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по комплексному социально-экономическому развитию Бухарской области в период 2019 – 2023 годов».

[3] http://lex.uz/docs/3352681?twolang=true Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

[4] https://lex.uz/ru/docs/4501997 Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по созданию агропромышленного кластера в Мингбулакском и Папском районах Наманганской области».

oluvchi, shu jumladan, ularni yig‘ish, olib ketish, utilizatsiya qilish va qayta ishlashga mo‘ljallangan klasterlar ish boshlaydi[1].

Braziliya bilan hamkorlikda **«Go‘shtni qayta ishlash bo‘yicha klasterlar»ni** yaratish rejalashtirilgan bo‘lib, klasterlar mol go‘shtidan tayyor mahsulot ishlab chiqishning butun sikli – chorvachilik, go‘shtni qayta ishlash va go‘sht mahsulotlari, jumladan, konservalar tayyorlash jarayonlarini to‘liq ishga tushirishga imkon beradi[2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 29-martdagi «O‘zbekiston Respublikasida meva-sabzavotchilikni jadal rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Farmoniga ko‘ra 2018-yilda har bir hududda 1–2 ta **meva-sabzavot klasterlari** tashkil etish va meva-sabzavot yetishtirishga ixtisoslashgan barcha tumanlarni qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishini tashkil etishning klasterli shakliga jalb etish belgilangan[3]. Shuningdek, Qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020–2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasiga muvofiq yuqori qo‘shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarish maqsadida meva-sabzavot klasterlari tashkil etilmoqda. Hozirda bu turdagi klasterlar tomonidan qayta ishlash, saqlash va quritish bo‘yicha 430 ming tonna qo‘shimcha quvvatlarni ishga tushirish yuzasidan 96 ta loyiha rejalashtirilgan. Shuningdek, 6 ming gektarda intensiv bog‘ va 8 ming gektarga yaqin maydonda uzumzor barpo qilish bo‘yicha loyihalar ishlab chiqilgan. Joriy yilda 410 million dollarlik mahsulotlar eksporti mo‘ljallangan[4].

Sobiq «Tosho‘yinchoq» zavodining 12 ming kv.m. maydondagi bo‘sh yotgan bino va inshootlari bazasida bolalar o‘yinchoqlarini ishlab chiqarish bo‘yicha beshta investitsion loyiha birlashtirilib, Toshkentda o‘yinchoqlar ishlab chiqarish bo‘yicha 23 mln dollarlik klaster paydo bo‘ladi. Loyihaviy quvvati yiliga 7 million dona o‘yinchoqni tashkil etadigan klasterning 80 foiz

---

[1] https://daryo.uz/2017/10/31/ozbekistonda-maishiy-chiqindilarni-utilizatsiya-qilish-boyicha-zamonaviy-klasterlar-ishga-tushiriladi.

[2] https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/ozbekistonda-goshtni-qayta-ishlash-klasterlari O‘zbekistonda go‘shtni qayta ishlash klasterlari paydo bo‘lishi mumkin. Bunda Braziliya yordam beradi.

[3] http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-meva-sabzavotchilikni-zhadal-rivozh-30-03-2018 «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

[4] https://uza.uz/uz/politics/klasterlar-faoliyatini-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qi-04-02-2020.

mahsulotlari eksportga yo‘naltiriladi. Loyihalarni amalga oshirish orqali 950 ga yaqin ish o‘rinlari yaratiladi[1].

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 16-oktabrdagi «Yoshlar tadbirkorlik klasterlarini tashkil etilishiga doir chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 843-son Qaroriga ko‘ra mamlakatimizda **yoshlar tadbirkorlik klasterlarini** shakllantirish va tanlov asosida innovatsion faoliyat bilan shug‘ullanuvchi yoshlarni rag‘batlantirish ko‘zda tutilgan[2].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-apreldagi PQ-4698-sonli Qaroriga ko‘ra farmatsevtika sanoatining ilmiy-ishlab chiqarish bazasini rivojlantirishni jadallashtirish, shuningdek yuqumli va boshqa kasalliklarni tashxislash va davolash uchun zamonaviy samarali dori-darmonlarni ishlab chiqarish imkoniyatlarini kengaytirish maqsadida «TASHKENT PHARMA PARK» farmatsevtika klasteri tashkil etiladi[3].

Demak, aytish mumkinki, bugun O‘zbekistonda hududiy va sohaviy klasterlarni shakllantirish orqali milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirish, raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha ishlar boshlanib, loyihalar ishlab chiqilmoqda. Birgina paxta-to‘qimachilik sohasini olsak, bugungacha mamlakatimizda 73 ta paxta-to‘qimachilik klasteri tashkil etilgan bo‘lib, o‘tgan yilgi paxta hosilining 73 foizi ularning hissasiga to‘g‘ri kelgan. O‘rtacha hosildorlik klaster bo‘lmagan yerlarga nisbatan 4,1 sentnerga yuqori bo‘lib, qo‘shimcha 428 ming tonna paxta olingan[4].

O‘zbekiston iqtisodiyoti uchun bugungi rivojlanish bosqichida klasterlarni shakllantirish muhim, bu iqtisodiyotimizda innovatsion sohalar ulushining ortishi, ilm-fanning rivojlanishi, xalqaro maydonda milliy raqabatbardoshligimizni oshirishda ahamiyatli sanaladi. Ammo mamlakatimizda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish va bu jarayonda xorijiy mamlakatlar tajribasidan foydalanish bilan bog‘liq bir nechta muammolarni mavjud bo‘lib, ularga quyidagilarni kiritish mumkin:

---

[1] https://www.gazeta.uz/oz/2017/09/14/uyinchoqlar/ Toshkentda o‘yinchoqlar ishlab chiqarish bo‘yicha 23 mln dollarlik klaster paydo bo‘ladi.

[2] http://lex.uz/docs/3382150?twolang=true Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

[3] https://lex.uz/ru/docs/-4800602 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Tashkent Pharma Park» innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasterini tashkil etishni moliyalashtirishga doir birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi Qarori.

[4] https://uza.uz/uz/politics/klasterlar-faoliyatini-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qi-04-02-2020.

O‘zbekistondagi bugungi kundagi qonunchilikka ko‘ra klasterning huquqiy maqomi belgilanmagan. Klasterlar maqomini belgilashda jahon tajribasida turli yondashuvlardan foydalaniladi (AQSH mamlakat iqtisodiyot tarmoqlari sanoat va lokal klasterlarga ajratiladi, GII 2017 ga ko‘ra klasterlar shaharlar bo‘yicha tasniflangan, ba’zi mamlakatlarda klaster deganda aniq tashkilot tushuniladi va boshqalar). Shu sababli, mamlakatimizda klaster maqomini belgilash, ularni aniqlash metodologiyasini ishlab chiqish muhimdir. O‘zbekiston Respublikasining «Innovatsion faoliyat to‘g‘risida»gi qonuni loyihasida innovatsion klaster tushunchasiga ta’rif berilgan[1] bo‘lsa-da, qonun loyihasi hali muhokama bosqichida[2].

O‘zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish uchun, avvalo, innovatsion faoliyatni rivojlantirish bilan bog‘liq muammolarni tizimli ravishda hal etish lozim. Ya’ni O‘zbekistonda innovatsion faoliyatni to‘g‘ri yo‘lga qo‘ymay turib, klasterlarni shakllantirish qiyin. Bu o‘rinda ta’lim tizimini yanada isloh qilish masalasi muhim ahamiyat kasb etib, yuqori malakali kadrlarni yetishtirish bilan bog‘liq muammolarni hal etish lozim.

Hududiy klasterlarni shakllantishda, avvalo, hududlardagi birlamchi iqtisodiy muammolarni hal qilish zarur. Ya’ni hududlarning iqtisodiy rivojlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan omillarni bartaraf etish, resurslar (tabiiy gaz, elektr energiyasi, suv, inson kapitali, investitsiyalar) bilan ta’minlanganlik darajasini oshirish kerak.

Iqtisodiy klasterlarni shakllantirish sanoat ishlab chiqarish hajmining ortishi bilan bog‘liq. Shu sababli hududiy sanoat rivoji bilan bog‘liq kompleks muammolarni hal etish, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, monopoliyaga qarshi kurashish lozim.

---

[1] «Innovatsion klaster – ma’lum hududdagi innovatsion faoliyatda ishtirok etuvchi, fan, ta’lim, ishlab chiqarishda o‘zaro faoliyatni yurituvchi turli xil tashkilotlar, ilmiy-tadqiqot va oliy ta’lim muassasalari va xizmatlari, shuningdek, yordamchi tashkilotlar (brokerlar, dilerlik, konsalting, marketing va boshqa firmalar) hamda innovatsion mahsulotlar iste’molchilarining yig‘indisi. Hududiy innovatsion klaster – bir hududda joylashgan, innovatsion faoliyat bilan shug‘ullanuvchi kamida bitta ta’lim muassasasi, kredit-moliya tashkiloti, innovatsion yoki venchur fondini o‘z ichiga oluvchi turli xil tashkilotlarning kelishuvga ko‘ra birlashuvi bo‘lib, u ishtirokchi tashkilotlarning davlat hokimiyati organlari, mahalliy o‘zini o‘zi boshqarish organlari, investorlar, moliyaviy yoki innovatsion hududiy klaster rivojiga qiziqish bildirgan boshqa tashkilotlar bilan hamkorligini samarali tashkil etish maqsadida tuziladi.

[2] https://regulateon.gov.uz/uz/documents/2104 Закон Республики Узбекистан «Об инновационной деятельности» (проект)

O‘zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish va bu jarayonda xorij tajribasidan foydalanish bilan bog‘liq eng dolzarb muammolardan biri mamlakatimizda bu sohaning chuqur tahlil qilinmagani, ushbu masalaga qaratilgan tadqiqotlarning kamligidir. Ya’ni, klasterlarning nazariy asoslarini chuqur o‘rganmay turib ularni shakllantirish ko‘plab tashkiliy va metodologik muammolarni keltirishi, klasterning samarali faoliyat olib bormasligiga olib kelishi mumkin.

Mamlakatimizda klasterlarni shakllantirishda xorijiy mamlakatlar tajribasidan foydalanish borasida kelajakda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan muammolar qatoriga esa ko‘pgina o‘tish iqtisodiyoti mamlakatlari singari klasterlarning tub mohiyatini anglamasdan turib ularni shakllantirish, xorijda uzoq davr mobaynida rivojlanib kelgan klasterlarni shakllantirish tajribasini nisbatan qisqa muddatda joriy etishga intilish, klaster tashkil etilishi mumkin bo‘lgan ustuvor tarmoqlar aniqlanmasdan, barcha tarmoqlarda yoppasiga klasterlarni tashkil etish kabilarni kiritish mumkin. Shu sababli ham O‘zbekistonda innovatsion klasterlarni shakllantirishda xorij tajribasidan foydalanish uchun, avvalo, uni chuqur o‘rganish, tahlil qilish kerak.

Innovatsion klasterlarni shakllantirishning jahon tajribasidan kelib chiqqan holda mamlakatmizda innovatsion klasterlarni shakllantirish borasida quyidagi ishlar amalga oshirilishi lozimdir:

– mamlakatda innovatsion faoliyatning huquqiy-normativ bazasini mustahkamlash. Jahon tajribasidan ayon bo‘ldiki, iqtisodiy klasterlar rivojlangan deyarli barcha mamlakatlarda klasterlarni shakllantirishdan avval innovatsion faoliyat bilan bog‘liq ko‘plab qonun hujjatlari qabul qilingan. Shu sababli ham. «Innovatsion faoliyat» to‘g‘risidagi qonunni tezroq qabul qilish lozim;

– klasterlarni rivojlantirishning dastlabki bosqichida davlatning roli muhim ahamiyat kasb etishini hisobga olgan holda, O‘zbekistonda ham davlat klasterli yondashuv modelini joriy qilishda tashabbuskor rolini bajarish lozim. Ammo klasterlar davlat tashabbusi bilan tashkil etilsa-da, klasterni shakllantirishga saloyihat mavjud bo‘lgan ustuvor sohalarda rivojlantirilishi lozim;

– xorij tajribasidan kelib chiqib, O‘zbekistonda 5 yilga mo‘ljallangan innovatsion rivojlanish strategiyasi va uning asosida klasterlarni shakllantirish dasturlarini qabul qilish kerak. Bu o‘rinda mamlakatimizning bir nechta hududlarida pilot innovatsion klasterni shakllantirish va ma’lum muddat davomida ularni tashkil qilish va rivojlantirish bilan bog‘liq muammolarni o‘rganish kerak;

– ko‘pgina mamlakatlarda klasterlar sanoat tarmoqlari asosida shakllantirilib, rivojlantiriladi. Shu sababli ham sanoat ishlab chiqarish hajmini oshirish,

iqtisodiyotimizni diversifiktsiya qilish, ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish, eksportni qo'llab-quvvatlash, monopoliyalarga qarshi kurashish tizimini mustahkamlash, tadbirkorlikning barcha turlari uchun teng rivojlanish imkoniyatlarini taqdim etish, innovatsion tovar va xizmatlar ishlab chiqaruvchi tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlash lozim;

– vazirliklar va idoralarning tashabbuskorligini oshirish. Jahon mamlakatlari tajribasidan ko'rishimiz mumkinki, vazirliklar va idoralarning klasterlarni shakllantirish bo'yicha tashabbuslari yuqori bo'lib, nafaqat innovatsiyalar uchun mas'ul vazirliklar, shu o'rinda ta'lim sohasidagi vazirliklar ham klasterlarni shakllantirish bo'yicha ko'plab dasturlarni amalga oshiradilar. Zero, klaster bu faqatgina ishlab chiqarish korxonalari emas, balki fan-ta'lim-ishlab chiqarishning yig'indisidir;

– klasterlarni shakllantirishda faqat mamlakatimizning rivojlangan hududlari emas, balki yashirin iqtisodiy salohiyatga ega bo'lgan va uni ro'yobga chiqarish lozim bo'lgan hududlarini ham inobatga olish kerak. Bu o'rinda aytish kerakki, ko'pgina mamlakatlarda klasterlarni shakllantirish dasturlari aynan yaxshi rivojlanmagan hududlarning iqtisodiy salohiyatini oshirish maqsadida tashkil etiladi;

– ITTKI xarajatlarini oshirish, ularni moliyalashtirishda biznes subyektlarining ulushini oshirishni rag'batlantirish;

– xorij tajribasidan kelib chiqqan holda ta'lim va kadrlar tayyorlash tizimini isloh qilish (kredit tizimi, xususiy universitetlar ochish, oliy ta'limda o'qishni davom ettirish uchun salohiyati yetarli yoshlarga o'qish uchun imkoniyatlarni kengaytirish, masofaviy ta'limni kengaytirish);

– fan-ta'lim-ishlab chiqarish hamkorligini rivojlantirish, davlat-xususiy sektor sherikchiligini yanada rivojlantirish;

– iqtisodiy va innovatsion klasterlani shakllantirish bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasini chuqur o'rganish, xorijiy mamlakatlar bilan bu borada hamkorlikni yo'lga qo'yish (Yening boshqa mamlakatlar bilan klaster rivojlantirish bo'yicha ko'plab klaster dasturlari bo'lib, biz ham bu borada ular bilan hamkorlik qilishimiz mumkin);

– eng asosiysi esa klasterlarni ustuvor tarmoqlarda tashkil etish, bu uchun ma'lum kritik massani shakllantirish, ularni kuch bilan tashkil etmaslik va rivojiga byurokratik yo'llar bilan aralshmaslik lozimdir.

O'zbekiston hududida klasterlar tarixan mavjud bo'lib, bugungi kunda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish borasida mamlakatimizda bir nechta

islohotlar amalga oshirilmoqda. Xususan, faoliyatning huquqiy-normativ bazasi mustahkamlanmoqda, ixtisoslashtirilgan erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar, innovatsion markazlar, paxtani qayta ishlash, tekstil, go'shtni qayta ishlash, meva-sabzatvotchilik, chiqindilarni qayta ishlash va utilizatsiya qilish, yoshlar tadbirkorlik klasteri shular jumlasidandir.

O'zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish va bu jarayonda jahon tajribasidan foydalanish borasida bir qancha muammolar bo'lib, ular sirasiga klasterlarning huquqiy maqomining belgilanmagani, innovatsion faoliyat bilan bog'liq muammolarning mavjudligi, hududlarni ratsional rivojlantirish masalasi, mamlakatimizda klasterli yondashuv borasida tadqiqotlarning kamligi, salohiyatli kadrlar yetishmasligi kabilarni kiritish mumkin.

Klasterlarni shakllantirishning nazariy asoslari va jahon tajribasini o'rgangan holda O'zbekistonda agroklasterlar, vino klasterlari, charm-poyabzal klasterlari, agrosanoat klasterlari, neft-gaz klasteri, yengil sanoat klasteri, turizm klasteri, nanotexnologiyalar klasteri, tibbiyot asbob-uskunalarini ishlab chiqarishga ixtisoslashgan klasterlar, farmatsevtika klasterlari, mashinasozlik klasteri, media klaster, qayta tiklanuvchi energiya manbalari klasteri, «life sciences», biotexnologiyalar klasterlarini shakllantirish va rivojlantirishga imkoniyatlar mavjuddir.

Shunday qilib aytish mumkinki, O'zbekistonda iqtisodiy klasterlarni shakllantirish ishlab chiqarish resurslarini ratsional taqsimlash, mamlakat va uning hududlarining raqobatbardoshligini oshirish, raqobatbardosh tovar va xizmatlarning yaratilishi, yangiliklarning ishlab chiqarish kanallari bo'ylab tez tarqalishi ishlab chiqarish xarajatlarining kamayishi, pozitiv va konstruktiv inson kapitalining yaratilishi, mamlakatimizning xalqaro mehnat taqsimotida o'zining munosib o'rnini egallashiga yordam beradi.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

3. *Алимов Р., Курбанова Д., Расулов А.* Развитие хлопкового комплекса – важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане // ОБЩЕСТВО И ЭКОНОМИКА, №7–8, 2005 (Источник: http://naukarus.com/razvitie-hlopkovogo-kompleksa-vazhnoe-napravlenie-klasternoy-ekonomicheskoy-politiki-v-uzbekistane).

4. *Р.Алимов, М.Камилова, Д.Курбанова.* Кластерная концепция экономического развития. Теория и практика. -- Т.: «Patent-press», 2005. С. 53.

5. *Абдувалиев А.А.* Кластер – миллий иктисодиётнинг инновацион ривожланишидаги ўрни ва роли. Рисола. – Т.: «Lesson Press», 2017. 68-бет.

6. *Р.Г.Рузиев.* Кластер в концепции инновационной системы // «Иктисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2014 йил. № 6, ноябрь-декабрь.

ТИЛ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ, МАЪРИФИЙ ТАКОМИЛ АСОСИ

Лола АЗИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Аннотация. Мақолада ўзбек тили такомили ва бу борада амалга оширилган ишлар, қабул қилинган фармонлар ва кенг кўламли ислоҳотлар мисоллар асосида ёритилган ҳамда тил софлигини сақлаш масаласи долзарб мавзулардан бири сифатида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ўзбек, тил, миллат, жамият, давлат, ислоҳот, мустақиллик, маънавият, маърифат, тараққиёт, ривожланиш.

Аннотация. В статье приводятся примеры совершенствования узбекского языка и проделанной работы в этом направлении, указов и масштабных реформ, а также анализируется проблема языковой чистоты как одна из самых актуальных.

Ключевые слова: узбекский, язык, нация, общество, государство, реформа, независимость, духовность, просвещение, прогресс, развитие.

Abstract. The article provides examples of the improvement of the Uzbek language and the work done in this regard, the decrees and large-scale reforms, and analyses the issue of language purity as one of the most pressing issues.

Key words: Uzbek, language, nation, society, state, reform, independence, spirituality, enlightenment, progress, development.

Тил миллат маънавий хусусиятларини, миллий жиҳатларини, умуман, миллий яхлитлигини таъминлайдиган ва бир бутун қадрият сифатида ифода этадиган бебаҳо бойликдир. Бу маънавий бойликдан истеъфода этиш, унинг миллий халқ руҳияти сифатидаги жиҳатларини кўрсата олиш жамият ва давлат фаолиятининг муҳим асоси ҳисобланади. Қайсики миллат ўз тилига хурмат руҳида қараган ҳолда тўғри истеъфода эта олса, ўша жойда маънавий юксалиш, миллий тараққиёт, маърифий такомил бўлади. Бу борада, буюк алломаларимиз ўз асар ва қайдномаларида тилни бойитишга, уни такомиллаштиришга ҳамда асраб-авайлашга қаратилган илғор қарашларини илгари сурганлар. Буюк маърифатпарвар ижодкор Абдулла

Авлоний: *«миллатни миллат эканлигини кўрсатадиган унинг она тилидир. Тилни йўқотмак, бу миллат руҳини йўқотмакдур ёки ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир»,* деган эдилар. Ўз она тилига эътиборли, қадрли бўлган миллат тараққий этади, юксалади. Бу юксалиш ҳам инсон маънавий ўсишига ҳам давлат, жамият тараққиётига хизмат қилади. Шу жиҳатдан, давлатимиз сиёсатининг негизини ҳам миллий тил, она тилига эътибор ташкил этади. Айниқса, она тилига давлат тили мақоми берилиши юзасидан илк қадамлар собиқ иттифоқ даврида, яъни 1989 йил 21 октябрда қўйилгани ўзбек халқи учун истиқлол шабадаларини қучгандек, жуда қувонарли ҳол бўлди. Не ажабки, ўз она тилига эга бўлган халқ бошига секин-аста ҳурлик, мустақиллик шабадалари ҳам эсди. Мустақиллик шабадалари эса бизга ўз она тилимизни қайтариб берди. Халқимиз ўз она тилида бемалол гапира олди, ижод қилди, энг муҳими, ўз сўзини баралла айта олди. Бу борада муҳтарам Президентимиз ўз нутқларида *«Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эътиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак»,* деб ўзбек тилининг нуфузини юқори ўринга қўйиб, халқни маънавий такомилга чорладилар. Айниқса, *«Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир»,* деган оташин фикрларидан тилнинг буюк қадрият сифатидаги нуфузини ҳис қилишимиз, маънан туйишимиз мумкин.

Асосий қисм. Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек тили нуфузини ошириш, уни янада такомиллаштириш борасида долзарб ва сиёсий аҳамиятга молик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги *«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги Фармони ва Фармон асосида давлат тилини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги қатор ишлар бунинг яққол далилидир. Тил софлигини сақлаш, илмий асосланган сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, адабий тил меъёрлари асосида фаолият олиб боришни ташкиллаштириш ишларининг қонун ҳужжатлари доирасида белгиланиши муҳим ва зарурий вазифалардан бўлди. Фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди ва департамент томонидан тилни ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш бўйича қатор маърифий ишлар олиб борилмоқда. Бундан кўринадики, ўзбек

тилини янада такомиллаштириш, унинг софлиги ва миллий жиҳатларини асраш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб эканини бугунги глобаллашув жараёнлари кўрсатмоқда. Айни пайтда тил софлигини сақлаш, уни миллий руҳда ўз мақомида асраш ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги, давлатнинг нуфузи сифатида баҳоланмоқда. Зеро, тил миллатнинг яхлитлигини, миллий бирлигини, маънавий жиҳатларини кўрсатадиган муҳим ва асосий мезони ҳисобланади. Бежиз, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёни мустамлака қилишда маънавий жиҳатлардан бири сифатида тилни йўқотишга интилиш бўлмаган. Чунки миллатни миллат эканини тил, дин ва миллий қадриятлар кўрсатади ва инсоннинг ўзлигини англатиб туради. Айни пайтда, тили ғариб ёки қадр топмаган миллатнинг ўзлиги ҳам қадру эътибор топмайди. Шу жиҳатдан, «Учинчи ренессанс» сифатида эътироф этилаётган бугунги янги давлатчилик жамиятида миллий хусусиятлар, маърифий жиҳатлар юқори босқичга олиб чиқилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ривожланишда она тилига таяниш кераклигини Президентимиз алоҳида таъкидлаб, *«Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз»*, деган эдилар. Айни дамда, бунинг амалий ифодасининг муҳим ва халқаро аҳамиятлиси сифатида давлат раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида таъсирчан нутқ сўзлаши ўзбек халқи, миллат нуфузи учун мисли кўрилмаган ютуқ бўлди. Илк бор дунё нигоҳи қадалган халқаро ташкилот минбарида ўзбек тилида нутқ сўзланиши ўзбек халқининг маънан бой, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий ва бошқа буюк даҳоларни етиштирган табаррук замин, ўз тилига эга юрт эканини кўрсатиш баробарида ўзбек халқининг руҳи, теран тафаккури ҳамда илдизи маънавий чашмадан озиқланган миллат эканини яққол намоён этди. Шунингдек, бу жараён юртимизда давлат тилига бўлган эътибор, унинг нуфузи ва мавқеи ҳамда қадр-қимматини ошириш, ривожлантириш ва янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларимизнинг амалий ифодаси бўлди.

Бу каби маърифий ишларнинг амалий ифодаси сифатида, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши ва филология соҳасида етук кадрларни тарбияланаётгани кувонарли ҳолдир. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида *«Ўзбек тили ва муттоз шарқ адабиёти»* кафедрасининг фаолият юрити-

